



Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,

Эркин АЪЗАМОВ,

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,

Гулчеҳра ЖУРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ

(бош редактор ўринбосари),

Омон МАТЖОН,

Хайриддин СУЛТОНОВ,

Худойберди ТУХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,

Урие ЭДЕМОВА,

Уткир ҲОШИМОВ.

(40)
1985
ЙИЛ,
АПРЕЛЬ



ТОШКЕНТ
«Ёш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ. Таржимаи ҳол	4	БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ	
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида инфор­мацион билдириш	5	Илья ЭРЕНБУРГ. Узбеклар	58
КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВнинг 1985 йил 11 мартда КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи	6	Расул РАҲМОНОВ. Нафасидан номи аён	59
КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаати	8	АДАБИЙ САБОҚ	
		В. И. ЛЕНИН. «Умумпролетар ишининг бир қисми...»	63
		УСТОЗЛАРИМИЗ	
		Шермат АЛЛОМОВ. Ёзувчи тарзи ва қаҳрамон характери	65
		НАФОСАТ ЧАМАНИ	
		Нелли ЗИГАНШИНА. Қалам ва мўйқалам уйғунлиги	68
НАСР		АДАБИЙ ТАНҚИД	
Саъдулла СИЁЕВ. Саратовда қор ёғди. Қисса	10	Миродил МИРЗАЕВ. Изланиш бекатларида	71
Абдуғани АБДУВАЛИЕВ. Бизнинг йўлимиз. Қиссанинг боши	36	ЖАҲОН АДАБИЕТИДАН	
Ёқутхон АКРАМОВА. Уйинчоқ. Ҳикоя	47	Бобо ТОҶИР. Тўртликлар	74
НАЗМ		ЕШЛИК КИТЪАЛАРИ	
Мирза КЕНЖАБОВ	32	Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ. Боқий олам умиди	76
Шукур СОДИҚ	46	«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ	
БОЙЧЕЧАК		Ғуломжон ҚЎЗИБОВЕВ. Агар зарур шароит яратилса	78
Анвар ОБИДЖОН. Шеърлар	50	Людмила ЕГОРОВА. Мувозанат	79
ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ			
Шаҳобиддин ЗАЙНИДДИНОВ. Гагарин изидан	52		
Эркин МАДРАҲИМОВ. Йигирма иккилар	56		
Қилич НУРМУҲАМЕДОВ, Қодиржон СОБИРОВ. Мен халқимнинг юрагида яшайман	61		

Муқованинг биринчи ва тўртинчи саҳифаларини
рассом О. БОБОЖОНОВ ишлаган.



Михаил Сергеевич
Горбачев

Михаил Сергеевич Горбачев

Михаил Сергеевич Горбачев 1931 йил 2 март куни Ставрополь ўлкаси Красногвардейск районининг Привольное қишлоғида деҳқон оиласида туғилди.

1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидан кейин кўп ўтмай у 15 ёшида меҳнат фаолиятини бошлади. Машина-трактор станциясида механизатор бўлиб ишлади. 1952 йилда КПСС сафига кирди. 1955 йилда М. В. Ломоносов номи Москва давлат университетини (юримдик факультетни) тамомлади, 1967 йилда эса Ставрополь қишлоқ хўжалик институтини битириб олим-агроном-экономист ихтисосини олди.

1955 йилдан М. С. Горбачев — комсомол ва партия ишида, Ставрополь ўлкасида: ВЛКСМ Ставрополь шаҳар комитетининг биринчи секретари, ўлка комсомол комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, сўнгра эса ўлка комитетининг иккинчи ва биринчи секретари лавозимида ишлади.

1962 йил мартида М. С. Горбачев Ставрополь территориал-ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармасининг партия ташкилотчиси қилиб кўтарилди, ўша йилнинг декабрида эса КПСС ўлка комитети партия органлари бўлимининг мудирини этиб тасдиқланди.

1966 йилнинг сентябрида у Ставрополь шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. 1968 йил августидан бошлаб М. С. Горбачев КПСС Ставрополь ўлка комитетининг иккинчи секретари

бўлиб ишлади, 1970 йил апрелида эса КПСС ўлка комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

М. С. Горбачев — 1971 йилдан буюн КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. Партиянинг XXII, XXIV, XXV ва XXVI съездлари делегати бўлди. 1978 йилда КПСС Марказий Комитетининг секретари, 1979 йилда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди. 1980 йил октябрида М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатликдан Сиёсий бюро аъзолигига ўтказилди. 8—11 қақириқлар СССР Олий Советининг депутати, Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси. 10—11 қақириқлар РСФСР Олий Советининг депутати.

Михаил Сергеевич Горбачев — Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, партия топширган ҳамма лавозимларда ўзига хос ташаббус, ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қилиб келмоқда, ўз биллими, бой тажрибаси ва ташкилотчилик истеъдодини партия сиёсатини турмушга татбиқ этишга сарфламоқда, улуғ Ленин ишига, меҳнаткаш халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги хизматлари учун М. С. Горбачев учта Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси» орденлари ва медаллар билан мукофотланган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК

ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ

КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1985 йил 11 март куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан Пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. С. Горбачев очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко вафот этганлиги муносабати билан Пленум қатнашчилари бир дақиқа қайғули сукут ичра Константин Устинович Черненко хотирасини ҳурмат билан эсга олдидлар.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудодликка учраганини ўқтириб ўтди. Атоқли партия ва давлат арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, коммунизм ва ер юзида тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи К. У. Черненко ҳаётдан кўз юмди.

Константин Устинович Черненко бутун умрини Ленин партияси ишига, совет халқи манфаатларига бағишлади. Партия уни қаерга юбормасин, доимо у ўзига хос фидокорлик билан КПСС сиёсатини амалга ошириш учун курашди.

Ривожланган социализмни такомиллаштиришга, иқтисодий ва социал ривожланишнинг катта вазифаларини ҳал этишга, совет халқининг фаровонлиги ва маданиятини оширишга, омманинг ижодий активлигини янада юксалтиришга, идеология ишини яхшилашга, интизом, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказишга Константин Устинович Черненко кўп эътибор берди.

Константин Устинович Черненко қардош социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга, социалистик иқтисодий интеграцияни амалга оширишга, социалистик ҳамдўстлик позицияларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари унинг раҳбарлигида қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этилди, империализмнинг агрессив шум ниятларига кескин зарба берилди, империализм авж олдирган қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини тугатиш, халқларнинг пухта хавфсизлигини таъминлаш учун тинимсиз кураш олиб борилди.

Коммунистик партиянинг бирлигини, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси фаолиятининг коллектив характерини Константин Устинович Черненко кўз қорачиғидек

ардоқлаб асради. Доимо у партия барча поғоналарда жипслашган, аҳил ва жанговар организмдек иш кўришига интилди. Коммунистларнинг фикр-ўйлари ва ишлари бирлигини у барча муваффақиятларимизнинг, камчиликларни тугатишнинг гарови, олға томон муттасил ҳаракат қилишнинг гарови деб билди.

Коммунистлар, бутун совет халқи шу қайғули кунларда партия Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварағида янада маҳкамроқ жипшладилар, деб ўқтирди Пленум. Совет кишилари партияни тўла асос билан жамиятнинг раҳбар ва йўналтирувчи кучи деб биладилар ҳамда КПССнинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун садоқат билан курашишга азму қарор берганлар.

Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари марҳумнинг қариндош-уруғларига ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этдилар.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Сиёсий бюронинг топширувига биноан шу масала юзасидан Сиёсий бюро аъзоси ўртоқ А. А. Громико сўзга чиқди. У ўртоқ М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлашни таклиф қилди.

Пленум ўртоқ М. С. Горбачевни яқдиллик билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Сўнгра Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети ўзига билдирган юксак ишонч учун чуқур миннатдорчилик изҳор этди, шу билан боғлиқ бўлган масъулият нақадар буюклигини жуда яхши тушунишини ўқтириб ўтди.

Ўртоқ М. С. Горбачев партиямизга, халқимизга, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш учун КПССнинг программавий йўл-йўриқлари муттасил амалга оширилиши, СССРнинг иқтисодий ва муҳофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давомийлик таъминланиши учун, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсати сабот билан турмушга татбиқ этилиши учун бутун кучимни сарфлайман, деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС Марказий Комитети

Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг

1985 йил 11 мартда

КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳаммамизнинг, партиямиз ва мамлакатимизнинг бошига оғир мусибат тушди. Содиқ ленинчи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, меҳрибон инсон ва зўр ташкилотчилик истеъдоди соҳиби — Константин Устинович Черненко ҳаётдан кўз юмди.

Константин Устинович катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Партия унга топширган ҳар бир участкада унинг истеъдоди, одамлар билан ишлаш маҳорати тобора тўлиқроқ намоён бўлаверди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимида Константин Устинович Черненко ўзининг бутун кучи ва билимини мамлакат экономикасини ривожлантиришга, халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстиришга, Ватан хавфсизлигини таъминлашга, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлашга сарфлади.

Константин Устинович Черненко Коммунистик партиянинг бирлигини, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси фаолиятининг коллектив характерини кўз қорачиғидек ардоқлаб асради. У доимо партия барча поғоналарда жипслашган, аҳил ва жанговар организмдек иш кўришига интилди. Коммунистларнинг фикр-ўйлари ва ишлари бирлигини у муваффақиятларнинг, камчиликлар тугатилишининг гарови деб, олға томон муттасил қиладиган ҳаракатимизнинг гарови деб билди.

XXVI съездда, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида Юрий Владимирович Андропов билан Константин Устинович Черненконинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган стратегик йўл ўзгармас йўл бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу — мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш, жамият турмушининг барча соҳаларини такомиллаштириш йўлидир. Бунда гап ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш тўғрисида бормоқда. Гап ижтимоий муносабатлар, аввало, иқтисодий муносабатлар системасини такомиллаштириш ҳақида бормоқда. Гап инсоннинг ўзини камол топтириш ҳақида, унинг турмуши ва меҳнати моддий шароитларини, унинг маънавий қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилаш тўғрисида бормоқда.

Биз халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изларига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришишимиз лозим. Биз қисқа муддатларда энг илгор илмий-техникавий позицияларга, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги олий даражасига чиқиб олишимиз лозим ва шундай қилишга мажбурмиз.

Бу вазифани муваффақиятлироқ ва тезроқ ҳал этиш учун хўжалик механизмини ва бутун бошқарув системасини бундан буён ҳам сабот билан такомиллаштириш зарур. Биз шу йўлдан бориб, энг мақбул ечимларни танлаб, социалистик хўжалик юритишнинг энг асосий принципларини ижодий қўллашимиз

муҳимдир. Бу — экономикани планли ривожлантиришни муттасил амалга ошириш, социалистик мулкни мустақамлаш, корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, уларнинг пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини кучайтириш демакдир. Бу бутун иқтисодий тараққиётни пировард натижада совет кишилари манфаатларига бўйсундириш демакдир.

Партия ўзи ишлаб чиққан социал сиёсатни муттасил ўтказиб беради. Программамизга ёзиб қўйилган — «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун», деган қоида тобора чуқур ва аниқ-равшан мазмун билан тўлиб бориши лозим. Инсоннинг турмуш шароитлари яхшиланиши унинг умумий ишга тобора кўпроқ ҳисса қўшишига асосланиши кераклиги равшан. Шу принципдан четга чиқишга йўл қўйилган жойларда социал адолатга муқаррар хилофлик содир бўлади. Социал адолат эса социалистик жамият бирлиги ва барқарорлигининг энг муҳим омилдир.

Партия демократияни, халқ социалистик ўз-ўзини бошқаришининг бутун системасини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни ички сиёсатининг туб вазифаларидан бири деб билади. Бу соҳадаги вазифалар кўп қирралидир. Шу жиҳатдан кўп иш қилинмоқда. Советларнинг ролини янада ошириш, касаба союзларини, комсомолни, халқ контролини, меҳнат коллективларини активлаштириш назарда тутилади. Аммо келгусида шу пайтгача белгилаб қўйилган соҳаларда ҳам, янги соҳаларда ҳам сабот билан иш қилиниши лозим.

Социалистик демократияни чуқурлаштириш ижтимоий онгни ошириш билан чамбарчас боғланган. Тарбиявий ишнинг самарадорлиги аввало, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг катта ва кичик проблемаларни ҳал этишда қандай қатнашаётганликларида, улар қандай меҳнат қилаётганликларида, камчиликларни тугатиш учун қандай курашаётганликларида намоён бўлмоқда. Бутун идеологик фаолиятнинг натижалари совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва социал активлигини ошириш, интизомни мустақамлаш, ватанпарварлик ва интернационализм руҳидаги тарбия — бутун идеология фаолиятининг муҳим вазифасидир.

Шу билан бирга бундан буён ҳам янада тартиб ўрнатиш, турмушимизни ёт ҳодисалардан, жамият ва унинг граждандари манфаатларига ҳар қандай ҳамлалардан тозалаш, социалистик қонунчилигини мустақамлаш юзасидан қатъий чоралар кўрилаверади.

Биз партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотларининг ишидаги ошкораликни бундан буён ҳам кенгайтиришимиз лозим. В. И. Ленин давлат омманинг онглилиги билан кучли, деган эди. Бизнинг тажрибамиз бу хулосани тўла-тўқис тасдиқлади. Одамлар нақадар яхшироқ хабардор бўлсалар, шу қадар онгли равишда ҳаракат қиладилар, партияни, унинг режалари ва программавий мақсадларини активроқ қўллаб-қувватлайдилар.

Ташқи сиёсат соҳасидаги йўлимиз равшан ва изчилдир. Бу — тинчлик ва тараққиёт йўлидир.

Энг яқин сафдошларимиз ва иттифоқчиларимиз — улғу социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошларча дўстликни ардоқлаш ва ҳар томонлама мустақамлаш — партия билан давлатнинг энг биринчи вазифасидир. Биз социалистик давлатлар билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш учун, жаҳон ишларида социализмнинг роли ва таъсирини ошириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверамиз. Биз Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни жиддий равишда яхшилашни истаймиз ва ўзаро хоҳиш бўлган тақдирда бунга бемалол эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Совет Иттифоқи халқларнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаб келди. Ҳозир ҳам биз ўз мустақиллигини мустақамлаш ва социал янгилашни йўлидан бораётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларига хайрихоҳмиз. Биз учун улар — мустақам тинчлик учун, халқлар ўртасида яхши, одилона муносабатлар учун курашда дўст ва ҳамкордирлар.

Капиталистик давлатлар билан муносабатларга келганда қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман. Биз ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўлидан қатъият билан борамиз. Совет Иттифоқи ҳолис ниятга ҳаммиша ҳолис ният билан, ишончга ишонч билан жавоб беради. Аммо биз Ватанимизнинг ва унинг иттифоқчиларининг манфаатларидан ҳеч қачон воз кечмаслигимизни ҳамма билиб қўйиши керак.

Биз халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида 70-йилларда эришилган муваффақиятларни қадрлаймиз ва давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик негизларидаги тинч, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёнини давом эттиришда қатнашишга тайёرمىз. Гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган Улғу Ғалабанинг қирқ йиллигини бу соҳада янги қадамлар қўйиш билан муносиб нишонлаш мумкин бўлур эди.

Илгари ҳеч қачон инсоният боши узра шу кунлардагидек даҳшатли хавф пайдо бўлмаган эди. Вужудга келган аҳволдан қутулишнинг бирдан бир оқилона йўли — қаршига қарши турган кучларнинг ерда қуроллишни пойгасини — аввало ядро қуроллари билан қуроллишни пойгасини дарҳол тўхтатиш ва космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик ҳақида бир битимга эришишдан иборат. Иккинчи томонни «доғда қолдиришга уринмай ва унга ўз шартларини буурмай, ҳалол ва тенг ҳуқуқли асосда битимга эришиш, эзгу мақсад — ядро қуроллини батамом тугатиш ва абадий тақиқлаш, ядро уруши хавфини батамом йўқотиш сари олға силжишда ҳаммага ёрдам берадиган битимга эришмоқ керак. Бунга бизнинг ишончимиз комил.

Эртага Женевада СССР билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида музокаралар бошланади. Совет Иттифоқининг бу музокараларга қандай ёндашиши яхши маълум. Шунинг яна бир қарра таъкидлаб ўтмоқчиман: биз Қўшма Штатлардан, НАТО мамлакатларидан бир ёқлама афзалликка эришишга, улардан ҳарбий устуликка интильмаймиз, биз қуроллишни пойгасини давом эттиришни эмас, балки тўхтатишни хоҳлаймиз — аини шунинг учун ҳам ядро қуролларини кўпайтирмасликни, ракеталарни бундан буён жойлаштиришни тўхтатишни таклиф қилаймиз; биз хоҳ космосда бўлсин, хоҳ ерда бўлсин қуролларнинг тобора янги системаларини яратишни эмас, балки ғамлаб қўйилган қурол-яроғларни ҳақиқатан ва катта миқдорда қисқартиришни хоҳлаймиз.

Женевадаги музокарадошларимиз Совет Иттифоқининг позициясини тушуниб, шунга мувофиқ иш тугишларини хоҳлар эдик. Шунда бир битимга эришиш мумкин бўлур эди. Жаҳон халқлари энгил нафас олган бўлур эдилар.

КПСС — ўз табиатиға кўра интернационал партиядир. Бизнинг чет эллардаги маслакдошларимизнинг ишончи комил бўлаверсин: Ленин партияси тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда, ҳаммиша бўлганидек, қардош коммунистик, ишчи, революцион-демократик партиалар билан мустақам ҳамкорлик қилаверади, барча революцион кучларнинг бирлиги ва актив баҳамжиҳат ҳаракат қилиши учун курашаверади.

Уртоқлар! Олдимизда турган мураккаб вазифаларнинг ҳал этилиши партияни янада мустақамлашни, унинг сафарбар этуви ва раҳнамолик ролини оширишни тақозо этади. КПСС ҳаммиша Лениннинг принципиал сиёсат — бирдан бир тўғри сиёсатдир, деган фикриға амал қилиб келди ва шу фикриға амал

қилаверади. Коллектив бўлиб ишлаб чиқиладиган бу сиёсат изчиллик билан муттасил амалга оширилаверади. Партия — мамлакатдаги барча синф ва социал группаларнинг, ҳамма миллат ва элатларнинг манфаатларини эътиборга олишга, уларни бир бутун қилиб жипслаштиришга, халқнинг куч-ғайратини коммунистик бунёдкорликнинг муштарак ишиға сафарбар этишга қодир бўлган кучнинг ўзидир.

Партиянинг сиёсати ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқини мустақамлашга, улғу, кўп миллатли давлатимиз халқларининг дўстлигини муттасил мустақамлашга қаратилиб келди ва шундай бўлиб қолади.

КПСС ёшларнинг ижодий ташаббусини ҳар томонлама ривожлантираверади, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида, уруш ва меҳнат ветеранларини ҳар талаб ва эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилаверади.

Мураккаб халқаро вазиятда Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада сақлаш мумкиндир. Потенциал агрессорлар шунинг яхши билиб қўйсинлар: Совет мамлакати ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигиға, совет кишиларининг тинч турмушиға қилинадиган ҳамлага қажшатиқ жавоб зарбаси берилади. Шонли Куролли Кучларимиз бунинг учун келгусида ҳам зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланаверади.

Ҳозир КПСС XXVII съездиға тайёргарлик ишлари кенг миқёсда авж олдириб юборилган. Бу съездда партиянинг янги тахрирдаги Программаси кўриб чиқилади, мамлакатни ривожлантиришнинг келгуси беш йилликдаги ва 2000 йилгача бўлган истиқболлари белгиланади.

Юқоридан қуйиғача барча партия ташкилотларининг қизгин, ижодий ишлашини замон талаб қилмоқда. Барча участкаларда, ҳамма ерда ва ҳар ишда коммунистлар граждандлик бурчини адо этиш, жамият манфаатлари йўлида виждонан меҳнат қилиш, ҳамма жойда ленинча иш услубини қарор топтириш намунаси бўлишлари керак. Бу гап аввало партия кадрларига, партия ва давлат раҳбарларига тааллуқлидир. КПСС талабчанликни кучайтириш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш йўлини изчиллик билан ўтказаверади.

Марказий Комитет аъзолари, область комитетларининг биринчи секретарлари, Пленумнинг ҳамма қатнашчилари Пленум тугагач, жойларга бориб янги ғайрат билан ишга киришадилар. Қилинадиган ишлар эса кўп. Аввало, бу йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажариш соҳасидаги ишни муваффақиятли тугаллаш ва шу тариқа навбатдаги беш йилликни дадил бошлаш учун замин яратиш керак.

Қаҳратон қиш бир қанча тармоқлардаги план топшириқларининг амалга оширилишиға бирмунча халақит берди. Бинобарин, ҳозир шайланиб, резервларни сафарбар этиш, бутун кучни тўплаб, қилинмай қолган ишларни етказиб олиш ва йил охиригача белгиланган марраларға чиқиш лозим.

Уртоқлар, коммунистларнинг сафлари нақадар қудратли ва метиндек кучли эканини, совет халқимиз нақадар жипслашган ва яқдил эканини шу кунларда янада яхшироқ ҳис этияймиз. Яқинда бўлиб ўтган сайловда совет кишилари партиямиз билан давлатимизнинг йўлини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашларини яна бир бор изҳор этдилар. Бу қўллаб-қувватлаш бизга илҳом беради ва зиммамизға масъулият юклайди.

Бугун Марказий Комитет Пленуми менинг зиммаға КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бўлишдек мураккаб ва катта вазифани юклади. Менга билдирилган ишонч нақадар буюклигини ва у билан боғлиқ бўлган масъулият нақадар катталигини яхши тушунаман. Келгусидаги ишда Сиёсий бюро аъзоларининг, Сиёсий бюро аъзолигиға кандидатларнинг ва Марказий Комитет секретарларининг, умуман, партия Марказий Комитетининг мадади ва актив ёрдамиға умид қиламан. Сизларнинг кўп қиррали тажрибангиз — халқимиз тарихий тажрибасининг йиғиндисидир. Уртоқлар, партиямизға, халқимизға, улғу Ленин ишиға садоқат билан хизмат қилиш учун бутун кучини сарфлайман, деб сизларға ваъда бераман.

Марказий Комитет теварағиға жипслашган халқ ва партия КПСС XXVII съездиға ҳозирлик кўрар экан, совет Ватанимиз янада бадавлат ва бақувват бўлиши учун, социализмнинг бунёдкорлик кучлари янада тўлиқроқ намоён бўлиши учун ҳамма ишни қиладилар, деб ишонч билдиришға рухсат этгайсизлар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик Партияга, совет халқига МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати, бутун совет халқи оғир жудоликка учради. Партия ва давлатнинг атоқли арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, ер юзида коммунизм ва тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи Константин Устинович Черненко вафот этди.

Константин Устинович Черненконинг бутун ҳаёти Ленин партиясининг ишига, совет халқининг манфаатларига хизмат қилишга бағишланган эди. Партия юборган ҳамма жойда у ҳамisha ўзига хос фидокорлик билан КПСС сиёсатини амалга ошириш учун курашди. У эллик йилдан ортиқ партия сафида бўлди.

К. У. Черненко чегара заставасининг комсомол раҳбари ва партия ташкилотчиси вазифасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимигача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг Ленин типдаги ташкилотчи, раҳбар сифатидаги таланти партия ва давлатдаги юқори лавозимларда тўлиқ намойён бўлди. К. У. Черненко бошчилигидаги партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди, Марказий Комитет кейинги Пленумлари қарорларини бажаришга сафарбар этиш соҳасида катта ва самарали иш қилдилар.

Ривожланган социализмни такомиллаштириш, иқтисодий ва социал ривожланиш соҳасидаги йирик вазифаларни ҳал этиш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, омманинг ижодий активлигини янада юксалтириш, идеологик ишни яхшилашга қаратилган йўл изчиллик билан амалга ошириб келинди. Интизом, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлаш, кадр сиёсати, Советларнинг, комсомол, халқ контролининг фаолиятини кучайтириш, мактаб ислохоти, адабиёт ва санъатнинг ижтимоий ролини юксалтириш масалалари ҳамisha партиянинг диққат марказида турди. КПССнинг навбатдаги XXVII съездига тайёргарлик, КПССнинг янги тахирдаги Программасини ишлаб чиқиш соҳасида актив иш олиб борилмоқда.

Халқаро майдонда партиянинг куч-ғайрати қардош социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилди. Социалистик иқтисодий интеграциянинг янги босқичига ўтиш, социалистик ҳамдўстлик позицияларини мустаҳкамлаш К. У. Черненконинг фаолияти билан боғланган.

КПСС Марказий Комитети, Совет давлати турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келдилар, империализм энг реакцион доираларининг агрессив ниятлари ва интилишларига қарши қатъий ҳаракат қилдилар, империализм томонидан тикиштирилган қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини йўқотиш, халқларнинг мустаҳкам хавфсизлигини таъминлаш учун тинмай курашдилар.

Оғир мусибат муносабати билан КПСС Марказий Комите-

ти, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети коммунистларга, совет халқига мурожаат қилиб, партиянинг ленинчи Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварагига янада маҳкам жипслашишга даъват этадилар. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи деб билиш учун ҳамма асосларга эгадирлар. Партиянинг бутун иши ва режалари совет халқининг туб манфаатларига, коммунизм ишига фидокорона хизмат қилишга қаратилган.

КПСС абадий барҳаёт революцион марксча-ленинча таълимот билан қуроланган. У Ленин кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бормоқда ва ҳеч қачон бу йўлдан четга чиқмайди.

Партия бундан буён ҳам ривожланган социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш йўлини ўтказаверади. У экономикани интенсифлаш, фан-техника тараккиётини бутун чоралар билан жадаллаштириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада оширишни ўз фаолиятининг олий мақсади деб билади. Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида социализмга хос бўлган социал адолат принципи зўр қатъият билан тўлиқ амалга оширилаверади, мамлакат меҳнаткашлари маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган йўл — интизомни, тартибни, уюшқоқликни мустаҳкамлаш йўли тинмай давом эттирилаверади. Партия ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифокини, жамиятимиз ҳаёт фаолиятининг негизи бўлган совет халқларининг қардошларча дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади, социалистик демократияни ривожлантираверади. Партия марксча-ленинча эътиқодни, коллективчилик, ватанпарварлик, пролетар социалистик интернационализмни совет кишиларининг олий маънавий бойлиги деб ҳисоблаб келмоқда.

КПСС, Совет давлати социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсида социализм мавқеларини кучайтириш учун, ядро ҳалокатининг олдини олиш ва мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун мумкин ва зарур бўлган ҳамма чораларни кўрдилар ва кўрмоқдалар. Биз қуролланиш пойгасининг тўхтатилишини, космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймастикни истаймиз ва шунга эришмоқ учун сабот-матонат билан ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг пировард мақсадимиз — планетанинг ҳамма жойида ядро қуроллари бутунлай тугатишдан, ядро уруши хавфини тамомила йўқотишдан иборат. Совет Иттифоқи амалий музокаралар олиб боришга, халқаро кескинликни юмшатишга, барча халқлар ва давлатлар ўртасида ишонч, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтиришга олиб борадиган амалий чоралар кўрилишини доимо ёқлаб келди ва ёқлаб келмоқда.

Совет Иттифоқи ҳеч кимга таҳдид қилмаётир ва ҳарбий устунликка интилмаётир. Аммо у бошқа бирон мамлакат ёки давлатлар коалициясининг шундай устунликка эга бўлишига йўл қўймайди. Шу боисдан биз бундан буён ҳам ҳушёрликни тинмай ошраверамиз, социалистик Ватанимизнинг мудоффа қобилятини мустаҳкамлайверамиз.



Биз озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган халқларга хайрихоҳмиз ва уларни қўллаб-қувватлаймиз. КПСС тинчлик ва социал тараккиёт учун курашда Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати кучларини ҳар томонлама жипслаштиришдан иборат изчил йўлга доим содиқдир.

Партиянинг мақсадлари аниқ-равшан ва олижанобдир. Бу мақсадлар КПССнинг меҳнатқашлар ўртасида чексиз ишонч қозонишини таъминлади. Партия халқ билан бирлиги туфайли кучлидир. Халқ партия билан бирлиги ва унинг раҳбарлиги туфайли кучлидир.

Узининг бутун ҳаётини партияга, совет халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Константин Устинович

Черненко коммунистларнинг, барча совет кишиларининг хотирасида ҳамisha сақланиб қолади. У марксча-ленинча идеяларнинг оташин пропагандисти, меҳрибон ва талабчан раҳбар, меҳнат аҳлининг эҳтиёжлари ва ташвишларига зўр эътибор ва сезгирлик билан қараган инсон сифатида хотирамизда сақланиб қолади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети қомил ишонч билан айтидиларки, коммунистлар, барча совет кишилари юксак онглилик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, янада зўр ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қиладилар, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлайдилар, Улуғ Октябрь байроғини муносиб равишда баланд кўтариб борадилар.



Саъдулла
Сийев

Саратонда қор ёғди

Ўгай она эмас экан



ҚИССА

слимни сўрасангиз — қишлоқиман. Биз томонда булоқ кўп. Соё бўйида, қир-адир этакларида катта қора қозондай бўлиб биқирлаб ётади. Булоқни биз «тума» деймиз. Қишлоғимизнинг оти ҳам Мингтума. Ана шу Мингтуманинг бир четида турамыз. Уйимиз Қоратовга борадиган йўл ёқасида. Бизникидан кун ботишга юрсангиз соёга тушасиз, кун чиқишга қараб юрсангиз — Қоратовга чиқиб кетасиз.

Мингтума жаннатга ўхшаган ерлар. Соё бўйида кўк ўтовдай катта-катта мажнунтоллар сувга сочларини ювиб ётади. Боғларга кирсангиз гўж-гўж ўрик, шафтоли, жийда, дўлана, тоғолча. Ҳатто олмуртгача бор. Айниқса, бизнинг дастор олмамиз зўр. Дастор олма емабсиз — дунёга келмабсиз. Ўзи муштдай бўлади-ю, бироқ мазаси асалга ўхшайди. Оппоқ, тип-тиниқ. Қўлингизга олиб қарасангиз, бетингиз кўринади. Дадам айтади, Мингтуманинг дастор олмасини бир еган одам Ҳиротдан ҳам қайта соғиниб келади, дейди.

Мингтумада яна нима кўп — ер кўп. Шунинг учун қирларга ҳам, суғорма ерларга ҳам ғалла экаверамиз. Ундан кейин от кўп. Ҳар уйда учта десам, ёлгон бўлар-ов, аммо камида битта-иккитадан от бор. Биз томондагилар кўпқарини яхши кўришади. Бугдой ўрилиб, ерлар очилди, дегунча тўйлар бошланади. Ана шунда кўпқари чопишни кўрсангиз! Чавандоз йигитлар кўкламда от со-вутайлик, деб Қоратовнинг у бетига ҳам ўтиб кетишади. Терскайда қозоқ қўй-чивонлар бор. Шулар билан улоқ талашиб, ёришиб келишади.

Узинг кимсан, десангиз, Абдурахмонман. Абдусалом этикчининг ўғлиман. Бу йил иккинчини тамомладим. Энди қалин-қалин китобларни ҳам шариллатиб ўқийман. Мингтуманинг чучук сувини ичиб, маза қилиб юрган эдик, жуда ёмон кунга қолдик-да. Учинчи синфга ўтдим, шукр-эй, деганимда онам ўлиб қолди. Мен отадан ёлғиз фарзанд эдим. Ҳувиллаган уйда бир ота, бир ўғил ер сийпаб қолавердик. Онам шўрлик уйимизнинг файзи, баракаси экан. У кетгандан кейин кўнглимиз ҳам, ошхонамиз ҳам ҳувиллаб қолди. Дадам айтмоқчи, уйда чўпга санчар бир нарса йўқ. Қазноқда сичқонлар ҳасса таяниб юради. Дадам кўчага чиқади — уҳ тортади, уйга киради — уҳ тортади. Мен унинг тиканак

бўлиб кетган соқолига, қизарган кўзларига қараб ийглайман. Лекин кўзёшимни кўрсатмайман.

Онамнинг йигирмаси ўтгандан кейин дадам ишга чиқиб кетди. У кундузи Тошбулоқ деган ерда пичан ўради, тунда ямоқчилик қилади, этик-маҳси тикади. У қишлоқдаги мана-ман деган усталардан. Одамлар тўқчилик замонларда тўй-ҳашамга этик ё маҳси-кавуш тиктирмоқчи бўлса, Абдусалом устага буюраман, оёқ тўзади, унинг тиккани тўзимайди, деб эшигимизнинг чангини чиқариб келишаверарди.

Шундай қилиб, икки жон бир-биримизнинг нафасимизга исиниб кун кўра бошладик. Мен кечалари дадам ухлаб қолмасин, кейин бир ўзи чарчамасин, деб унга ип сақичлаб бери ўтираман. Дадам ярим кечасигача этик тикади, кейин бир мазгил кўз илинтириб олиб, даласига кетади. Мен ҳам мактабга бораман. Бироқ, кўзларим юмиллиб, дарсда ухлаб қолавераман. Муаллим уришади. Индамайман. Китобини очиб, ўқимоқчи бўламан-у, яна мук тушиб уйкуга кетаман.

Дадам кундан-кунга тажанглашиб борарди. Охири бўлмади. Бир куни кечқурун у уйилиб ётган ювқусиз идиш-товоққа қараб ўйлашиб турди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди. Анчадан кейин Абдуқодир деган кичик амаким билан қўшнимиз Бобомурод акани бошлаб келди. Улар талайгача гурунглашиб ўтиришди. Мен чой ташиб, гапларини чала-чулла эшитиб қолдим. Амаким бир аёлни мақтарди:

— Соқлари қамчиндек, ишлари лочиндек. Яхши хотин Орзигул.

Отам нимадир деди. Бобомурод ака гап қўшди:
— Қорни тўла бола ҳали. Ўттизга ҳам чиқмаган. Билсам, улар дадамни Орзигул деган кўеви ўлган жувонга уйлантирмоқчи бўлишаркан экан. Мен мўлтириб, уч эркакнинг оғзига тикилиб қолдим. Бобомурод ака бошимни силади, кулиб сўради:

— Абдурахмон, сенга яхши ая олиб бермоқчимиз, майлими?

Мен чўрак этмадим. Бурнимни тортиб ерга қараганча ҳиқилладим.

— Йиғлама, тентак, — деди амаким, — у сени уришмайди. Қайтанга, яхши кўйлақлар тикиб беради. Даданга қара, эзлиб кетибди.

Онам эсимга тушиб қийналиб ўтирган эдим, уввос тортиб ҳовлига чиқиб кетдим. Ариқ лабига бориб, юз-қўлимни ювмоқчи бўлдим. Қоп-қора сув товуш чиқармай, ваҳима билан оқаяпти. Терак ортидан зоғора нондай ой кўтарилди. У сувга тушиб қалқиб ўйнади. Тупук ютмай тикилиб қолдим. Ана, ой аста-секин сувда қалқиб сал нарига бориб қолди. Назаримда, қалқиб турган чиройли, қип-қизил ой — ой эмас, менинг онам, қайтиб келмас онажоним эди...

Апир-шапир ювиниб, қайтиб кирдим. Меҳмонлар кетибди. Дадам пастак, қўлбола курсига ўтириб, янги маҳсининг кўнжини тикипти. Узи хурсанд, ҳадеб димоғида шўх бир кўйни минғиллайди.

Шундай қилиб, уйимизда ўгай она пайдо бўлди. У қишлоғимизнинг нариги бошидаги Охунгузар деган ердан экан.

Дунёда ўгай онани мақтаган кам, ёмонлаган кўп. Бироқ мен ёмонламоқчи эмасман. Жабр не керак, бечора яхши хотин экан. Азонлаб енг шимариб ишга тушиб кетади, хуфтонгача тинмайди. Чегаланган чойнак-пиёламга ярқираб тоқчага қиди, қўйлақ-иштонларимизнинг йиртиғи қолмади. Эрталабдан эски мис самоваримиз шигиллаб қайнаб туради. Илгари кеч бўлди дегунча ён қўшиллардан биронтаси бир коса-ярим коса овқат киритарди. Энди ўзимизникида ҳам қозон қайнайдиган бўлди.

Сал кунда уйимиз чамандай очилиб кетди. Дадам ҳам хурсанд.

— Хотинсиз уй енгсиз чопондай хунук кўринади, болам, — деди гоҳо, — аягни хурмат қил.

Шунча уринсам ҳам «ая» дейишга тилим бормади. Бир озгача «Орзигул она» деб юрдим. Биламан, бунга ўгай онамнинг ғаш келса керак-у, лекин сездирмайди. Мени жеркмайди, мендан ширин сўзини аямайди, дадамни мендан қизганмайди.

Ана шундай қилиб икки йил ўтди. Икки йилда икки инилик бўлдим. Бирини — Ғайбулла, бирини — Файзулла. Уйимиз

бозор бўлиб қолди. Рўзгоримиз ҳам бутлана бошлади. Икки эчки, бир қўй сотиб олдик. Эшикдан биров кирса, уялмай олдига дастурхон ёза биламиз.

Мен ҳам бир йил ўқишдан қолиб кетган эдим, яна учинчи синфга қатнай бошладим.

Агар турмушимиз шу тарзда кетаверганда-ку, гул кесардиг-а. Бироқ сал ўтмай йилкига қашқир оралади.

Машоқдаги шум хабар

Саратон. Мен дадам билан бугдой ўроғида юрибман. Қишлоғимизнинг бир чети тоғларга бориб туташади. Ана шу тоғ тарафда Латифота деган жой бор. Колхоз ҳар йили шу ерларга бугдой экади. Бу йил ҳам ғалла яхши битган эди. Дадамлар кўл ўроқда бугдой ўради, мен машоқ тераман. Кечқурун дадам иккаламиз кўк эшагимизга мингашиб уйга қайтамыз. Бир хуржун-ярим хуржун машоқ териб келаман. Орзигул онам уни калтаклаб донини олади. Қазноқда катта қора жун қопимиз бор, ғалвирда шопириб шунга солаверади.

Йилкига қашқир оралаган куни ҳам Латифотада эдим. Машоқнинг қизғиға тушиб, олислаб кетиб қолибман. Бир вақт бошимни кўтариб хирмон тарафга қарасам, олатасир бўлиб ётибди. Ҳар ким довдираб, ҳар ёққа югуради. Биров эшагини эгарляпти, ошпаз хотин ҳовлиқиб чўмич-товоғини йиғиштиради, бир йигит яйдоқ отда қишлоқ томонга чопиб кетди...

Ажабланиб қараб туравердим. Шу пайт тўдадан отам ажраб чиқди-ю менга қараб келаверди. Ярим йўлда қўлни чўлғаб қақирди:

— Абдурахмо-он! Бери кел!

Тўрвам яримлаган эди. Елкамга олиб югурдим. Отам қўлимдан тортиб, хирмонга қараб судради. Унга жавдираб боқиб сўрадим:

— Нима бўпти, дада?

— Лаънати Гитлер уруш очибди, — деди дадам ғижиниб. — Қорнимиз энди нонга тўйган эди-я..

— Энди... нима бўлади? — дедим қўрқа-писа.

— Нима бўларди, бошга тушганини кўз кўради-да, болам.

Ҳаш-паш дегунча далада бир жон қолмади. Ким эшақда, ким пиёда, ҳаммамиз қишлоққа жўнаб кетдик. Уйимизнинг олди очик яланглик эди. Борсак, ўша яланглик тўла одам. Уяси бузилган аридай тинмай ғувиллайди.

Отам тўғри колхоз идорасига бурилди. Мен ҳам эшагини боғладиму унинг изидан югурдим. Қарасам, роса одам йиғилибди. Идора рўпарасидаги оғир айвонига қора лаган-радио осилган эди. Ҳамма ўша лаганга тикилиб турибди. Қора лаган дам-бадам тилга кириб, уруш ҳақида маълумот берапти. Қарияларнинг қовоғи солиқ, хотин-халаж Гитлерни тобутдан олиб, тобутга солади — ҳар мақомда қарғайди.

Лаган-радио жим бўлди. Бироқ одамлар тарқалмади. Аза тутгандай ерга қараб тураверишди. Бир вақт раисимиз Шокир ака пайдо бўлди. У тўдани ёриб олдинга ўтди-да, қора лаганнинг остида туриб, ваъз айтди:

— Биродарлар, туғишганлар! Энди уй-уйларингга тарқалинлар! Бу ерда турган билан фойдаси йўқ. Такдирда нима бўлса кўрамыз. Бироқ кўнгилларинг чўкмасин. Барибир биз енгамыз. Ҳалқда эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар, деган гап бор. Гитлер падарлаънати хиёнат қилибдими — энди ўзидан ўпқаласин! Уртоқлар! Далада иш қизиб ётибди. Ғаллани тезроқ йиғиб олиш керак. Ғўза гуллау деб қолди. Бир ёқда ел-хашак тайёрлашимиз керак. Илтимос, энди йиғиридан ҳам яхши ишлайлик. Шу билан сўзим тамом. Мен ҳозир районга бораман.

Кимдир унга тўриқ отни кўндаланг қилди. Шокир ака отга ирғиб минди. Унга яна икки йигит қўшилди. Уч отлик мазористон томондан районга қараб кетишди.

Ун кунча ўтгач, қишлоғимизни аскар босди. Улар торқуначи чангитиб гурс-гурс қадам ташлаб ўтишдию тоқча бораверишда, паст-баланд тепаликлар этағида тўхташди. Ёнбошига тўппонча осиб, кўкракига кўндаланг камар ташлаб олган командири аскарларини бир сафга тизди. Уларга нималариндир тушунтирди. Кейин аскарлар милтиқларини ҳавога ўқталиб, душман билан роса «жанг»

қилди. Улар қийқириб олдинга ташланар, кейин шартта ётиб олиб ўрмалар, белларидан ёғоч граната олиб улоқтирар ва дарҳол юзтубан ётиб олишар эди.

Мен, Сайфи, Икром, Насрулло, Султон — ҳаммамиз чавиллаб Икромларнинг томига чиқамиз. Аскарларнинг машқини томоша қилиб ўтираемиз. Улар дам олиб-дам олиб, пода қайтгунча «уруш» қилишади, кейин яна икки қатор бўлиб паст кўчага тушиб кетишади.

Шундан кейин кунига қишлоғимизга аскарлар келадиган бўлди. Қишлоқдан ҳам ҳар кун и беш-олти киши фронтга кетиб турибди. Ён-веримиз сийраклашиб қолди. Насруллонинг дадаси, Сайфининг тоғаси (унинг отаси ўлган эди), Султоннинг акаси урушга кетди. Икромнинг отаси Тўймат акани, кўзини яхши кўрмас экан, деб олишмади. Дадам гоҳи ўзича кулиб дейди:

— Уйимиз чуқурда бўлганига кўрмаептими мени, военкомат индамайди-ку, болам?

Менинг энг кўрққан нарсам шу эди. Бир кун дадамнинг чақириб кетиши нима қиламан? Угай онам, қўлимга тушдинг-ку, етимча, деб эзармикан, деган хавотирда эдим. Бироқ, отамга ҳамон сариқ қоғоз келмасди. Кампир-чоллар чақирув қоғозини шундай деб аташарди. Кейин билсам, колхоз дадамга ўхшаган беш-олти чапдаст устани атайин урушдан қолдириб турган экан. Улар аскарликка от тайёрлаши керак экан. Ун кунлардан кейин колхознинг тоғдаги йилқисини ҳайдаб тушиб, ёнимиздаги кўрага қамашди. Уста Бобохон деган зўр темирчи бўларди. Шу кишининг бошчилигида дадамлар отларга тақа қоқиб, сонларига белги кўя бошлашди. Биз, бир тўп болалар, кўранинг пахсасига миниб, сомони чириган юмшоқ томига чиқиб, томоша қиламиз. Тоғ-тошда ўйноқлаб, ўз ҳолича йяраб юрган асов отлар бўй бермайди, осмонга учиб кетмоқчидай икки оёқда тик туриб кишнайди. Икромнинг дадаси илгари йилқичилик қилган эди, шу киши ёрдам берди. Отларга кўриқ ташлаб ушлашди. Кейин уларни йўғон ёғочдан ишланган панжарага битта-битта қамадилар. Отлар сал тинчигандай бўлишди. Шундан кейин уларнинг оёқларини тушовлаб, бўйинларига бўйинча кийдиришди. Бир четда саксовул гуриллаб ёнади. Утда чўмичга ўхшаган темир кип-қизил бўлиб турибди. Бобохон ака тақа қоқиб бўлгач, дадам билан бир йигит ҳалиги чўмичтемирни олиб, отнинг чап сонига жаз эткизиб босишди. От безовта бўлиб тепинади, атрофда қуйган жун ҳиди анқийди. Салдан кейин отнинг сонига қоп-қора бўлиб ЛСА деган ҳарфлар кўринди. Бу нима экан, деб аввалига тушунмадим. Енимдаги болалар ҳам билмади. Кейин дадам айтиб берди. «ЛСА — лошадь советской армии» дегани экан. Уни аскарларимиз миниб жангга қираар экан. Роса қувондик. Бизнинг қорабайир отларимиз душманнинг жазосини берадиган бўлибди. Айниқса, уларни дадамга ўхшаган чавандозлар минса борми, фашистнинг роса адабини беради-да. Шамолдай ғув этиб бориб, немис генералининг калласини олиб келади.

Тоғнинг ортидаги колхозлардан ҳам уюр-уюр йилқи ҳайдаб келиб, кўрага қамадилар. Улар ҳам пешма-пеш тақалаб турилди. Отлар қирқ-элликта бўлганда шаҳардан отлиқ аскарлар келиб, станцияга ҳайдаб кетишди.

Шундай қилиб, кунлар ўтаверди. Сентябрь яқинлашиб қолди. Бир кун супада ухлаб ётсам, пешонамга муздай нарса теккандек бўлди. Кўзимни очсам, тепамда — дадам.

— Тур, ўғлим, мен кетадиган бўлдим, — деди товуши қалтираб.

Ирғиб турдим. Ҳовлимизга қариндош-уруғларимиз йиғилибди. Абдуқодир амаким эски каноп қолга қулча-пулча, туршак, олмақоқи соляпти. Орзигул опам икки укамни икки кўлига олиб йиғлаб турибди.

Амаким қопни кўтарди. Икромнинг дадаси фотиҳага қўл очди:

— Қани, омин! Ой бориб, омон ке. Қасд қилганлар паст бўлсин. Тўрт мучанг соғ бўлиб, урушга кетган жами қоракўзлар қаторида ёруғ юз билан дийдор кўришайлик! Орзигул опамнинг онаси «Насибанг бутун бўлсин, болам», деб дадамга нон тишлатди.

Отамни қариндошларимиз билан қишлоқ чеккасидаги Бўртепагача кузатиб бордик. У ёқда ўн беш чоғли одам турган экан, иккита аравага бўлиниб ўтиришди. Амаким

дадам билан вокзалга жўнади. Мен ҳам бораё десам, қўйишмади.

— Уйга қайт, ўғлим, — деди дадам елкамга қоқиб, — аянгга қарашиб тур.

— Қачон келасиз? — деб дадамга суйкаландим.

— Гитлер ўлганда. Бор энди, ўғлим, шўхлик қилмай, яхши бола бўлиб юр.

Дадам пешонамдан ўпди. Отарава юриб кетди. Мен қаққайиб қолавердим.

Тушга яқин ялангоёқ, ялангош, шумшайиб уйга қайтиб келдим. Келдим «Аяжон!» деб ўгай онамнинг бағрига отилдим. Орзигул опамни биринчи марта «ая» дейишим эди. У бошимни тиззасига олиб силай бошлади:

— Йиғлама, болам, илоё сени йиғлатганлар кўр бўлсин!

Онамнинг кўз ёшлари билан менинг ёшларим қўшилиб кетди.

«Дадамнинг кўйлагини олмабман»

Онам шўрлик ўлганда бир марта уйимизнинг баракаси қочган эди. Дадам урушга кетганда ҳам шундоқ бўлди. Икки-уч ой ўтмасдан қоққани қозик, осгани чўмич қолмади. Менинг ёз бўйи терган машоқларимни тегирмондан чиқариб олгандик, у тамом бўлди. Қўйимизни сотиб, уйнинг кам-кўстига яратдик. Бир эчкимиз ҳаром ўлди.

Одамнинг кўзи оч бўлса, овқатга тўймас экан. Илгари ярим коса ёвғонни аранг ичардим, энди катта сопол косани бўшатиб, ялаб қўяману яна жавдираб қозонга қарайман. Орзигул аям овутади:

— Болам, бир ётиб ухласанг, тонг отади. Қандоқ қилай, бор бўлса сенлардан аярмидим...

Ноилож кўрпага қираман. Бироқ ухлай олмайман. Оч қоринга уйқу келармиди! Тонг отгунча ағдарилавериб, қовургаларим қайишиб кетади. Укаларим ҳам «нанна»лаб ғингишиб чиқишади.

Бир ойча мактабга қатнадим. Болалар секин-аста ўқишни ташлаб кета бошлади. Мен ҳам кетардим-у... мактаб кунига бир маҳал бўтқа беради, шунинг илинжида юрибман.

Ниҳоят, ошпаз опамиз ҳам бўтқа пиширишни тўхтатди. Колхознинг дон-дуни тамом бўлган эмиш. Мен этагимни қоқиб, мактабни йиғиштириб қўйдим.

Орзигул опам тилла сирғасини сотди. Чиройли сирға эди. Янги туққан ойдек ялт-юлт қилиб, аямнинг қулқоқларига ярашиб турарди. Сирғанинг пулига ун олдик. Дадам чала-чулла тикиб кетган этик-маҳсилар бор эди, шуларни ҳам арзон-гаров пулладик.

Навбат уйдаги буюмларга келди. «Бўш сандиқни нима қиламиз, ғалла бўлса сандиқ топилади» деб аям униям беш кило ун, тўрт дона қуйма совунга алмаштирди.

Бир кун кичкина укам «нон» деб йиғлай бошлади. Аям алдади, уришди, урди — фойдаси бўлмади. Файзулла «нон-он!» деганча ерга думалаб бақираверди. Охири аям тешик-теликка бекитган еридан бир бурда қоп-қора, қаттиқ нон топиб, учовимизга бўлиб берди. Файзулла ўз улушини шоша-пиша еб бўлдию тагин ағанаб йиғлай бошлади.

— Нон бўлмаса, тошни бераманми?! — деди аям ҳуноб бўлиб. Кейин супрани ўтмас пичоқ билан қириб, атала пиширди. Гўшт ўрнига қоқўрик солди. Нордонгина бўлган экан, маза қилиб туширдик.

Эрталаб аям мени вақтли уйғотди.

— Болам, раис бобонга бориб, икки-уч кило ошлиқ сўраб келгин. Узим чиқай десам, бетим қолмади. Уч марта сўрадим. Иниларинг шишиб ўлса, даданг келганда нима дейман?

Колхоз идораси кўчанинг нариги бетига эди. Елкамни қисиб кириб бордим. Раис бир ўзи ўтирган экан, дардимни айтдим. Шокир ака кап-катта киши бўлсаям, баъзан бурнини тортиб, бармоғини қаншарига суйкаб қўядиган одати бор эди.

— Ғалла йўқ, ўғлим, — деди у бурнини шилқ этиб тортиб, — бўлса сенлардан аярмидик.

Миқ этмай туравердим.

— Кимнинг ўғлисан? — деди раис бармоғида бурун «арралаб».

— Абдусалом этикчининг.

— Аянг уч марта олди-ку? Шундаям фронтовикнинг болалари деб бердим.

Эшикнинг кесакисига суяниб туравердим. Шу пайт омборчи кириб қолди. Унинг оти Темир эди, бироқ сал оқсаб юрганлиги учун одамлар уни Амир Темир деб эътиборда.

— Ҳа, миттивой, нима бўлди? — деди Амир Темир менга. Раис айтди. Омборчи оёғини судраб бориб дераза ёнига ўтирди.

— Шокир ака, шу боланинг қўлини қайтарманг, — деди. — Ҳалигача ошлиқ сўраб бола келмаган эди.

Раис чимирилиб рози бўлди:

— Майли. Ўн қадоқ бераюл.

Омбор илгари кўчирма қилинган бир бойнинг ўртаси устунли катта меҳмонхонасида жойлашган эди. Амир Темир эшикни очди. Ичкари кирдим у анграйиб қолдим. Шифтгача буғдой уюлиб ётарди! «Шунча буғдой бўлатуриб, раис бобо нега халқдан қизганар экан-а?» деб кўйдим ичимда. Кейин кўрқа-писа омборчидан сўрадим:

— Тоға, роса кўп экан-у, одамларга бўлишиб берсангиз бўлмайdimи?

Амир Темир кулди:

— Тентак! Бу уруғлик ғалла. Тарқатиб юбориб қамалиб кетайми? Идишинг борми?

Шошиличда тўрва олмабман. Ғўлдираб қолдим. Миям тез ишлади. Шартта кўйлагимни ечдим. Этагию энгларини ип билан маҳкам танғидим. Кейин ёқасидан буғдой солиб тўлдирдим. Тарозига кўймоқчи эдим, омборчи «чиқавер», дегандек бош силкиди. Бир кўйлак ғаллани авайлаб кўтариб йўлга тушдим.

Кун совуқ. Изғирин бўлиб турибди. Бироқ совуқни сезмайман. Камида саккиз-тўққиз кило келадиган оппоқ сара буғдой қувончи баданимни қиздиради. Юрагим дукиллаб ўйлайман: «Ҳеч қуриганда укаларим ўн кунча шишмайдиган бўлди». Гоҳо ношукрлик қиламан: «Бу нақа-сини билганимда дадамнинг кўйлагини кийиб келардим-ку. Кўпроқ сифарди...»

Уйга етай деганда кўлим толди. Дам олмоқчи бўлдим. Буғдойни секин ерга қўяман десам, кўйлагим эски эмасми, ши-р этди-ю сўкилиб кетди. Ярим кўйлак ғалла тупроқ билан бир бўлди. Ён-веримга қарасам, ҳеч ким кўринмайди. Уйга қараб учдим. Ҳовлида ётган тосни олиб, кўчага югурдим. Буғдойни тупроқ-супроғи билан сидириб тосга солиб олдим.

Аям уришмади. Шунча буғдой олиб келаману тагин уришинми? Икковлашиб буғдойни эладик, шопириб, ўн тўрт бўлакка бўлдик.

— Икки ҳафтага етадиган бўлди, у ёғи — ё раззоқ, — деди аям.

Салдан кейин у бир ҳовуч буғдойни қозонга солди. Юмшоқ супургининг соли билан ағдариб ўтириб кўғирмоч қовурди. Файбулла, Файзулла, учовимиз қозондан ирғиш-лаб чиқиб тандир бошига тўкилаётган донларни териб еб турдик. Улар тупроқдан тоза бўлмаган, тишимизда ғичирлайди. Бироқ биз парво қилмаймиз. Худди шакар чайнаётгандек, маза қилиб касир-қусир кўғирмоч кавшай-миз...

Сигир эмишни ўргандим

Темир ака берган буғдойни аям қисиб-қимтиб ўн икки кунга етказди. Битта эчкимиз қолган эди. Кўкламга чиқиб туғиб берса, сутини ичамиз деб юрган эдик. Қарасак, қисир қолибди. Шартта сўйдик. Эти бориб суягига ёпишган экан. Ўн килоча гўшт қилди. Аям беш килоча гўшни қовундай тилимлаб дорга ёйиб кўйди. Қолганини унга алишдик.

Шундай қилиб, омон-эсон декабрга етиб олдик. Қора совуқ бошланди. Устим юпка. Кўчага чиқолмайман. Колхоз ҳар уйга бир аравадан кўсак улаштирган. Кўни бўйи сандалда ўтириб, кўсак чувиймиз. Ютиниб, кун ботишини пойлаймиз. Кун ботганда аям қозонга данакдай уч бўлак гўшт солиб атала пиширади. Оғзимиз куйганига қарамай, апил-тапил ичамизу яна кўсакка ёпишамиз. Колхоз ҳар қоп чувилган кўсакка ярим кило жўхори ёрма беради.

Бир кўни синчиклаб қарасам, аямнинг юзи юмалоқроқ бўлиб, ўзи тўлишиб қолибди. У қандай қилиб семиряпти

экан, деб ҳайрон бўлдим. Билсам, аям бечора ўзи емай, уч болага едириб, шишиб бораётган экан.

Охири бўлмади. Бир кўни у катта укамни кўтариб онасиникига жўнади:

— Файбуллани бувисига ташлаб келай. Увол-ку бечора. У ёқда сут-қатиқ ичса ҳам ўлмайди. Сен Файзуллага қараб ўтир.

Аямнинг ота-онаси ҳам жўжабирдай жон бўлса-да, соғин сигирлари бор, шунинг учун бизга қараганда яхшироқ кун кўришарди.

Орзигул аям кетгандан кейин укамни ухлатиб қўйиб, идорага қараб югурдим. Тўғри бориб, раиснинг этагига ёпишдим.

— Аям бир инимни боқолмай ота-онасиникига олиб кетди. Менгаям иш топиб беринг, жон раис тоға! Нима қил десангиз, қилавераман...

Раис бурнини тортиб ўйлаиб турди-да:

— Молхонага бор, — деди, — мени айтди десанг, олади. Жоди билан хашак қирқсанг ҳам кунингни кўриб кетарсан.

Кечқурун аям бир хурмача қатиқ, нон, иккита тухум кўтариб келди. Мен молхонага ишга кирганимни айтдим. Аям кўзёш қилди, уруш бошлаганларни қарғади. Кейин мени молхонанинг ярим йўлигача кузатиб қўйди.

Молхонада Баёнқул пўрим деган қорача, жиккаккина киши ҳисобчи эди. У негадир ёздаям, қишдаям галифе шим кийиб юрарди, қулоғидан райҳон узилмасди. Баёнқул ака мени қовоқ солиб кутиб олди.

— Раис ўйлайdimи ўзи? — деди гапимни эшитиб, — бу ер етимхонами текин боқиб бераверадиган?

Индамадим. Кўрпача-ёстигимини молбоқарлар ётадиган хўжрага олиб кириб қўйдим-да, кўлимга қурак олиб, бир сигирнинг тагини тозалай бердим.

Бир вақт Сайфи ўртоғим келиб қолди. У билан кучоклашиб кўришдик. Сайфи ўн беш кундан бери шу ерда ишлар экан. Менга яхши шерик топилди. Иккаламиз саҳар тураемиз. Сигирларни ечиб, ҳовлига ҳайдаймиз. Молхонани кураб, шипириб, ахлатини замбилда ташқарига ташиймиз. Кунжара майдалаймиз. Беда қирқамиз. Ариқ музлаб қолган бўлса, музини ўйиб, сув ташиймиз. Катта дошқозонда сув иситиб, сигир-бузоқларга ичирамиз.

Аста-секин молбоқарларнинг ҳам яроқлисини урушга олиб кетишди. Энди Самин бобо деган бир чол, беш-олти хотин қолди. Тўқсонга яқин сигир бор. Сайфи иккови-мизнинг ишимиз тагин кўпайди.

Қорнимиз тўйиб-тўймайди. Бироқ оч ҳам қолаётганимиз йўқ. Кечқурун ҳамма қаторида бизгаям бир қошиқ-ярим қошиқ оби ёвғон тегади. Лекин бир ёғи қиш ҳавоси, бир ёғи кўзимиз оч эмасми, қаноат қилмаймиз. Кўпинча етти хуфтонгача ухлаёлмай чиқамиз.

Бир кўни тунда ичим таталаб, уйқум қочиб ётган эдим, Сайфи туртди:

— Абдурахмон, қорин қалай? — деди шивирлаб.

— Бўкиб, кекириб ётибман, — деб жеркиб бердим. — Аҳмоқ, эсинг бўлса, қорин қалай, деб сўрайсанми? Зўр бўлсанг, тўйдиришни ўйла!

— Ҳозир тўйдираман, юр! — деб у қўлимдан тортди. «Қаёққа!» ҳам демай эргашдим. Сайфи тўғри сигирхонага етаклади. Зимистон қоронғида туртиниб кетаямман. Охири чидамай сўрадим:

— Сайфи, ўғирлик қиламизми?

— Йўқ. Сигир эмамиз.

Шошганимдан тўхтаб қолдим. Сайфининг калласи ишлайди-да! Мактабдаям нукул «беш»га ўқирди. Айтдим-а, ранги-боши балодай деб. Гап бу ёқда экан-да...

— Сигирлар тепмайdimи?

— Тепмайди, юр, — деб Сайфи тортқилади. — Эмиб ўргатиб қўйганман.

— Нимага олдинроқ айтмадинг?

— Ўзимга сигир тайёрладим. Устундан бу ёғидаги уч сигир сенга. Мен девор томондан эмиб келаман.

Этим жамирлаб кетди. Ҳеч қачон сигир эмиб кўрмаган эдим. Қанақа бўларкин?

Сайфи китобдай-китобдай икки бўлак кунжара олиб, эмиш йўлларини ўргатди:

— Мана бундай ушатиб, бир-икки марта оғзига соласан, шунда соғиб олишар экан деб сигир ияди. Кейин чўккалаб олиб эмаверасан. Ма! Мен кетдим.

Кунжарани олиб, туртиниб-суртиниб устун ёнидаги бир сигирнинг олдига бордим. Кунжарани майдалаб оғзига тутдим. Сигир пиштириб, қўлимни ҳам ямлаб юборай деди. Тўрт-беш бўлак кунжара едириб, сигирнинг қорнини силадим, қашлаган бўлдим. Жонивор индамади. Сийпалаш кинга ёқмайди дейсиз! Сўнг аста сигирнинг остига чўнқайдим. Умримда қилмаган хунарни қилаётганим учунми, бир лаҳза туриб қолдим. Кейин чидамадим. Бирдан нафсим очилиб, оғзимга сўлак келди. Секин сигирнинг елинини ушладим. Соғувчи хотинлар соғишдан олдин сигирнинг эмизакларини ёглаб чиқарди. Мен тупуқладим. Кейин битта эмизакни чўчиброқ оғзимга солдим. Лунжимга тўртта бармоқ тиқилгандай бўлди. Раҳматли онам томоғим оғриса, маҳалламиздаги Зухра бувига обориб танглайини бостириб келарди. Сигирнинг ғадир-будир, узун бармоғи ўша Зухра бувининг қўлига ўхшаб кетди.

Елини тўрт-беш марта сўрдим. Томоғимдан қултиллаб илиққина, жиндай тахир, лекин мазали сут ўтляпти. Тезроқ эма бошладим. Сигир тек турибди.

Салдан кейин сут қуриди. Иккинчи эмизакка ўтдим. Унияма сўриб бўлганимда сигир типирчилади. Дик этиб туриб кунжара бериб келдиму тагин тарғилнинг тагига чўнқайдим.

Гоҳо «Қалай, яхшими?» деб Сайфи сўраб қўяди. «Яхши!» дейману шилқиллатиб эмавераман.

Иккинчи сигирниям кунжара билан алдаб, тагига кирдим. Бироқ ичакларим торайиб кетган эканми, охиригача эмолмадим. Аранг ярмига етдим. Кейин пишиллаб, нафас ололмай қолдим. Лекин нафс қургур чидамади. Узимни зўрлаб тагин эмизакка ёпишган эдим, сут томоғимдан ўтмади, қулқиллаб лунжимда тўпланиб қолди. Ҳа, тўйибман, деб секин сигирнинг тагидан чиқдим.

— Сайфи, бўлдингми? — деб шивирладим.

— Ҳози-ир... — деди ўртоғим, — учинчисига ўтдим.

«Оббо тўймас-эй, — дедим ичимда, — мен зўрага бир ярим сигирни эпладим-у, у бўлса учтасини паққос туширяпти!»

Бир вақт Сайфи лабларини чапиллатиб ёнимга келди:

— Нимага тез тамом қилдинг?

— Тўйиб кетдим, — дедим энтиқиб, — нафасим тиқилиб қолди.

— Э, калла! — деб уришди Сайфиддин. — Тоza берди деб сигирни қоқлаб ташлабсан-да! Бузоққаям қолдириш керак. Эртага соғувчилар келганда бир томчи сут ололмаса жанжал бўлади.

— Нима қилишим керак эди? — дедим чўчиброқ.

— Ҳали айтмабман. Учала сигирни оз-оздан эмиш керак. Шунда бузоқнинг насибасиям, бизникиям бутун бўлади. Икковимиз оёқ учиди келиб тўшакка кирдик. Қорним пўкиллади, оғзимга қулқиллаб сут келади. Ҳадеб кекираман.

Пичирлашиб ётибмиз.

— Сайфи, қорним шишиб дўмбира бўлиб кетяпти.

— Ҳеч нима қилмайди. Бир-икки кун ичинг кетадию тўхтайд.

— Баёнқул ака билиб қолмасмикан?

— Менинг айтганимни қилсанг билмайди.

Шу пайт ёнимизда ётган Самин бобо «Уҳху!» деб йўталди. Икковимиз ҳам шипиллаб кўрпачанинг остига кириб кетдик.

Азонлаб туриб, ҳеч нарса кўрмагандек, ишимизни қилиб юравердик. Сайфи рост айтган экан. Хом сут мени бир-икки марта кўранинг орқасига югуртирди. Ҳар сафар қорнимни чангаллаб кўрани айланиб келаётганимда Самин бобо менга қарайди, муртидан кулиб қўяди.

Шундай қилиб, уч-тўрт кун ўтди. Байрамни пойлаган боладай, орзиқиб кун ботишини кутаман. Бир амаллаб қоронги туширамиз. Хуфтон бўлиши қийин. Хуфтондан кейин Самин бобо ўрнига киради. Тўғри, у киши чурқ этмайди-ю, лекин бировнинг кўзига бақрайиб туриб ўғирлик қилиш қийин бўлар экан.

Самин бобо ухладивё деганда, Сайфи билан икки-уч бўлак кунжарани қўлтиқлаб сигирхонамизга йўрғалаймиз. Мен аста-секин эмишнинг машқини ола бошладим. Беш-олти кунда бемалол учта сигирни «соғиб» оладиган бўлдим. Санаб туриб ҳар сигирнинг эмизагини ўн мартадан тортману кейингисига ўтаман. Демак, учта сигирни бир юз

йигирма марта сўраман. Қарабсизки, ҳам бузоқнинг насибаси бутун, ҳам бизнинг қорнимиз тўяди.

Жонимиз кириб қолди. Кечалари совуқдан дилдирамай-миз. Ишлаб чарчамаймиз. Кундуз кунлари эса бир-биримизга қараб ҳиринглаймиз.

— Башаранга қара, худди Амаат қизилга¹ ўхшаб кетяпсан, — дейди Сайфи.

— Ўзинг-чи, ўзинг! — дейман унинг бетига шапатилаб. — Худди... узатиладиган қизга ўхшайсан!

Яна қиқирлашиб кулаамиз.

Ана шунақа дориломон кун кечириб юравердик. Бироқ, бахтимиз узоққа бормади. Бахтимиз тошга урилди.

«Хотинларнинг холаси»

Бир куни эрта билан молхонага раисимиз Шокир ака келди. Ёнида посорноқ кийинган кишиям бор. Райондан келган вакил экан у. Дарров қалам-дафтарини олиб Баёнқул ака пайдо бўлди. Вакил у ёқ-бу ёқни айланди. Кўранинг олдида беш-олти бидон сут турган эди. Шокир ака уларнинг қоққоқларини очиб кўрди-ю, «Кам-ку?» деб қўйди.

— Бори шу. Бир грамм қолдирмай топшириб ту-рибмиз, — деди бидирлаб Баёнқул ака.

— Кейинг вақтда сутни камайтириб юбординглар. Сигирнинг емиши ёмонми?

— Яхши... Билмасам... — деди довдираб ҳисобчи. — Шу, олти сигир соғдирмай қўйди. Бузоғиянми эмизмайди. Хотинларни тепади. Ҳайронман. Бир бало бўлди буларга.

Сайфи икковимиз юрак ҳовучлаб турибмиз. Мен ер остидан Самин бобога қарадим. Бобо соқолини силаб, тескари ўгирилди.

Раис билан вакил кетгач, ҳисобчи, «Ҳаммаси сен касофатлардан бўляпти, сигирларга вақтида томоқ бермагансанлар», деб бизни уришди. «Бу ер садақа бериладиган жойми, хурмана кўпайиб кетди», деб хотинларга бақирди.

Кўзимизни лўқ қилиб, индамай туравердик. Баёнқул аканинг одати шунақа. Бақириб-бақириб, охири кетади. Зўр келса, кечқурун қоронги тушгунча молхонани айланиб юради, сигир соғилаётганда тепасида туради. Баъзан этиб қолади, бўлмаса, етти хуфтон қилиб, кейин уйига жўнайд.

Бизнинг танглайимиз тақиллайди, лекин тишимизни-тишимизга қўйиб чидаймиз. Баёнқул акани кузатиб қўйиб, яна халоскор сигирларимиз ёнига зинғиллаймиз.

Вакил келган куниям ҳисобчи кеч кетди. Сайфи билан ташқарига чиққан бўлиб секин қарадик. Баёнқул аканинг уйи сой томонда эди. Ана, у тегирмон ёнидан ўтиб, кўчасига бурилиб кетди. Биз сигирхонага югурдик. Менинг она сигирим емиш кечикканига безовта бўлиб, типирчилаб турган экан. Шапалоқдай кунжарани бурдалаб тарғилнинг оғзига тиқдим у ҳузур қилиб эмишга тушдим. Ёнимда Сайфининг тамшангани эшитилади. Онасини соғинган мечкай бузоқдай ўзимни нутиб эмавердим. Бир вақт нафас ростлаб деб бошимни кўтарсам, яқин ерда чиз этиб гугурт чақилди. Атроф лов ёришди. Кўрқиб кетдим. «Баёнқул ака пойлаб келган бўлса-я», деб Сайфининг ёнига эмаклаб бордим. Уям тайёр бўлиб турган экан, «Орқамдан юр!», деб шивирлади. Девор ёқалаб молхонанинг этагига қараб кетавердик. Ҳалиги одам индамайди. Ҳар замонда бир гугурт қақиб, тапиллатиб келяпти. Биз ҳам қўл ушлашиб келямиз. Охири сигирхонанинг ўртароғиди ташикка етдик. Молларнинг ахлати чиқариб ташланадиган бу тешикдан нимтатир ёруғ тушиб турарди.

— Чиқ! — деб Сайфи елкасини қўйди. Қорним тўймаган, шунинг учун енгилгина эдим. Ирғиб елкасига миндим. Кейин тешикдан бошимни чиқариб қўл чўздим. Сайфи мушукдай тармашиб чиқиб олди. Ахлат уюмига сакрадим. Бахтимизга кун совуқ эди, тезак қотиб қолибди. Оёғимиз булганмади.

— Югур! — деб Сайфи олдимга тушди. Кўрани айланиб бориб ўрнимизга шўнғидик. Кўрпачанинг тагига ўзимизни ухлаганга солиб ётавердик.

Ярим соатларда оёқ қоқиб биров кирди. Кирдию тўғри устимизга бостириб кела бошлади. Бир кўзимни йириб

¹ Амаат қизил — оқ, қирмизи бўлиб пишадиган йирик олма.

қарадим: Баёнқул ака! Улдик, дедим. Қунишиб, тўшақда йўқ бўлиб кетдим.

Ҳисобчи тўғри келиб биқинимга бир тепди. Дамим чиқмай қолди. Иккинчи тепкини Сайфи еди. У «Имм!...» деб тўшақда ғужанак бўлиб қолди.

У Самин бобо бошини кўтарди.

— Болаларнинг нима ёзиғи бор, ҳароми?! Улиб қолса увол эмасми?

— Йўқ. Қайтанга икки нонхўр камаяди, — деди Баёнқул ака ва этигининг учи билан оёғимни тўртди, — Ҳозир қаердан келдинглар, итваччалар!?

— Сайфи билан... халага бордик, — дедим қалтираб, — ўлай агар, рост...

— Сигирнинг тагида хала... ейдими?! — Ҳисобчи уят сўз айтиб оёғини кўтарди-ю, тепмади. — Сутни кўпайтиролмай менинг жоним ҳалак, бу ярамас шумшуклар бўлса, кунига шилқиллатиб сигирларни эмиб юришибди. Айтдим-а, нега сут тортилиб кетди деб!

— Эмса-эмар, — деди Самин бобо юмшаб, — икки коса сут камайгани билан колхоз камбағал бўлиб қолармиди?

— Э, сиз ғалати экансиз-ку, бобой! Кунига икки косадан кетаверса, биласизми, уч ойда қанча бўлади?

Самин бобо терс ўгирилиб носини тупурди:

— Ҳа, энди одамлар пақирлаб оляпти, камаймаяпти-ку... Бу гап ҳисобчига тегиб кетди. Кўпинча, қоронғилатиб у бир пақир-ярим пақир сутни ўғлидан уйга тушириб юборарди. Баёнқул ака тоқчанинг четида омонат ўтирган эди, сакраб турди:

— Оғзим бор деб гапираверасизми?! Қари деб рабощи баталиёндан опқолдик. Иссиққина ерда юрганнингизга шукр қилмайсизми? Одам деганда жиндай уят ҳам бўлиши керак!

— Тўғри айтасан, болам, — деди Самин бобо, — одам боласида уят бўлгани яхши. Ёшим етмишдан ўтди. Узим бормасам, қарчиғайдай икки ўғлимни юбордим урушга. Мана, сенинг уятинг бор экан, хотинларга хола бўлиб, чаканга райхон тақиб юрибсан. Раҳмат.

Баёнқул ака мот бўлди. Бир балоларни тўнғиллаб чиқиб кетди.

Анчадан кейин Самин бобо сўради:

— Тўймаяпсанларми?

Сайфи икковимиз баравар «ҳм» дедик.

— Кўз тўймаса қийин, — деди бобо. — Ҳай, майли, бу кунлар ҳам ўтар-кетар.

Бобо ёстигининг тагидан бир бурда зоғора нон олиб, икковимизга бўлиб берди.

Эрталаб ҳовлида бўш замбил кўтариб турсак, раис келиб қолди. Атрофида Баёнқул ака парвона бўлиб турибди.

Ҳисобчи бизни кўрдию раисга ялтоқланиб бидирлади:

— Шокир ака, сут нега камайди, деб мени уришасиз. Мана бу болаларнингиз сигирларни эмиб юрган экан. Бир жазосини бериб қўйиш керак.

Раис иккаламизни сўкиб-сўкиб ҳайдаб юборса керак, деб турдим. Йўқ, сўкмади — шарақлаб кулди. Секин ёнимизга келдию қалпоғимизни босиб-босиб қўйди.

— Оббо, икки оёқли бузоқлар-эй! Йўлини топибсанларда, а? Қалай, хом сут ширин бўлар эканми?

Сайфи «ҳм» деб ерга қаради. Раис бурнини тортиди, кўрсатгич бармоғи билан қаншарини ишқаб сўради:

— Кунига нечта сигирни эмасанлар?

— Иккитагина, — дедим ёлғондан, — шундаям бир оз эмиб, туриб кетамиз. Ёлғон айтсам, нон урсин!

— Ҳай, ҳай осилма, — деб кулди раис. — Бунақа қасам ичишни кимдан ўргандинг?

— Сайфидан, — дедим бурнимни тортиб.

— Ёлғон айтади, — деди Сайфи, — ўзи нуқул қарғанади. Раис насихат қилган бўлди:

— Озроқ эминглар, хўпми? Биз сутни шаҳардаги касалхонага юборамиз. У ерда фронтдан келган ярадорлар бор, кичкина болалар бор.

Сайфи иккаламиз бараварига бош силкидик.

Қорним тўйиб, нафсим сал-пал тийилгач, бир бурда-ярим бурда нонни тежай бошладим. Бир халтача бўлганда уйга кўтариб жўнадим. Борсам, Орзигул аям билан Файзулла укам бир косада сарғимтил нарса ичиб ўтирган экан. Бу нима, деб сўрамадим. Нон тўла халтани олдиларига қўйдим. Аям мени бағрига босиб ўпди:

— Энди бизни боқадиған бўлдингми, болам? Нима қилай, пешонамда шу кўргиликлар бор экан.

Уша кун аямнинг ёнгинасида ухлаб қолдим. Мен пахтаси тошдай бўлиб кетган эски тўшақда эмас, гўё тиниқ осмонга илинган оппоқ, юмшоқ беланчақда роҳат қилиб ётгандай эдим...

Ола говмишдан айрилиб қолдик

Қиличини судраб қиш келди. Кун совуқ. Қаёққа қарасангиз, оқ қор, кўк муз. Азондан кечгача молхонада ивирсиб юравериб зерикаман. Аксига олиб Сайфи ҳам йўқ. Уни, қиш чиққунча бизникида турсин деб, Туркистондаги бир холаси олиб кетибди. Тўқсон сигирга пақирлаб сув ташийвериб бўларим бўлди. Сут соғадиган хотинлар ҳам қарашади-ю, лекин барибир, кечқурунга бориб итдай чарчайман. Бор-э, аямнинг ёнида қишни ўтказиб, кўкламда келарман деб, бир-икки чоғландим. Аммо Самин бобони кўзим қиймади. Ёлғиз ўзларини ташлаб кетгани уялдим.

Кун ботиб, қоронғи тушганда Самин бобоникига зинғиллайман. Бобомнинг кампирни Башорат хола кичкина хурмачага оби ёвғон қўйиб беради. Маҳкам қучоқлаб хўжрамизга олиб чиқаман. Хурмачани сопол товоққа бўшатамиз, икковимиз икки ёқдан зоғора нон тўғраб туширамиз.

— Бир киши — араванинг тиркиши, — деб қўяди Самин бобо. — Ишқилиб, кўпчиликдан айирмасин. Кўпчилик тупурса кўл бўлармиш. Ол, товоқнинг тагини ялаб қўй, савоб бўлади.

Самин бобо мени алдаб, ўзининг насибасини ҳам ичирмоқчи бўлади. Шундоғам ҳозир яхшиман. Энди кўзим тўйган. Сигир эммай қўйганимга ҳам қанча вақт бўлди.

Шундай қилиб, кунларим ўтаверди. Самин бобомнинг ҳисобида «тўқсон» кирди. Тўқсон кирса, қиш қаҳрига минади, дегувчи эди чоллар. Ростдан ҳам кунлар соғий бошлади. Хўжрамизга сандал қўйиб олганмиз. Кечқурун хурмачани бўшатамизу Самин бобо билан сандал четига ёнбошлаймиз. Бобом жийда пўчоғидан ясалган тасбеҳини ўгириб индамай ётаверди. Мен чарчаганимга, иссиқ элитибми, ҳадемай донг қотиб қоламан.

Бир кун илла-паллада уйғониб кетдим. Чопонимни елкага ташлаб ташқарига чиқдим. Чиқдим у турган еримда тахта бўлиб қолдим. Молхона айвонининг ўртароғида бир устунга от боғлаб қўйилибди. Ҳовлида икки-уч сигир юрибди. Сигирлар бўшалиб кетганмикан, деб ўйладим. Унда отга бало борми? Эгаси қаёқда экан? Етти хуфтонда молхонада нима қилиб юрибди? Миям ғовлаб кетди. Қўрқа-писа бир-икки қадам илгари босдим. Унгача ичкаридан мў-мўлаб яна икки сигир чиқди. Кейин тулқитумоқ кийган девдай киши кўринди.

— Ҳе-ей! Кимсиз? Нега сигирларни бўшатапсиз? — деб бақирдим. Тумоқли киши у ёқ-бу ёғига аланглади, лўкиллаб бориб отини еча бошлади. Хўжрага қараб қичқирдим:

— Бобой Югуриг! Шўримиз қарибди! Уғри босди, ўғре-е! Сигирларни олиб кетишяпте-е!..

Жоним борича пастга югурдим. Қўлимга бир таёқ олиб сигирларни қайта молхонага ҳайдай бошладим. Унгача ҳалиги тумоқли одам отига миниб олган экан, тўғри устимга бостириб келди. Қулоқ-чаккамга аямай бир қамчи туширди. Кўзларимдан ўт чиқиб кетгандай бўлди.

— Қоч нари, итвачча! — деб бўқирди. Овози ҳам қўрқинчли, худди манқа одамдай димоғидан гапирар экан. — Каллангни ҳозир сапчадай узиб ташлайман!

— Бобо-о-о!!! — деб чинқирдим. Таёғим қўлимдан учиб кетган эди, қайта олиб, отнинг тумшугига қараб бир солдим. От хўрқиб кетди. Уғри яна устимга бостириб келди.

— Вой лъзнати-ей! Ҳали сенми от урадиган? Мана, мана! Бошимда қамчи зувиллади. Бироқ тегмади. Ҳар сафар тумоқли киши ураман деб қўл кўтарганида мен таёғим билан отнинг калласига тушираман. От сапчиб, икки-уч қадам нари қочади. Мен сигирларни молхонага қараб ҳайдемоқчи бўламан. Лекин ўғри олдимдан чиқиб йўл бермайди.

Учинчи марта аччиқ қамчи еганимда Самин бобонинг товушини эшитиб қолдим.

— Ҳой, ким у? Абдурахмон, нима қилиб юрибсан?
Зора яқин-атрофда турадиганлар ҳам эшитса, деб
овозининг борича бақиравердим:
— Югуринг, бобо-о! Сигирлардан айрилде-ек! Шокир
ака-а! Баёнкул ака-а! Чопингла-ар! Уғре-е! Уғре-е!
Самин бобо мункайганча йўғалаб кела бошлади.
— Ҳўв, имонинг борми ўзи?! Бу не қилиқ? Эгамдан
кўрқмайсанми?

Барзанги киши чўрт бурилиб бобога қаради.
— Тўхта, қоқвош чол! Яна бир қадам боссанг, ичагингни
чиқариб бошингга салла қилиб кўяман! Мана буни
кўрдингми?

Тумоқли кишининг қўлида ханжарми, пичоқми, бир нима
йилт этди. Самин бобо бир нафас тўхтаб қолди. Мен
сигирларни молхона томонга ҳайдадим. Уғрининг жаҳли
қўзидими, отига қамчи урди, кейин энгашиб менга қўл
чўзди. Билиб турибман, у мени кўпқаридаги улоқдай олдига
ўнгариб олмоқчи. Таёқ билан қўлига бир туширдим. У:
«Тф-у, лаънати, бола-я, шошмай тур сен!» дедию қўлини
тортиб олиб, сигирларнинг бошини қайиргани бурилди.
Югуриб бориб отининг юганига ёпишдим. Тумоқли киши
гавдасини кўтариб бир мени уради, бир сигирларни. «Уриб
ўлдирсанг ҳам қўйиб юбормайман, — дедим ичимда. —
Колхознинг сигирларини ўғирлатиб қараб ўтирадиган
аҳмодинг йўқ».

Югани икки қўллаб ушлаганча тошдай қотиб қолдим.
Уғри энди мени отига судратма қилмоқчи бўлди. Беш
қадамча ерга судралиб бордим. Бир вақт барзанги «Иҳ!»
деб ортига ўғирилди. Самин бобонинг қўлида белкурак,
у ўғрининг калласини мўлжаллаб турарди.

— Падар лаънати каззоб! — деди хириллаб Самин
бобо. — Эркак бўлсанг мени ур, жимжилоқдай болада
ниманг бор?! Ҳали оғзингдан қора қонинг келиб ўласан,
ҳароми!

Уғри отининг бошини чўрт бурди. Оёғини узангидан
чиқариб Самин бобонинг кўкрагига аямай тепди. Бобом уч
думалаб, ахлат уюмининг ёнига ётиб қолди.

— Қоч энди, бола! — деди тумоқли киши пастроқ
товушда. — Бўлмаса, сеням чолинга қўшиб у дунёга
жўнатаман. Яхшиликча кет, йўлимни тўсма!..

Отнинг жиловни қўлимда. Йиғламсираб ялинишга тушдим:
— Бир акалик қилинг, жон ака, сигирларимизга тег-
манг!.. Шаҳарда етим болалар кўп. Соғиб, сутини ўшаларга
юборамиз. Сизнинг ҳам болаларингиз бордир... Амакижон,
шунча молни нима қиласиз? Майли, биттасини олақолинг.
Лекин говмишни ташлаб кетинг!.. Хўп денг, жон амаки...

Тумоқли киши осмонга бир қараб қўйдию жиловни қаттиқ
тортди.

— Бўлди, кўп вайсаса, — деди манқаланиб. — Жо-
нингдан умидинг бўлса чегга чиқиб тур, бўлмаса, бостирма
қилиб ўлдираман, билдингми!

Жиловга қаттикроқ ёпишдим.

— Улдирсангиз ҳам қўйвормайман!..

Шу пайт ортимда отнинг дупури эшитилди.

— Ҳўв, Қирғий, намуноча имилладинг, тонг отиб қолди,
бўлмайсанми!

Бошимни буриб қарадим. Тўриқ отда бошига бўрк кийган
йўғон киши ўтирибди. Тўлки тумоқли мени кўрсатди:

— Манави кучукни ўлдиргани кўзим қиймай турибди.
Қарамайсанми чиябўридай ёпишиб олганини!

— Бўлмаса мен кетдим, сен ортимдан борарсан, — деб
бўркли ўғри сигирларни ҳайдашга тушди. Жиловни қўйиб
юбориб, унинг изидан югурдим.

— Ҳой, сигирларни қаёққа оборасиз?! Ташлаб кетинг, бу
колхозники! Ҳозир раисни чақириб келаман!

У ёғи нима бўлганини билмайман. Белим қирс этиб,
юзтубан йиқилдим. Тумоқли киши отининг ўмгани билан
мени қаттиқ туртиб ялпайтириб кетган шекилли, хийлагача
қимирлай олмай ер тишлаб ётавердим. Сал ўзимга келиб,
аранг турдим. Оқсоқланиб молхона ортига ўтдим. Олиса
сигирларимизни олдига солиб лўкиллаб кетаётган икки
отлиқ кўринарди. Кўзим тўла ёш, уларнинг қорасига
мўлтираб қараб қолавердим.

Ҳовлига қайтиб кирдим. Самин бобом йиқилган ерида
ётган экан. Чўлоқланиб секин ёнига бордим. Энкайиб юз-
кўзини сийпадим. Нафас олиб турибди.

— Бобо, кўзингизни очинг! Бобо, туринг, ичкарига
кираимиз. Қани, ёпирим, денг...

Самин бобо базўр кўзғалди. Ёнбошидан олиб, бир қўлини
елкамга солдим. Судрагандай қилиб аранг хужрага етказиб
олдим. Жойига ётқизиб, ўраб-чирмаб қўйдиму Самин
бобонинг эшагини миниб, Шокир ақаникига қараб чоптир-
дим. Раиснинг уйи яқин ерда, эски ярмарканинг ёнида эди.
Тонг бўзарай деганда қўш-қўллаб эшигини қоқавердим.
Шокир ақанин ўзи ҳовлиқиб чиқди.

— Ҳм, бузоқча, тинчликми, нима бўлди? — деди бурни-
ни тортиб. Бор гапни айтдимю ака эшагимни чоптириб
молхонага чиқдим. Самин бобонинг тепасида қараб
ўтирдим.

Ярим соатга қолмай Шокир ака, бухгалтер, ҳисобчимиз
Баёнкул ака етиб келишди. Молхонага кириб сигирларни
санадик. Манаман деган тўрт сигир ўғирланибди. Айниқса,
ола говмишга жоним ачиди. Узиям пастак томдай келарди,
ҳар куни кечкурун бир қақир-бир қақир сут берарди
жонивор.

Тушга яқин шаҳардан қизил шапка кийган иккита отлиқ
мелиса келди. Улар молхонанинг ичига кириб, сиртига
чиқиб, роса текширишди. Ёнларига уч-тўрт йигитни олиб,
Қоратов томонга бориб келишди. Уғриларнинг дараги
топилмабди. Шундан кейин Шокир ака билан бир нимани
маслаҳат қилгани идорага жўнашди.

Самин бобо-чи, дейсизми? У кишини замбилга солдик-да,
уч-тўрт киши бўлиб уйларига олиб тушиб ётқизиб чиқдик.

Шу кундан бошлаб икки уста молхонанинг эшикларини
янгилаб чиқди. Ҳар эшикка бузоқнинг калласидай катта-
катта қулф солди. Биз ҳам хужрани бўшатдик. Урнимизга
урушдан бир кўзини йўқотиб ногирон бўлиб қайтган
Тўлабой ака кўчиб келди. Қўлида бешотар милтиқ, ёнида
эшақдай келадиган бўрибосар ити бор. Бир томондан
қувондим. Уғри энди ўйлаб қадам босади. Тўлабой полвон
ёмон, ўғри зотини кўрса тупканнинг тагигача қўвлаб
боради, дерди дадам.

Шундай қилиб, молхонадан насибам узилди. Бироқ,
кетшига оёғини тортмайди. Шунча ой ўрганиб қолганман-
да. Пешингача хотин-халажга қарашиб, ивирсиб юрдим.
Пешинда Шокир ака кўринди.

— Бўпти, энди сен ҳам уйингга борақол, — деди елкамга
қоқиб. — Бахтинг бор экан, омон қолдинг. Самин бободай
тепки еганингда аллақачон жаҳаннамга кетардинг. Ҳозир
тушиб чиқдим. Оқсоқол ёмон бўлиб ётибди.

Мен елкамни қисиб йўлга тушмоқчи эдим, раис кўкрак
чўнтагидан бир қоғоз чиқариб узатди:

— Ҳозир тўғри қўйқўрага бор. Мана буни Расулмат
пучуққа берсанг, сени хурсанд қилади.

Қоғозни олиб жўнадим. Қарасам, арабча ёзувда ажи-
бужи қилиб нимадир ёзилибди. Қўйқўра молхонанинг
кунчиқарида, бир югурсанг етадиган ерда эди. Раис берган
қоғозни Расулмат ака деган қўйчивонга кўрсатдим. У кўрага
кириб кетди-да, ориқ бир эчкини етаклаб чиқди.

— Мана, раис сенга серка атаган экан, майли, прнто-
викнинг боласисан, мен эчкига алмаштирдим. Ёзда туғса,
соғиб ичасанлар.

Хурсанд бўлиб, эчкини бўйнидан судраганча кун ботганда
уйга кириб бордим.

Уч кундан кейин эрталаб эшигимизга қора отлиқ келди.
Пахсадан бўйини чўзиб қичқирди:

— Ҳов, ким бо-ор? Самин бобоникига жанозага-а!..

Эс-ҳушимдан айрилгандай бирпас анграйиб қолдим.
Югургилаб уйга кирдим. Шумхабарни аямга айтдим. Аям
иккала қўли билан юзини силадию уй ичида шошиб
айланаверди. Дарров эски мурсагини ёпинди. Бошига кўк
рўмол ўради. Укаларимни етаклаб ён қўшимиз Ниёз
бобоникига олиб чиқиб қўйдик. Кейин икковимиз қўште-
гирмон томон кетдик.

Шу куни йиғлаб-йиғлаб, Самин бобони ерга топшириб
қайтдик.

Дарёнинг бошидан келган меҳмонлар

Мингтумага яна баҳор келди. Ҳаво чарақлаб турибди.
Осмонда ўмбалоқ ошиб муштдай қушчалар учади. Ғир-ғир

шабада эсади. Ерда кигиздай-кигиздай булутларнинг сояси сузади. Қирлардан оқимтир буғ кўтарилади. Намхуш, қора тупроқ ичидан жилмайиб игнадай ингичка, ям-яшил майсалар чиқиб келяпти. Маза! Баҳор — баҳор-да!..

Март ўтди, апрель кирди. Аям далага ишга чиқиб кетди. Мен Файзулла билан Файбуллани олиб уйда қолдим. Куни бўйи уларни етаклаб ўйнатиб юраман. Мушукқуйруқларни юлиб, шайтонкавуш тўқиб бераман. Томдаги итқизгалдоқлардан чамбарак қалпоқ ясаймиз, ундан ҳам зериксам, уруш-уруш ўйнаймиз. Бир қулочдек келадиган икки ёғочни қўшув аломатига ўхшатиб михлайман. Устига эски чопон кийгизаман. Бу — Гитлернинг аскарлари бўлади. Файзулла тол «оти»ни миниб ўчи келадую қўлидаги хипчани билан «душман»нинг калласига бир туширади. «Душман» йиқилса — йиқилди, бўлмаса, мен бир тепиб ағдараман, Файбулла укам чапак чалиб кулади.

Икки болани судрайвериб қийналиб кетдим. Айниқса, кичиги ёмон инжиқ. Сал нарсага думалаб йиғлайверади. Бир куни аямга айтувдим, Файбуллани етаклаб Охунгўзардаги ота-онасиникига ташлаб келди. Энди Файзулла билан қолдим. У ўзимга ўхшаган, гапга тушунади. Алдаганинга кўнади. Қаёққа бўлса, опичлайману чопавераман. Куни бўйи маҳаллани етти айланиб келамиз.

Бир куни Файзулла билан сутти қотган думбул ўриқларни териб олиб, жуфтми-тоқ ўйнаб ўтирсак, кўчада биров чақиргандай бўлди. Югуриб чиқдим. Қарасам, қайрағочдай бўлиб икки киши турибди. Иккаласи ҳам елкасига ола хуржун ташлаб олган, қўлларида узун қалтак. Биттаси новча, соқол-мурти қоп-қора, иккинчиси ёшроқ, пакана. Уғли бўлса керак. Унинг мурти бор-у, соқоли йўқ. Лекин кўзлари ёмон экан, ҳар биттаси ёнғоқдай келади. Одамни тешиб юбораман дейди.

Кўрқиб бир қадам ортимга тисарилдим. Новча киши: — Инжо биё, — деди бармоғини илмоқ қилиб. «Инжо биё»си нима экан, деб тирақайлаб қочмоқчи эдим, ёнғоққўз йигит чақириб қолди:

— Хўв, мунда ке, бача. Кўрқма.

Унгача новча киши товушини баланд қўйиб қўшиқ айта бошлади:

**Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,
Термултириб халойиққа зор айлади.**

Тўхтадим. «Ҳе, калла! Булар девоналар-ку! — дедим ичимда. — Кичкина вақтимда ҳақлаб¹ тез-тез келиб туришарди. Анча йил бўлувди, қишлоққа оёқ босмай қўйишган эди. Яна келишибди. Чамаси, уларнинг қишлоқларида ҳам қаҳатчилик бўлса керакда».

Секин изимга қайтдим. Новча амаки хуржунини олиб ерга қўйди. Шуни кутиб турган эканми, ўгли ғазал айтишга тушди:

**Дод айласам, у додимга етармикан,
Кўксимдаги зангорларим кетармикан,
Ҳамма нодон бу оламдин ўтармикан,
Нодонлардан юз минг жафо кўрдим маню.**

Майнинг ўрталари бўлса-да, кун иссиқ эди. Ғазалчи йигитнинг томоғи қуврадимни, товуши хириллаб қолди. Дадаси иккови ўз тилларида бир бало деб чулдирашди. Новча амаки менга қаради:

— Падаринг борми?

— Йўқ, урушда.

— Модаринг-чи?

— А?

— Энанг борми уйда?

— Йўқ. Чопикда. Хув анёқда! — деб қўлим билан сой томонни кўрсатдим.

— Падару модар бўлмаса сув бордир? — деб кулди амаки. — Бир коса сув келтир, чироғим.

— Ҳозир, амаки! — деб уйга энгилладим. Файзулла укамни эшик олдига қўйиб, бир пақир сув кўтариб чиқдим. Девоналар девор тагига, кўланкага ўтиришди. Амаки хуржунининг бир кўзини очиб синиқ нон олди. Укам «Нон-н!» деб хуржунга қўл чўзди. Новча амаки Файзуллага

бир бурда, менга бир бурда нон берди. Кейин пақирни бошига кўтарди, ичиб бўлиб, ўғлига узатди. Бечоралар роса сувсаган эканми, икки кўтаришда челақни яримлатишди.

Алла-паллагача қаттиқ нонни сувга бўктириб маза қилиб туширдик. Бир вақт новча амаки:

— Ҳамсояларинг борми? — деб сўради.

— Бор! — дедим унинг нон берганига суюниб. — Ниёз бобо деган қўшнимиз бор. Лекин-чи, амаки, Ниёз бобо байту ғазални жонидан ҳам яхши кўради. Шу ёққа опчиқайми сизларни?

Девоналар хуржунларини елкаларига олишди. Мен Файзуллани опичлаб лўкилладим.

Ниёз бобо ертандир ёнидаги катта тут тагида салқинлаб ётган экан, ҳарсиллаб олдига бордим.

— Бобо, байту ғазал айтадиган девоналар келди, кераверисинми?

— Тўқчилик замонларда келса бўлмайдими, — деб Ниёз бобо ўрнидан турди. — Девонага берадиган кўмач ҳам қолмади-ку, баччағар. Ҳай, эшикка келган экан, чақир. Файзуллани пўп этказиб ерга қўйдим. Чопиб байту девоналарни чақирдим.

— Кирасизлар экан, Ниёз бобом сизларни кутиб ўтирган экан.

Мен олдинга тушиб йўл бошладим. Бироқ девоналар киришмади. Уларнинг расми шунақами, ишқилиб, аввал ён эшикда туриб олиб обдон ғазал айтишди, кейин ичкари киришди. Ниёз бобом «Барақалло, хуш кўрдик, яхшилар», деб уларнинг қўлини олди. Ҳаммамиз тут тагидаги лойсупага ўтирдик. Ҳадемай қора қумғон қайнади. Ниёз бобомнинг кампир Хумор хола дастурхон ёзди, бир ҳовучдан жийда, ўрикқоқи, талқон қўйди.

Ниёз бобом меҳмонлар билан эски танишлардек бемалол гаплашиб ўтирди. Улар Сирдарёнинг бошидан келишибди. Бир сафар дадамдан эшитган эдим, Сир жуда узун дарё, деган эди дадам. «Агар дарёнинг бошидан келишган бўлса, уйлари жуда узоқда экан-да», деб қўйдим ичимда.

— Қалай, у томонларда ҳам... қаҳатчиликми? — деди кўнгил учун Ниёз бобом.

— Ҳа, — деди новча амаки сопол пиёладаги чойини пуфлаб. — Хўроз ҳамма ерга бир хил қичқираду...

Ғазалчи амаки дастурхонга бир қараб қўйиб фотиҳа қилди. Ниёз бобом: «Бугунча бизникида ётинлар, кеч бўлди, қайга ҳам борасизлар?» деди. Бироқ новча амаки кўнмади:

— Раҳмат тоға. Борайлук. Насиб қилса, Султонимға бориб тунаймиз.

Меҳмонлар хуржунларини кўтаришди. Ниёз бобом «Қўлларинг қуруқ кетмасин», деб уларга эскироқ бўлса-да, топ-тоза кўйлак-иштон олиб чиқиб берди.

Эшикка чиқдик. Девоналар паст кўчада ҳақлаб келишган экан, энди қир ёқалаб кетадиган бўлишди. Укамни опичладиму бекор юргунча эрмак деб уларга эргашдим. Бир вақт лўкиллаб Сайфи билан Айниддин келиб қолди. Учовлашиб кимнинг уйида одам бор, кимникида йўқ, кўрсатиб боравердик. Девоналар биздан кейин ҳар эшикка бориб бир тўхтайдую товушларини баралла қўйиб ғазал айтишади. Нони бор — нон беради, нони йўқ — бир ҳовуч жўхори, тариқми беради. Бутунроқ нон тушса, ғазалчи амакилар бизга ҳам улашади.

Бир ерда қизиқ бўлди. Ғойиботага яқин ерда Сувора хола деган кампир турарди. Унинг ёлғиз ўғли урушга кетган, бир ўзи бир уйчада яшар, тўй-тумолоқ ё иссиқ-совуқ маърака бўлса, дастурхончилик қилиб кун кўрар эди.

Новча амаки томоқ қириб ана шу Сувора холанинг пахасига яқинлашди, энди ғазал бошлаган эди, ичкаридан «Хув!» деган товуш эшитилди. Кейин асога таяниб, ялмоғиз кампирдай вазоҳат билан Сувора хола чиқди. У асосини ерга дук-дук уриб қўшиқ айтиб кела бошлади:

**Ичай десам чойим йўқ,
Ҳақ дўст, ё олло!
Уйнай десам бойим¹ йўқ,
Ҳақ дўст, ё олло!**

¹ Ҳақлаб — садақа сўраб тиланчилик қилиб (шева).

¹ Бойим — эрим

Девоналар шошиб қолишди. Пахана девона бир қадам ортига тисарилди. Сувора хола хохлаб кулиб юборди. Кейин бирдан тўхтадию қўлтиғидан муштадай тугунча олиб новча амакига чўзди:

— Ма, — деди қовоғини солиб, — Абутолибга берасан. Ол!

Кампир йўл бўйидаги катта кўк тошга ўтириб, айтиб-айтиб йиғлади:

Уйнаб юриб ўтга учраган болам-эй,
Яшнаб юриб ёлинга¹ учраган болам-эй!..

Биз кўрқиб ура қочдик. Девоналар ҳам индамай изларига қайтишди. Сувора хола уларга қараб яна қотиб-қотиб кула бошлади. Унинг оппоқ сочлари тўзиб кетган, омочнинг тишидай учлик ияги силкиниб-силкиниб қўяр, хола энкайиб олиб хандон ташлаб кулар эди.

Биз сал нарига борганда у «Абдутоле-еб!» деб чинқирди. Кейин билас, Сувора холанинг ёлғиз ўғлидан қоряхат келган экан. Абутолиб акани деб бечора хола жинни бўлиб қолибди.

Анча ергача қулоқларим «Абу! Тилиб! Абу! Тилиб!» деб чувиллаб турди.

Менга Шамол тоға харидор

Номозгарда уйга қайтдик. Қарасам, почтачи Машраб ака бизниқидан чиқиб келяпти.

— Абдурахмон, дадангдан! — деб учбурчак хат узатди. Қувонганимдан ирғишлаб бориб олдим. Дадам асли хатни онда-сонда ёзарди. Ёзгандаям қисқагина қилиб, «Мен омон-эсонман. Узларинг қалайсанлар? Уруш ёмон бўлиб турибди. Лаънати фашистнинг бетини бир қайтариб олсак, марра бизники, кейин инигача қувиб борамиз», деб қўярди.

Бу сафар хат семизгина экан. Ҳовлиқиб очдим. Хат ичидан бир газета чиқди. Нима экан, деб ёздим. Биринчи бетига катта қилиб «Ватан учун!» деб ёзиб қўйилибди. Ундан пастроқда уч-тўрт аскарнинг сурати. Мундоқ синчиклаб қарасам, ўртада бўйнига автомат осиб дадам турибди. Сурат тагида «Жасур разведкачиларимиз» деган майда ёзув. Қувонганимдан йиғлаб юбордим. Газетани укамга кўрсатиб қичқирдим:

— Файзи, мана, дада, дада!..

У ҳеч нарсага тушунмаса-да, кемшик тишларини кўрсатиб иржайди.

Дарров газетани буклаб липамга қистирдим. Эшикни ёпиб, орқасига ўқлоғидай ёғоч тирадим. Укамни опичлаб аямнинг олдига қараб лўкилладим. Аямлар уйимиздан бир чақиримча нарида, сой бўйида ғўза чопиғида эди. Дам олмай етиб бордим. Укам елкамда, шунинг учун газетани бир қўлимда силкитиб бақиравердим:

— Ая! Дадамнинг расми келде-е! Расме-е!..

Орзигул аям кўрққанидан кетмонини ташлай солиб, менга қараб югурди. Бирон ёмон хабар деб ўйлаган шекилли-да. Газетани кўрдию довдираб илжайди, энтикканидан гапиролмай қолди.

Бирпасда хотинлар йиғилди. Аямга қуллуқ бўлсин қилишди.

— Озиб қолибди бечора, — деди биттаси дадамни кўрсатиб.

— Кунига немис билан ёқалашаверганидан кейин озадида, — деди иккинчиси.

— Бўйнидаги ҳаптоматиям бирор ўн кило келса керак, — деди учинчиси.

Шаҳноза деган бир қақажон қиз газетани юлиб олиб ўқиди. Газета дадамни роса мақтабди, «тил туттишга уста разведкачи», дебди. Дадам ҳозиргача тўққизта «тил» тутган эмиш.

Уша кун аёллардан янги гап эшитдим. Газетага чиқиб мақталган аскарларга бир ой-бир ой жавоб берилармиш. Қишлоғимизнинг у чеккасида — кўчанинг оғзида турадиган Солижон ака ҳам урушда хизмат кўрсатган экан, бошлиқла-

ри бир ойга уйига юборибди, бор, Солижон, болаларингни кўриб, ўйнаб кел, депти. Бу гапни эшитиб, юрагимга ғўлула тўшди. Бундан чиқди, менинг дадам ҳам келиб қолиши мумкин экан-да? Тезроқ келсайди. Жуда соғиндим. Бир йилдан бери тушларимга кириб чиқади.

Кечқурун суюнчи сўрагани газетани кўтариб Абдуқодир амакимниқига югурдим. Борсам — амаким, Шарифа янгам, унинг Мойлисойда турадиган акаси ўтиришган экан. Уни негадир ҳамма Шамол тоға дерди.

Амаким газетани кўриб қувонди. Янгам суюнчисига бир дўппи олма қоқи берди. Сурат қўлма-қўл бўлди.

Анчадан кейин янгам мени акасига кўрсатиб деди:

— Сизга айтган болам мана шу.

Шамол тоға менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Чайиргинага ўхшайди.

— Меҳнаткаш бола-да Абдурахмон, — деб янгам елкамга қоқди. Кейин сўради: — Мана бу тоғанг сени ўғил қилиб олмоқчи, борасанми?

— Дадам келмайдими? — дедим жавдираб. Амаким ўртага тўшди:

— Дадам уруш босилганда келади. Унганча ўғил бўлиб тур. Қийналмайсан. Яхши-яхши кийимлар олиб беради тоғанг. Укаларингга ҳам қарашиб туради. Хўпми?

— Билмадим, аямдан сўрай, — деб ўрнимдан турдим. Шамол тоға ҳам кўзгалди.

Келиб аямга айтдим. У иккиланди, бироқ рози бўлгандай эди. Бунинг устига икки кун деганда Файзулла укам оғриб қолди. Ҳадеб кўк ўрик едириб, орқасидан сув ичирганимгами, ё офтоб урганми, ишқилиб, тўхтамай ичи кетар, қусар эди. Кўрқиб, аямнинг ёнидан жилмай қолдим.

Укам кундан-кун оғирлашиб борарди. Кўзини очмайди. Ўқчийди, инқиллайди, бутун бадани ўт бўлиб ёнади. Қаёқдан ҳам бир бош кўкнор топиб ичирдик, оғзига жийданинг сувини томизиб кўрдик. Кампирлар, кун урганга фойда, деб қурбақа шўрва қилиб беришди. Аям бир муллани чақириб, уч кун ўқиттирди. Фойдаси бўлмади. Файзулла саккиз кун деганда жон берди. Аям сочини юлиб йиғлади. Укамни хотинлар ўраб-чирмаб беришди. Амаким билан икки чол лаҳзада обориб кўмиб келишди.

Фарзанд доғи аямни тўшакка ётқизиб қўйди. У ўн кунгача бош кўтармади. Ахийри, аямнинг ота-онаси келиб бизни кўчириб опкетмоқчи бўлишди. Урганмаган ерга боришга оёғим тортмади. Бироқ, аям хафа бўлмасин, деб айтолмадим. Ночор, кўчага чиқувдим, бахтимга, Шарифа янгам келиб қолди. У аям билан гаплашиб мени олиб қолди.

— Рози бўл, болам, — деди аям, қўлимни аранг қўйиб юбориб. — Мабодо қийналсанг, тўғри олдимга келавер.

У ортига қараб-қараб кетди. Елкаси силкиниб боряпти. Хўрлигим келди. Хаёлимда мен аямни қайтиб кўролмайди-гандек эдим.

Эртасига Мойлисойга, Шамол тоғанинг уйига жўнадим.

Сутли гўжа касофати

Шамол тоғанинг ҳовли-жойи яхши экан. Олди — катта сой. От чопса бўладиган боғи бор. Боғ этагидан ариқ оқиб ётибди. Бир сигир-бузоғи, ўн-ўн беш товуғи, яна бизникида йўқ кўп нарсалари бор экан.

Тоғанинг хотинига қараб кулиб юборай дедим. У қамшидай узун, ориқ бўлса-да, оғирқарвон. Тоға тарвуздай дум-думалоқ, шув-шув этиб, пишиллаб юради. Шунинг учун ҳам унга Шамол деб лақаб қўйишибди. Хотини иккаласи ёнма-ён турганда худди «1» билан «0»ни қатор қилиб қўйганга ўхшайди. Тоға билан холанинг болалари йўқ экан. Битта асранди қизлари бор экан, Самарқандгами, бир ёққа узатиб юборишибди.

Шамол тоға ҳам, хотини Кумуш хола ҳам мени очиқ юз билан кутиб олишди.

— Отинг нима? — деди Кумуш хола.

— Абдурахмон, — дедим оғзимни тўлдириб.

— Кўзларинг мунча қоп-қора экан, — деди у илжайиб, — мен сени Қоракўз дейқолай. Улган инимга ўхшар экансан.

«Балоқўз десангиз ҳам майли, ишқилиб қорнимни тўйдирсангиз бўлди», дедим ичимда. Хола кўнглимдагини

¹ Елин — яшин.

сезгандай, бир коса жўхори гўжа олиб чиқиб олдимга қўйди. Яримта зогора нон билан тушириб олдим.

Кумуш хола тиззамнинг йиртиғига бир қараб қўйдию ичкаридан эски чит лозим кўтариб чиқди. Лозим қизларники экан. Шундоқ бўлса-да, ўзимникидан яхши-ку, деб ўйлибгина кийиб олдим.

— Энди ишинга қара, болам, эртага қўйлак тикиб бераман, — деди хола.

Ховлига чиқдим. Мени бир дунё юмуш кутиб турган эди. Итнинг жунидай бўлиб кетган пиёзни ўтоқ қилиш керак, йигирма кадамча ерни чопиб, кузги сабзи экиш, чалов босган ариқни тозалаш, ўт ўриш, бузоқни гоҳо-гоҳо жилдириб, суғориб туриш, дарахтларнинг қувраган шохларини синдириб олиб ўчоқбошига ташиш... Юрагим орқамга тортиб кетди. Шамол тоғанинг нега «болам»лаб қаршилаганини энди тушундим.

Нимадан иш бошласам экан, деб ўйланиб қолдим. Кейин қора тут айрисидоғи қўл ўроқни олиб боққа тушиб кетдим. Кўпдан бери ўт ўрмай, пичан ҳидини соғинган эдим. Тушаверишдаги олмазор таги тиззадан майса. Мушукқуй-руқлар бурлиб почаларимга ёпишади. Оёқларимга муздай сув сачрайди. Олма гулини тўкяпти. Димоғимни ўткир, ёқимли ислар ёриб юбораман, дейди. Чалқанча тушиб бирпас ётдим. Тепада кўм-кўк осмон. Кўзларимни юмиб очаман. Энди осмон ўрнида чақалоқнинг кўзларидай митти гулчалар пайдо бўлади. Бутун олам нуқул гулдан, ёқимли ҳидлардан, ғир-ғир шабададан иборатдек бўлиб кўринади. Тагин кўзимни юмдим. Чеккан бутун азобларим, ёмон кунларим мана шу олмазор тагида, бижилдоқ қўшларнинг бозорида, асаларилар парвозида эриб, йўқ бўлиб кетаётгандек эди.

Шамол тоғанинг йўтали эшитилмаганда яна анча ётардим. Иргиб турдим. Қўрқанимдан ётган еримдаги ўтларни сиқимлаб юла бошладим. Кейин ўроққа ёпишдим. Шамол тоға бирпас тепада турди. Уроқ ўришимни ёқтирди шекилли, нари кетди. Ярим йўлдан тайинлади:

— Олдин ўтни ўриб ташла. Кейин, ҳув боғнинг этагида бир ўрик қулаб ётибди, шуни саржинлаб, уйга ташиб қўясан. Унгача ўтинг ҳам қурийд. Боғлаб, челга¹ чиқариб ол. Сувда қолмасин.

Шамол тоға кетгач, зинғиллаб боғ этагига ўтиб, ҳалиги ўриқни кўриб келдим. Чинордай бўлиб ялпайиб ётибди. Уни аралашга кучим етмайди, аммо шох-бутоғини майдалаб олишга камида уч кун керак эди. Шунча ердаги пичани ҳам бир кунда ўриб адо қилолмайман. Шамол тоға мени ким деб ўйлапти, эртақлардаги Рустами дoston деб ўйлаптими?

Индамай ўроқ чалавердим. Бир вақт Кумуш хола чақириб қолди:

— Ҳув Қоракўз! Мунда ке, болам! Югур!

Уроқни ташлаб, тепага чопдим. Чиқсам, Кумуш хола тешик тос кўтариб турибди.

— Ярим жомгина тезак териб кел, болам. Нон ёпай десам, тандир ўлгур қуруқ шувоққа қизимайдиган.

Тосни олиб кўчага чиқдим. Шамол тоғанинг уйи бир томондан қирга туташ эди. Азонлаб далага кетадиган сигир подадан онда-сонда япалоқ тезаклар қоларди. Тосни судраб юриб, уларнинг қаттиқ-қаттиқларини териб олдим. Тезак тўла тоғорани ўчоқ олдига қўйиб, боққа тушдим. Қарасам, ўроқ кўтариб Шамол тоға турибди. Важоҳати бузуқ. Қўрқиб, сал берида тўхтадим.

— Қаёқда санқиб юрибсан? — деб ўдағайлади у.

— Холам тезак териб кел, деб...

— Холаң мачал² эмас, ўзи терсин! — деб бақирди тоға, — тезроқ ўриб, сув қўйиш керак. Бугун-эрта сув менга тегадиган. Ма, мендан бошқа валламатни айтсаям борма!

Яна ўтга энгашдим. Бир вақт сутли гўжа қоринини гўлдирадди. Лекин, Шамол тоға кўрса уришмасин, деб девор орқасига ўтмадим. Қорним бураб оғрий бошлади. Охири чидамадим. Уроқни отиб уриб югурдим. Қўшнимизнинг пастак деворидан иргиб тушаман, деган эдим, қўлим қайрилиб кетди. Қўшалоқ оғриққа чидамай гуп этиб ерга йиқилдим.

Анчадан кейин инқиллаб қайтиб келдим. Унг қўлимни кўтаролмайман. Зирқираб оғрийд. Утни чап қўллаб ўра бошладим. Бироқ, эплай олмадим, ерда диккайиб-диккайиб бир қарич майса чўпак қолиб борарди. Аксига олиб, шувиллаганча яна Шамол тоға келди.

— Менга қара, чопиб тегирмонга бориб кел! Озгина бугдойга ун алишиб келасан.

Мен «хўп» деб энди ўрнимдан турган эдим, тоға чала ўрилган ерни кўрдию бақириб берди:

— Бу нима қилиқ?! Ит талаган пўстақдай қилиб ташлабсан-ку! Сўқимдай бўлиб, ўт ўришни билмайсанми? Бу ёққа бер ўроқни!

У чапдаст экан, ерни қиртишлаб бир текис ўриб кўрсатди.

— Мана шундай қилиб ўриш керак!

— Биламан, — деб минғилладим — қўлим...қайрилиб кетди.

Шамол тоға кўм-кўк бўлиб кетган панжамни ушлаб кўрдию ростдан инонди шекилли, ўрнимдан турди.

— Бўпти, сен ишингни қилавер. Тегирмонга ўзим бораман, — деб жўнади.

Секин-секин, бир амаллаб ўрпман. Уроққа илинмаган майсаларни қўй чимдигандай биталаб юлиб оламан. Тушгача аранг уч пол ердаги пичани ўриб олдим. Тушдан кейин иссигим кўтарилди. Қўлим шишиб кетди. Бир пол ҳам ўролмадим.

Кечкурун Кумуш хола қўлимга шўр пахта қайнатиб боғлади. Эрига қараб:

— Қоракўзни синиқчига обориб келмайсизми? Бечоранинг қўли чиқиб кетган шекилли, — деган эди, Шамол тоға уришиб берди:

— Синиқчига оборишни ўзим ҳам биламан. У фалон пул сўрайди. Халфана пулинг бўлса, бер, олиб борай.

Хола лабини тишлаб туриб кетди.

Ҳув ўша қора тут тагида эски бир эшик ётган экан, кечкурун хола ўшанинг устига жой солиб берди. Чўзилдим. Бироқ туни билан қийналиб, ухлай олмадим. Қўлим лўқиллайди, дам-бадам чанқайман. Гоҳо алаҳсираб қичқираман...

Эрталаб турсам, Шамол тоға йўқ. Кумуш хола менга дастурхонлик йўл-йўл қизил матодан қўйлак тикиб қўйган экан. Уйга олиб кириб кийинтирди. Қўйлакнинг энглари икки хил бўлсаям, бутунгина, ўзимникидан яхши эди. Кўчага чиқдик. Хола «Энди сен ишга ярамайсан, уйинга кетақол», деб жўнатиб юборса керак, деб турдим. Йўқ, у мени бошқа ёққа бошлади. Сойдан ўтдик. Пастқам уйлари оралаб боравердик. Бир вақт ёлғиз қора ўтов кўринди. Хола мени тўғри шу ўтовга олиб кирди. Ичкарида бир қозоқ чол юган тикиб ўтирган экан. Хола салом бериб, чолга арз айтди:

— Жаке, манави боланинг қўлини бир кўриб қўясизми, деб опкелувдим. Ўзи бир етим бола. Лекин, берадиган ақчамиз йўқ.

Чол бигиз билан тасмани тешаркан, муртидан кулиб қўйди, сўнг холага қаради:

— Ким айтди мени ақчага қўл солади, деб? Унғмаган куёвинг айтди? Мен татти¹ сўзга-да, савобга-да соламан. Қани, қароғим бери кел-чи. — У мени имлаб чақирди. Бордим. Чол қўлимдаги пахтани олиб ташлади, бошини чайқади. — Уй-бой, кеча чиғибдиғўй! — У аста-аста биллақларимни силай бошлади, «Қўрқма, шундай кўриб қўяман», деб мени овути. Мен табиб бобонинг ёқимли қўлларини ўйлаб хаёлга кетдим. Шу пайт чол қўлимни силаб бир тортиди. Дод деб юбордим. У ёғи нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам, чол яна қўлимни сийпалаб ўтирибди, Кумуш хола эски бир латта билан танғиб боғлаяпти.

Холага эргашиб уйга қайтдим. Қозоқ бобо қўлимни тахтақачлаб қўйган эди. Беш кунгача қўлим бўйнимга осилиб юрди, кейин отдай бўлиб кетдим.

Қулоғи тикилган бузоқ

Кумуш холани яхши кўриб қолдим. Унинг ҳар бир сўзига юз ўмбалоқ ошиб кетишга тайёрман. Қўлига спурги

¹ Чел — марза, уват.

² Мачал — шол, чўлоқ.

¹ Татти — ширин.

ушласа, тортиб олиб, ҳовлини чиннидай қилиб супуриб қўяман. Кун исиганда ариқдан қумғонда сув келтириб, даҳлизга қалин қилиб сепаман. Хола дарчани очиб қўяди. Ғир-ғир шабадада ўтириб қўл машина тикади. У тузуккина чевар экан. Эски кўйлагини бузиб менга яна бир чалвар тикиб берди. Дадам урушга кетгандан бери чалварим икки бўлмаган эди. Энди бирини ечиб, бирини кияман. Қорнимиз очса, хола қазноқнинг калитини беради. Бир дўппи қоқўрик олиб чиқаман. Икковимиз сувга ивитиб, олмачай билан ичамиз.

Шамол тоға кўпинча уйда бўлмайди. У сахар шошилиб чиқиб кетадию гоҳо пешинда, гоҳо қоронғи тушганда бўғча кўтариб кириб келади. У нима иш қилади, куну бўйи қаерларда юради — билмайман. Бўғча олиб келган кунлари тоға эшик-тешикни бекитиб, алламаҳалгача нимадир санайди. Мен эса ётоғимга кириб кетаман. Етоқ жойинг қаер, десангиз — тандирбоши. Кечқурун ертандирга ўт ёқилгандан кейин чўғи қолади. Тандир оғзига икки тахта қўйиб, устига ўртик¹ ёпаман. Мойлисой тоққа яқин бўлгани учунми, анча салқин. Қўлларимни ўртикка тикиб, оёқларимни тандирга осилтириб хаёл суриб ўтираман. Тепамда узумдай гуж-гуж юлдуз. Совуқ шамол эсади. Ёнгинамдаги ариқда қурбақа қуриллади. Олисада ит ҳуради. Шабада кечки гулларнинг ажойиб атрини келтиради. Уҳ тортаман. Уй сураман. Улган онамни, фронтдаги дадамни, бечора Орзигул аямни, Ғайбулла укамни ўйлайман.

Ой чиққан кунлари китоб ўқийман. Аслида бу китоб эмас, Кумуш хола тутантириқ қилай деб ўчоқбошига ташлаб кетган эски китобларнинг йиртиқ-юртиқ варақлари. Шуларни териб олиб, ҳижжалайман. Бир сафар қўлимга ғалати эртак тушиб қолди. Етти хуфтонгача ойга солиб пичирлаб ўқидим. Менга ўхшаган бир бола аломат куш тутиб олибди. Қуш, мени қўйиб юбор, айтганингни бераман, деб болага ялинибди. Бола қўйиб юборибди. Кейин куш унга очилдастурхон берибди. Бола «Очил, дастурхон!» деса, тамом, дунёдаги ҳамма ширин-шарбат овқатлар тайёр бўлар эмиш. Бола дастурхонни кўтариб йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Кейин...

Шу ерга келганда варақ йиртилган эди. Жуда хафа бўлдим. Бола бечора нима қилди экан? Очилдастурхондаги ҳар хил овқатлардан едимикан? Қани энди менам шунанга дастурхон бўлса, дейман. «Очил, дастурхон!» деб қўйиб, қишлоғимиздаги ҳамма болаларнинг қорнини роса тўйғазардим!..

Ўйлаб-ўйлаб, охири шилқ этиб ёпоқи ёстиққа қулайман. Ана шундай қилиб, кунларим ўтаверди. Бироқ, камбағални туянинг устида ит қошибди, деганларидай, яна фалокат юз берди.

Бир куну боғда йўнғичқа ўриб юрган эдим, пуштада ўтлаб турган бузоқ бўшалиб кетди. Дарров бориб, темир қозиққа боғлаб қўйдим. Бир маҳал қарасам, ҳаром ўлгур бузоқ «мў-ў» деб тагин ёнимга келиб турибди-да. Ипидан ушлаб тортидим. Йўқ, юрмайман, деб туриб олди. Ҳадеб барра бедага бўйинини чўзади. Есанг — ейвур, деб қўярдим-у, хом беда, қорни шишиб кетса, тагин Шамол тоғадан балога қолмай, деган хаёлда арқонни силтаб тортидим. Бузоқни судрашга кучим етмади. Узиям эшакдай келарди-да. Жаҳлим чиқди. Уроқнинг орқаси билан бузоқнинг бўйнига бир урмоқчи бўлувдим, лаънати, бошини буриб қолди, ўткир ўроқ ғарч эткизиб бузоқнинг бир қўлоғини кесиб тушди. Жон-поним қолмади. Бузоқ «мў-ў»лаб шаталоқ отиб қочди. Арқонга ёпишдим. Думалаб бориб битта олмага маҳкам боғладим. Бузоқ ҳадеб калласини силкитар, гўё қўлоғининг ярми эмас, юраги узиб олингандай тинимсиз типирчилар эди. У бирпасда ҳамма ёғини қонга булаб ташлади. Қўрқдим. Бир хаёлим ура солиб қишлоққа қочмоқчи бўлдим. Кейин ҳийла ишлатдим. Шартта чалворимнинг бир почасини йиртиб, уйга чиқдим. Шамол тоға лунжини шишириб чой ичиб ўтирган экан. Кумуш холадан игна-ип сўраб олдим. Учоқ бошидан гугурт ўғирлаб липамга қистирдим. Йўлдан бир бўлак кигиз топиб, боққа тушдим. Бузоқни олмага қапиштириб, чандиб боғладим. Кейин машина ипни ўрт қаватлаб эшдим у ерда ётган ярим қўлоқни олиб, ўрнига ямай бошладим. Этикчининг боласи

эмасманми, ямоғим балодай чиқди. Кигиз бўлагини куйдириб, қўлоқни боғладим. Қон тўхтади. Бир пақир сув опкелиб, бузоқни суғордим, усти-бошимни ювиб, иккаламиз ҳам топ-тоза бўлиб олдик. Бузоқ анча тинчиб, ўтлашга киришди.

Бу ёғини-ку бир амаллаб тўғриладим. Лекин кечқурун сирым очилмасмикан, деб чўчиб турибман. Бузоқдай расвоси бўлмайди. Онасини эмаётганда калласини лиқиллатиб ямоқни кўчириб юборса, Шамол тоға мени уриб ўлдиради, деб юрагимни ҳовучлайман. Аммо кечқурун энди сигир соғиладиган пайтда кимдир келиб, тоға билан холини таъзияга айтиб кетди. Уларнинг бир туғишгани ўлган эмиш. Уз вақтида ўлиб, мени қоран калтадан қўтқарган бу кишига бир қувондим, бир қувондим...

Тоға эшикка етганда тайинлади:
— Бугунча бузоқни эмизақол. Кейин қимирламай ўтир. Биз кечроқ қайтамиз. Уқдингми?

Қувонганимдан «Хўп бўлади, тоғажон!» деб юбордим. Эртасига чиноқ бузоқни яхшилаб парвариш қилдим. Икки марта кигиз ёқиб қўлоғига босдим. Тез-тез суғориб, барра майсалардан бериб турдим. Зора, тикилган қўлоқ тезроқ битса. Зора, Шамол тоға ҳийламни сезмаса. Қаёқда! Тиришиб ўлгур бузоқнинг бир қўлоғи сўлиган ўтдай шалпайиб турарди.

Ичимни ит таталаб кун ботишини кута бошладим. Бир пайт хола тепадан туриб қичқирди:

— Қоракўз, хув! Сигир келди-и! Бузоғингни олиб че-еқ!.. Бузоқни ечиб, қўйиб юбордим. У шаталоқ отиб ҳовлига чопди. Мен арқонга ёпишиб, узидан югурдим. Бузоқ борасолиб онасининг елинига ёпишди. Мен етти-саққиз қадамча берида турибман. Чунки биладан, бузоқни осонликча-сигирдан айириб ололмайман. Арқонга бўй бермайди, қўлоғидан чўзишга қўрқаман.

— Ҳай, шунча сўрганнинг етар, шумшик, — деб Кумуш хола бузоқни чап қўлоғидан ушлаб бир тортган эди, ямалган қўлоқ тир-р этдию узилиб кетди. Хола «Вой!» деди, ялт этиб менга қаради. Беихтиёр бир қадам орқага чекиндим. Бузоқ калласини сарак-сарак қилди, атрофга қон сачради. Шунинг устига қайси гўрдан ҳам Шамол тоға келиб қолди. У хотинининг қўлидаги ёрти қўлоқни кўрдю гагга тушунди. «Ҳа, бўйнинг узилгур!» деб ердан узун сўта олиб қувди. Боққа қараб қочдим. Тоға лаланглаб қувяпти, мен дингиллаб қочяпман. Тўғри бориб ўзимни боғ этагидаги анҳорга ташладим. Узоқдан тоғанин «Сен қайтиб кўзимга кўрин, у қўлингниям синдираман!» деб бақиргани эшитилди.

Анча ергача сузиб бордим. Кейин, сувга тушган мушукдай шумшайиб қирғоққа чиқдим. Бир тошга ўтириб дам олдим. Кийим-бошимни ечиб, сувини сиқдим. Салқин тушди. Этим жунжикди. Қорним очди. Тўйгунча йиғладим. Қоронғи тунда юлдузларга қарай-қарай эшак йўлдан юриб, қишлоққа етдим. Тўғри мазористонга бориб, ўзимни онамнинг қабрига ташладим. Йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибман.

Бир вақт кимдир туртади. Кўзимни очсам, гўристон ёнида турадиган Машарип тоға экан. У мени уйига олиб борди, бир бурда арпа нон билан иссиқ чой берди. Жонимни қақриб олдим. Кун кўтарилганда амакиларникига бордим. Дарвозадан шундоқ кирсам, ташки ҳовлида Шамол тоғанинги эшаги турибди. Шартта орқамга қайтмоқчи эдим. Шарифа янгам чиқиб қолди. У мени суйиб-эркалаб ичкарига олиб кирди. Тўрда гумбаздай бўлиб Шамол тоға ёнбошлаб ётибди. У мени ёмонлай бошлаган эди, янгам жеркиб ташлади:

— Бир етимни шунча хўрлайсизми? Эгам билиб сизни тирноққа зор қилиб қўйган. Агар энди чертганингни эшитсам, мендан яхшилик кўрмайсиз!

Тоға сингисидан қўрқади шекилли:
— Ҳа, бўпти, энди арзандангни бошимизда кўтариб юрамиз! — деб ўрнидан кўзгалди.

У мени опкетгани келган экан. Мойлисойга сира оёғим тортмайди. Бироқ Орзигул аямникига ҳам боршини хохламайман. Амакиникида қолай десам, янгам бошимни силаб, алдаб турибди:

— Борақол, кўзим. Тоған энди хафа қилмайди. Ҳадемай уруш тўхтайдди. Даданг келади. Кейин уйга қайтасан...

Ноилож Шамол тоғага эргашдим. У ханги эшагини миниб

¹ Уртик — кўрпачадек пахталик ёпқич.

йўртиб кетди. Мен яёв изидан тушдим. Югуриб етолмайман. Тоға гоҳо «келяпсанми?» дегандай қайрилиб қараб кўяди.

Мойлисоё ўригача чопқир эшакка кучукдай эргашиб бордим. Қишлоққа кирверишда тоға одамлардан уялди-ми, мени орқасига мингаштириб олди.

Шундай қилиб, тагин тандир бошидаги жойимни эгалладим.

Ўрикфурушлик қилганим

Ез келди. Уша йили Шамол тоғанинг ўриги яхши ҳосилга кирган эди. Тоғанинг Самарқанддаги асранди қизи ҳам кўчиб келди. Унинг кўеви бултур урушга кетган экан, бомбанинг тагида қолибди. Йигирма ёшлардаги Ҳакима деган бу бева келинчақ лўлидай қоп-қора бўлса-да, чиройли эди. Ўзи жиккаккина, бидирлаб гапиради, ерни тешиб юбораман деб тарс-турс юради. Хуллас, икковимиз ўрикфурушлик қила бошладик.

Азонлаб тоға, хола, Ҳакима тўртовимиз боққа тушамиз. Мен ўриikka чиқаман. Қолганлар ерда сўзана тутиб туришади. Мен аста-аста даррахтни силкитаман. Қаттикроқ силкитсам, «Бўлди, туш энди, хомини тўқасан!» деб тоға уришиб беради. Пастга сакрайман. Кейин тўртовлашиб эзилган ўрикларни бир дастурхонга териб оламиз (қишда туршак фалон пул, дейди тоға), бутунларини авайлаб пақирларга жойлаймиз. У икки пақирни хуржунга солиб, эшакка ортиб беради. Ҳакима билан эшакка мингашиб йўлга тушамиз. Оптимиздан тоға:

— Ҳой, секинроқ юринлар, ўрик эзилса, нархи тушиб кетади! — деб қичқиради. «Хўп-хўп»лаб Хонтоғига қараб кетамиз. Хонтоғи — тоганикидан етти-саккиз қақирим келадиган кичкина шаҳарча. Илгари бу ерда қирқ-эллик чоғли уй бўлар экан. Уч-тўрт йил бурун қандайдир кон очилибди. Шундан бери одам босиб кетган. Ҳатто тор изли темир йўл ҳам олиб келинган.

Мен Ҳакима билан ҳали тузукроқ танишганим йўқ. Шунинг учун ийманибгина эгарнинг қаптолидан ушлаб кетяпман. Бир вақт Ҳакима кўлини орқасига чўзди, пайпаслаб менинг кўлимни топдию белини қучоқлатиб кўйди.

— Мени ушлаб ўтир, Қоракўз, қулаб тушаман.

«Балониям қуламассан», дедим ичимда, лекин ноилож унинг юмшоқкина қорнини қучоқлаб ўтирдим. Қўлларим қўйиб кетгандай бўлди.

Бозорга келиб, ўригимизни туширдик. Бозор кичкина бўлса-да, одам деганингиз чумолидай кўп экан. Вағир-вуғур, вағир-вуғур! Улар худди минг бир тилда чулдирар-ётган бижилдоқ қушларни эслатарди. Ҳакима пақирларни очиб кўйди, мен товушим борича қичқира бошладим: — Падҳади народ! Свой агарод! Палавина сахар, палавина мёд!..

Ҳакима кулиб юборди.

— Бало экансан! Қаёқдан ўргангансан?

— Бир марта дадам билан Туркистонга бозорга борганман. Шунда эшитган эдим. Қичқираверайми, опа?

Ҳакима киприк қоқди. Мен тагин бақирдим:

— Падҳади народ! Ислаткий ўрук!

Тепамда турган сал-сарик киши жеркиб берди:

— Нега чийиллайсан? Кўриб турибман, тарвуз эмас, ўрик сотяпсан... — Кейин у битта ўригимизни еб кўрдию «Ярим кило торт», деди. Ҳақиманинг кўли дарров тарозига югурди.

Хуллас, бақириб-чақириб ўтириб икки соатларда ўрикни пуллаб олдик. Кейин Ҳакима билан шарбатли сув ичдик, ичига нўхат солинган япалоқ сомсадан иккита едик. Қолган пулни Ҳакима кўйнига бекитиб кўйди.

Яна эшакка мингашиб, бўш пақирларни даранглатиб уйга кириб келдик. Шамол тоға пулни санаб олди. Кўнгли тўлган шекилли, лекин барибир: «Ўрик шунча арзон эканми, менга килоси йигирма икки сўм дейишган эди-ку?» деб пўнғиллади. Ҳакима бир четга қараб бурнини жийирди.

Учинчи марта бозорга борганимизда Ҳакима мени гапга солди:

— Қоракўз, у кунни кўрдинг, Шамол ўлғир оборган пулимизга ишонмаяпти. Мана сенга ишонмасанг, деб, бугунги тушумдан озгина яшириб қолмаймизми?

— Билиб қолса... уради-да? — дедим кўрқа-писа.

— Балони билади! — деб шипшиди Ҳакима. — Нега пулларинг оз, деса, ўрик арзонлабди, деймиз. Майлими? Мен-чи, сенга галати қаламтарош олиб бераман. Ўзи очилиб, ўзи ёпилади.

«Ўзи очилиб, ўзи ёпиладиган» қаламтарошни эшитиб, рози бўлдим. Кунлик тушумдан озгина уриб қолиб, уйга кириб бордик. Тоға ўғирлаганимизни пайқаганми, ўшқириб берди:

— Бу не қилиқ?! Тунов кунни пачаки ўрикни фалон сўмдан сотдиларинг, энг сарасини сув текинга бердингларми?

— Бозор арзонлабди, — деди Ҳакима пинагини бузмай, — ишонмасангиз, эртага ўзингиз бориб кўринг.

Эртасига Шамол тоға бизни текширгани бозорга йўртди. Биз уни атайлаб ўрик кўп ерга бошладик. Бахтимизга, шу кунни узоқ қишлоқлардан ҳам пақир-пақир минг мева-чева келиб, ўрикнинг қилоси жуда пастлаб кетибди. Тоғанинг дами қирқилди. Бизнинг отимиз эса чопиб қолди. Ҳакима икковимиз кунига ўн-ўн беш сўм дегандай уриб қола бошладик. Сал кунда жамғармаимиз минг сўмдан ошиб кетди. Мен бу пулларни Ҳакима нима қилар экан, деб ҳайрон эдим. Бир кунни ўзидан сўрадим.

— Кийим олиб ясанаман! — деди у сақичини чапиллатиб. — Дунёдан шунақа тоқ ўтиб кетармидим? Эрга тегаман! Шамолингни бош-шимгаям урмайман!

У эгни-бошини тузатиб кўзларини сузди:

— Мени манаман деган йигитинг олади. Чиройлиман-а? Ё чиройли эмасманми?

— Чиройлисиз, — дедим мен унинг тутаб турган шахло кўзларига қараб, — фақат... оёғингиз сал ингичка-да...

Ҳакима шарақлаб кулди:

— Вой кўрим-эй! Сан ўлғир семиз оёқ билан ориқ оёқнинг фарқини қаердан билақолдинг? Ҳўкиз бола туғибди, деса, қорами, олами, деб юрибсан-да!

— Бекор айтибсиз! — дедим ўжарлигим тутиб. — Ҳўкиз туғмайди, сигир туғади!

Ҳакима яна қичқираб кулди.

Бора-бора бу ўтдай жувон билан иноқлашиб кетдик. У мени тандир бошидан тушириб, ёнига олди. Энди икковимиз боққа тушаверишда, тоқзор тагидаги ёғоч сўрида ётадиган бўлдик. Ҳакима мени эски қуроқ кўрпача билан яхшилаб ўраб кўяди, ўзи тўшагини тепиб ташлаб осмонга қараб ётади. Кечаси билан менга эртаси айтиб беради. Бир маҳалланинг одамани кўтариб учадиган гиламлар, сувга тушса қиз бўлиб, сувдан чиқса каптар бўлиб қоладиган парилар, қорнини ишқаласанг, қилич-қалқон кўтариб сон минг аскар чиқиб келадиган аломат қумғон ҳақидаги эртасини эшитиб, тонг қоламан.

Бир сафар Ҳакима менга дадасини йўқотиб қўйиб, юртма-юрт излаб юрган бола тўғрисида эртаси айтиб берди. Илгари билмас эканман, Ҳақиманинг оёғи хунук бўлгани билан овози чиройли экан.

Баланд-баланд тоғлар келади,
Ундан қандай ўта-арсан, Собиржо-он!
Қалин-қалин боғлар келади,
Ундан қандай ўта-арсан, Собиржо-он! —

дея чўзиб, секин қўшиқ айтганида кўзларимга ёш келиб кетди.

Ундан кейин Ҳакима ошиқ-мошиқлар ҳақида чўпчак бошлади.

— Энди ухла, — деди сўнгра, — мен бирпас хаёл сураман.

Бир вақт кимдир бўғаётгандай, нафасим қисилиб уйғониб кетдим. Қарасам.. тепамда Ҳакима. Мени маҳкам қучоқлаб олиб, юз-кўзим аралаш чўлпиллатиб ўпаяпти. Ҳансираб, ярим-ёрти гапириб кўяди:

— Жоним!.. Қоракўзим... Мунча ширинсан!.. Вой, ёмон бўлиб кетяпман...

— Опа, қўйинг, — дедим кўрқиб, — Нима қиялпсиз? Ҳакима гапимга қулоқ солмади. Билақларимни маҳкам босиб туриб, қаттиқ-қаттиқ ўпаверди. Мен унинг чангалидан аранг қутулдим...

¹ Кўрим — лапашенг, анқов.

— Опа, ҳаммаёғим... оғриб кетди. Қўйинг...

Ҳакима мени силтаб ташлаб, кўрпасига ўтди.

— Бир ғарибнинг кўнглини сен ҳам тушунмадинг! — дедию бошини тиззаларига қўйиб хўнграб йиғлади. Унга раҳим келди.

— Опа, майли, хафа бўлсангиз... тагин ўпа қолинг, — дедим унга суйкалиб. Ҳакима қўлимни итариб ташлади: — Бор, кўзимдан йўқол!

Ҳакима урушни, Гитлерни, шум тақдирини қарғаб-қарғаб анчага йиғлаб ўтирди. Кейин ариқча бориб юзини ювиб келди-да, кўрпага кириб бошини буркаб олди. Мен тонг отгунча мижжа қоқмадим. «Асли, дунёдаги энг ёмон одам Гитлер экан-да, — дейман ичимда. — Мени дадамдан айриб, уйма-уй сарсон қилиб қўйди. Ҳакиманинг куёвини ўлдирди. Қани энди, ҳалиги сеҳргар қумғон қўлимда бўлса! Қорнини бир ишқаласаму қилич яланғочлаб зўр-зўр аскарлар чиқса! Ҳалиги учар гиламга миниб тўғри Гитлер ўтирган чодирга борса! «Мана сенга, Ҳакиманинг куёвини ўлдирганинг учун! Мана сенга Абдураҳмонбекни тентиратиб қўйганинг учун!» деб Гитлерни қийма-қийма қилиб ташласа!..»

Эртасига Ҳакима билан ҳеч нарса кўрмагандек яна апоқчапоқ бўлиб кетдик.

Ҳакиманинг Собиржон бола тўғрисидаги эртагидан кейин юрагим ўртаниб дадамни соғина бошладим. Нима қилишни билмайман. Бу орада Шамол тоғанинг қўшниларида иккитаси фронтдан ярадор бўлиб қайтиб келди. Улар кеча поезддан тушибди. Ҳозир шаҳардан эшелон-эшелон одам ўтаётганмиш. Миямга ярқ этиб бир фикр келди: ўша аскарларнинг ичида дадам ҳам бўлса-чи! Яхши урушгани учун эҳтимол командирлари унга отпуса бергандир? Бор, Абдусалом, болаларингни кўриб ке, улар сени жуда соғиниб кетди, дегандир?

Нима қилиб бўлса-да, станцияга боришни кўнглимга туғиб қўйдим. Агар дадам уйга келса, бошлаб келаман, йўқ, бир ёққа ўтиб кетаётган бўлса, кўриб, дийдорига тўйиб қоламан.

Шамол тоғага: «Туркистонда ўрик бозори чаққон экан, сотиб келай», деб баҳона қилдим. У кўнди. Аммо, «Пакирга эҳтиёт бўл! Ақчани йўқотиб қўйма!» деб юз марта тайинлади. Икки пақир оқуруғни кўтариб йўлга тушдим. Машина деганнинг қораси кўринмайди. Яхшиям, Хонтоғининг ичкина поезди бор экан, шунга ёпишдим. Шаҳарга икки соатдан мўлроқ юрдик. Бироқ, «етим поезд» мени бир четда тушириб кетди. Бозорга чамидан тўрт чақирим эди. Пақирлар қўлимни қийиб юборай деди. Дам олиб-дам олиб, кафтимга пуфлай-пуфлай аранг этиб бордим. Бахтимга, менинг ўригим харидорбоп чиқди. Ҳаш-паш дегунча бир пақирни бўшатдим. Иккинчисини энди очиб турсам, тепамга кўзлари бодрокдай семиз бир киши келди.

— Пақирни билан оламан, қанчага берасан? — деди битта ўрикни еб кўриб.

— Билмасам...

— Икки юз сўмга розимисан?

Уйлаб қарасам, бир пақир ўрикни бир юз тўқсон сўмга сотибман, бу киши икки юз бермоқчи! Унинг устига, поезд йўл яқин шекилли, паровоз дў-дўлаб кўнглимни алағда қияпти. Худди «Тезроқ бўл, Абдураҳмон, даданг келиб қолди!» деб гудок чалаётгандек.

— Яна озгина қўшинг, — дедим мўлтираб.

— Муштдай бўлсанг ҳам тоштуйлак экансан, бор, икки юз йигирма сўм! — деди бақалоқ. Шартта пулни санаб олиб, бўш пақирни билакка илдим. Бир буханка поезд нон сотиб олиб, ғажиганча станцияга қараб чопдим.

Станцияда одам кўп экан. Буханка нонини бир четидан кемириб у ёқ-бу ёққа юриб турдим. Бир вақт пиш-пишлаб поезд келди. Ҳамма вагонга ёпирилди. Мен ҳам югурдим. Кичкина, кир деразалардан соч-соқоли ўсиб кетган, кўзлари ғалати кишилар тикилиб турибди. Бировлари пилотка кийган, бировлари ярим яланғоч. Кўн иссиқ-да. Поезд зинасида қоп орқалаб, ерга тушмоқчи бўлиб турган аскарлар ҳам бор.

Мен, поезд тезроқ тўхтасайди, деб интизор бўлиб турдим. Бироқ у тўхтамади. Секинлаб келди-ю, гудок

чалиб, тагин тезлаб кетди. Поезд секинлаганда қоп орқалаган беш-олти киши ўзини таппа-таппа ерга ташлади. Мен бир-бир босиб уларга яқинлашдим. «Амаки, менинг дадамни кўрмадингизми?» демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эдим, поезднинг очиқ деразасидан кимдир «Абдураҳмон-он!» деб қичқирди. Мен жонхоломда ўша томонга югурдим. Қоқилиб йиқилдим. Пақир билан нон бир ёққа учиб кетди. Тўрасолиб «Дадажо-он!» деганча олға интилдим. Поезд жадаллаб боряпти. Мен ҳам бор кучимни тўплаб югуряпман. Ҳалиги овоз олисдан яна «...раҳмон-он!» деб чақирди. Мен йиғлаб, товушим бўғилиб, «Да-да... жо-он!» дея чопавердим. Бироқ учқур поездга етолмадим. Шақиллаб кетиб қолди. Охири умидимни уздим. Поезднинг қораси ўчунча мўлтираб қараб турдим, кейин йиғлаб-йиғлаб изимга қайтдим. Станция бўм-бўш. Пақир ҳам, нон ҳам йўқ эди. Бу — дард устига чипқон бўлди. Яхшиям, пулни белбоққа туғиб, белимга боғлаб олганим. Бўлмаса, Шамол тоға нақ ўлдирарди.

Хонтоғининг «етим поезди» билан намозгарда шумшайиб уйга қайтдим. Шамол тоға пақирни сўради. Йўқотиб қўйганимни эшитгач, калтак олиб қувади. Мен қишлоғимга қараб қочдим. Шу кетганча Шамол тоғаникига қайтиб бормадим.

Қоратовга жўнаганим

Ғира-шира қоронғида қишлоққа кириб бордим. Кўча оғзида катта бир тошга ўтириб ўйланиб қолдим: «Тўрт тарафим қибла. Қайга борсам экан?» Бир кўнглим, тўғри Орзул аянғнинг олдига бравер, деди. Бироқ оёғим тортмади. Унинг ота-онаси қанақа одамлар экан. «Ҳа, етимча, сен ҳам келдингми, кўзимиз учиб турувди», дермикан... Абдиқодир амакимникига йўл солайми? Йўқ, амаким урушга кетган. Шарифа янгам беш боланинг оғзини аранг алдаб ўтиргандир. Борсам, кел, деб бошимни силайди-ю, лекин... бирибир, янгамга қолса, менинг Шамол тоғаникида юратурганим дуруст эди.

Секин ўрнимдан турдим. Ке, бугунча Ниёз бобоникида ётақолай, тонг отса бир гап бўлар, дедиму бир-бир босиб ташландик ҳовлимизга қараб кетдим.

Қирдан тушиб, энди кўчамизга бурилганимда ортимда эшагини «хих-хих»лаб келаётган бир қора кўринди.

— Ҳўв, Занги бува! — деди эшакдаги одам. Қарасам, синфдошим Соли лайлак. У кейинги пайтда молхонага ўралашиб қолганим учун менга «Занги бува» деб лақаб қўйиб олган эди.

Тўхтадим. Соли лайлакнинг оёқлари ерга тегай-тегай деб турибди. Худди ўрнидан тургандай, секин бир оёғини кўтариб эшакдан тушди.

— Кўринмайсан? — деди у қўлимни олиб. — Бир сўрасам, Мойлисойда экансан. Қачон келдинг?

— Ҳозир.

— Юр, пасттегирмонга тушиб чиқамиз. Қўштегирмонга борсам, тоши синиб этибди. Уч-тўрт кило буғдой бор эди, унга алмашиб чиқамиз.

Солига мингашдим. Лўкиллаб пасттегирмонга кетдик. Бир оз юргандан кейин Соли лайлак сўраб қолди:

— Абдураш, дадангдан хат келиб турибдими?

— Ҳар замонда. Ёзда газетга тушган бир сурати келувди, шу-шу, жим. Ўзингни даданг-чи, юрибдими?

Соли негадир уф тортиб қўйди.

— Юрибди... Ё тузалмайди, ё...

— Нега унақа дейсан? — деб унинг биқинига туртдим. — Эгаси берган касал-да. Бир куни яхши бўлиб кетар.

Соли эшактаёқ ушлаган қўлини силтади:

— Э, унча уруш ҳам босилади!

Жуда қизиқ-да шу лайлак ўртоғим. Биласизми, нега унинг жини кўзияпти? Солининг дадаси қирқдан энди ўтган, ориқроқ бўлса-да, миқти киши. Урушгача у эл қатори чопқиллаб юрган эди. Уруш очилдию Алимқул тоға бир дардга йўлиқди. Унг оёғига сизловқуми-ей, бир бало яра чиқиб, оқсоқ бўлиб қолди. Ҳозир қўлтиқтаёқ билан юради. Бунга Солининг ғаша келади. Дадамнинг касали, ёлғон, деб ўйлайди. Жинни-да. Алимқул тоға унақа соғ оёғини чўлоқ қилиб, урушдан қочадиган қўрқоқ эмас. Агар у кишининг

¹ Тоштуйлак — пишиқ, айёр.

оёғи чиндан касал бўлмаса, дўхтирлар ҳам унга оқлов қозони қилиб бермасди.

Шу кун и ўртоғимникида ётиб қолдим.

Эрталаб Солининг аяси: «Болам, ўртоғинг билан бориб ҳолангни катта урчуғини олиб кел», деди. Соли икковимиз Чоштепага кетдик. Чоштепа икки маҳалла нарида эди. Урчуғини олдиғу иссиқ кунда катта кўчани чангитиб юрамизми, деб боғ оралаб қайтдик. Кичкина ариқ бўйидаги олчазордан ўтиб, Солиларнинг ҳовлисига тушдик. Қарасам, бир гала товуқ қақағлаб боғ томонга қочяпти. Алимқул тоға қулочини керганча товуқларни қувлаб юрибди. Қўлтигида ғирчиллаб турадиган таёғи ҳам, қўлида ҳассаси ҳам йўқ. «Кишт! Кишт-э, қирон келгур!» деб товуқларнинг олдини тўсиб югуради. Биласиз, товуқ учолмагани билан жуда тез югуради. Унга оқсоқ одам тугул, Солидай оёғи узун болалар ҳам етиши қийин. Алимқул тоға худди соппа-соғ одамдай, у ёқдан-бу ёққа зув-зув чопқилларди. Мен ҳайрон бўлиб тўхтаб қолдим. Соли бир қизарди, бир оқарди. Чидамай бақириб юборди:

— Дада!

Алимқул тоға ялт этиб бизга қаради. Бирдан қовоғини солиб, жўрқиб берди:

— Эшик очиқ эканми? Қайдан кирдинглар?

— Тешиқдан! — деди Соли негадир аччиқланиб. Кейин тез-тез юриб бориб, қари тутнинг айрисидан дадасининг қўлтиқтаёғини олиб келиб берди. Алимқул тоға оқсоқланиб уй тарафга кетди. Ярим йўлда ўгирилди.

— Анави лаънатиларни қамаб қўйинглар! Тариқ экилган ерни таталаб ташлаяпти.

Соли иккаламиз товуқларни ҳайдаб, бирпасда катагига қамаб қўйдик.

Ўртоғимнинг қовоғи очилмади. У худди мендан аразлагандай тесқари қараб туриб олди. Мен ерда ётган узун теракка ўтирдим. Тепамдаги оқ ўрик хазон бўлаёзган эди, ости билан бир бўлиб туршаклари сочилиб ётибди. Уч-тўрт туршакни териб олиб шимидим.

Ичкаридан Алимқул тоғанинг юмшоқроқ товуши эшитилди:

— Мамасоле-е! Мунда ке, болам!

Соли индамай ёнимдан ўтди. Беш-олти қадам юриб, қалласи билан мени имлади. Урнимдан турдим.

Ўртоғим бўсағага бориб тўхтади. Алимқул тоға оёқларини узатиб уйнинг қоқ ўртасига ўтириб олибди. Касал оёғининг почаси шимарилган. Бизни кўрдию тоға қўлларига суяниб чалқайди.

— Ҳаҳ, лаънати оёғ-а! — деди афтини бужмайтириб. — Икки қадамгина таёқсиз юрганмига тутиб қолди қайта. Анави... томдаги мойингдан олиб туш, болам, бир силаб кўрай-чи.

Соли томга чиқиб кетди. Мен ичкари кириб, тоғанинг ёнига чўккаладим. Унинг ўрик ёғочдай қорамтир, бақувват оёғига қарадим.

— Ёмон оғрияптими?

— У, ёмон... ёмон, — деди тоға оёғини ерга тап-тап уриб, — нимасини айтасан. Им-м...

— Бошида нима қилган ўзи?

— Шу, сув суғориб юриб топдим. Бултур бир ҳафта сувдан чиқмай бачада бугдой суғордим. Қайнарбулоқнинг муздай суви-да, чалди-кетди. Бўлмаса, ёғоч таёққа осилиб юриш шунчалик зарилмиди? Йигитларнинг хўрози урушда, Гитлер билан олишиб ётибди.

Соли томдан кир латтага ўралган бир нима олиб тушди. Алимқул тоға латтани авайлаб очди. Ёнғоқдек келадиган сарғимтир ёғ экан. Тоға ундан данакдай узиб олди. Бармоқлари билан эзиб-эзиб болдирига сурта бошлади. Димоғимга олтингургурта ўхшаган сассиқ ҳид урилди. Ўқчиб юборай дедим.

— Нима бу ўзи, тоға? — дедим қўлим билан оғзимни тўсиб.

— Бўрсиқ мойи эмиш. Кўкламда бир қозоқ мергандан олувдим. Бир-икки ой силасанг, отдай бўлиб кетасан, деган эди. Алдаганим бачагағар, фойдасини билмадим. Қани энди, қашқирнинг ичмойи бўлса. Йўқ-да. Қашқир мойи етти йиллик чўлоқни ҳам бўридай югурик қилиб юборади.

Ҳовлида ит вовиллади. Соли ташқарига чиқиб кетди. Менинг бошим қотди. «Бир иложини қилмасак бўлмайди, — деб қўйдим ичимда, — тоға шўрликка ёрдам бериш

керак. Бир томондан оёғи тиндирмай оғриси, бир ёғи, худди урушдан қочиб юрган одамга ўхшаб хижолат тортса! Нима қилиб бўлса-да, қашқирнинг ичмойини топиш керак».

Кечкурун сойбўйига тушдик. Сой лим-лим тўлиб жи-мирлаб оқяпти. Қирғоққа ўтириб олдик. Кафтдай-кафтдай кичкина ялпоқ тошларни сувга отиб «қаймоқ» қилиб ўйнадик.

— Лайлак, — дедим Солининг биқинига туртиб, — сен бекорга отангдан ўпкалаб юрибсан. Қовоқ-тумшугингни осилтиргунча қаллангни ишла. Тоғамнинг оёғи бутун бўлса, таёққа суяниб ҳақкалаб юрармиди? Аллақачон урушга кетарди. Унгаям осон тутиб бўлмайди. Хуллас, қашқир мойидан топиш керак.

— Жиннимисан? Қайдан топаман? Бозорда сотмасан...

— Тўғри айтасан, бозорда сотмасан. Қишлоқда овчи қолмади ҳисоб. Қўйга қирон келтиради, от, деса отавериб бўри зотини қириб юборишди. Нима қилдиг-а, лайлак? Менга қара, Қоратовга бориб келсак-чи?

Соли ишшайиб мени масҳара қилди:

— Зинғиллаб бориб кел! Анув қирга чиқсанг, Фирқў от кишаб турибди. Шартта минасану учасан. Қашқирнинг арслони, қачон Абдурахмон полвон келиб ичмойини олар экан, деб қорнини ёриб турган бўлса керак. Узинг ҳам қип-қизил афандисан-да!

Шу пайт тоғ тарафдан гуриллаган товуш эшитилгандай бўлди. Сақраб турдим. Сойкўчанинг бошида чанг-тўзон кўтариб келаётган қора машина кўринди.

— Ана, лайлак! — деб ўртоғимни енгидан тортдим. — Гапингни фаришталар эшитганми, Фирқў отни юборибди.

Лайлак эриниб қўзғалди. Қўлини пешонасига қўйиб, кўча бошига тикилиб қолди.

Ҳаш-паш дегунча машина етиб келди. У йўлдан чиқиди тўғри сувга тумшугини тираб гумбурлаб тўхтади.

Кузови шотилик аравадан салгина катта бу машина ҳозирча қишлоғимизда ягона. У ҳам колхозники эмас, шахарники. Адашмасам, у биринчи марта кеч кузда келди қишлоғимизга. Унгача колхоз соғилган сутни шаҳарга аравада ташиб берарди. Кейин район катталари колхоздан сут ташигани мана шу машинани қўйишди. Шу-шу, қорақўнғиздай тўмтоқ, қоп-қора машина кўча чангитиб ҳар кун иккаладан бўлди. Биздан, ён-веримиздаги колхозлардан хум-хум сут ортиб, номозгарга яқин қайтиб кетади.

Машина ҳозир тўғри Қоратовдан келиши экан. Кабинадан милтиқ ушлаган бир аскар билан ёшгина шофёр йигит тушди. Аскар йигит милтигини бизга кўз-кўз қилиб, машинанинг олдига суяб қўйди. Кейин шериги иккови тез-тез ечина бошлади. Қўйлақларини милтиқ найзасига илиб, ўзларини сувга отдилар.

Улар бир мазгил чўмилиб, сувдан чиқишганда шофёр йигитнинг олдига бордим.

— Ака, эртага бизниям тоққа олакетмайсизларми?

— Тоғда нима қиласанлар?

— Акамни кўриб келмоқчийдим.

— Аканг ким?

— Тўлабой. Яқинда фронтдан келган-чи, танийсиз. Бир кўзига қора латта боғлаб юради.

— Э, уми? — деди шофёр. — «Ленин йўли»нинг подачиси. Танийман.— У аскарга қаради:— Олакетамизми? Бир тоғни кўриб келсин болакайлар.

Аскар ҳам қув экан, кўзини қисди:

— Майли. Бир пақирчада ўрик териб қўйишса, мен розиман.

— Пақирчада эмас, каттакон пақирда ўрик берамиз! — деб юбордим қувонганимдан. Нега десангиз, бутун хаёлим бир амаллаб тоққа етиб олишда. Тўлабой акага йўлиқиб, шундоқ-шундоқ, Алимқул тоғанинг дардига дармон дори ахтариб чиқдик, десак, у йўқ демайди. Ерининг тагидан бўлса-да, қашқирнинг ичмойини топтириб беради. Тўлабой ака бировга яхшилик қилса, ўзи хурсанд бўладиган йигитлардан.

Шундай қилиб, келишдик. Биз азонлаб Соли билан сой бўйига тушиб турадиган, йигитлар олакетадиган бўлишди.

Шофёрнинг оти Тожимат, аскарники Дамир экан. Эрталаб улар айтган вақтларида келишди. Лип этиб кузовга чиқиди тушга яқин омон-эсон Қоратовга етиб бордик.

Дармондори итга ем бўлди

Томоша қилсанг товга чиқ, дерди чоллар. Рост экан. Қоратовни умримда кўрмаган эдим. Соли икковимиз икки кун мириқиб томоша қилдик. Бизнинг колхозга қарашли сизирлар Мингўрик деган каттакон яйловда боқилаётган экан. Аммо жуда чиройли ерлар экан. Пастда гувиллаб тип-тиниқ сой оқади. Сой бўйида қатор-қатор олмурт, жийда, тоғолча. Қишлоқда олма-ўрик хазон бўлай деб қолди-ю, бу ёқда кўксултонларга энди ранг кирибди.

Қаёққа қарасанг — осмонга тиралиб турган тоғ, тоғ, тоғ... Соли қўлини оғзига қилиб «Абдура-аш!» деган эди, «а-аш-ш» деб товуш қайтди. Кейин мен қичқирдим: «Хўв, лай-ла-ак!!!» Сой тарафдан кимдир «ла-а-ак» деб анчагача овоз бериб турди.

Тўлабой ака сойга тушаверишга, текис бир майдонга ўтов тики олибди. Ўтовдай маза жой бўлмас экан. Ичига кириб, кераганинг бир четини озгина очиб қўйсангиз, ғир-ғир шабада эсади. Тунда-ку, совуқдан этингиз жунжикиб ётолмайсиз. Чанғарақ-туйнукдан то сахаргача юлдузлар кўз қисиб туради. Тоғда юлдузлар шунақаям тиник, шунақаям ёруғ кўринадики, ҳар бири тилла узукдай ярқирайди.

Менга тоғнинг ёққан бир жойи шуки, бу ерда кунига бўлмаса-да, кунора дувиллаб ёмғир ёғиб ўтар экан. Осмонга шапалоқдай булут чиқса, тамом, ҳаш-паш дегунча шатирлаб ёмғир қуяди. Соли икковимиз ўтовга югурамиз. Бироқ, ўтовга етмасимиздан ёмғир тўхтади. Еки бир ёқда чарақлаб офтоб чиқиб тураверади бир ёқда оппоқ ипдай чўзилиб ёмғир ёғаверади. Бунақа пайтда Тўлабой ака хавони ҳидлаб-ҳидлаб:

— Ана, бўри болалапти, — деб қўяди. Юрагим жиг этади. Тоққа не илинжда чиққаннимни эслайман-у, лекин ҳеч йўлини қилиб айтолмайман.

Тўлабой акага сизир ҳайдашиб, икки кунни ўтказдик. Учинчи кун Соли «кетаман»га тушиб қолди. Майли, дадаси уришмасин, уйда ёлғиз ўғил шу ўзи, деб унга жавоб бердик. «Даданга айтиб қўй, кўнглини тўқ қилаверсин, — дедим Солини бир четга имлаб, — қашқирнинг ичмойини топган куним албатта ўзим олиб тушаман».

Шундай қилиб, дармондори баҳона, тагин подачи бўлиб қолдим. Тоғда сизир боқиш осон бўлар экан. Ҳаво салқин, молларга сўна тегмайди, ўт-ўлан қалин, сизирлар тентираб узоққа кетиб қолмайди. Ўзи ўтлаб, ўзи сувлаб, бир толнингми, ўрикнингми остида кавш қайтариб ётаверади. Азмиддин ака деган шеригимиз бор. У киши йилкичи. Колхознинг юзга яқин отини боқади. Шу Азмиддин ака икковимиз қозоқ қўйчивонлардан бирон меш қимиз олиб тушиб, булоққа ташлаб қўямиз. Йўл-йўлакай Азмиддин ака йилқисининг бошини санаб тугаллаб ҳам келади. Кейин сув бўйида кўм-кўк ажриққа ёнбошлаб қимизхўрлик қиламиз. Маза!

Беш-олти кун ўтди. Тўлабой акага қандай қилиб дардимни айтишни билмайман. Энг ёмон ери — у Алимқул тоғани ёқтирмайдиганга ўхшаб қолди. Тоққа чиққан кунимиз Солидан «Сан кимни боласисан?» деб сўради. Соли секингина, Алимқул аканинг, деди. Тўлабой ака ғалати кулди. «Отанг ҳалиям таёғини қучоқлаб юрибдимми?» деди. Бир кун булоқ бошида қимиз ичиб ўтирувдик, қишлоқдаги одамлардан гап кетди. Алимқул тоға ҳам тилга олинди. Шунда Азмиддин ака: «Унинг оёғи эмас, кўнгли чўлоқ», деди. Тушунмадим. Кўнгли чўлоқ одам қанақа бўлади — ҳайронман. Хуллас, десангиз, негадир кўпчилик Алимқул тоғани унча ёқтирмас экан. Ана шу ёқимсиз кишига қандай қилиб дармон дори сўрайман, деб тоза бошим қотди.

Буни қарангки, бировга ёқмаса ҳам Алимқул тоғанинг омади бор экан. Уч кун деганда қашқирнинг ичмойи қушдай бўлиб қўлимга қўнса бўладими?

Бир кун Азмиддин ака сахарлаб уюрларини бир текшириб санақдан ўтказгани кетди-ю, ҳадеганда келаверилади. Туш бўлиб қолди. Мен икки-уч марта бир тепаликка чиқиб қараб келдим. Тўлабой ака ҳам «Азмиддинга нима бўлди, тинчликмикан?» деб сўраб қўйди.

Азмиддин ака кун оғиб қолганда қайтди. Кўк қашқа оти сувверга ботибди. Эгарга бир нима ўнгарилган. Югуриб ёнига бордим. Азмиддин ака каттароқ бузоқдай келадиган ўлик қулунни тап эткизиб ерга ташлади. Қулун бечоранинг

ярим белидан пасти йўқ, олдинги икки оёғию калласи қолибди, холос.

— Бир-икки ойдан бери тинчиб қолувдик, — деди Азмиддин ака отдан тушиб, — манавини қара. Тунда бўри чопибди. Қашқирнинг тарлони экан. Унча-бунча бўрини айғирлар ёнига йўлатмасди.

Азмиддин ака ювингани сойга тушиб кетди. Тўлабой ака қулуннинг терисини шилиб олди. Раис келса кўрсатамиз, деб чорпозга илиб қўйди. Мен кўк қашқани совитиб, сувлигини олдим. Тушовлаб, майсага қўйиб юбордим.

Азмиддин ака ўтовга кириб ёнбошлади. Бир коса қўйқатиққа нон тўғраб ичди, лабини енги билан артиб, чорпоздаги терига қаради.

— Ҳай, жонивор, увол кетди-я...

— Энди нима қиласан? — деди Тўлабой ака. — Йилқини бизга яқинроқ суриб ке. Олдимизда бўлади.

Азмиддин ака бош чайқади:

— Фойдаси йўқ. Бўри энди тинч қўймайди. Бир мазахўрак бўлдими, кунига чопаверади. Бир-иккитасини отиб кўрқитиб қўйиш керак.

Азмиддин аканинг бир эмас, иккита милтиғи бор эди, кечгача ўтириб сочма ўқ тайёрлади. Айланма белбоғи тўлай деганда кўзгалди.

— Отни эгарла, иним, — деди менга. Кейин Тўлабой акага юзланди: — Муқатай мерганга тайинлаб келдим.

— Ҳалиги қозоқ томирингми?

— Ҳа. Тунда бу ёғи Бешсозгача бир қараб келамиз. Умримда бўрини кўрган эмасман. Бир боргим келади овга, бир боргим келади...

Ахири чидамадим:

— Азмиддин ака... мен ҳам...

Йилқичи қулиб бошимни силади.

— Сан тунда отда юролмайсан, тоғ йўллари ёмон. Бўри айёр бўлади, одамни чалғитиб узоққа эргаштириб кетади. Сени кундуз обичкаман, бўптимми? Бор, отни олиб ке, кун кетиб қоляпти, тагин бир-икки тойдан айрилиб қолмайлик.

Югуриб бориб отни етаклаб келдим. Дарров юганлаб, эгарлаб, олдига кўндаланг қилдим. Азмиддин ака эгар қошига иккала милтиғини осди. Белига ўқдон боғлади. Унинг эриб турганидан фойдаланиб дардимни айтдим:

— Азмиддин ака, мабодо бўри ушласангиз... озгина ичмойи керак эди...

У ирғиб отга минди.

— Ичмойи нима қиласан?

— Керак, — дедим узангига ёпишиб, кейин тўғрисини айтсам кўнмасмикан, деб ёлғонладим: — Аямга излаб юрувдим. Кўклам билан кузда аямнинг оёқлари ёмон оғрийди.

— Аянгга бўлса майли. Абдусалом аканинг кўп яхшилигини кўрганман. Мана бу этикни ҳам отанг тикиб берган эди. Ҳали тўзай демайди. Хўп, Тўлабой, хавотир олманглар, мен тонг оттириб қайтаман.

У отини елдириб кетди.

Азмиддин ака эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам бўри отиб келолмади. Бироқ биз хафа бўлмадик. Аввало, уч-тўрт кундан бери йилқига қашқир ораламай қўйибди. Энг қувонадиган жойи — бир кун Азмиддин ака азонлаб ўтов ёнида отдан тушдию: «Абдурахмон, мана, мойингни топиб келдим», деб латтага ўралган нарса узатди. Бўрининг ичмойи қўлимда турар эди! Азмиддин акани бирам яхши кўриб кетдимки... Хайрият, топилди! Энди Алимқул тоғанинг оёғи тузаладиган бўлди. Тоға оёққа туриб чопкиллаб кетса, қўлтиқтаёқни ташлаб қўлига милтиқ олади. Фронтода бизнинг битта солдатимиз кўпаяди. Соли ўртоғим ҳам ҳадеб қисилавермай, бошини тик кўтариб юрадиган бўлди.

Азмиддин ака тайинлади:

— Эҳтиёт қилгин-а бунни. Бўрининг неча йиллаб сақланган ичмойи. Муқатай томирим зўрға топиб берди.

Тожимат акалардан қолган носқовоқдай шиша бор эди. Мойни тўғраб шишага жойладиму ўтовнинг бир бурчагига, Тўлабой аканинг ўқ-дори солинадиган қутичасига бекитиб қўйдим.

Тушдан кейин сут ташийдиган машина келди. Хумларни ортдик. Латтага ўралган шишани бағримга босиб, кузовга чиқдим. Лекин Дамир ака: «Устинг юпқа экан, бу ёққа туш», деб мени ҳам ичкари олди. Жўнадик. Юрагим ҳаприқади.

Тезроқ қишлоққа етиб, дармондорини Алимқул тоғага топширгани шошиб боряпман...

Сойбўйида машинадан тушдим у шишани қучоқлаб югуравердим. Одатдагидек, Солиларнинг дарвозаси занжирланган экан. Бир-икки урсам, ҳеч ким чиқавермади. Ёшқ пайтда бўлса-ку, пахсадан ошиб тушардим-а. Ҳозир шишани синдириб қўяман, деб кўрқдим.

Анчадан кейин Солининг аяси Анзират хола эшикни очди. Ичкари кирдим.

— Тоғам кўринмайдиларми? — дедим у ёқ-бу ёққа аланглаб.

— Тоғангни камасиё қиламиз, деб шаҳарга чақириб кетишди. Шу билан учинчи чақириллари. Оёғим касал, зўрга юрибман, десаям камасиё ишонмайди.

— Соли-чи?

— Эргашиб кетди. Отаси яримжон, бир кўмак ҳам керак-да, болам. Қўлингдаги нима?

— Қашқирнинг ичмойи. Тоғам шу мойдан топилса бир силаб кўрардим, деган эдилар. Буни мен Қоратовдан олиб тушдим. Азмиддин ака бору, йилқичи, шу бир қозоқ дўстига айтиб юриб зўрга топиб берди.

— Майли, ташлаб кетақол, мен бериб қўярман.

Мойни холага бериб, бирор соат кутиб ўтирдим. Кун ботиб боряптики, ота-боладан дарак йўқ. Ноилож ўрнимдан турдим.

— Хола, мен кўчанинг оғзига кетдим. Аямни кўриб, ётиб чиқаман.

— Майли, болам, илоё умрингдан барака топ, — деб Анзират хола олқишлаб қолди.

Аямни кўриб, унга қаерда юргангани айтиб, хайр-хўшладим. Бир-иккита эсиқ кийим олдим. Азонлаб ўртоғимни кичига чиқдим. Дарвоза ҳар кунгидай тақа-тақ ёпиқ. Лип этиб пахсадан сакрадим. Уйни айлиниб айвон томонга ўтдим. Қарасам, айвонда орқасига қўлтиқ таёғини ташлаб Алимқул тоға ўтирибди. Олдида думи кесилган ити. Тоға бир нимани кесиб итга ташлайди. Ит осмонга сапчиди, оғзи билан емишни илиб олиб ямлайдию думини ликиллабти яна эгасига қарайди.

Тоға мени пайқамади.

— Ассалом алайкум!

— Ке, болам, — деди тоға хушламай, — қашқирнинг ичмойи деб сассиқ серканинг чарвисини олиб тушган экансан, мана, ҳузурини ит кўряпти.

Қарасам, устун тагида шишам синиб ётибди. Йиғлаб юбордим.

— Бу қашқирнинг ичмойи эди, ёлғон гапирсам, нон урсин! — деб бақирдим. — Йиллаган мойи, тоға! Ахир сиз биласизми қашқир мойини ё бир умр тоғда яшайдиган қозоқ йилқичи биладимми?

— Мен биламан, — деди тоға ва мойдан бир бўлак кесиб итга ташлади, — қари сенга ўзимда ҳам бор, хоҳласам, сўйиб мойлайвераман. Менга қашқирнинг мойи керак эди. Тушундингми? Одамни унақа алдама...

Чўрт бурилиб дарвозага қараб юрдим. Эшикни жаҳл билан очиб кўчага чиқдим. Йиғлаб сойга қараб кетавердим. Демак, Солининг хафа бўлганича бор экан-да? Тоғанинг чўлоқлиги ёлғон экан-да? Райондаги комиссия ҳам бекорга чақирмабди-да? Ростдан касал бўлса, дўхтирлар билмасми-ди? Бир бечорани овораю сарсон қилаверармиди? Азмиддин аканинг гапига энди тушундим. «Кўнгли чўлоқ» дегани асли кўрқоқ, айёр, эл-юртни алдайдиған ёлғончи дегани экан. Уруш босилганда тоға нима қилар экан? Урушга бориб келган майиб-мажруҳ аскарларнинг бетига қандай қарар экан?

То қадрдон машинам келгунча сой бўйида йиғлаб, ўйлиниб ўтирдим.

Машина қораси кўринганда ирғиб туриб, юз-қўлимни ювдим-да, ёлғондакамига кулиб Тожимат ака билан Дамир аканинг қўлини олдим.

...Қоратовда то қора кузгача қолиб кетдим. Мойни нима қилдинг, аянгга бердингми, деб Азмиддин ака ҳам сўрамади, мен ҳам бўлган воқеани айтмадим. Лекин кузда, подани кўчириб қишлоққа тушганимизда Сайфидан хунук бир гап эшитдим. Дадасининг қашқир мойини итга берганини билиб қолиб Соли тўполон кўтарибди. «Сиз чўлоқ эмассиз, кўрқоқсиз, урушга бормай қочиб юрибсиз!» деб бақирибди. Тоға уни туги олиб роса дўппослаган экан,

Соли уйдан кетиб қолибди. Районга бориб, мени фронтга олинлар, ёшим етмаган бўлсаям бораман, бўйим милтиқдан узун, деб ялинибди. Комиссия кўнмабди. Кейин Соли йўқолиб қолибди. Ҳалигача ўртоғимни излаб, ҳеч қаердан топишолмаётган эмиш.

Дадамга совға олганим

Сентябрнинг охирларида сигирларни ҳайдаб тоғдан кўчиб тушдик. Тўлабой ака мени ёрдамчи қилиб олди. Яна юрар ерим молхона, ётоқ жойим ўша Самин бободан қолган хўжра.

Бир куни молхона орқасига ўтиб хаёл суриб ўтирсам, Тоштемир келиб қолди. У янги ҳисобчимиз Оқпўлат аканинг яқкаю ягона арзанда ёғли. Узи биздан бир синф паст, 4«б» да ўқийди. Учунчи синфга ўтганидаям Тоштемирнинг икки қарич келадиған кокили бор эди. Биз танаффус пайтида, «Тоштемир, Тоштемир, ажина келса қоч, Темир!» деб унинг сочидан тортиб ўйнардик. Бир йил бурун у кокилини олиб қутулди. Барибир ҳеч ким унинг отини айтмайди, «Хов кокил», деб чақиради. Тоштемирнинг аччиғи чиқади-ю, бироқ муштлашишга тоби йўқ, шунинг учун ўдағайлаб кетаверади.

— Отамни кўрмадингми? — деди Тоштемир у ёқ-бу ёққа аланглаб. Менинг ҳазиллашгим келди. Эски камзулимнинг чўнтагини очиб имладим.

— Манави ерга қара-чи, бормикан?

— Сен шошмай тур ҳали, — деди аччиғлаиб Тоштемир, — отамга айтиб бераман, кунингни кўрсатади!

У ликиллаб кетаётган эди, орқасидан эргашдим.

— Хўв, кокил, тўхта, отангни кўрсатиб қўяман!

Тоштемир тўхтади. Қарасам, унинг кичкина бўғчаси бор экан, ҳали кўрмабман, орқасига бекитиб турган экан.

— Бўғчанга нима бор? — дедим. Мабодо қурутми, туршакми бўлса, олмоқчи эдим.

— Ҳеч нарса.

— Кўрсатмасанг қўйвормайман! — деб унинг енгидан ушладим.

Тоштемир ноилож бўғчасини очди. Ичидан яп-янги тулки тумоқ чиқди. Устига кўк мовут қолган, қизил тулки терисидан тикилган кичкинагина телпак экан.

— Вуй, тиройлигини! Бу кимники, кокил, ўзингникими?

Тоштемир мақтаниб керилди:

— Узимга беришганди-ю... урушдаги тоғамга юбормоқчиман. География ўқитувчимиз айтди, Русия томонларда қиш совуқ бўлар экан.

— Вой, афанди-ей, почтага солиб, мана шу тумоқ тоғамга тегсин, десанг борарканми?

Тоштемир баттар мақтанди:

— Узинг бешинчида ўқисанг ҳам ҳеч балони билмас экансан. Ҳозир қишлоғимизда ҳамма кийим-кечак йиғяпти. Роса йиғиб бўлгандан кейин колхоз раиси билан уч-тўрт киши битта арава қилиб шаҳарга обориб топширар экан. Урушда кимда-кимнинг қариндош-уруғи бўлса, ўшаларга юборишади, деди отам. Билдингми? Шаҳноза опам ўн иккита рўмолча тикиб қўйди.

Миямга шув этиб бир фикр келди. Ҳамманинг ака-укалари, дадаларига совға-салом борса-ю, менинг дадамга бормаса, бу қанақаси? Ҳамма кийим-кечак бўлишаётганда дадам бир четда мўлтираб қараб турадимми? Аскарларнинг олдида уялмайдимми? Нима қилсам экан? Э, бўлди, нўғой холага ялиниб кўраман.

Шартта бурилиб, молхона четидаги хўжрамызга қараб югурдим. Тўлабой акада озгина омонат пулим бор эди. Қоратовда икки-уч қизил тулкининг терисини ўтказиб, бир юз саксон сўмча ғамлаб қўювдим. Шу пулни сўраб олдим. Кейин Оқпўлат аканинг эшагини сўрадим.

Эшакни чоптириб, ҳаш-паш дегунча нўғой холаникига кириб бордим. Нўғой хола олтмиш ёшларга борган қаққонгина хотин. У кўп йиллар бурун қишлоғимизга келиб қолган. Холанинг ҳеч кими йўқ, қишлоқнинг кун чиқиш томонидаги Қизил мачит деган ерда бир ўзи туради. Уни ҳамма танийди, айниқса, хотин-халәж «Нўғой хола, нўғой хола» деб оғзидан туширмайди. Нега десангиз, бу хола

эчкининг жундан чиройли рўмоллар, пайпоқлар тўқийди.

Нўғой хола мени кўриб, дарров таниди.

— Абдуқодир этикчининг молайимисен! — деди юзимга тикилиб. Хола илгари, тинчлик замонларда бизникига чиқиб, дадамга маҳси-кавуш тиктириб турарди. — Атийнинг хат ёзиб турибдими?

— Ха... раҳмат, хола... — дедим энтикиб ва ёнимдаги пулимни олиб олдига кўйдим. — Нўғой хола, мана шу пулга... иккитагина пайпоқ берсангиз... Дадамга юбормоқчийдим... Бошқа ақчам йўқ, топсам, яна олиб келаман.

Хола чумчуқдай кичкина тугунчадаги пулга кўз қирини солиб кўйиб ўрнидан турди. Ичкари кириб, қалингина тўқилган бир жуфт жун пайпоқ олиб чиқди.

— Мана. Абдуқодир бик ёхши жигит эди. Менга куб ёхшилиқлар қилган эди. Ақчангдан иллик сўм олий. Қолганини анийинга бир.

Кувониб кетдим. Ахир, эллик сўмга иккита янги пайпоқ эмас, йиртчи кавуш ҳам бермайдиган замонда Нўғой хола менга шунча яхшилик қилиб ўтирибди-я!

Холага қайта-қайта раҳмат айтдим. Икки пайпоқни бағримга босганча кўчага чиқдим у яна эшагимни чоптириб, Охунгузар маҳалласига қараб кетдим.

Орзигул аям мени маҳкам бағрига босди, юз-кўзимдан ўпди, кўзёши қилди.

— Бўйинг чўзилиб, катта йигит бўлиб қолибсан, — деди юзларимни силаб, — нега кам келадиган бўлиб кетдинг? Укангни соғинмадингми?

Мен пайпоқдан қолган пулимни бердим. Аям қизариб пулни олди-ю «Вой, болам, мени ўлдирдинг-ку!» деб кўйди. Кейин пайпоқларимни кўрсатиб, «Дадамнинг оёғига тўғри келармикан?» деб сўрадим. Аям ялт этиб юзимга қаради, тўхтаб, мени маҳкам кучоқлаб ўпди.

— Эслик ўғилгинамдан ўргилай! Ишқилиб, бахтимизга дадагинанг омон-эсон келсин! — Аям пайпоқларни қайта-қайта томоша қилди. — Нўғой холадан олдингми буни? Қўли гул-да, барака топсин бечора. Дадаңг келганда ҳамма гапни айтиб бераман, бизни Абдураҳмон ўғлим боқди, дейман.

Аям дадамга атаб кўй терисидан бир жуфт кўлпоқ, уч сидра ичкийим тикиб кўйган экан, менинг пайпоғимни уларнинг ёнига қўшдик. Одамни совуқдан сақлайди, деб аям кимлардандир икки кило ёнғоқ топиб келди. Ҳаммасини жамлаб, алламаҳалда Кўшбой бригадирникога жўнадик.

Борсақ, Кўшбой аканинг уйда худди тўй бўлаётганга ўхшайди. Узун айвонда иккита ўнинчи лампа пориллаб ёниб турибди. Ҳовли ўртасига машъала ёқиб кўйишибди. Ғала-ғовур, қий-чув, қизларнинг шарақлаб кулгани эшитилади. Аям айтди, бир ҳафтадан бери шу яқин атрофдаги маҳаллаларнинг фронтга атаган совғалари Кўшбой аканикога тўпланаётган экан. Колхоз бўйича ҳамма совғалар йиғилгач, Тоштемир кокил айтгандай, район марказига обориб топширилар экан.

Мундоқ айвонга бориб қарасам, кийим-кечагу совғасалом деганингиз ғарам-ғарам бўлиб ётибди. Қўлтиқтаёғини тиззасига кўйиб олган битта чўтир амаки совғаларни рўйхатга олиб ўтирибди. Айвонда пахталик чопон, патнис-патнис қовунқоқию бодом, юзига жимжима безак берилган ширмон нон, қази-қартаю кўйнинг қорнига солиб қотирилган пишлоқ, қаламтарош, кўн этик, кигиз этик, поча пўстин, даста-даста рўмолча — кўйинг-чи, бозордаги ёймачида нима бўлса, ҳаммасидан бор эди. Ҳатто бир кампир тасбеҳдай-тасбеҳдай икки шода қалампирмунчоқ ҳам келтирибди.

— Хатинга битиб кўй, болагинам қўлтиғига осиб юрсин, лемиснинг ўқидан асрайди, — деди у чўтир амакининг олдига кўзмунчоқларини кўйиб.

— Хўп, хўп, холажон, — деб кўлди амаки.

Билагини шимариб олган семиз бир хола чўнкайиб ўтирди-да, худди чалпақ тахлаётгандай «Бир, икки» деб рўмолчаларни санай бошлади. Қарасам, баъзи бир рўмолчаларга кашта билан гулнинг расми чизилиб, четларига шёвр ҳам ёзилибди. Семиз хола рўмолчаларни шапиллатиб тахлайверди, мен тепасидан қараб ўқиб туравердим. Битта ҳаворанг рўмолчанинг ҳошиясига:

«Қизил гул шона-шона,
Унг қўлида нишона.
Тезроқ келинг, оғажон,
Кутаман ёна-ёна», деб ёзибди.

Яна бир оқ шойи рўмолча ўртасига бир-бирига тумшугида дон бераётган икки қўшнинг сурати солинибди. Сурат остида кўйидаги сўзлар бор эди:

«Усмани узиб кўйдим,
Сўлиса кўяман деб.
Расмингизни сўрадим,
Соғинсам кўраман деб».

Семиз хола эпчил экан, мен кейинги шёврни аранг ўқиб қолдим:

«Тол ёғочдан от қилай,
Баргин олиб хат қилай,
Дада, сизни соғинсам...»

Хола «Тўққиз!» деб навбатдаги рўмолчани ташлади. Дадасини соғинган қизнинг нима демоқчи бўлганини билолмай қолавердим.

Аям икковимиз ҳам совғаларимизни бериб, уйга қайтиб келяпмиз.

— Яхши бўлди, — деб кувонади аям, — дадагинанг юборган пайпоқларингни иссиқ-иссиқ кияди.

— Ишқилиб, дадамнинг ўзига тегсин, деб тайинлаб кўйдингизми, ая?

— Айтдим, болам, айтдим, — деб аям елкамдан кучоқлади.

Қариялар айтмоқчи, «тўқсон» кириб, қаҳратон совуқ бошлангач, аям мени кўярда-кўймай ота-онасиникига кўчириб олиб кетди.

Ошиҳалол

Аямнинг ёлғиз укаси урушга кетиб, келини уч боласи билан қолибди. Чолу кампир — олти киши. Унга биз ҳам кўшилиб, тўққизта бўлдик. Аям ўзини эмин-эркин тутар, бизнинг ортиқчалигимизни сездирмасликка уринар эди. Лекин барибир мен уяламан. Ҳарқалай, олти оғиз — олти оғиз, тўққиз оғиз — тўққиз оғиз-да!

Яхшиям, Орзигул аямнинг онаси чевар экан. У қўшни хотинларга кўйлак-лозим тикиб, беш-ўн сўм топарди. Унинг устига уларнинг каттагина боғи бор экан, ёзи билан олма-ўригини қуритиб олишибди. Яна десангиз, иккита сутлик оқ эчкилари бор. Ҳар бири икки косадан сут беради. Сутли гўжа ичиб, қоқ ўрик билан жийда-пийда еб кишни чиқардик. Бир куни кечқурун ётар маҳалда аямни четга тортиб шивирладим:

— Ая, уйга кетайлик энди. Кунлар ҳам исиб қолди-ку?

— Нима бўлди, болам? — деди аям шошиб. — Биров хафа қилдимми?

— Хафа қилмади-ю... лекин, ҳадеб бировга юк бўлаверамизми?

— Вой, юк бўлсак, бегонамиди? Узингни бувиларинг, болам.

Мен кўнмадим. «Ҳадемай бойчечак очилади, уйимизни супуриб-сидириб ўтираемиз. Бу ёғига энди бир амаллаб кун кўрармиз, ая, мен ишлайман, майлими?» деб туриб олдим. Орзигул аям индамади. Аслида унинг ҳам кетгиси бор. Лекин битта боласи ўлиб, юраги безиллаб қолган. Шунга иккиланаяпти шекилли-да. Аям тезроқ кўнақолсин деб, мен ёлғондан хўмрайдим.

— Агар бормасангиз... мен ўзим кетавераман. Бу ерда энди бир кун ҳам турмайман.

Аям кўрқиб кетди.

— Вой, бир ўзингни ёлғиз ташлаб кўйиб мен ўлибманми? Бўпти, болам, тургинг келмаса, кетаверамиз.

Азонлаб Орзигул аям Ғайбуллони етаклади, мен кичкина бўз қопни орқаладим. Қопда бир коса жўхори, бир чимдидан сабзи билан пиёз уруғи, ўн думалоқ қурут ва икки ҳовуч буғдой талқон бор эди. Кетдик.

Уйга чиқсак, ҳовлимиз бир ҳолда шумшайиб ётибди. Ҳовлида супрадай-супрадай қор. Ён-ёғидан эриятти, бўғотлардан чақиллаб сув томади, дераза раҳларида ку-кулаб

¹ Молой — бу ерда «ўғли» маъносига

мусичалар сайрайди. Бизнинг пастқамгина, лекин истарали ҳовлимизга ҳам баҳор меҳмон бўла бошлабди.

Чакка ўтиб, уйимизнинг ўртаси тешилган экан, томга чиқиб яхшилаб сувадим. Аям ҳовлини хазонлардан тозаллади, мен Икромларниқидан бир пақир бўр олиб кириб ўғини оқладим. Кечкурун бизнинг уйда ҳам чирок ёнди, ўғинимиздан тугун чиқа бошлади.

— Энди ҳеч қабёққа кетмайлик, хўпми, ая? — дедим. — Дадам келгунча уйимизда турайлик.

Аям «хўп» деб кулди, елкамга қоқди.

Хаволар юришиб кетди. Ердан буғ кўтарилди. Биринчи қалдирғочлар пайдо бўлди. Ариқнинг нариги бетига ўн сотихча томорқамиз бор эди, оби-тобига келганда қолишга тушдим. Ғайбулла чумчуқ қувлаб ёнимда юрибди, мен ерни чопиб, хаскашлаб, ариқ олдим. Кейин ўғай бувим берган ҳалиги сабзи-пиёз уруғини икки полга селиб чиқдим. Биз томонларда қора майна деган қуш бўлади. У қилдай оёқлари билан титкилаб, янги экилган уруғларни териб еб қўяди. Шунинг учун эски чопондан полизимизга қўриқчи қилдим.

Аям яна ишга чиқиб кетди. У хотинлар билан бирга ёнимиздаги молқўрандан сой бўйига қоп орқалаб гўнг таширди. Кунни бўйи укамни етаклаб юраман. Зерикаман. Тезроқ чигит эка қолишсайди, мен ҳам далага кетардим. Аямга ёрдамлашардим. Икковимизга биттадан эмгак¹ ёсаям, ҳарна. Укангни ким боқади, дейсизми? Укамни Шарифа янгам ҳам боқиб туриши мумкин. Ўзи айтган, Ғайбулла мўминтойгина, беш боламнинг ёнида ўйнаб юраверади, қиналсанглар, ўзим боқишиб бераман, деган. Бироқ аям кўнмади. «Илик узилди пайт, болам, укамгни боқиб туратур», деб ўзи далага чиқиб кетди.

Бир кунни кечкурун ўнг томондаги қўшнимиз Ниёз бобо кирди. Аям ошхонада, сопол косада бир ҳовуч ун қораяётган эди. Ниёз бобо «Абдурахмон!» деганда иккаламиз югуриб чиқдик. Аям негадир қўрқиб кетди. Мен бобонинг оғзини пойлаб туравердим.

Ниёз бобо уйга кириб, қуроқ кўрпачага чордана қурди, юзини сийпаб қўйди. Аям чўккалаганча унга тақлид қилди.

— Омон-эсон ўтирибсанларми, келин! Абдурахмон қалайсан, дадангни соғиндингми? — деб кулди бобо.

Аям чидамади:

— Ота... тинчликми? — деди нафаси қайтиб.

— Қўрқма, болам, тинчлик, тинчлик, — деб кулимсиради бобо. — Сенга икки оғиз маслаҳатли иш чиқиб қолди.

Ниёз бобо менга беш-олти маҳалланинг қўй-эчкисини йиғиб берсак боқарликан, деб билгани кирибди. Бу йил баҳорда одамлар Акаш ғилай деган кишини ёллашган экан, уч ойда уч қўйнинг бошига етибди. Олдинига йўқолиб қолди, дебди, кейин текширишса, уйдан қўйларнинг териси чиқибди. Одамлар уни қўйчивонликдан ҳайдаб юборишибди. Энди қўли ҳалолроқ бировни излаб юришган экан.

— Кўпчиликнинг икки сенинг ўғлингга тушибди, — деди бобо, — ёш бўлса-да, катталардай юмуш қилади, дейишди. Нима дединг, келин, розимисан?

Аям «билмасам» дегандай менга қаради. Мен шошилганимдан:

— Боқаман, бобо! — деб юбордим. — Мен яхшилаб қарайман. Биттасиниям йўқотмайман.

Ниёз бобо менга тўланадиган ҳақдан гап очди:

— Энди, келин, ўзинг тушунасан, юртда оғирчилик, ошиҳалолга боқади-да ўғлинг. Кунига беш-ўн коса суюқ-қуюқ топиб келсаям, ҳарна. Одамлар кузга бориб ошлик ҳам берамиз, дейишди.

Шундай қилиб, қўйчивон бўлиб олдим. Оёғимда Тўлабой ака берган қўнжли ботинка, эгнимда калта чопон, бошимда бир қўлогли йўқ қўлоқчин, қўлимда узун тол ёғоч. Биноийдек қўйбоқарга ўхшаб қолдим. Эртаси азонда кўча бошига чиқиб турдим. Узимизнинг Қир маҳалла, Муқимота, Чувиллоқ, Чингиз кўча, Қўштегирмон маҳаллаларидан олтишатача қўй-қўзи, эчки-улоқ йиғилди. Ҳайдаб жўнадим. Биринчи кунлари қишлоқдан унча узоқлашмадим. Нега десангиз, бир марта Самин бобосиз пода боқиб оғзим

куйган. Тагин қашқир оралаб, битта-яримта қўйни елкалаб кетса, эгасидан балога қолмай, дедим. Қишлоғимизнинг кунчиқар томонида Бахмалтума деган ер бор. Илгари бу ерда чорвачи қозоқлар яшаган, кейин тоққа кўчиб кетишган. Қўй-эчкиларни шу ёққа ҳайдадим. Кун бўйи маза қилиб ёйилади, чўлласса, милтираб ётган ингичка ариқдан сув ичиб, тагин ўтлайди-да, икки туп қайрағоч қўланкасига чўзилиб дам олади.

Аста-секин Бахмалтуманинг ўти адо бўлди. Молни юқорига, ҳув бир йили дадам билан буғдўй ўроғида юрган еримизга сурдим. Қўйлар бир қарич-бир қарич арпапояр тағида бекиниб ётган ям-яшил майсаларни чимдиб-чимдиб илгарилайди. Қўзи-улоқлар тўймай қолса, ирғишлаб келиб оналарининг елинига ёпишади. Бироқ, минг урингани билан эмолмайди. Эгалари елинига латта халта боғлаб қўйишган. Бу халтачаларга эгаси мен хўжайинимиз. Қорним очса, секин халтани очиб, темир товоғимга озгина-озгина сут соғиб оламан. Кейин сутни офтобга қўйиб қиздираман. Буни қўйчивонлар «оқта» дейишади. Чала пишган, хушбўй, ярми қатик, ярми сутга ўхшаган оқтага қаттиқ нон бўктириб тушираман.

Кечкурун молларни вақтлироқ қайтариб келаман. Эгалари қирда кутиб туришган бўлади. Улар қўй-эчкиларини ажратиб обқетишади. Мен уйга кириб катта пақирни оламану каноп қопни елкага ташлайман. Кейин уйма-уй юриб ошиҳалол йиғиб чиқаман.

Эҳтимол, сиз ошиҳалол нималигини яхши билмасиз. Ошиҳалолни одамлар пул йўғида ўйлаб топишган. Дадамнинг айтишича, бу жуда қадим замонлардан қолган одат эмиш. Подачи ё қўйчивон даладан қайтгач, эшикмазшик юриб ошиҳалол айтади. Бу, «Мана, молларингни омон-эсон обқелдик, энди бугунги ҳақимизни чўзиб қўйинглар» дегани бўлади. Одамлар бир коса-ярим коса обиёвғон беради, ҳиммат қилгани овқат ёнига нон ҳам қўшиб қўяди.

Мен ҳеч қачон эшикма-эшик юриб, пақир тутмаган эдим. Биринчи кунни жуда уялдим. Зайниддин қори деган қўштегирмонлик кишининг эшигига турибман. Худди тиланчилик қилаётгандек тилим буралмайди. «Ошиҳалол!» демоқчи бўламан-у, айтолмайман.

Шу пайт бахтимга, қори аканинг ўзи чиқиб қолди.

— Ҳа, болам, нимага индамай турибсан? — деб суйиб койган бўлди. — Меҳнатнинг айби йўқ. Кўпчиликка хизмат қилиб ҳам уяласанми?

У «Ғаффор!» деб неварасини қақирди. Ғаффор бир коса тўла суюқ ош, қора қўмач бўлса-да, қалингина битта нон олиб чиқиб берди.

— Бемалол, «Ошиҳалол!» деб қақиравер, хўпми? — деб тайинлади қори ака. — Уялма. Ахир, ҳалол деб қўйибдилар.

Ўзимни анча тутиб олдим. Олти эшикни ўтказиб, еттинчи эшикка борганда пастроқ товушда бўлса-да, «Оши-ҳалол!» дедим. Ичкаридагилар эшитмади шекилли, ҳеч ким чиқмади. Қаттиқроқ бақирдим. Шу пайт янги тўғилган хўтиқдай келадиган бир ит ириллаб югурди. Шартта эшикни бекитиб олдим. Ҳовлида бир хотин шанғилади:

— Зухра, қара-чи, яна гадои келганга ўхшайди.

Қўлогим чув этди. Пақиримни кўтариб бошқа эшикка қараб кетдим.

Аксига олиб, бу уй Гулнораларники экан. Биз Гулнора билан бир синфда ўқирдик. У мактабни ташламаган, ҳозир бешинчида эди. «Ошиҳалол»ни эшитиб Гулноранинг ўзи бир ликопчада шилпилдоқ кўтариб чиқди. Мени кўрди-ю, бир нарсадан кўрқандек, ранги қув ўчди.

— Вой, Абдураш! — деди синфдаги лақабимни айтиб, кейин устибошимга қараб, катта қизлардай меҳрибон товушда сўради: — Яхши юрибсанми? Угай онанг хафа қилмайdimи? Яхши эмиш-а?

— Яхши, — дедим қизариб. — Ўзингни... ўқишларинг тузукми?

Гулнора бидирлаб мактабидан гапирди:

— Сираям ўқигим келмайди. Дадам қўймапти. Синфимиздан бештагина бола қолдик. Бешинчи-еттинчи синфларни қўшиб ўқитяпти дадам.

— Майли, мен борай, — деб пақиримни кўтарган эдим, Гулнора «Шошма!» дедию чопқиллаб уйларига кириб

¹ Эмгак — меҳнат кунни.

кетди. Яна бир ликоп шилпилдоқ олиб чиқиб пақиримга солди.

Анча ерга бориб, ўғирилдим. Гулнора қўлини силкиб кулиб турарди.

Аста-секин «ошиҳалол» айтишга кўнииб кетдим.

Кунлик топишим яхши бўлиб қолди. Ула егунча, бўла е, дерди дадам. Бир куни кечкурун зинғиллаб Сайфиларникига чиқдим. Подани икковимиз боқайлик, ошиҳалолга сен ҳам шерик бўл, бари бир ортиб қоляпти, демоқчи эдим. Аксига олиб, у ҳали ҳам Туркистондан қайтиб келмабди. Ҳозир темир йўл вокзалидаги новвойхонада катталарга қўшилиб хамир қораётган эмиш.

Ошиҳалолга тушадиган овқат ортиб қола бошлади. Кунига йигирма-ўттиз коса овқатни нима қиламиз, увол-ку, деб қўни-қўшнига берадиган бўлдик. Шарифа янгамникига, Ниёз бобомларга, Икромларга... Биз, бор-йўғи уч жонмиз, уч коса етади.

Хуллас, пода ўзимга қолди. Қўй-эчкиларни ҳафсала билан боқа бошладим. Мундоқ қарасам, уларни ёя-ёя, Хонтоғиннинг ярим йўлигача бориб қолибман. Бу — қишлоғимиздан анча олис. Бироқ энди қашқир-пашқиридан қўрқмайман. Аввало, ўн учга тўлдим, бўйим анча чўзилиб қолган. Ундан кейин кўрол-яроғим ҳам ёмон эмас. Гулноранинг дадаси (физика ўқитувчимиз) қишгача миниб юрақол, деб йўрга эшагини берган. Умнат сурнайчининг ити болаларга эди, битта кучугини олдим. Шу кучугим (оти Чақмоқ) ҳозир тулки кўрса, инигача қувиб борадиган бўлган. Ҳақима совға қилган қаламтарошнинг ёнига ошпиноғимизни чархлаб қўшиб қўйдим. Хуллас, иккитасига бўлмаса-да, битта қашқирга етарли куним бор-ов, деб қўяман баъзида. Ёз бўйи яхши ўтлаб, яхши сувлаган кўчқорларим ҳам унча-мунча бўрини подага йўлатмайди.

Шу кетишда то қора кузгача тўхтамай пода боқиб кетаверардим-у, далада бир ялтироқ кўктушга тойиб, тўпигимни чиқариб олдим. Яхшиям тўпигим чиққани, бўлмаса, Ҳақиманинг тўйини кўролмаб, армонда қолар эканман.

Ҳақимани узатганимиз

Уч-тўрт кун оёғимга шўр пахта боғлаб уйда ётдим. Файбулла укам Шарифа янгамникида эди. Эркак бўлади деб олиб келиб олдим. Бир оёғимни ерга теккизиб-текизибмай ҳаққалаб юраман. Кун бўйи укам икковимиз кичкина чорбоғимизни айланамиз. Бир туп оқ ўригимиз бор. Бу йил яхши мева қилмади-ю, ҳар қалай, егулик топилади. Қорнимиз очса, қилдир учига кесак отаман. Тапиллаб беш-олти ўрик тўкилади. Данагигача чақиб еймиз. Жуда ичимиз таталаб кетса, ошхонага кириб, эски халта-хулталарни титкилаймиз. Ошиҳалолдан қолган қаттиқ нонлар бор. Ариққа ташлаб оқзоқ қилиб тушираемиз.

Кунига эшигимиздан одам узилмайди. Подачисиз қолган молларнинг эгалари мендан хабар олгани келишаверади. «Қалайсан, Абдурахмонбек, тузук бўлиб қолдингми?» деб оёғимга қарашади. Мен оёғимни чўзиб ўтириб оламан. Бирови йиллаб сақланган йилқи мойи топиб келиб, тўпигимни силайди, бирови қизиқ-қизиқ гаплар айтиб кўнглимни кўтаради. Кун батганда биронтаси уч-тўрт коса обиёвгон олиб чиқиб ташлаб кетади. Саидхўжа тоғадек қартангроқ кишилар тикка туриб дуо қилади: «Дардингга даво берсин, болам! Тўрт тиррақа қўй билан кўзиси маърайвериб қулоқ-миямни еди. Тезроқ эшагини миниб кўпчиликнинг оқлишини ол. Ишқилиб, отанг урушдан омон-эсон келиб, сен ҳам эл-юрт қатори кулиб юргин!»

Инсоф билан айтганда-ку, бундай дуодан кейин ирғиб туриб кетиш керак-а! Лекин майиб оёқ билан қаергача бораман? Эшакка минсам — тушолмасам, тушсам — югургилаб поданинг бошини қайтаролмасам! Жуда расво иш бўлди-да.

Бешинчи куни «Ё, пирим!» деб ўрнимдан турдим. Укамни етакладим. Халачўпга суяниб Шарифа янгамникига қараб юрдим. Ке, Файбуллани ташлай-да, бир амаллаб подага чиқай, дедим. Узоққа боролмасам, шу яқин-атрофдаги қирларда бир айлантриб келарман. Ҳарна, одамларнинг раҳматини оламан. Ошиҳалолни ҳам оқлайман.

Шарифа янгамникига борсам, бир-икки хотин уйга кириб-чиқиб, тандир бошида ўралашиб юрибди. Юрагим оркамга тортиб кетди. Тинчликмикан, деб ариқ бўйида тўхтаб қолдим. Ишқилиб, амакимдан... ҳалигидай хат келмаган бўлсин-да. Йўғ-э, ўлибдим, келмагандир. Бирор ёмон хабар бўлса, бизга ҳам айтишарди. Бегона эмасмиз, жигармиз... Ҳеч ким йиғламаяпти-ю, демак, яхшилик бўлса керак, деб секин ариқдан ўтдим.

Шу пайт айвонга Шарифа янгам чиқди. У мени кўрдию қўлини чўлғаб чақирди:

— Ҳай, Абдураш, қаёқда юрибсан? Икки марта уйлари-рингга одам юбордим. Эшиги қулф, деб келди. Подага кетганмикан, дебман. Файбулланг қани?

— Мана, — деб укамни олдимга ўтказдим. Шарифа янгам айвондан итқиб тушди, нимчасининг чўнтагидан иккита «ёстиқ» конфет олиб берди. Мен у ёқ-бу ёққа аланглаб, секин янгамдан сўрадим:

— Янга... худойи қиляпсизми?

Янгам шарақлаб кулди:

— Қанақа худойи, тентак? Тўй қиляпмиз. Ҳақимани узатамиз.

Анграйиб қолибман. Шошганимдан:

— Ҳақиманинг ўзи қани? — дедим. Янгам уйга мўралади, ён-верига аланглаб, «Ҳақима! Ҳақима-юв!» деб чақирди. Ерўчоқда қозон юваётган бир келинчак: «Ҳақима боғда, кигиз қоқяпти», деди. Файбулла укамгаям қарамай боққа қараб югурдим.

Тилим оғзимга тикилиб боққа тушдим. Ҳақима қора кигизнинг қоқ ўртасида узоқ-узоқларга тикилиб ўтирибди. Олдида юмшоқ супурги. Мен индамай яқинлаб боравердим. Ҳақима пайкамади. Ёнига бориб тўхтадим. У худди кўзларини очиб ухлаб ўтирганга ўхшарди. Устида карғашойи кўйлак, қизил нимча. Кичкина дакан рўмолини дол қўйибди. Қошига қалин қилиб ўсма чаплаган. Ҳақимани кўрмаганимга бир йилдан ошди. Туркистонда ўрик сотиб келиб, Шамол тоғанинг калтагидан қочганимдан бери кўришмадик. Шу бир йил ичида у чиройли бўлиб очилиб кетгандек эди.

Ҳақимага қараб индамай туравердим. Бир вақт у мен томонга ўғирилди. Кейин уйқудан уйғонгандек «Вой!» деб ирғиб турди. Чопиб олдимга келди.

— Қаёқда юрибсан, қоракўз? — деди кулимсираб. Чўлпиллатиб икки бетимдан ўпди. Кўлимдан судраб кигизга обориб ўтказди. Муштдек кесак олиб ўриikka отди. Дувиллаб бир ҳовуч ўрик тўкилди. Ҳақима ўрикларни олдимга суриб қўйди. Битта оқ ўриқни нимчасига артиб узатди:

— Ма, қоракўз. Қайларда юрибсан? Бир сағир ойтўтим¹ бор эди, деб йўқламадинг ҳам, тентагим. Мени соғинмадингми?

— Соғиндим, — дедим ўрик тишлаб. — Борай десам, Шамол тоғадан қўрқаман. Кейин, вақтим йўқ. Қўй боқиб юрибман.

— Оёғингга нима қилди?

— Тошга қоқилиб тушдим.

— Вой, бечора!.. — деб Ҳақима болдиримни силаб қўйди. У бўйига икки тизим маржон осиб олибди. Ҳар нафас олганида маржони сал-пал қимирлаб қўяди. Тупугимни ютиб секин сўрадим:

— Ойтўти, энди сиз... куёвга тегасизми?

Ҳақима хурсанд бўлиб кулди. Киприк қоқиб бош силкиди. Елкамга қўл ташлади.

— Сенга ўхшаган бир чўлоқ... одам юборавериб жонимга тегди. Раҳим келиб кетди. Кел, тегсам-тегай, дедим. Ажаб қилибманми, қоракўз?

— Олдин язамни айтинг-чи?

— Язанг Райимжон. Тахтақўприкда туради. Танийсанми? — Танийман, — дедим ёқтирмай, — лекин бекор шошилибсиз. Бир йил-ярим йил сабр қилганингизда қўл-оёғи бутун йиғитлар ҳам қайтарди урушдан. Ана унда биронтасини танлардингиз.

Ҳақима осмонга қараб хахолаб кулди.

— Вой, ўлиб қоламан! Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши эмасми? Узинг ҳеч балода йўқ экансан. — Ҳақима

¹ Ойтўти — «опа» маъносида.

күзёшини артди. Мени худди ёш болага ўхшатиб авради: — Эсингдан чиқарма, қоракўз. Одамга бош қашигани оёқ эмас, қўл керак. Соч силлагани ҳам, қучоқлагани ҳам қўл асқотади. Билдингми? Юр энди, кетдик.

— Мен, барибир бўлар иш бўлибди, энди Ҳакиманинг кўнглига тегмасин, деб язнамни мактаб қўйдим.

— Райимжон ака яхши йигит, — дедим ўрнимдан туриб. — Ана, қишлоқда қанча одамнинг оёғи йўқ. Ишқилиб, сизни хафа қилмас бўлди-да, тўғрими?

— Вой, мунча ширин бўлмасанг! — деб Ҳақима тағин ўнг бетимдан ўпди. — Жуда ақли боласан-да, қоракўз!

Шундай қилиб, Ҳакиманинг тўйини ҳам бошладик. Аслида-ку, буни оғиз тўлдириб «тўй» десанга ҳам бўларди. Шунчаки бир хурсандчилик-да. Нега десангиз, биринчидан, сурнай чалинмайдиган бўлди. Сурнайсиз тўй-тўйми? Мабодо, Мингтумада сурнай чаладиган одам йўқ экан-да, деб кўнглингизга келмасин. Сурнайчининг зўрлари бизда бўлади. Ой чиққанда машқ бошласа, тонготарга бориб бир тўхтайти. Ҳозир уларнинг бари милятиқ кўтариб урушда юрибди. Кўштегирмон ёнида Уммат тоз туради. Ўзи мендан беш-олти ёш катта. Балодай сурнайчи. Шу болани қақриб чалдирса ҳам бўларди-ю, Шарифа янгам кўнмади. «Унг томёнимда Руқия холанинг чинордек ўлидан қорахат келди. Қайси бетим билан «ёр-ёр» айтиб, сурнай чалдираман, уят-ку?» деб туриб олди.

Тўйхонада одам сийрақроқ. Урушдан олдин бир ерда тўй бўлса, кўча эшиқдан то ичкари, ташқари ҳовлию ошхонагача, боғдан ариқ бўйигача тўлиб кетарди. Ҳозир қишлоқда эркак зоти камайиб кетган. Санокчи чоллару беш-олти тракторчи, урушдан майиб-мажруҳ бўлиб қайтган йигитлар бор, холос. Шунинг учун номозгарда Ҳақима ёзган ҳалиги кигизга Дамин бобо, Ниёз бобо сингари уч-тўрт қария бориб ўтиришди. Қаёқдандир ликиллаб Икром билан Сайфи келиб қолишди. Сайфи нонвойхона билан хўшлаганмиш. Хуллас, ўзимизнинг қир маҳалладан ўн-ўн беш бола бўлди. Икром билан Абдуқодир амакимнинг мен тенги Нусратиллосини оёғи бутун деб, боғдаги кишиларга чой ташигани қўйишди. Мен меҳмонларга қой қўйиб бериб ўтирдим. Сайфи патнис ташиб турибди.

Эшагига яраша тушови демоқчи, дастурхоннинг ҳам аракаси йўқроқ. Яхшиям, Райим язнамиз даладаги тракторчиларга табелчи экан, раис тўйинга ишлат, деб бир қоп бўғдой берибди. Анави қурумсоқ Шамол тоға ҳам озгина қарашган кўринади. Патнисда иссиқ-иссиқ нон келиб турибди. Янгамнинг кўни-қўшнилари ҳам чалпақ, бўғирсоқ, қатлама дегандек, тишга босгулик егулик киритишди. Ишқилиб, Ғайбулла инимни биқинимга олиб икки кун тўй-тўйладик-да.

Кунботарга яқин одам кўпайиб, қора кигиз торлик қилиб қолди. Икром билан Сайфи уйдан шолча олиб тушиб ёзишди. Олмага тошфонус илиб қўйдик.

«Қуллуқ бўлсин»га биров келиб, биров кетиб турибди. Бир вақт ўтирганлар дув ўринларидан кўзғалишди. Орқамга ўгирилиб қарасам, раисимиз Шокир ака. Амаллаб ўрнимдан тургунимча у кўрпачага келиб ўтирди.

— Ҳм, бузоқча, қалайсан? — деди Шокир ака бурнини тортиб. Сайфи дастурхонга патнис қўйиб, четда турувди, гап ташлади:

— Қатиқ берсанг ялайман, деб юрибди бу, раис бува! Халачўпимни олиб ўдағайладим. Сайфи ёлгондан елкасини қисиб, икки қадам нарига қочди.

Тошфонусни ёқдик. Пишиллаб Шамол тоға, унинг ортидан қилпиллаб Баёнқул ака, гурсиллаб Саидхўжа амаки келишди. Шамол тоғага бизнинг кигиздан жой тегмади. Ажаб бўлди, кўлимдан чой қўйиб бермайдиган бўлдим, деб қўйдим ичимда.

Бир вақт Ғайбулла иним «қорним»лаб ғингиб қолди. Кўк олмани еб, сув ичаверган-да. Меҳмонларнинг олдида уялтирмасин деб, уйга олиб чиқдим. Орзигул аям кун ботмасданоқ даладан келибди, ҳозир Шарифа янгамга қарашиб юрган экан. Ғайбуллани қўлига топширдим. Аям унга иссиқ-иссиқ чой ичириб, ошхонанинг тўрига ётқизиб қўйди.

Боққа қайтиб тушдим. Одамлар янгиланибди. Соё кўчалик Шермат ака яқинда урушдан келган эди, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирибди.

— Оқопдан бошимни чиқариб қарасам, қора ўтовдек бўлиб бир танка келяпти. Муштдек тошни олиб отдим. Танканинг ойнаси чил-чил синди. Қарасам, бир немиснинг кўзини чиқарибман. У қўлини кўтариб олдимга келди. «Хўв, Шерматхўжа, одамни ўлдириб қўяй дединг-ку! — дейди. — Улгунча қулинг бўлай, бас энди, орма», деб яли-нади. Кетига бир тепиб, командирнинг олдига ҳайдаб кетдим...»

Ўтирганлар маза қилиб кулди.

— Ёлғониям сув қилиб ичасан-да, Шерматхўжа! — деди биров. — Лофчилигинг қолмабди-қолмабди.

Саидхўжа ёқасини ушлади:

— Навзамбилло! Танканинг ойнаси бўлишини энди эшитиб турибман.

Меҳмонлар орасида Шерматхўжа акадан бўлак, урушга борган киши йўқ эди. Шунинг учунми, у ҳаммамизни жеркиб берди:

— Сенларга осон. Бўксаларингни сандалга тиқиб, иссиқда қурут шимиб ётибсанлар! Урушга бориб, ўлик қучоқлаб оқопда бир кеча ухланглар-чи, кейин биласанлар, ҳа!

Ғала-ғовур сал пасайди. Шолчадаги бир йигит кўрқа-писа гап ташлади:

— Шермат ака, майли, танканинг ойнаси борлиги ашшондик. Аммо бояги немис сизнинг отингизни қайдан билар экан-а?

Тағин дув кулги кўтарилди. Шермат ака бўш келмади.

— Билади-да! — деди бақариб. — Немисларнинг қўлида мана бу патнисдек каттакон дафтари бўлади. Ана шу дафтарга биздаги энг зўр аскарларни ёзиб олади. Мен ҳам кўп немиснинг отини билардим.

«Олтин қоziқ» тепамизга келганда тошфонус ҳам липиллай бошлади. Оқсоқоллар дастурхонга фотиҳа ўқишди. Меҳмонлар тарқалди. Биз — Сайфи, Икром, Нусрат тўртовлон кўрпачага ўралиб, шу ернинг ўзида ётиб қолдик. Эртага келин тушди.

Ғирром кўв

Сизларда қандай — билмадим-у, аммо биз тарафларда келин тушди жуда ғалати бўлади. Кундуз кун қиз томон кўвнавкарларни яхшилаб меҳмон қилади. Язнамиз дўстлари билан боғда зиёфат еб ўтирганда қизнинг эш-дугоналари бирор кўшниникига бекиниб олиб, келинни ясантира бошлайди. Зиёфат тамом бўлгандан кейин кўвни кийинтиришади. Бу маросим ҳам роса қизик. Кўв жўраларини олиб, янги кийим киядиган уйга қиради. Шунда қизнинг янгаси тахлам-тахлам либосларни кўтариб келади-да: «Қани, кўвжон, эски жандаларингизни ечинг, ўз қўлим билан бир ясантирай», дейди. Кўв шартта костюмини, кўйлагини ечади, лекин чолворга келганда, «Камар ечилмаяпти, янгажон, — деб шўхлик қилади, — ўзингиз ёрдам бериб юбормасангиз...» Янга зўр бўлса, кўвни мат қилади. Шартта камарни ечиб қўлига беради. Аммо, камар ечишни камдан-кам янга эплай олади. Кўв тараф қувроқ бўлса, қаттиқ тайёрланиб келади. Камар ўрнига чилвирни сувлаб боғлайдилар, кейин тугилган ерига аччиқ гармдори суртиб қўйишади. Тугунни ечанан деган янга билмай юз-кўзини ушлаб олса, кўзлари ачишиб, кулги-га қолади. Баъзи йигитлар белларига йўғон симни уч-тўрт қават қилиб ўраб келади. Жуда ноинсофлари белларига мотоцикл ё велосипеднинг занжирини боғлаб олади. Бунақа занжирни янга тугул, қишлоғимиздаги манман деган темирчи ҳам узиши қийин.

Хуллас, янга зўр келиб камарни еча билса, кўв тараф енгилган бўлади, янгага бош-оёқ сарпо кийгизади. Агар ечолмаса, кўв-навкарларга тўйдан кейин зиёфат қилиб беради. Райим язнамиз сал ғирром кўвлардан чиқиб қолди. Аммо, Ҳакиманинг янгаси ҳам бало экан, бошлаб таъзирини берди.

Эртаси тушга яқин «Кўв келди! Кўв келди!» бўлиб қолди. Югургилаб кўчага чиқдик. Қарасак, беш-олти ёш-ялангич пана қилиб Райим ака кириб келаётир. Язнамизнинг тенг-тўшлари урушда эмасми, кўвнавкарларнинг бирови қирқ ёшларда бўлса, бирови мендан икки-уч ёшгина катта болалар. Райим акани урушдан келгандан бери кўрмаган эдим. Бир оз озбида. Унг бетига икки энлик чандиғи ялтираб турибди. Чап оёғи тиззасидан йўқ.

Шимининг бир почаси шалвираб ер супуради. Бир қўлида ҳасса.

Куёв билан унинг ёр-дўстларини кеча ўтирган еримизда меҳмон қилдик. Колхоз Райим акага, кузда эмгагингдан узарсан, деб бир эчки қарз берган экан, зиёфатга шуни суйишди. Тепадан Икром билан Сайфи қовурдоқ, шўрва-шўран ташиб турибди. Тўйдан хабар топиб, ёнбош кўчадаги болалар ҳам чиққан. Кун оғиб қолгунча Райим акаларни яхшилаб сийладик. Бир вақт Сайфи шайтон тепадан бир човгум чой олиб тушдию биқинимга келиб шивирлади:

— Абдураш, дўппи ўғирлаймиз экан, қизлар тақинчоқларини тайёрлаб қараб ўтиришибди. Узинг эплайсанми?

— Жинни бўлганмисан, — дедим, — мен қандай опқочаман? Оёғим бутун бўлса ҳам бошқа гап эди. Ҳап деганда ушлаб олади-ку мени. Бу гал сенинг ўзинг эплаштир.

Сайфи иккиланди:

— Кимникини оламиз?

— Бирон анқовроғини танлайсан.

— Майли, — деди Сайфи, — Шермат ака дуруст шекилли. Сен унга чой узатиб, гапга солиб турасан. Мен оламан қочаман.

Дўппи ўғирлаш нима экан, деб ҳайрон бўлманг. Бизнинг Мингтумада шунақа одат ҳам бор. Келин тушадиган куни болалар куёвжўралардан биронтасининг дўпписини олиб қочиб, келиннинг дугоналарига келтириб беради. Қизлар дўппининг сиртига кўзмунчоқ, маржон, укпар ё жиға, тумор, қалампирмунчоқча тақиб роса безайди. Келин узатиладиган пайтда дўппини эгасига қайтаришади. Куёвнавкар дўпписини кийиб олади-да, сурнайчи билан чилдирмақашнинг олдига тушиб ўйнаб боради. Кампирларнинг айтишига қараганда, бунақа йигитнинг бошига албатта бахт куши кўнармиш. Лекин нимагадир кўп йигитлар «Ма, менинг дўппимни ўғирлай қол», деб анқайиб турмайди. Уйин билмаслигидан уялибми, бошқа сабабданми, ишқилиб, бошини ушлаб ҳушёр бўлиб ўтиради.

Сайфи қийшанглаб Шермат аканинг ёнида ўралашиб қолди. Баъзи шумроқ йигитлар билдирмай бошларини ушлаб қўйишди. Мен Шермат акани гапга солдим:

— Шермат ака, кеча хангомангизни чала эшитиб қолдик. Язнамларга ҳам айтиб беринг. Бояги танкани...

Шермат ака мақтанчиша баҳона топилди деб суюндими, «Ҳа, унимиз?», деб керилди. Урнашиброқ ўтирдую саргузаштини айта бошлади.

— Уқ ёмғирдек ёғиб турибди. Бир замон мундоқ окопдан бошимни чиқариб қарасам, қора ўтовдек бўлиб бир танка келяпти. Шартта лапаткани олиб қулочкашлаб отдим. Танканинг тумшуғи чўрт ўйилиб кетди. Қарасам, бир немиснинг кўзини чиқарибман...

Енимда Икромни, биров шивирлади:

— Қара, Шермат ака кечаги танканинг ойнасини алмаштириб, лапаткали бўлиб олибди...

Шу пайт Сайфига им қоқдим. У мушукдек ирғиб Шермат аканинг дўпписини олдию тирақайлаб қочди. Шермат ака унинг ортидан қичқирди:

— Ҳов бола, бекор овора бўлдинг, барибир ўйин билмайман.

Кигиздагилар ҳазиллашди:

— Немиснинг кўзини чиқарган одам ўйин билмасе уят-ов...

— Ҳеч бўлмаса, қўл кўтариб кампирўйин қилиб берасиз-да, Шерматхўжа!

— Майли, — деди кулиб Райим ака, — сизнинг тўйингизда ўзим сув йўрғага тушаман, Шер ака.

Зиёфат тамою бўлди. Маросимнинг энг қизиги энди бошланиши керак. Ҳадемай, куёв кийим кийсин деб, янга чақиртиради. Қулоғимизни динг қилиб уй томонга қараб-қараб кўямиз.

Бир пайт уйдан гурсиллаб Ниёз бобо тушиб келди. У дастурхонга фотиҳа қилди, келин-куёвга «муросан мадора, қўша-қўша фарзанд, кетмас давлат» тилаб, куёвларга рухсат берди. Дув қўзғалдик. Бола-бақра шувиллаб куёвжўралардан олдин юқорига чопди. Мен «Райим ака белига нима боғлаб келди экан-а, Ҳакиманинг

янғаси еча билармикан!» деб язнамнинг камарига қарайман. Райим ака кўйлагини тушириб олган, камари кўринмайди.

Куёвга либосни Айниддинларникида кийгизадиган бўлишибди. Айниддин мендан икки ёш кичик, Шарифа янгамнинг кўздек кўшниси, Ғайбулла инимни етаклаб, элдан бурун Айниддинларнинг катта, ўртаси устунли уйларига кириб бордим. Енимга диконглаб Сайфи, кейин Зокир манқа билан Нусратилло келди. Айниддин-ку, уй ўзимники деб тоқчага чиқиб олибди. Бир вақт Райим акани ўртага олиб йигитлар киришди. Язнамиз тўрға ўтиб, ҳассасига суяниб турди. Кейин Адолат хола билан сарпо кўтариб янга кирди. У Ҳуринисо деган этликкина, қора тўридан келган чиройли жувон эди. Ҳуринисо опа Шарифа янгамга ота томониданми, она томониданми, ишқилиб туғишган.

Ҳуринисо опа — шаддоқ жувон. Кўнгли келса, ҳар хил гапларни айтиб бир уй хотинни кулдиради. Жаҳли чиқса, унча-мунча эркакни мот қилиб оғзини очирайи қўяди. У сарпосини кўтариб, тўғри Райим аканинг олдида борди. Кўзларини сузиб кулди.

— Хўш, куёвтўра, нима қиламиз энди? Узлари ечиб берадимиз камарни ё ечиб олайми?

Райим ака қизарганча индамай тураверди. Унинг ўрнига тракторчи Болтабой ака жавоб берди:

— Қўлингиздан келса ечиб олинг. Бўлмаса, ҳозирданок тан бераверинг. Барибир эплай олмайсиз.

Ҳуринисо опа Болтабойга қараб айёрона кулиб қўйди. Кейин «Қани-и», деб шартта куёвнинг кўйлагини кўтарди. Турганлар қийқириб юборди:

— И-и, занжир-ку!

— Э, бўлмабди! Бу ғирромлик!

— Эрак киши боғлаган тугунни аёл еча биладимиз? Тан беравер, Ҳуринисо!

Ҳуринисо опа «тан беравер» деган хотинга олайиб қўйди. Кейин сарпосини Адолат опага узатди.

— Манавини ушлаб тур, Адол. Мен бу пронтовик билан бир олишиб кўрай.

Янга нимчасининг чўнтагидан кичкина омбир чиқарди, кимгадир «Ҳой Манзура, чўт! обке!» деб бақирди. Болтабой ака янгани масҳара қилди.

— Чўт ҳам, омбир ҳам ўтмайди, янгажон! Узим кавшарлаб ташлаганман. Овора бўлмай, зиёфатнинг ғамини еяверинг!

— Кўрамиз-да, — деб кулди Ҳури опа, — чўт ўтмаса, болта ўтар.

Болтабой аканинг оти аскияга тушганига одамлар мириқиб кулишди. Ҳури опа омбирини тишлаб туриб Райим аканинг белидаги занжирни айлантириб кўрди. Узишга осонроқ ерини қидираётган бўлса керак-да. Ахйир, омонат жойини топди шекилли, омбир билан занжирни силталаб бир-икки тортди. Темир камар узилавермади. Ҳуринисо опа ёнбошига ўгирилди. Манзура дарров теша узатди. Опа ёмон экан. У лавлагидек қизариб турган Райим акага қараб кўз қисиб қўйди.

— Куёвжон, озгина қийнаймиз энди, хафа бўлмайсиз, — дедию омбирни занжирнинг тагига қўйиб, теша билан дўқиллатиб ура кетди. Ҳар урганда Райим аканинг қорни селкиллаб, соғ оёғи қалтираб кетади. Хонани қий-чув кулги босди.

— Қўймайсиз, Ҳури опа! Уларнинг бир таъзирини беринг.

— Мол аччиғи — жон аччиғи, Ҳури! Сарподан умидинг бўлса, аяма!

— Ҳўв, Ҳури, секинроқ ўр! Ҳакиманинг шўрини қуритасан. Куёвтўранинг белини ўйлайсанми?!

Ҳури опа бундай гапларга парво қилмади. Терлаб, қизариб кетган бўлса-да, омбирни пона қилиб занжирни дўқиллатиб ураверди.

Бир вақт «Ие, занжир очилапти... Бир тиши синди!» деган шов-шув тарқалди. Болтабой ака ишонмадимиз, бўйини чўзиб қаради.

— Нимага синиди? Узим ҳалқаларни яхшилаб михлаган эдим-ку!

Шу пайт тоқчада турган Айниддин: «Узилди, узилди!

¹ Чўт — теша.

Занжир узилде-е.» деб қичқириб юборди. Мен Адолат опанинг панасида қолиб, кўрмабман. Орага суқилдим. Хуринисо опа Райим ақанинг белидан занжирни чиқариб олдию Болтабойга қараб отди.

— Мана, укажон, омонатинг! Ўзинг уйланингда яхшилаб кавшарлаб келсан!

Бўлди кулги, бўлди қийқириқ... Куёвни кийинтиргани бурчакдаги чимилдиқ орқасига олиб ўтиб кетишди. То язамиз ясениб чиққунча биз чувиллаб, куёвнавкарларни калака қилиб, ўзимизнинг қир маҳалладаги хотинларни мактаб турдик.

Райим язам янги дўппи, оппоқ кўйлак-шим кийиб чиқди. Оёғига топилмаган шекилли, ўзининг бир пой ажаботвор батинкасини кийиб олибди. Бир кампир язамнинг бошидан сочқи сочди. Биз дувуллаб жийда, қоғозли конфет, парварда, манпасига ёпишдик. Мақтаниб тоқчага чиққан Айниддин сочқидан куруқ қолди. У «Хов, ялмоғизлар!» деб пастга тушгунча биз ерда бир дона ҳам сочқи қўймай териб олдик.

Биз манпаси талашаётганимизда куёвлар кетиб бўлишибди. Ҳай, майли дедиму укамни етаклаб Адолат холамниқига чиқдим. Ҳақима уч-тўрт қизни ёнига олиб, чала қолган сепини тикаётган экан. Хуринисо опага теша олиб келиб берган Манзура пучуқ ҳам шу ерда. У бошига эски дўппи кийиб олибди, қўлига ўқлоғи ушлаб Райим акамга ўхшаб бир ёнига қийшайиброқ турибди. Манзура Хуринисо опанинг камар ечганини қилиб кўрсатиб ҳаммани кулдиряпти. Айниқса, Ҳақима хурсанд. У ўтирган ерида қорнини ушлаб қотиб-қотиб кулади.

Ҳақима мени кўриб кўзёшларини артди.

— Ке, қоракўз, — деди қўлини чулғаб, — қалай, язналарингни боладингларми?

Қўлимда бир сиқим сочқи бор эди, Ҳақимага чўздим. У шарақлаб кулди:

— Вой, мен ўлай, ўз тўйимни ўзим ейманми?

Ҳақима барибир иккита манпаси олиб оғзига солди. Кейин ёнверига аланглаб менга битта, укамга битта кашталиқ дастрўмол олиб берди.

— Ма, қоракўз, сенам тўйларга ет!..

Дастрўмолни олиб ҳидладим. Ундан менга нотаниш ис келарди. Йўқ, бу ҳид менга танишроқ. Хув бултур, боғда Ҳақиманинг бағрига бош қўйиб ётганимда мана шу дастрўмолдагидек ғалати ҳидга роса тўйган эдим.

Бир дастрўмолга, бир Ҳақимага қараб турдим у секин мингилладим:

— Ойтўти, кечқурун... мени орқангизга мингаштиринг, хўпми?

— Вой, майли, қоракўз! — деди негадир севиниб Ҳақима. — Сендан бошқа яқиним йўғ-у! Кечқурун отнинг ёнига келиб, кўз-қулоқ бўлиб тургин, бўптимми?

— Бўпти! — дедиму укамни судраб ташқарига отилдим.

Кун ботиб, келин узатиладиган вақт бўлди. Колхозда отлар камайиб кетган эди, шунинг учун раис ўзи минадиган йўғасини берибди. Отни айвонга кўндаланг қилишди. Қизлар ичкаридан Ҳақиманинг бошига оқ шолрўмол ташлаб етаклаб чиқдилар. Бизлардаги расмга кўра, келинни тоғасими, амакисими, бирон жигари кўтариб эгарга миндириши керак. Куёвниқигача ҳам ана шу қариндоши жиловни ушлаб боради. Ҳақима бечора қув етим. На тоғаси, на амакиси бор. Шунинг учун Ниёз бобо, бисмилло, дедиму Ҳақимани даст кўтариб отга миндирди. Кейин атрофга аланглаган эди, «Мен, бобо...» деб унга суйқалдим. Ниёзбобо мени эгарнинг ортига ўтказди. Ҳақимани маҳкам қучоқладим. Қариялар оқ фотиҳа беришди. Қизлар ёлғондакамига йиғлаган бўлишди. Қий-чув ичида йўлга тушдик. Ниёзбобо кўчага отни етаклаб чиқди-да, кейин хансираб қолди, жиловни Болтабой акага тутқазди.

Райим акамиз, сурнай чалинмасин, дейишса ҳам Уммат тоз билан бир чилдирмакашни айтиб қўйган экан. Қир кўчадан тушгунча сурнай овози чиқмади. Азали уйдан анча олислганимиздан кейин чилдирмакаш бош бармоғига чилдирма ипини ўтказиб олдию ғижбадабанг қилиб чала кетди. Уммат тоз дарров сурнайини оғзига олди, лунжини ширириб «Ёр-ёр»ни бошлади. Кимдир югуриб бориб Шермат ақанинг бошидаги эски дўпписини олиб, тўй дўппи кийдирди. Шермат ака ростдан ҳам ўйинни билмас экан. Худди лой пишитаётгандек ер депсиниб «ўйин»га тушди.

Адолат хола «Ёр-ёр» айтди. Қарасам, Ҳақиманинг қорни силкиниб-силкиниб боряпти.

— Ойтўти, нега йиғлайсиз? Йиғламанг, Райим язамдек йигит бу ер юзида йўқ, — деб уни овулган бўлдим.

— Йиғлаб жинни бўпманми, қоракўз! — деди Ҳақима қаддини ростлаб. — Маҳкамроқ ушла, йиқилиб тушмай тагин. Оти ўлгур ёмон юрар экан.

Мен қувониб, келиннинг қорнидан қаттиқроқ қучоқладим.

Шу кунни Ҳақимани омон-эсон қутлуғ уйга кўндириб чиқдик.

Суюнчи

Яна баҳор келди. Олапар кучугимни эргаштириб, яна подага қатнай бошладим. Бу йил ёғин-сочин кўп бўлиб, ер-кўк чамандай яшнаб кетди. Одамлар ҳам хурсанд. Нега десангиз, колхоз идорасидаги ҳалиги қора лаган-радио тинмай хушxabар айтиб турибди. Кўпинча эрталаб одамлар молларини қирга тўплагунча, ғизиллаб бориб эшитиб келаман.

Эрталаб орқамга қараб-қараб далага кетаман. Кечқурун олисдан қўлимни пешонамга қўйиб боқаман: кўча эшигимизда одам қўринмайди?

Шундай қилиб, апрель ўтди, май ўтди. Саратов кирди. Шу икки-уч ой ичида қишлоқдан урушга кетганлар қайта бошлади. Самин бобомнинг ўлди деган ўғлиям, ассалом деб эшикдан кириб келди. У Чехословакиянинг бир шаҳрини олишда бомбанинг тагида қолган экан, бир қўлини снаряд юлиб кетибди, иккала қулоғи чиппа битиб қолибди. «Майли, — дейман ичимда, — бир қўлидан айрилсам, қулоғи эшитмайдиган бўлиб қолсам, ишқилиб, дадам тезроқ кела қолсайди».

Лекин, аксига олиб, дадамнинг ўзи тугул хатиям келмай қўйди. «Берлиннинг бўсағасида турибмиз», деб мартда бир хат ёзган эди. Ундан бери, мана уч ой бўлди, домдараги йўқ.

Орзигул аям мендан бекитиқча йиғлайди.

Сабрим тугади. Нима қилишни, кимга ёлборишни, кимдан мадад сўрашни билмайман.

Подадан кўнглим совиди. Кўпинча молларни қишлоқдан чиқаверишда, қирлар атрофида бир-икки айлантираману номозгардаёқ қишлоққа қараб ҳайдайман. Ошиҳалолга борсам, эгалари: «Мол бугун ҳам оч-ку, бола?» деб тўнғиллайди. Бир коса ёвғонингга зор эмасман, деб пақиримни кўтариб кетаман.

Ниҳоят, мен ҳам куладиган бўлдим.

Ерга қиров тушган эди. Бир кунни оқшомда Чувилдоқ маҳалланинг оғзида «ошиҳалол» айтиб турсам, ёнимдан аскар кийимидаги бир киши ўтди. Кўнглим қоронғи эди, беларвогина қараб қўяқолдим. Ҳалиги киши ҳам ўн қадамча нарига бориб, менга ўгирилди. Кейин бирпас бақрайиб турдию «Абдурахмон!» деб қичқириб юборди.

Юрагим тўхтаб қолгандай бўлди.

— Дада! Дадажон! — дедиму елкамдаги қопни ташлай-солиб югурдим. Бориб бўйинга осилдим. Кўзларимдан тирқираб ёш оқди. Дадам индамай елкаларим, бошим, бўйним, юз-кўзим аралаш сийпалайверди. Менинг ҳам овозим ғиппа бўғилган, гапиролмайман. Бир нималар деб ҳиқиллайман.


Пақир билан қопим қолган ерида қолди. (Уларни кейин кимдир биров олиб чиқиб, ташлаб кетибди.) Ота-бола етаклашиб уйга чиқдик. Мен дадамдан бурун чопқиллаб кирдимю Орзигул аямни қучоқлаб ўпавердим.

— Ая, дадамни обкелдим! Суюнчисига нима берасиз? — дедим бир кулиб, бир йиғлаб.

Аям, дув-дув ёш тўкилаётган кўзларини артиб, илжайди: — Жонимни бераман, болам, жонимни!..

Бир лаҳзада қариндош-уруғ, қўни-қўшни йиғилди. Тонг отгунча мижжа қоқмай гаплашиб чиқдик. Дадам Берлин қулагандан кейин Узоқ Шарққа бориб японлар билан ҳам уришибди. Шинелини ечган эди, уйимиз чарақлаб кетгандай бўлди. Дадамнинг чап кўкраги белигача орден-медаль, икки халтаси тўла совға-салом эди: соат, кумуш ханжар, консерва, менга тилло пероли ручка, аямга рўмол, укамга кичкина этикча...

Эртасига бизнинг ғарибгина, пастқамгина ҳовлимизда ҳам кичкина тўй бошланди.



**Мирза
Кенжабоев**

ЁШЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

Биринчи шеър

Бир кун менга қилдилар имо
Курсдош қизлар — ҳуснобод қизлар:
«Бу кунларни шеър қилинг, Мирзо,
Қўшиқ қилиб айтайлик бизлар».

У кунларда... Ҳув йироқлардан
Яшил-зангор нафас келарди.
Чинорларнинг бутоқларидан
Инқилобий бир сас келарди.

Савр эди. Ҳаво намзада,
Кулги истаб турмас эдик тинч.
Тинмас эди тунлар «Ҳамза»да
Келинларнинг қўзғолони ҳеч.

Соқолларни қирганча чала,
Кундуз шошиб, андак оғриниб,
Тинглар эдик қилиб ҳафсала
Доцентларнинг сабоқларини.

Ётоқхона орти — бозорча,
Қоп-қоп майиз, олмаю ёнғоқ.
«Вақти келар бизга... Ҳозирча
Пиёз беринг, холажон, бир-боғ».

У кунларда... Кобуллик толиб —
Қодир бир кун келди ётоққа,
Аллақандай инқилоб бўлиб,
Афгон эли қалқмиш оёққа.

У куларди. Қарардим ҳайрон
Қўзидаги йилтироқ ёшга:
Қувонч десам, йиғига ўхшар,
Йиғи десам, ўхшар қувончга.

Сўнг шеър йўқиб ҳайқирдик чунон,
Бедардларга бўлсак ҳам кулги.
Сенда ҳамма — шоир, онажон,

Ўзбекистон, шеърят мулки!

Гиштин бино бағрига босган
Барча айбу гуноҳларимни.
Туриб-туриб, кўнглим қўмсайди
Талабалик ётоқларини.

Мана, адл тераклар... Жавзо...
Япроқларда титрайди сўзлар:
«Бу кунларни шеър қилинг, Мирзо,
Қўшиқ қилиб айтайлик бизлар».

У кунларда
Дайдиб, гувраниб,
Қайда эдинг, мажнун овозим?!
Ушал учқур-учқур кунларнинг
Шиддатиди қолди қасосим!

У кунлардан
Камёб омадим
Кўз остида қолдирди излар,
У кунларни шеър қилолмадим,
Қўшиқ қилиб айтмади қизлар..

Иккинчи шеър

Ўтди йиллар, топди интиҳо.
Чап ёнимда парчагина чўғ.
Қайсар кунлар тугади, аммо
Талабалик тугагани йўқ.

Ҳаёт — кулги, томоша. Шодон
Ялқов эрлар, кўриб келинлар:
Кечалари «Ҳамза»да ҳамон
Зўр қўзғолон қилар келинлар.

Тунларнинг ой — жоми баланду
Базмларнинг жоми баланддир.
Бир қўшимнинг номи баланду
Бир қўшимнинг томи баланддир...

Ўтди, йиллар тугади, аммо
Талабалик тугагани йўқ.
Хануз ғамгин кузга бепарво
Пахтазорда аскиялар шўх.

Эй, одамзот, бахтнинг ошиғи,
Севги борки, бордир фироқ, зор.
Кулги борки, бордир қон йиғим,
Бахт бор бўлгач, бахтсизлигим бор.

Менинг дардим — қитғалар дарди,
Жавобгарман, айбдорман букун —
Озодликда юрган қуллару
Қамоқдаги маҳбуслар учун...

Ватан! Ватан синғди қонимга.
Ватан — меҳрим, севинчим, нолам.
Ватан, Ватан — «Мени қуёшга
Кўтаргин» деб ўтинган болам!

Ҳаёт кулги?! Томоша?! Йўқ, йўқ!
Кулмаса Ер, юрагим кулмас.
Талабаман... Бу кун қўшигин
Бу кунларда тугатиб бўлмас.

Юрарканман Ватан кўксида,
Кўзимда нур ва танамда жон,
Ҳар лаҳзаси унинг — сессия,
Ҳар қадами унинг — имтиҳон!

Омонгул

Хонамга шахд билан киради дўстим,
Дейди: «Ишқ тугади! Энди тамом йўл!
Вокзалга чиқайлик,
Сессия битди,
Омонгул кетади бугун. Омонгул!»

Эргашиб жўнайман бесўз, бетанбеҳ.
Вокзалга егамиз... Ҳаёт — мунғлуғ най.
Бир юз саксонинчи —
«Тошкент-Душанбе»
Поезди турибди жўнамоққа шай.

Топамиз, еттинчи вагон — гул,
Дераза чўмибдир ипак зиёга.
Битта даричадан ўша Омонгул
Сокин виқор билан боқар дунёга.
Омонгул кетади, Омонгул.

Бу ширин ҳаётнинг алами ачиқ.
Сўзлар эзгилайди ёмон дилимни:
«Дўстим, унинг билан орамиз очиқ,
Фақат... Сўнг бор кўрай Омонгулимни!»

Беомон экан-ку, кўзинг, Омонгул,
Исминг-ку ватанда оздир, Омонгул.

Ёмон гул экансан ўзинг, Омонгул,
Исмингга уйланса арзир, Омонгул.

Бошқа не ҳам дердим нафасим ростлаб?!
Дўстимнинг сўзларин, фарёдки, бесўз
Бўғилиб,
Ҳаллослаб-ҳаллослаб
Такрорлаб кетади телба паровоз:
Омонгул кетади, Омонгул,
Омонгул кетади, Омонгул.

Ерга дод дейинми ёки осмонга,
Рухни ёмон яраладинг, Омонгул —
Муҳаббат ҳурмати, дўстим томонга
Бир бор қарамадинг, Омонгул!

Менинг ҳам кўксимда бир омон гул бор,
Исми ўзга унинг, аммо аён — гул.
Тиканларинг билан бағримда мангу
Омон бўл, омон кул, омон гул!

Сукунат ўртанур,
Ёнур юраклар.
Юраклар устидан поездлар кечар...
Дўстимнинг сўзларин шум гилдираклар
Ҳижжалаб борадир Кумқўрғонгача:
Омонгул ке-тади, Омонгул.
Омонгул ке-тади, Омонгул,
Омонгул ке-е-е-тади, Омонгул!

Андижон томонларда

Рост сўзимга ишон, деб сўйладим ёлғонларни,
Дўст тутдим телба хаёл, девона тугёнларни,
Лекин истадим дийдор кулгувчи замонларни —
Даракларинг борми, ёр, Андижон томонларда?

Не тонг, исмингни айтиб тонгни уйғотар бўлсам,
Не бахт, кулгу — нур сочиб тонг каби отар бўлсам!
Мен сендан узоқларда гуноҳга ботар бўлсам,
Кокилларинг бўлсин дор Андижон томонларда.

Не қиргинли йилларнинг қоронғи ҳижрони бу,
Сумбул-сумбул сочларнинг самога исёни бу,
Жон чеккан жувонларнинг чиқмай ётган жони бу —
Гар бор бўлса Куйганёр Андижон томонларда.

Ишқинг қўлда торимдир, садолари шод бўлсин,
Ул сайраса, ёлғону ғам қасри барбод бўлсин.
Юз турли маконларда минг турли фарёд бўлсин,
Қўлларимдан тушса тор Андижон томонларда.

Умид телба ошиқнинг мушуқини осон қилгай,
Дард чекканлар шодлик ҳам кўрсалар гумон қилгай —
Наҳот, энди кетдинг, деб юрагим фиғон қилгай,
Таралса бир «Ёру ёр» Андижон томонларда.

«Анда жоним» деган сўз тарихларда баён дур.
Гар қадаминг бежодир, гап ниятинг ёмондир,
Оёқ боссанг, парча ер чинқирмоғи аён дур —
Бобур Мирзо жони бор Андижон томонларда!..

Рухим ўпич — гул терар
Юлдузларнинг бетидан.
Вужудим чопиб юрар
Шаккок руҳим кетидан.

Болалик ҳам адашди —
Мендан кетди тентагим.
Териб юрар у дашту
Далаларнинг чечагин.

Энди бағир ўт олди,
Келди ўзга баҳорлар.
Юрагимдан ўтади
Дунёдаги беморлар.

Оғриқ билан мен мастман,
Мен телбамаи созгина.
Фақат шоир эмасман —
...Ёлгончиман озгина:

Алдагани — бевафо,
Хиёнаткор, демам, йўқ.
Улар... бир оз сержафо,
Бир оз шаддод, бир оз шўх.

Бу дунёга арзирли
Бир покиза ҳислар бор.
Ширин-ширин орзули
Сулув-сулув қизлар бор.

Каззобларни — шарманда,
Сотқин демам, хатодир:
Улар ахир Ватанда
Ватанидан жудодир...

Шоирмасман аслида,
Турса руҳим исёни,
Фақат баъзи-баъзида
Соғинаман фазони.

Шоир халқнинг ўғлиман,
Дил юрса ҳам эзилиб,
Айтар сўзим чиқади
Қофияга тизилиб.

Шоир деманг, тавба денг,
Жоним сизга садақа.
Тилим шунақа менинг,
Нутқим менинг шунақа!..

Беруний глобуси

Тинглаб, тушдим титроққа,
Абу Райҳон нақлини:
Азм этибдир қурмоққа.
Юмалоқ Ер шаклини.

Ярми битгач, кўз бўлса,
Дўстлар кўзи тушгандир.
Дўст — гар ярим дўст бўлса,
Демак, ярим душмандир.

Султон Маҳмуд жафода
Сирқиратгач суягин,
Ярим жаллод дунёда
Ярим бўлди юраги.

Хор бошини чангаллаб,
О, бу не қасд! — деди у;
Кессанг кесгин, шу бошим —
Қурраи Арз! — деди у.

Хайқирдилар: — Ер мулкин
Наҳот одам яратган!..
Ярим қолди глобус! —
Оғзин кўкка қаратган.

Ёғочданми қурганди,
Қўл келганди қоғоз, лой,
Уни аниқ кўрганди
Ярим кеча ярим ой.

Мен куяман, ёнаман
Газна билан келиб дуч.
Ярим тунлар қийнайди
Ярим хаёл, ярим туш.

Қонлар ютиб, мозийни
Ўйласам тонг, пешинда,
Ярмин айтсам сўзимнинг
Ярми қолур ичимда.

Ўшал ярим курранинг
Ғадир-будир, оласи —
(Фалак шоҳид!) ҳам ернинг,
Ҳам юракнинг яраси...

Хув, ярим Ер шаклида
Кезган ойнинг бўлаги —
Шарқнинг ярим дунёга
Маълум бўлган юраги!..





Абдуғани
Абдувалиев

Бизнинг йўлимиз

ҚИССА



Театр директорининг қабулхонасига қўлида чамадон билан бир йигит кириб келди. Қирра бурни машинкага тегай деб турган синчалакдек қиз: «Бирпас кутинг, ичкарида одам бор», деди. Йигит чамадонини стулга қўйиб, ундан бир қоғоз олди. Кейин қўлларини кўксига чалиштирганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Котиба қиз йигитга зимдан назар ташлади. Унинг енги шимарилган оппоқ куйлагию оқиш катак лавсандан тикилган шими адл қомастига ёпишиб, жуда ярашиб турарди.

— Киринг, ҳой, сиз киринг! — деди котиба ғалати бир талаффуз билан. Йигитни ичкарида тўладан келган, зуваласи пишиқ, мошгуруч сочли киши кутиб олди.

— Қани, ҳа-а, ўтирсинлар. Хўш, хизмат? — Директор йигит узатган қоғозга кўз югуртириб чиқди. — Ҳа-а, битирдим денг? Маълумот — олий, олий! Яқингача олий маълумотли артистлар бармоқ билан санарли эди, энди кўзиқориндек потирлаб чиқяпти. Яхши. Дипломингиз имтиёзли экан, коллективга қабул қиламиз. Хўш, фаами... — Телефон жиринглаб қолди. Директор трубкини олди. — Алло, ҳа... Да-да... Энди, ўртоқ Тўрахонова, мен у ёққа ўтолмайман, ишим кўплигидан ўлгани кўлим тегмаяпти, ҳа-а... Хўп, хўп. Ҳа, энди у пайтларда мен буйруқ берардим, бошқалар бажарарди. Ҳозир артистлар буйруқ беради, мен бажараман. Театр директори дегани хизматкордек гап экан. Бўпти, майли. — Директор трубкини қўйиб йигитга юзланди. — Хўш, фамилиянгиз Давронов, исмингиз Қодиржон экан. Ҳа-а, мени Шукур Бобоевич деяверасиз. Ҳозир айтаман, хужжатларингизни расмийлаштиришади. Кейин хотиржам...

Шу пайт хонага нозиккина, истараси иссиқ бир аёл, унинг кетидан тилла тишли, ғўлабир йигит отилиб кирди.

— Сиз бошлиқмисиз ёки... — деди аёл.

— Ҳай, яна ғалвами? Эр-хотиннинг жанжалидан қачон қутуламан, а? — деди директор столни тўқиллатиб уриб.

— Бугун уйга келмадилар. Саҳар уйғониб...

— Бунинг гапига ишонманг, — деди эр хотинига хўмрайиб. — Сал мундоқ тургин, хўпми!

Директор пўписа қилди:
— Ҳой, қачон одам бўласан? Этиканг борми ўзи? Ким айтади сени Мансур Мажидов деб! Тур, кўзимга кўринма!

Эр хотинига яна бир хўмрайди-да, эшикни қарс этиб ёпиб чиқиб кетди.

— Хўш, сингил, нима гап? Мана, стулга ўтиринг, ҳа-а, ўтиринг. Тунон куниям, эрим саҳнада бировни ўпаяпти, деб жанжал қилиб келдингиз. Артист бўлгандан кейин ўпади, ҳа-а, қолаверса, артистлигини билиб теккансиз.

— Мен ҳам санъатни сизчалик тушунарман, — деди аёл кесатиб. — Бундан уч-тўрт йил аввал устимга Ёқутни яширинча олволганида ҳам, сизнинг насиҳатингизга кириб, қаматмадим.

— Минг раҳмат, минг раҳмат, синглим.

— Жа, бу кишимнинг совунига кир ювавериб бўларим бўлди. Шу бугун саҳар уйғониб, бундай қарасам — йўк. Нима бўлдикин, деб ташқарига чиқсам, дарвоза томонда бир пой туфлини кўриб қолдим. Бу кишим дарвозахонада бемалол... чалпак бўлиб ётибдилар. Шимнинг бир почаси ечилган, туфлининг иккинчи пойи қайси гўрда қолган — ўзиям билмайди. Ким айтади буни санъаткор деб?.. Ҳалиги гапингизга келсак, аввалги сафар жанжал қилганим йўк, шунчаки, уни тартибга қақиринг, унга болаимиз ҳурмати турмушимиз бузилмасин, дедим. Уша куни мактабга кетаётиб, зарур гапим бор эди, шуни айтиб қўяй, деб театрга кирсам... ҳамма саҳнада репетиция қилаяпти-ю, бу кишим бир чеккада ўйинчи Тўхтани бағрига босиб турибди. Билмадим, ўша бадбашаранинг нимаси ёқиб қолган бунга?! — Қизшманг, қизшманг, синглим. Аввало, репетиция фақат саҳнада қилинмайди — бир кўриниши саҳнада машқ қилинса, бошқаси имкон бор жойда қилинаверади. Бу ерда режиссёр битта эмас, ҳамма бир-бирига устоз, шогирд. Эҳтимол, эрингиз Тўхта билан бўладиган саҳнани бир чеккада репетиция қилаётгандир. Ҳа-а, мана, мен — директор, вақти келса мен ҳам ўргатаман. Санъат — халқиники! Хўш, қолаверса, эрингизни бўшатворсам яхши бўлмас. Сизга қийин, болаларингизга қийин, бизга ҳам қийин. Даромадимизнинг ярмини шу, эрингиз кўтаради. Узи ўсиб келаётибди, эл оғзига тушиб қолди. Кунора радиога чиқиб туради. Фалончининг эри деса, фахрланмай-сизми?

— Э, радиодаларга овози керак, менга эса — эр! Одам бўлсин дейман, ўртоқ директор!
Аёл шарт чиқиб кетди. Шукур Бобоевич ўрнидан туриб, йигитга қаради.

— Уф-ф... Хўш, исмингиз нимаиди?
— Қодиржон.

— Ашула айтмайсизми?
— Йўк.

— Айтгандай, сиз драмани битиргансиз... Театримизда мана шунақа комедия ҳам бўлиб туради. Санъат дароҳига энди кириб келясиз, мен сизга айтиб қўяй: икки нарсадан — ичкилик ва хотинбозликдан тийилсангиз яхши артист бўласиз. Санъаткорни хароб қиладиган — мана шу икки нарса. Ҳа-а, артистларга раҳбарлик қилишдан қийин иш йўқ дунёда. — Директор тагин ўтирди. — Ёзги театрнинг ҳовлисида бир-иккита хонамиз бор, ҳозирча ўша ерда турасиз. Энди бориб дам олинг, чарчагансиз. Эртага эрталаб келсагиз, бош режиссёримиз қабул қиладди, коллектив билан танишасиз. — Директор столнинг устидаги микрофон-телефонга энгашиб кнопкани босди. — Алё, Валя, Валич-ка! Ҳа-а, бу ёққа чиқ, янги артистнинг ҳужжатларини расмийлаштирасан...

Эртасига эрталаб Қодиржонни бош режиссёр қабул қилди. Ёши бир жойга бориб қолган, сочлари оппоқ, қорамтир юзлари салқи бу киши одамга вазмин боқарди. Унинг нигоҳларидан «Мен бу дунёда кўп нарсани кўрдим» деган маънони ўқиб мумкин эди. Қодиржонга ана шундай киёфада боқиб тураркан, шошилмай папкасини очди, муқоваси титилиб кетган қандайдир пьесани олиб varaқлади, кейин бир жойда тўхтаб:

— Мана шу монологни ўқиб беринг-чи, — деди худди драмтўгаракка келган ҳаваскорни синаб кўраётгандек. Қодиржон образга киришга ҳаракат қилиб ўқиб берди. Унинг овози ёқимли ва жарангдор эди.

— Яхши, — деди режиссёр. — Рубеннинг қўлида ўқиганмисиз?

— Ҳа.

— Унинг талабалари ҳаммаси қобилиятли... То янги асар олгунимизча репертуаримиздаги спектаклларни кўринг, бирорта ролни танланг, тайёрланг. Бугун районга чиқяпмиз, бирга боринг, «Соғлар» деган яхши комедиямиз бор. Мана — коллективимиз...

Қодиржон давра қуриб ўтирган артистларни кўздан кеңираркан, баъзиларини таниди. Булар ўздан бир-икки йил аввал театр институтини битирган ёшлар эди. Баъзиларини сиртдан танирди. Айниқса, рўпарада ўтирган мана бу яғриндор, пешонаси кенг, қўнғир сочли, кўзлари йирик Шавкат Қурбон ҳақида кўп эшитган. Атрофдагиларнинг «Шавкат ака, Шавкат ака» дея илтифот қилишларидан бу актёрнинг коллективда обрўйи баланд эканини сездди. Шавкат ака ҳозир ёнидаги одам билан ҳазил-мутоиба қилиб ўтирарди. Кеча директорнинг олдига хотини билан жанжал қилиб кирган Мансур Мажидов ҳам бир чеккада оёқларини қерганча бепарво ўтирибди. «Телевизорда тез-тез кўриниб юрадиган Мансур Мажидов шу экан-да», дея хаёлидан ўтказди Қодиржон.

— Кечқурун районга борадиганларга жавоб, қолганлар репетицияга марш! — деди режиссёр...

Кечқурун соат бешда ҳамма тўпланди. Автобусга чиқиб ўтирдилар. Лекин негадир автобус ўрнидан жилмасди.

— Нима гап? — деди режиссёр.

— Норкул келмаяпти, Ақром ака, — деди бўғилиб режиссёр ёрдамчиси.

— Уйига одам юборинг ёки ўзингиз боринг! — Ақром ака тутатиб автобусдан тушди.

Кимнингдир машинасида Норқулнинг уйига кетган режиссёр ёрдамчиси орадан эрим соатлар чамаси вақт ўтгач, ғазаби қайнаб қайтиб келди.

— Отарга борган экан, фирт маст бўлиб ётибди! — деди у сўкиниб.

— Ёзда тўйма-тўй юриб, қишда бўйинни эгиб келадиган бунақа саёқнинг кераги йўк бизга. Рапорт ёзинг, эртага бўшасин у аблаҳ! — деди режиссёр. Кейин коллективга юзланди: — Уша ланъатининг олти оғиз сўзи бор, холос, спектаклда. Мана, Қодиржон ҳам ўйнайверади, йўлакай репетиция қилиб кетамиз. Утинг Шавкат аканинг олдига. Кетдик!

Ори, ўриндиқда ўтирган Қодиржон Шавкат Қурбоннинг ёнига ўтди. Автобус кўзгалди.

Қодиржон оддий магазинчи, Шавкат ака эса савдо бошқармасининг бошлиғи ролни ўйнарди. Қодиржоннинг вазифаси бошлиқнинг олдига кириб: «Ассалому алайкум, хўжайин, жуда қийналиб қолдим, беш юз сўм қарз бериб турсангиз, бир ойга қолдирмай узаман...» дейиш — тамом. Пулни оладию чиқиб кетади.

Йўл-йўлакай машқ қилиб кетилди. Шавкат ака Қодиржонга шу кичкина образни ҳам эсда қоладиган қилиб ўйнаш мумкинлигини, ролга қандай жило бериш кераклиги, ҳатто овози қанақа бўлиши лозимлигини қайта-қайта уқтирди...

Қишлоқ марказида одам гавжум. Қизиқувчанлари актёрлар пардоз қилаётган томонга ўтиб мўралаб ҳам кетаяпти.

— Сизни сал туриб грим қилиб қўяман, — деди гримчи Қодиржонга. — Чиқшингизга ҳали анча бор.

Қодиржон боя ёд олган сўзларни дилидан ўтказиб у ёқдан-бу ёққа юраркан, бир четда сочини майдалаб ўраётган Ёқут Қамбарова унга зимдан тикиларди. Қодиржоннинг келишган қомати, оқ-қизғиш ёноқлари, кўркам пешонасига гажак бўлиб тушиб турган бир тутам сочи, бўртиб турган мускуллари, бургут қарашлари «кўрса кўргудекман» деб турарди унинг назарига.

— Мунча тикилмасанг, Ёқут, кўзинг тегмасин тагин! — деди уни секин туртаркан бақалоқ артист аёл.

— Севиб қолдим, — деди Ёқут шўхлик билан.

Томоша бошланди. Узи ўйнайдиган саҳна яқинлашган сайин Қодиржоннинг ҳаяжони орта бошлади. Антракт пайтида Ақром ака келиб унга далда бериб кетди. Саҳна девори билан декорацияни ажратиб турадиган оралик масофа жуда тор эди. Шу ерда бурни бақлажондек суфлёр Абдуваққос, режиссёр ёрдамчиси Охунжонов, навбатини кутиб турган артистлардан Мансур Мажидов, Ёқут Қамба-

рова, яна бир артист аёл тиқилиб туришарди. Мансур артист аёл билан ниманидир ғудурлашиб, тортшарди. Бутун фикри-зикри саҳнада бўлган Қодиржоннинг асаби кўзиди. Қодиржон табиатан мулойим кўринса-да, жаҳли чиқса отасини аямайдиغانлар хилдан эди. У аввалига ғудурлашаётганларга бир-икки қараб қўйди.

— Мунча Ёқут икковинг янги болага суқланиб қарама-санг! — деди Мансур аёлнинг билагини қисиб.

— Ол қўлингни... ишинг бўлмасин!

— Ҳо-о, қачондан бери?

— Эркалингини уйингдаги хотинингга қиласан!

Қодиржон саҳнадаги сўзларни эшитмай қолишдан кўр-қарди. Шунинг учун лабини қимтиб, жаҳл билан деди:

— Сал жим турсинлар, илтимос!

Мансур «ишингни қилсанг-чи» дегандек унга менсимай, кўзларини сузиб қаради.

— Чиқинг! — деди режиссёр ёрдамчиси.

Қодиржон ёп-ёруғ саҳнага чиқди-ю, жим туриб қолди. Рўпарасида савдо бошлиғи қиёфасида турган Шавкат Қурбон жуда ҳам баҳайбат кўринди кўзига. Қодиржоннинг жим турганини кўриб, Шавкат ака — савдо бошқармаси бошлиғи сўз қотди:

— Хўш, қандай хизматлар бор?

«Бошлиқ»нинг момақалди роқдек овози уни ҳушига келтирди. Қодиржон «м-м... мен» деди-ю, ҳарқанча уринса ҳам сўзини тополмади. Залнинг у ер-бу еридан кулги эшитилди. Суфлёрнинг шаҳд билан шипшиган овози эшитилди: «Ассалом алайкум, хўжайин... ассаломалайкум, хўжайин!» Лекин Қодиржон буларнинг биронтасини эшитмасди. Оёқлари қалтираб бошлади. Жонига «бошлиқ»нинг ўзи ора кирди. Қўлидан етаклаб стулга ўтказди.

— Хўжайиннинг олдига кирганда, аввало, «Ассалом алайкум, хўжайин» дейилади, тақсир! — деди у.

— Ҳа-ҳа, — деди Қодиржон-магазинчи.

— Жуда қийналиб қолдингизми? — деди «бошлиқ». Ваҳоланки, «жуда қийналиб қолдим» деб Қодиржон айтиши керак эди. — Беш юз сўм қарз бериб турайми?

— Ҳа-ҳа.

Томошабинлар ўртасида энгил кулги кўтарилди.

— Бир ойга қолдирмай узасизми?

— Ҳа-ҳа.

Шундан кейин «бошлиқ» пулни «магазинчи»нинг чўнтагига солиб қўйди. «Магазинчи» пулни олиб чиқиб кетаётган эди, «бошлиқ» уни тўхтатди.

— Хўв, тақсир, ҳа, раҳмат ҳам демайсиз-а?

— Раҳмат-раҳмат, — деди шошиб «магазинчи»-Қодиржон.

Залда гур кулги, кулгининг кетидан қарсак янгради. «Бошлиқ» — Шавкат ака ҳам залга тескари турганча ўзини тутолмай пиқиллаб куларди. Дали-ғули магазинчидан бир овсарга айланб қолган бу ушоқ образ — гарчи Қодиржон шарманда бўлдим, деб ўйласа ҳам, томошабинларга ёқиб қолди. Спектакль охирида савдо бошқармасининг бошлиғи қўлга тушиб суд қилинаётган пайтда Қодиржон секин келиб пулни хўжайиннинг чўнтагига солиб қўйиши билан зални қаҳқаҳа ва қарсак овозлари тутиб кетди.

Лекин Қодиржон саҳнадан чиқдию жаҳлдан лаблари титраб, ҳали ҳам артист аёл билан пачакилашиб турган Мансурга ўқрайди:

— Бундан кейин саҳнага чиққанимда ким шивир-шивир қилса, мендан ўпналамасин!

— Оғайни, ҳа, сиз Гамлетни ўйнамаяпсиз-ку, — дея масхараомуз ҳиринглади Мансур.

— Барибери! Спектакль пайтида саҳна орқасида ғовур-ғувур бўлмаслиги керак!

— Энди, у каттачилигингизни хў ўша институтда қиласиз!

— Бу ерда қилсам-чи? — деди Қодиржон қўлларини белига тираб.

— Бу ер театр, мен эса Мансур Мажидовман!

— Мана шу иккита бармоғимни жағингни тагидан шундай ўтказсам... Мансур ҳам йўқ, Мажидов ҳам!

— Қўйсанглар-чи, — дея Ёқут уларнинг ўртасига турди ва Қодиржоннинг кўзига шундай сеҳр билан боқдики, бечора йигит бўшашиб кетди. Саҳна ортидаги шовқин саҳнага ҳам эшитилди шекилли, Шавкат ака томоқ қириб қўйди. Суфлёр «жим-м!» деди.

— Мансур, саҳнага!

— Бўпти, биз кетдик, — деди Мансур. «Кўриб қўйинглар, саҳнага чиқиш мана бундай бўлади» дегандек теваракка назар ташлади.

Спектакль тугади. «Яхши, яхши, бундан кейин мана шундай ўйнайверасан, — деди Ақром ака Қодиржоннинг қўлини сиқиб куларкан. — Бу, сен комик экансан-ку, а?»

Қодиржон жилмайди. Кўплар уни илк роль билан табриклашди. Қодиржон автобусга чиқиши билан Ёқут уни ёнига таклиф қилмоқчи эди, Шавкат ака дўриллаб қақириб қолди.

— Қани, ҳов Йигитали, бу ёққа кел-чи.

— Йигитали эмас, Қодиржон.

— Мен ҳамма йигитни «Йигитали» дейман. — Шавкат ака кулди. — Ҳой, бугун жа бопладинг-ку, а?

— Ким билади дейсиз, — деди Қодиржон Шавкат аканинг ёнига ийманиб ўтираркан. — Саҳнанинг орқасидаги ғала-ғовурдан ҳеч нарсани эшитиб бўлмайди...

— Воҳ, жуда тўғри. Между прочим артистларимизда мутлақо саҳна маданияти йўқ. Буларга гапирвериб сочларим оқариб кетди.

Автобус кўзғалиб, ички чироқлар ўчди. Ташқари зимзиё. Осмонда бир ҳовуч тилла танга сачилиб ётибди гўё. Қоронғилик қаърида қандайдир ғарамлар, дарахтлар, симёғочлар бирин-кетин ўта бошлади.

— Ота-онанг борми? — деди Шавкат ака Қодиржонни туртиб.

— Ҳа.

— Қаерликсан?

— Фарғонадан.

— Фарғоналиклар гапга чечан, импровизатор бўлишади.

Актёр қийин вазиятлардан осон чиқиб кетадиган бўлиши керак. Ҳеҳ-хе, бир куни, — дея кулимсиради Шавкат ака, — «Фарҳод ва Ширин»да Хисравни ўйнардим. Ёсуман кампирни тақдирлайдиган саҳнада: «Фарҳодни банди қилганинг учун сенга шаҳаншоҳ Хисрав номидан бир халта тилла ҳада этурмен!» деб қўлимни қўйнимга тиксам, ҳеч вако йўқ. Сохта тиллалар солинган ҳамёни олишни унутган эканман. Нима қилиш керак? Бирон йўлини топмаса бўлмайди. Ёсуманга қараб шартта: «Ҳозир майда йўқ, эртага келурсен!», деб юбордим.

Шавкат акага қўшилиб Қодиржон ҳам кулди.

Автобус шаҳарга кириб келди.

Бадий советнинг йиғилиши жанжалга айланиб кетишига бир баҳя қолди. Театр яқин ойларда Тошкентда ҳисобот бериши керак эди. Шунинг учун шошилинч равишда репертуар планини қайта кўриб чиқиш лозим бўлиб қолди.

— «Тоҳир ва Зухра» қалай? — деди директор ҳаммага бир-бир кўз ташлаб.

— Бўлмайди, — деди Шавкат Қурбон. — Биз уни эплаб қўёлмаганмиз, ийғи қиқиб кетди.

— Менимча, ўртоқлар, болаларга аталган яхши бир асар керак, — дея таклиф қилди оталиқдаги корхона вакили Омонов.

Директор ўрнидан турди.

— Уша асарни ким ёзиб беради? Ҳа-а, мен ўзим биронта латифа ёзиб берақолай. Нима, «Тоҳир ва Зухра» болаларга ҳам жуда ёқади. Қоработир билан Тоҳир кўпроқ қиличбозлик қилсин. Болалар қиличбозликни яхши кўради...

Лекин, «Тоҳир ва Зухра»нинг муваффақият қозонишига директорнинг ўзи ҳам ишонмасди. Шу йил баҳорда рўй берган воқеа унинг эсидан чиқмаган эди... Ушанда у ҳовлиқиб администраторни қақирди-да: «Министрликдан меҳмонлар келяпти, дарров эрталик «Тоҳир ва Зухра»га томошабин уюштиринг!» деди. Администратор шаҳардаги қайси корхонага бормасин, биз у спектаклни кўрганмиз, деган жавобни эшитди. Хайриятки, бошланғич синф ўқувчилари таътилда экан, тўртта мактабдан ушалар йиғиб келинди. Барибир зал тўлмади. Директор саросимага тушиб қолди. Эшिकнинг олдида паттачини олиб ташлади. «Театрга одам тополмаяпмиз-у, сенга бало борми бу ерда»,

деди. Карнайчи, сурнайчи, ноғорачини чақириб, «Қани чал!» деб буюрди. Икки раққосани ўртага чиқарди, ўзи ҳам рақсга тушиб кетди. Театр майдони бирпасда одамга тўлди. Ана шундан сўнг директор карнай-сурнайни тўхтатиб, тўплаганларга мурожаат қилди:

— Қани, ўртоқлар, марҳамат! Томошанинг давоми ичкарида бўлади. Зўр театр бор, бепул. Тошкентдан меҳмонлар келган.

Шукур Бобоевичнинг топқирлигига қойил қолиш керак. Ҳар ҳолда томоша зали анча гавжумлашди. Зухра ролини Сабохон, Тоҳир ролини Мансур ўйнади; гарчи Сабохон Мансурдан йигирма ёш катта бўлса ҳам, нозик меҳмонлар келганда Зухрани доим ўзи ўйнайди. Аксинча, Тоҳирни эллик ёшли Назаров ўйнаганда Зухрани ёш қизча ўйнайди. Директорнинг фикрича, бир тажрибали актёрнинг ёнига бир тажрибасизни қўйиш керак экан. Шундай қилиб томоша бошланди. Залда нозик меҳмонлар борлиги учун актёрлар ҳаяжонландими, ҳар ҳолда, кулгили ҳолат рўй берди. Биринчи пардада Қоработир билан Тоҳир қиличбозлик қиладиган пайтда Қоработир бир урган эди, Тоҳирнинг қиличи учиб кетиб, машшоқлар ўтирган тўсиққа бориб тушди. Дирижёр бошини эгиб қолмаганда «Тез ёрдам» чақиршига тўғри келармиди! Иккала актёр бири-бирига қараб бақрайиб қолди. Қоработир ролини ўйнайдиган Соттiev ҳаётда ҳам писмиқ, чилласи чиरोқ кўрмаган одам эди, саҳнада қора ридога ўралиб хўмрайиб тураверди. Шу пайт олдинги қаторда меҳмонлар билан ўтирган директор шарт ўрнидан турди-да, тўсиқнинг у томонидан машшоқ узатган қиличчи олиб, саҳнага югуриб чиқди, уни Тоҳирнинг қўлига қистириб, «Бардам бўл», деди. Томошабинлар мириқиб кулишди. Директор эса, ўрнига келиб ўтиргач, қалай, қотирдимми, дегандай атрофга мамнун қаради... Томоша тугагандан кейин министрликдан келганлар театрнинг ижодий савияси ниҳоятда паст эканини айтишди. Уларнинг фикрича, театрга янги режиссёр юбормаса бўлмас экан...

— Мен бу йил «Қароқчилар»ни қўймоқчиман, — деб гап бошлади Акром ака кўзларини пирпиратиб.

— Э, «Қароқчилар»нинг нима кераги бор, ҳа-а! — дея унинг гапини юлиб олди директор. — Залда етти томошабин, саҳнада эса етмишга қароқчи! Бундан бизга нима фойда? Ҳа-а. Менга тушми каттароқ бўладиган пьеса керак.

— Қачондан бери санъат пул билан ўлчанадиган бўлиб қолди? — Шавкат Қурбон момақалди роқдек гулдураб ўрнидан туриб кетди. — Ахир, Тошкентда ҳисоб берадиган бўлсак, салмоқлироқ асарлар — театримиз юзини кўрсатадиган, маҳоратимизни намоийш қиладиган спектакллар керак. Сиз бўлсангиз вит-вит қиласиз, ўртоқ Шукур Бобоевич. Нима, театр сизнинг шахсий томорқангизми, хоҳлаган нарсани экасиз, хоҳламаганингизни — йўқ!

Директорнинг пешонасидан тер чиқди. У Шавкат Қурбондан кўрқарди. Жаҳл билан ўрнидан турди-ю, бурнини даструмолига қоқиб, кўзларини пирпиратиб қолаверди. Бир оз ҳовури босилгач, томоғини қириб, чап қўли билан шимини кўтариб қўйиб, гап бошлади:

— Вит-вит қиламанми, пит-пит қиламанми, ҳа-а, ҳар ҳолда, Шавкат ака, театр учун куйганимдан гапирарман. Бизда режиссура чатоқ. Кўнглингизга келмасин-у, Акром ака, биз изланмай қўйдик. Сизга раҳмат, санъатимизга катта хизмат қилдингиз, пенсия ёшида бўлишингизга қарамай, театрни ҳалиям тебратиб турибсиз, минг раҳмат. Лекин, — директор лабини чўнчайтириб қўлларини ёзди, — услубимиз эскилигича қоляпти. Мана, «Тоҳир ва Зухра»ни олайлик: Тоҳирни доим сандиққа солиб оқизамиз. Бунинг нима қизиғи бор? Қани, бир ўйлаб кўрайлик-чи, эҳтимол бошқа йўл бордир. Ҳа-а, ё ўзим айтайми? Бўпти. Тоҳирни бу сафар оёқ-қўлидан ушлаб, ҳайинчалак қилиб туриб дарёга улоқтириб юборамиз. Уни оғзини очиб турган катта бир наҳанг шап этиб ютади. Мохимнинг дарёда балик овлаб юрган одамлари тўрни солсаки, оғир бир нарса! — Директор шу ерга келганда столни айланиб, ўртага чиқиб олди, балиқчи қиёфасига кириб енгини шимарди. — Ҳалиги нарсани судраб қирғоққа олиб чиқишади. Суюнишиб, пичоқ билан наҳангнинг қорнини шартта ёришса, қарабсизки, ярақлаб Тоҳир чиқиб турибди-да! Ҳар қандай томошабин дод деб юборади шу ерида. Қалай, фикрим зўрми? Тамом.

Тошкентга борганимизда Тоҳирни балиқ ютади... Хўш, репертуаримизга киритмоқчи бўлган иккинчи асаримиз ўзингизга маълум: Ҳамид Бориевнинг «Севги...» ҳаҳ, нимасийди? Ҳа, ўша «бир балоси» деган пьесаси. Маҳаллий ёзувчи, қўймасак бўлмайди. Ёзган нарсаси икки пулга қиммат бўлсаям, қўймасак тинчимаймиз. Ҳа-а, ҳаммаёққа учрайвериб безор қилди.

Шундан кейин директор яна бир талай асарларнинг рўйхатини ўқиди. Театрнинг бош рассоми Вяткинга юзланди:

— Михаил Иванович, мудрамай ўтиринг. Сиз ҳам у-бу демайсизми?

— Нима ҳам дердим, ҳаммаси тушунарли, — деди рассом чол аста кўзғалиб. — Яхши асарни ҳам, томошабинни ҳам ўйлашимиз керак. Махсулот бериш керак, лекин яхши махсулот! Энг катта нуқсонимиз — биз томошабиндан орқада қоляпмиз. Шу, бошқа гап йўқ.

Яна кўплар сўзга чиқди. Директор яқун ясади:

— Сизлар бу ерда айтган гапларнинг ярми бадий советга ҳеч қанақа алоқаси йўқ. Планини қандай тўлдириш, байроқни қандай қўлда сақлаб қолиш ҳақида ҳеч ким гапирмади. Ҳа-а. Аммамдан олов тиласам, мендан палов тилайди. Ҳамманларга минг раҳмат, минг раҳмат!

Шу билан бадий совет йиғилиши тугади. Салмоқлианиб чиқиб кетаётган Шавкат акани директор тўхтатди:

— Бу, янги бола кечаги спектаклда сўзини йўқотиб қўйиб расво қилибди, Мансур айтди. Қалай, дурустми ўзи?

— Мавлоно Мажидий айтган бўлсалар, инонмоқ керак, — деди Шавкат ака артистона. — Келажак кўрсатади, бир нарса дейиш қийин, у санъат даргоҳига энди қадам қўйди.

Қодиржонга илк марта, кичик бўлса-да, мустақил роль теғди. Бу — маҳаллий драматург Бориевнинг «Севги садоси» деган асаридagi аспирант образи эди. Пьесанинг номи кейинчалик «Саодат» деб ўзгартирилди. Аспирант Холдор образи бош қаҳрамон бўлмаса-да, асардаги воқеаларни боғлаб турувчи «кўр тугун» эди. Холдорнинг онаси — Тўти хола ролини Ёқут Қамбарова ўйнайдиган бўлди. «Қизиқ, — дея ўйларди Қодиржон, — сутга чайилгандек оппоқ бу жонон менинг «онам»ни ўйнай олармикан?» Репетициялар бошлангач, «она» билан боғлиқ саҳналар аввалига унча қовушмай турди. Режиссёр эса пастдан туриб, қисталанг қиларди:

— Ёқут, «ўғлинг»ни бир йилдан буён кўрмагансан! Бошини кўксингга қўйиб эркалат, юз-кўзларидан ўп! Қодиржон, нега шалпаясан! «Она»нинг бағрида яйра!..

Репетициялар шу тахлит давом этди. Спектакль комиссияга топшириладиган кунни Қодиржоннинг бўшанглигидан ном-нишон ҳам қолмади. У бутунлай ўзгарди. Пардоздан чиққан Ёқут унинг Фарғонадаги мунис онасини эслатди ва Қодиржон актёр эканини ҳам унутиб, образга киришиб кетди. Уни Шавкат акадан тортиб ҳамма қутлади. Комиссия аъзолари «Бу йигитнинг келажаги порлоқ!» дедилар. У театр программасида илк дафъа «Аспирант Холдор — арт. Қодиржон Давронов» деган ёзувни кўриб энтикиб қўйди.

Премьерадан кейин муаллиф Бориев қишки бинонинг катта залида артистлар учун зиёфат қилиб берди. Зиёфатга ҳамма тўпланди. Жумладан, Мансур Мажидов ҳам. У Қодиржоннинг ёнига келиб қўлини совуқликдан узатди ва «Табриклаймиз, иним» деб қўйди. Улар ўша воқеадан бери деярли гаплашишмасди. Қодиржон ўшанда тезлик қилганига хижолат тортиди. Ҳа, у баъзан тезлик қилар, ноҳақликни кўрса ёниб кетар, бировнинг камчилигини шартта юзига айтиб юборар, кейин пушаймон бўлар, бироқ ҳеч қачон кечирим сўрамас эди. Бундай хислат мураккаб ҳаёт бағрига кириб келаётган ёш йигитга катта панд бериши ҳам мумкин. Нима қилсин, табиати шундай. Болалигида бирон гуноҳ иш қилса, отаси қулоғидан чўзи: «Энди қилмайман, дегин», дерди. У эса индамай тураверарди. Бинобарин, бу ёққа келишидан аввал отаси роса насихат қилди: «Бегона жойларга кетяпсан. Ақлингни ишлат. Оғир бўл, биров билан айтишма. Душман орттирма, душманинг пашша бўлса, бир кун чақади».



Мансур Қодиржонга жисмоний жиҳатдан бас келолмаслигини билган, шундай бўлса-да ғазабини ичига ютиб, «хап сеними» деб кўйган эди. Бугун комиссия Қодиржонни мақтаганда ғижиниб кетди. У фақат Мансур Мажидовни макташларига ўрганиб қолган эди... Унинг овози ёқимли, яхши кўшиқ айтар, «Марҳабо, талантлар!» конкурсининг ғолиби бўлган эди. Уни театрга таклиф қилишди. Аввал концертларда қатнашиб юрди, кейин роллар ўйнай бошлади. Музикали драмалардаги бош ролларга ҳам қўл урди. Лекин унинг характер яратиш услуби ҳозирги замон театр санъати мактабидан анча йироқ эди. Бунинг устига, бировдан маслаҳат сўрашга бўйни ёр бермасди. Қодиржон эса, аксинча, мана шу ўртамиёна аспирант образини беш-ўн вариантини ўз хонасида мустақил қайтарди, кичкинагина монологини Шавкат акага бир-икки ўқиб берди. Бир сафар Шавкат ака унга бундай деди: «Сен ўйлаётганингда доим бармоқларингни пешонанга қўйиб турасан. Нима, бу билан, ҳой одамлар, кўриб кўйинглар: мен ўйлаяпман, демоқчимсан? Энг муҳими — ички ҳолат. Ички ҳолатни берсанг, томошабин ўзи билиб олади сенинг дардингни...»

Қуралай кўзлари ёниб Қодиржоннинг рўпарасида ўтирган Еқут Қамбаровга роль берилса — бўлди, каттами, кичикми қотириб ўйнайверади. У маданий-оқартув техникумида ўқиб юрганида, талабалар диплом спектаклини область театри биносида намойиш қилишди. Еқут «Бой ила хизматчи»даги Жамила образини қойилмақом қилиб ижро этди. Режиссёр Ақром ака унга маҳкам ёпишди: «Сенинг ўрнинг театрда!» деди. Шундай қилиб Еқут театрга ўзига хос истеъдод билан ёниб кириб келди...

У ҳозир Қодиржонга дам-бадам тикилиб кўярди. Буни Мансур ҳам сезди. Мансур илгари хушрўйгина, кўзлари йирик-йирик, ёқимтой йигит бўлган. Кейинчалик семириб, қовоқлари ширинқираб, юзи барқашга ўхшаш қолди. Ҳозир тилла тишларини ярақлатиб истеъзоли жилмайиб ўтирарди.

— Уртоқлар, — деди директор кўлига қадаҳ олиб. — Уртоқ Бориевнинг ижоди бундан кейин ҳам, ҳа-а, гултожи-хўроздек ўсиб кетсин; қани, ичайлик!

Қодиржон қадаҳни тутганча иккиланиб турган эди, «Қани, кетдик», деди ёнида ўтирган рассом чол.

— Олинг, — деди Еқут столнинг тагидан Қодиржоннинг оёғини туртаркан.

Шундан кейин кўплар нутқ сўзлади, қадаҳлар кўтарилди. Бориев: «Коллективга раҳмат, жуда хурсандман, манави янги укамиз ҳам жуда қобилиятли йигит экан», деди. Тўсатдан директор: «Ёшларимиз номидан сўз, ҳа-а, Қодиржонга!», деб қолди. Ширакайф ўтирган Қодиржон аввалига англамади, менми ё бошқами, деган хаёл билан эсанкираб турди. Кейин «туринг, туринг» деган ширвалашлар эшитилгач, сўз ўзига берилганини билди.

— Энди, мен нима ҳам дердим? Умуман хурсандман... Спектакль ўртача, баъзи образлар, айниқса, қоровул чол «Майсаранинг иши»даги Мулладўстга ўхшайди... Бу чол ҳам олтимишга кирган, лекин ҳануз уйланмаган. Утмишдаги Мулладўстга ишонса бўлади, лекин ҳозирги чолларнинг олтимишгача уйланмай юришига ишонмайман... Кейин пьесанинг номи нега «Саодат» деб ўзгартирдик — ҳайронман... — Кимдир томоқ қириб қўйди. Қодиржон кайф устида «йўлдан тойиб» кетаётганини фаҳмлади ва гапни буришга ҳаракат қилди. — Умуман, жузъий камчиликларга қарамай, спектакль яхши бўлди. Камчиликлар ишлаш жараёнида йўқотилади... Лекин, доим шундай деймиз. Газета-журналлардаги тақризларда ҳам шу гап. Ваҳоланки, премьерадан кейин кўпгина спектаклларнинг шалоғи чиқиб кетади. Уйлайманки, бизнинг театримизда бундай бўлмайди, асар кундан-кунга пишиб боради. Яхши асарлар, яхши спектакллар учун!

Қарсак чалинди. «Бу гапларнинг ҳозир нима ҳожати бор эди», дея ғижиниб кўйди директор. «Таланти дуруст экан-у, сал кўрсроқми», деди Бориев ёнидаги режиссёрга. «Кайфи бор», деди режиссёр унга жавобан ва: «Бу боланинг юрагида ўт бор!», деб қўйди ўзича.

— Яхши гапирдингиз, олинг, — дея қадаҳ уриштиришга ҳаракат қилди Еқут.

— Йўқ, бўлди, маст бўлиб қоламан.

— Узингиз нутқ сўзлаб ўзингиз ичмасангиз айб бўлади.

— Шунингиз сиз хурсанд бўласизми?

— Жудаям, — деди Еқут ноз билан.

Қодиржон қадаҳини Еқутнинг қадаҳига жиринг эткизиб урди.

— Мансуржон бир жуфт кўшиқ айтиб берсин! — деди кимдир.

Театрнинг тажрибали артистларидан Сабохон Аҳадсва муқом билан рақс тушди, даврани бир оз айлангач, директорнинг олдига келиб ишва қилди. Сабохон ёши қирқ бешларга борган, қорамғиз, тўладан келган, мулоим, зоҳиран ҳаёлигина жувон эди. Бироқ, ичгани учунми, ҳозир директорга қараб ишвани ошириб юборди ва Шукур Бобоевнинг кўлидан ушлаб ўйинга тортди. Директор кўлларини дам-бадам кўтариб-тушириб, мурвати бураб қўйилган кўғирчоқдек йўрғаларкан, ҳамма қийқариб куларди.

Шундан кейин яна кўшиқ айтилди, ичилди. Кимлардир чиқиб кетди, кимлар кирди, хуллас, биров билан бировнинг иши бўлмағи қолди.

— Булар а-рақ олавера-ди, ту-фу! Дунёда винодан зўри йўқ, — дея алжирарди бош рассом Қодиржонга деярли суюяиб олиб. Соқоли кўксига тушиб турган, бир кўли йўқ дилкаш бу чолнинг ишлаган декорацияларини кўриб Қодиржон неча бор ҳайратланган. Чолнинг ташқи кўринишидан унда бу қадар катта истеъдод яшириниб ётганига одамнинг ишонгиси келмасди. — «Йигирма олтинчиси отилмасин!» десаям, биз о-отиб турамыз. Сен-га бир латифа айтиб берай-ми?

— Майли, — деди Қодиржон чолнинг кўнгли учун, хаёли бошқа жойда бўлса ҳам.

— Сизлардаги Афанди гап-гаштакда ўтирган э-экан. Оғайнилари-дан биттаси ҳа-зил қилиб, ким хотинидан кў-ўрқса ўрнидан турсин, дебди. Ҳамма туриб кетибди. Фа-қат А-афанди турмабди. «Хўш, нега сиз ту-урмайсиз, нима, хотинингиздан кў-ўрқмайсизми?» дебди о-оғайнисини... «Мен хотин деган сўзни эшитган за-ҳотимоқ шол бўлиб, ўрнимдан туролмай қолдим», дебди Афанди. Ҳи-ҳи-ҳи... Ҳамма «хотин... аёл...» дейди. Бутун-бутун мамлакатлар ўртаси-да битта аёлни деб урушлар чиққан... Шо-оҳлар ҳам, гадолар ҳам аёл дейди. Аёлсиз дунё — очик гўр... Ҳатто ҳа-шаротларнинг ҳам жуфти бор... Менинг ҳам хотиним бор эди. Мен сизлар учун... — Рассом чол Қодиржоннинг елкасидан қучди. — Сиз азиз болалар учун... мана шундай ўйнаб-кулишларингиз учун, бир кўлимдан, хотин, бола-чақамдан ажрадим. Ма-мана шу бошимдан ўқ кириб, жағимдан чиқиб кетган... ў-ўх...

Рассом унсиз йиғларди. Қодиржон елкасидан унинг қўлини олиб, «Михаил Иванович, қўйинг, хафа бўлмаган», деб чолни юпатди. Одамлар бирин-кетин туриб тарқала бошлади.

— Мени кузатиб қўймайсизми? — деди аста Еқут Қодиржонга яқин келиб. Қодиржон кулимсиради:

— Поччам кўриб қолсалар хафа бўлмайдиларми?

— Поччангиз ўлган, — деди Еқут шўхлик билан.

Шу пайт ўрнидан тураётган рассом чол қалқиб кетди. Агар Қодиржон эпчиллик қилиб тутиб қолмаганда чол ағдарилиб тушарди.

— Мени хонамга обориб қўй, ўғлим.

Қодиржон чолнинг қўлтиғига кириб, қўлини елкасидан ўтказиб олди. Еқутни қайсидир дугонаси чақирди. У Қодиржонга ўғирлиди.

— Ҳа, майли. Мени эртага кузатарсиз, бугун чолни кузатинг. Чао! — У кулиб, қўлини силқитди...

Орадан кўп ўтмай Ақром ака тантана билан пенсияга узатилди...

Театрга янги режиссёрнинг келиши айрим эски тартибларни бузиб юборди. Республикада тўртта талантли режиссёр бўлса, биттаси шу Зариф Қўлдошев эди. У келган кунинёқ «Бош режиссёр — бош режиссёр бўлиши керак!» деган ўз қондасига амал қилди ва шартта театрнинг жиловини қўлига олди. Илгари кўпчилик ишга бирин-кетин судралиб келарди.

— Айтиб қўяй, — деди Қўлдошев у ёқдан-бу ёққа юриб тураркан. — Кимда-ким соат ўн бирдан ярим минут кеч келса, театрга кирмасин. Бундай артист билан ишламай-

ман.— Кейин режиссёр ёрдамчисига ўғирилди.— Эшитдингизми, соат ўн бирдан кейин ҳеч кимни қўймайсиз! Вассалом!

— Ҳўп бўлади,— деди ёрдамчи.

Ҳамма бир-бири билан маъноли кўз уриштириб олди. Одатда янги раҳбарга кўниккунча эскиси мақтаб турилади. Сочлари елкасига тушиб турувчи, бўйдор, учи шапалоқдек рангдор галстук тақиб, гавдасини тик тутиб виқор билан юрадиган Қўлдошев коллективдаги баъзиларга ғайритабиий кўринди ва улар дарҳол шивир-шивир қилишга тушдилар.

Бош режиссёр билан илк сўхбат-учрашув тугаб, ҳамма танлафусга чиққанда Қодиржон унинг ёнига келди.

— У, салом, қария! — деди Зариф Қўлдошев Қодиржон билан ўпишиб кўришаркан.— Шу ердан дегин, маладес!

Бу ерда Қўлдошев билан институтни олдинма-кетин битирган, уни танийдиган, драматик группада у билан баравар ўқиган ёшлар кўп эди. Бири кучоқлашиб, бири ўпишиб, бири шунчаки қўл олиб сўрашди. Қодиржон Зарифнинг иккита курс ишида қатнашган эди. Биринчи курсдалик пайтида «Ромео ва Жульетта»дан парча қўйганда Ромеони ўйнади. Зариф бешинчи курсдалигида «Қароқчилар»дан парча қўйди. Бу пайтда учинчи курсда ўқиётган Қодиржон Карл Моорни ўйнади. Шу тўфайли улар яхши таниш эдилар.

— Агар қаттиқроқ гапириб юборсам, хафа бўлманглар, ўртоқлар, — деди танлафусдан кейин Қўлдошев.— Ижодда хафагарчилик ярамайди, лекин интизом бўлиши шарт. Баъзи театрларда режиссёр бир кўринишни репетиция қилса, қолганлар эснаб ўтиради ёки коридорда гап сотиб, домино ўйнаб кунни кеч қилади. Ҳали кўрасизлар, мен биронтангизни бўш қўймайман...

Қўлдошев «Ватангадолар» деган асарни қўлга олди. Коллективга маъқул бўлгандан кейин ролларни тақсимлади. Ҳар бир ролга иккитадан актёр жалб қилиб, ижро этувчиларни икки гуруҳга ажратди. Биринчи сахнани ўзи машқ қилдирса, иккинчи сахнани ассистентига топшириб, бошқа хонага чиқариб юборди. Айримлар: «Уйда иши йўқмикан, эрталабдан ярим кечагача юради-я», деб ғийбат ҳам қилди...

Қодиржонга чет элларда муҳожирлик аламини торган шоир Фироқий, Шавкат Қурбонга урушда ўғлидан ажраган кекса ота, Мансур Мажидовга ўз Ватанини сотган аслзоданинг эркатой ўғли Жобиржон роллари тегди. Машқлар давомида қайси актёрнинг нимага қодир экани ойдинлаша бошлади. Шавкат ака режиссёрни қийнамади. Қўлдошев республика халқ артистига мурақиб Ота образини бериб янглишмаган эди. У сахнада чинакамига йиғлар, овози рангбаранг товланиб одамни ларзага солар эди.

Репетиция авжи қизиб турган пайтда директор Шукур Бобоевич келди.

— Ҳой-ҳой, Собир! Пардани шунақа тортадим! Бархит бу, давлатники! — Директор режиссёр ёрдамчиси Собирга пардани қандай тортиш кераклигини ўргатиб, залга — Қўлдошевнинг ёнига бориб ўтирди.

— Ҳамма ишга аралашаверади-да,— деб тўнғиллади Собир.

— Қаҳвахона сахнаси! Раққосалар сахнага! Чироқни ўчириб, фақат ён томондаги кўк чироқни тўғриланг! — Режиссёрнинг овози янграб эшитиларди.

Қаҳвахона кўриниши, Раққосалар ўйнай бошлади. Директор бирпас томоша қилиб ўтирди-да, тўсатдан «Шошманг!» деди. Ҳамма тўхтаб қолди. Режиссёр «нима гап» дегандек ялт этиб Шукур Бобоевичга қаради.

— Илгари ҳам ўйнаганмисизлар? Ҳа-а,— деди директор ва ўрнидан туриб олди.— Белингизни мана бундай ўйнатинг, кўзингизни мана бундай сузиб, залга муқом қилинг. Ҳа-а...

— Шукур Бобоевич, тўхтанг! — деди Қўлдошев.— Бу ерда режиссёр ким?

— Сиз...

— Сиз кимсиз?

— Директор.

— Яхши. Бориб ишингизни қилинг энди. Фикрингизни спектакль тайёр бўлганда айтасиз.

Директор бир ўзгариб олди-да, қошини чимириб чиқиб кетди.

— Бошладик! — деди Қўлдошев.

Спектаклнинг асосий қисми, яъни «суяги» тайёр бўлиб қолди. Режиссёр кундузги машқни тугатиб, кечқурун соат еттига яна репетиция тайинлади. Бугун иш ярим кечагача давом этишини ва роса терлашга тўғри келишини ҳамма биларди.

— Сен билан ўйналадиган сахнани соат еттигача уйда қайтарамиз,— деб қолди Шавкат ака Қодиржонга.

— Майли, Шавкат ака,— деди Қодиржон хурсанд бўлиб.

— Энди, сенинг кулбанга борайлик десам, битта чамадонингдан бошқа ҳеч нарсанг бўлмаса керак. Бизникига борақолайлик.

— Битта каравотим ҳам бор.

Шавкат ака кулди.

Икковлари ташқарига чиқиб, Шавкат аканинг оппоқ «Жигули»сига ўтиришди. Шавкат ака қора кўзойнагини тақиб, машинани ўт олдиради:

— «Волга»га алмаштираман, қорним сиғмаяпти,— деди кулиб.

Машина шаҳар кўчалари бўйлаб елиб кетди. Шавкат ака Қодиржонни бежиз ёнига олмади. Йигитнинг қатъияти, сахнада ўзини тутиши, камгаплиги, ҳатто, жаҳли чиққанда лав этиб ёни кетиши ҳам Шавкат акага ўзининг ёшлигини эслатди. Уни тарбиялаш керак, деган қарорга келди. «Репетициядан чиқиб кўчада бекор тентираб юради, уйда кутадиган хотин, бола-чақаси бўлмаса...», деб ўйлади Шавкат ака.

— Мен ҳам ёшлигимда сендақа келишган, бакуват йигит эдим. Ҳар қўлимда тўрттадан одам кўтарардим,— деди Шавкат ака йўлдан кўзини узмай. Унинг овози машина ичида ҳам гумбурлаб эшитиларди.— Мана энди сочлар оқариб, юзларга ажин тушди.

— Баъзи ашулачи-артистлар ғашимни келтиради. Қўлини кўксига қўйиб, доим томошабинга қараб гапирари. Ашула айтганда, ҳа майли, томошабинга қарасин, лекин партнёр билан сахнада гаплашаётганда нега залга қарайверади? — деди Қодиржон тутатди.— Мана — Мансур Мажидов. Партнёрнинг кўзига қараб гапирмайди!

— У ашулачи, актёр эмас. Овози бор, қомати бор, лекин актёр эмас. Энг ёмони шундаки, ўзини зўр артист ҳисоблайди. Эшитган бўлсанг керак, бу ўша машҳур артист Рауф Шамсининг жияни. Тоғамга ўхшайман, дейди. Тоғасининг ҳаром тукига ҳам ўхшаймайди... «Бой ила хизматчи» қўйилганда, Ғофирни ўйнайман, деб туриб олди. Мен унга: «Ҳой акаси, Қодирқулни ўйнагин, ўша яхши чиқади», деб маслаҳат бердим. Йўқ, кўнмади; ўйнади. Расво қилди. Ғофир тўнкамас-ку...

Машина катта кўк дарвозанинг олдига келиб тўхтади. Тиниқ суви шилдираб оқаётган ариқ бўйидаги садарай-ҳонлар, ишқомлардаги узумларни кўриб Қодиржоннинг кўз олдига туғилиб ўсган ҳовлиси келди. Уларникидаги атир нокдан бу ерда ҳам бор экан. Фақат бир хил экан, уларникида тўрт нави бор. Отаси нокни яхши кўради, умри узун, кўп яшайдиган даррахт, дейди. Уша ноклардан бири — Косон нокини Қодиржоннинг бобоси ўтқазган экан. Узиям ҳар биттаси ҳандалакдек келади...

Улар пешайвонли уйнинг зинасига етишганда ичкаридан кўхликка аёл чиқди.

— Махбуб, танишиб қўй: Қодиржон. Фарғонадан, зўр артистларимиздан!

— Жуда яхши, қани, кираверинг.

Қодиржон туфлисини ечиб, Шавкат аканинг ортидан бораётиб, ўртадаги хонада бир оз тўхтаб, аланглаб қолди. Деворларда Шавкат аканинг Ғофир, Отелло, Гўрўғли, Арслон, Деҳқонбой ва бошқа қиёфадаги ранг-баранг фотосуратлари осилган эди.

— Қани, келавер, тортинма,— деди Шавкат ака. Қодиржонни тўрға ўтқази, сўнг пижамасини кийиб чиқди.— Бизга бир палов қилиб бер,— деб тайинлади дастурхон ёзаётган хотинига.— Яна бу бола халқ артистиникига борсам ош қилиб бермади, деб ўпкаламасин. Узи қиз болага ўхшаган уятчан-у, жаҳли қиқса, менга ўхшаб бировни даст кўтариб сувга отвораверади.

— Акангиз ҳазилкашлар-да,— деб аёл чиқиб кетди.

Шавкат ака кафтини оғзига тутиб куларкан, гап бошлади:

— Биру кунни бир артистимиз хизмат кўрсатган унвони берилиши муносабати билан анҳор бўйида зиёфат уюштир-

ди. Ёз пайти, иссиқ. Утиришда мана шу ўзимизнинг Сами бор-ку, Соттиев, жа фитна одам-да, нима дейди денг: «Бу дунёда ҳақиқат йўқ, кун лаганбардорларга боқяпти, унвониям лаганбардорларга беряпти», деса бўладими! Тепа сочим тикка бўлиб кетди. Ҳой, бировнинг дастурхониде ўтирибсан-а, яхшиямки, унвон олган сал нарироқда куйманиб юрувди — эшитмади, тузини еб ўтириб ғийбат қилгани уялмайсанми, аблаҳ, дедиму шартта кўтариб анҳорга отдим. Узим ҳам қўрқиб кетдим. Бир маҳал қарасак, жон ҳалпида қирғоққа тирмашган экан, шими тушиб кетиб... Ҳи-ҳи-ҳи, аёллар ҳам бор эди... Э, тоза кулги бўлди-да.

Шавкат аканинг хотини патнис, чойнак-пиёла қўйди. — Маҳбуб, менга бир шиша қаттиқ бер... Хўш, энди сен билан астойдил ишлашимиз керак. Репетицияда ким ўзини кўрсатса, премьерарада ўша ўйнайди, иккинчи составнинг олдида шарманда бўлиб қолмайлик, санъат рақобатсиз ўсмайди... Қатиқ ичасанми?

— Йўқ, менга чой бўлади.

— Мен жа қатиқхўрман. Асли наманганликман-да. Қон босимиға жуда фойдаси бор.— Шавкат ака бир кўтаришда шишани ярим қилди.— Оҳ-оҳ-оҳ, шунинг учун Наманганда қон босими касали кам... Хўш, сен қаҳрамонингни қандай одам деб тушунасан?

— Нима десам бўларкин... Ватан соғинчи, она юртни кўриш илинжида эзилган киши.

— Юраги яра одам. Энди мен сенга айтай: дунёда бирон халқ бизнинг халқимизчалик киндик қони тўкилган жойга маҳкам ёпишмайди. Биз адашган кимсаларнинг фожиасини беришимиз керак. Агар сен мана шу фожианинг моҳиятини англаб етолсанг, йиғи ҳам, кулги ҳам ўз-ўзидан келаверади. Ёшлигимда эркалаб онам алла айтади, қариганда итлар ҳам ўз уйига қайтади, деган экан шоир. Қани, тур-чи, иккаламизда учрашадиган саҳнани қайтарайлик...

Премьера. Бугун ҳамма — режиссёрдан тортиб раққосагача, гримчидан тортиб монтергача ҳаяжонда. Зариф Қўлдошев билан Қодиржон Давроновни айтмаса ҳам бўлади. Қўлдошевнинг режиссёр сифатида бу театрдаги биринчи постановкаси бўлса, Қодиржон асосий қаҳрамонлардан бирини ўйнади. Шавкат Қурбон билан Мансур Мажидов ҳам ҳаяжонда. Шавкат ака ўзидан ҳам кўра кўпроқ Қодиржонни ўйларди. Чунки йигитнинг келажаги кўп жиҳатдан бугунги имтиҳонга боғлиқ. Иккинчидан, уларнинг устоз-шогирд сифатида ўзаро яқин бўлиб қолишганини кўплар сезган. Шавкат Қурбоннинг шогирди ишни расво қилди, деган гап эшитиш унинг учун ор эди. Мансур Мажидов ҳадеб режиссёрнинг танбеҳини эшитаверганидан, бугун мени ўйнатмаса керак, деб ўйлаган эди. Ҳали биронта режиссёр Мансурнинг бурнини бу қадар ерга ишқаб ишлатмаганидан, у ҳатто кўпларга ҳасрат қилиб, Қўлдошеви орқаваротдан ёмонлаб ҳам юрди: «Шу режиссёрга ҳайронман. Ақром аканинг қадри ўтди-да», деди. Йўқ, бугун у ҳам ўйнапти. Янги режиссёр қаттиққўл бўлса-да, унга ишонибди.

Театрга томошабин кўп келди. Қўлдошев рекламага эътибор бериш кераклигини директорга уқтирган эди: «Шаҳарда аҳоли кўп. Корхона ва ташкилотларга, олий ўқув юртлари ва мактабларга «Ватангадолар»нинг афишасини тарқатинглар, администраторлар фақат билет тарқатиш билан кифояланмай, жойларга бориб асарнинг моҳиятини қисқача тушунтириб ҳам беришсин. Агар премьерарага келган томошабинга спектакль маъқул бўлса, бошқалар театрға ўзи келаверади», деди...

Мана, спектакль бошланди. Биринчи кўриниш яхши ўтди, энг муҳими шу. Иккинчи, учинчи кўринишлар ҳам ўтди. Бешинчи кўринишга келганда, асарнинг энг авж нуқтасида, Мансур Қодиржонга нотўғри луқма ташлади. Ёдидан чиқардим ёки атайлаб қилдим, хуллас, маромни бузди. Агар атайлаб қилган бўлса, бу — ҳамкасбини саҳнада оёғидан чалиш билан баробар эди. Мансур: «Бу бойликни мен ҳеч кимга бермайман. Сиз-чи?», дейиши лозим эди. «Сиз-чи?» деган савол Қодиржонга белги эди. Бунинг ўрнига у: «Сизнингча, бу бойликни бировга берайми, а?»,

деб тураверди. «Сиз-чи?»ни Мансур айтармикан ё...» деб Қодиржон кутиб қолди. Орада узилиш бўлди. Қодиржон гапини ўнглаб кетди-ю, жаҳли чиқиб бораётганини сезди. Бир оздан сўнг парда ортига чиқишганда Мансурга еб қўйгудек тикилиб, заҳрини сочди:

— Сен билан ҳали гаплашаман!— деди ва шошиб саҳнага чиқди. У отилиб саҳна ўртасига борди-да, ички тўлқин, юксак эҳтирос билан деди: — Сен, уруш бўлса, оёғини атай окопдан чиқариб ётадиган кўрқоқ ва аблаҳ! Сен, тагингда «Волга»-ю, бир кун магазинда арақ камайиб қолса, оламга жар соладиган кўрнамак! Сен, ўзингда истеъдоднинг зарра учкуну йўғ-у, талантими юзага чиқармайди, деб минғирлайдиган пасткаш! Яхшиямки, буюк Ватанимиз сенларга муҳтож эмас! — Шундан сўнг Қодиржон залга — томошабинларга қараб хитоб қилди:

Муқаддас, мўътабар улў Ватаним,
Шарафлар, шонларга тўлиқ Ватаним,
Улсам айрилмасман қучоқларингдан!

Саҳнада Совет Иттифоқи гимни, залда қарсақлар янгради. Спектакль тугади. Кўплар гул кўтариб саҳнага югурди. Қўлдошевнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. У коллективдан жуда мамнун эди. Директор биринчи қаторда, тик туриб қарсақ чаларкан, бизнинг театримиз мана шунақа, кўриб қўйинглар, дегандек атрофга мағрур алангларди.

Мансур оҳорли чойшаб устида чалқанча ётаркан, миясида ҳар хил фикрлар ғужгон ўйнади. Кўзини юмиши билан Қодиржоннинг сиймоси, премьерара куну ўдағайлагани, унга Ёқутнинг суқланиб қарашлари намоён бўлаверарди. Бир пайтлар мана шу Ёқут... Ёқут... ва бошқа қизлар унга парвона эди, энди Қодиржонга. «Нега мен бу йигитни ёмон кўриб қолдим?— дея ўзига-ўзи савол берарди Мансур.— Ҳақиқатан ҳам ёмон кўраманми? Нима, ҳасад қиялпанми?... Бўлмаган гап. Барибир мен — менман».

— Туринг, чойингиз совиб қолди. Ё ичмайсизми?

— Ичмайман! Бир кун ичмасам ўлмайман!— деб ўшқирди Мансур хаёлини бузган хотини ва

— Ичмасанг, заҳарни ич,— дея ғудуллади хотини ва эшикни қарс этиб ёпиб чиқиб кетди.

«Шошма-шошма,— деди Мансур хаёл ипини узилган жойидан улаб кетаркан. — Анави эр-хотин Азизовлар янги квартира олди-ю, индамай юрибди, мумсиклар. Бир ўтириш қилиб берса-чи. Жуда яхши, яхши...»

Режасидан мамнун бўлган Мансур апил-тапил кийиниб, пишиллаб оз-моз тамадди қилди-да, машинасиға ўтириб театрға отланди.

Ичкарида эндигина репетиция бошланган, ҳозирги машғулотга қатнашмайдиганлар ташқарида гурунглашиб ўтиришарди. Мансур улар билан сўрашиб, бир чеккага чўкди.

— Соат тўртда концертинг бор-ку, ҳозир келмасанг ҳам бўларди,— деди унга биров.

— Барибир иш — ишда, инти-зом!

— Ий-и, тур, бизнинг навбат келиб қолди.— Иккита актёр шошиб театр биносига йўналган эди, ичкаридан ҳовлиқиб чиқиб келаётган Шоди уларнинг бирига урилиб кетаёзди.

— Ҳой, мунча ҳовлиқмасанг, гўрға шошясанми?— деди Мансур.

Шоди югуриб келиб у билан сўрашди.

Шоди Азизов театрға бундан уч йилча бурун хотини билан бирга келган. Эр-хотин талабалик йиллариёқ турмуш қуришган. Иккови бир-бирига шу қадар ўхшашки, кўрган одам ака-сингил дейди. Кўп ҳолларда эр-хотинлар фақат ички эмас, ташқи жиҳатдан ҳам ўхшаш бўлади. Жиккакина, қорамтир, думалоқ юзли Шоди Азизов худди қандак ўрикка ўхшайди.

— Спорт кийимим эсимдан чиқибди,— деди Шоди.— Бугун кечасим ишласак керак.

— Ҳали, бу янги режиссёр ҳаммангни жинни қилади,— деди Мансур илжайиб.

— Нега, қайтанга яхши,— деди Шоди.

Режиссёр Зариф Қўлдошев: «Ҳар бир актёрда одмигина спорт кийими, шиппак бўлсин, саҳнада ўтириш, ётиш,

думалашга тўғри келади», деган эди. Бугун Шоди репетицияда баландликдан сакраши, думалаши лозим. Ҳали у чиқадиган кўринишгача анча вақт бор. Шунинг учун режиссёрдан рухсат сўраб, ҳовлиқиб уйга кетаётган эди. Шоди тўғриси, ҳалол, ориятли йигит бўлгани учун режиссёрдан танбеҳ эшитишни хоҳламасди.

— Хўп, менга қара,— деди Мансур ўрнидан туриб Шодининг тирсагидан оларкан.— Бу ёққа кел... Хўш, бу, қачондан бери оғзингни пойлаймиз, квартирани ювиб берармикансан, деб.

— Узимизнинг ҳам ниятимиз бор. Маош олайлик, деб кутиб турган эдик, кеча олдик, мана энди ўтириш қилиб берамиз,— деди Шоди.

— Ҳе, эр-хотин ишламай ўл,— деди Мансур лунжини осялтириб.— Сенга чилдирмакшликни ўргатиб, отарга олиб бораман, бир-икки йилликни бир ойда топасан...

— Утиришга неча кишини айтсак бўларкин?

— Икки хонали квартиранга бутун театр сиғмайди, албатта. Ҳозир кетавер, шошиб турибсан. Ҳали гаплашамиз, рўйхатни ўзим айтаман...

* * *

Душанба куни кеч соат олтиларда Шодининг уйига Мансурнинг рўйхати асосида бир гуруҳ ҳаммаслар тўпланишди. Уч-тўртта ёш-яланг, Азизовнинг яқин ўртоқлари, Қодиржон, Ёқут, Мансурнинг ўйинчиси бақалоқ Тўхта, ранги захил, ориқ, кўкимтир қошлари чизиб қўйилгандек, узлуксиз сигарет чекадиган балетмейстер Диля Ҳожибоева, кўнгизмўйлов, пакана чилдирмачи йигит ва бошқалар стол атрофини тўлдириб ўтиришар эди. Суфлёр рўйхатда бўлмаса ҳам келибди...

Қадахлар тўлдирилди. Қодиржон ўзига шампанский қуйилган қадахни олди.

— Э, э, йўқ, бунақаси кетмайди, иним,— деди Мансур ва Қодиржонга арақли қадахни узатди.— Шампанни аёллар ичади. Йигит киши...

— Менга тўғри келмайди, арақ ичсам уч кун мазам қочиб юради.

— Ҳа, майли, зўрлаш йўқ, ҳар ким хоҳлаганини ичсин,— деди кимдир.

— Бўлмаса, мана, катта бокалда ичинг, қўйинг у ангишвонани,— деб Мансур Қодиржонга бошқа қадах узатди.— Уни ана, ёнингиздаги Абдуваққос акага беринг.

— Ҳо, мен арақ ичаман, мана пиёлам,— деди суфлёр. Кулги кўтарилди.

Шу аснода эшикдан директор Шукур Бобоевич, режиссёр Қўлдошев, бош бухгалтер, шофёр кириб келишди. Ҳамма ўрнидан турди.

— Ҳа, ордерни биз берайлик, арағини сизлар ичинглар, а?— деди директор шимини кўтариб.

— Қани, ака, бу ёққа ўтинг,— деди Мансур директорнинг елкасидан тутиб.— Зариф ака, сиз ҳам бу ерга... Сизларни кутиб, бошламай ўтирувдик. Энди репетиция қилаётган эдик, хи-хи-хи. Қани, қуйинглар-чи.

— Э, шошма,— деди директор.— Даданг арақ ичиб келгандан кейин туғилганмисан, ҳа-а, ё чой-пой ҳам ичганми?

— Хи-хи-хи, узр,— деб ишшайди Мансур.

Ярим қосадан шўрва, бир оз ўтиб, жон бошига бир жуфтдан кабоб келтирилди. Ичилди, эр-хотинга яхши тилаклар билдирилди. Мансур ялла айтди, кимдир Ёқутни ўйинга тортди. Ёқут раққоса бўлмаса ҳам рақсни эшиб қўйди. Бу гўзал жувонинг миқти гавдаси, оппоқ билаклари, ҳозир бошини силкиб-силкиб ўйнаганидан чаккасига тушиб кетган гажаги, май ичилганидан лоларанг чеҳраси ҳаммани мафтун қиларди. Манглайдаги терни тез-тез артиб ўтирган Қодиржон ҳам ўқтин-ўқтин унга қараб қўярди. Қодиржон фақат май эмас, балки чой ичса ҳам қизариб, терлаб кетади. Ёқут бир айланиб келиб Қодиржоннинг ёнида ўтирган Тўхтани ўйинга тортди-да, ўрнига ўзи ўтириб олди. Энди Қодиржоннинг бир ёнида суфлёр Абдуваққос, иккинчи ёнида Ёқут ўтирарди. Шу сабабли Ёқутнинг тиззаси баъзан Қодиржоннинг тиззасига тегиб кетар, йигит эса ўзини тоқ ургандай ҳис қилар эди... Мансур, раққоса Тўхта қўшларни кериб ўртага тушган, тилла тишларини ярақлатиб жилмай-

ди-да, торнинг қорнига қулоғини тутиб «тиринг-тиринг» қилиб созлади. Ниҳоят, тор жаранглади. Тўхта йўргалади.

Сув оқару сув оқар, воҳай бола,
Сув тагида қум ётар, воҳай бола,
Уйинчи ўлиб қолса, воҳай бола-я,
Ашулачини ким боқар, воҳай бола...

Ҳамма қарсак чаларди. Суфлёр Абдуваққос секин Қодиржонни туртди.

— Шампанни ичмабсиз. Келинг, иккаламиз озгинадан олайлик.

— Йўқ, бўлди.

— Секин, бехит қилиб отворинг!

— Ичмайман, дедим-ку.

— Лекин, ука, оз-моз отиб турмаса, одам одамгарчиликдан чиқиб қолади, ҳай.— Суфлёр куф деди-да, ярим пиёла арақни отиб юборди, кейин шўр бодринг ҳидлади.— Мен ҳам бир пайтлар зўр артист эдим.

Юзи шафтолибаргакни эслатувчи, доим шипшиб гапирадиган бу одамнинг қачон зўр артист бўлганию нега энди суфлёрлик қилаётгани Қодиржонга қоронғи эди.

— Агар мен,— деди суфлёр Қодиржонни туртиб,— сизнинг ўрнингизда бўлганимда эди, театрда бир минут ҳам ишламасдим.

— Нимага?

— Томошабин йўқ. Томошабинсиз театр — меҳмонсиз тўйхона.

— Нега, томошабин бор. Мана «Ватангадолар»ни кўргани келишяпти-ку?

— Режиссёримиз зўрга ўхшайди. Сизга ўхшаган ёшларимиз ҳам кўпайиб қолди.

— Зўр артист бўлганман дейсиз, нега суфлёрлик қиласиз?

— Мана шу Соттиевга ўхшаганлар билан саҳнада юргандан кўра, саҳнанинг ортида турганим маъқул.

— Нима, саҳнада Соттиев сизни чақиб олади-ми?

— Йўқ. Оёқдан чалади. Ичиқора одам.

— Сизни шу билан енгибди-да.

— Мени бошқа нарса енгди. Келинг, юзтадан отайлик.

— Э, раҳмат,— деди Қодиржон. Кейин: «Шавкат ака ҳам Соттиевни ғаламис одам деган эди. Демак, ичиқора, худбин кишиларни одамлар орқаваротдан гапиришаркан, жирканишаркан,— дея ўйлади.— Дарвоқе, Шавкат акани бу ерга нега таклиф қилишмадийкин? Бу багрикенг инсон ўтиришларнинг файзи-ку! Еки айтишган бўлсаям, ўзи истамадими?..»

Ялла тугади. Қарсак бўлди.

— Биз энди турамыз,— деди бош режиссёр.

— Ҳозир паловни сузиб келаман, бир минутга, шошилманглар, акалар,— дея ялинди уй эгаси Шоди.

Суфлёр Абдуваққос кўзини сузиб ўрнидан турди ва қўлларини кўксига қўйди:

— У-ўртоқ Бобоевич, ҳаммамиз ҳам турамыз. Кетгатепа-рини еб кетайлик.

— Бу, ҳа-а, Абдуваққос ака кетгатепа-рини ичиб бўлди, дейишяпти-ку?— деди директор. Ҳамма кулди.— Раҳмат, шунча едик, ичдик. Ҳали вақт эрта, сизлар бемалол ўтираверинглар. Ҳа-а, Зариф Қўлдошевич иккаламизнинг қиладиган ишларимиз бор.

Этироз бўлмади. Директор билан бирга келганлар узр сўраб, чиқиб кетишди.

— Катталар ўзи шунақа бўлади. Бир жойга доим кеч келиб, эрта кетишади,— дея тўнғиллади Мансур.— Қани, қуйинглар, бир яйрайлик!

Қадахлар тўлдирилди. Мансур каттагина қадахнинг ярмигача шампан қуятуриб, сездирмай устига арақ ҳам қуйиб юборди. Кейин уни Қодиржонга узатди.

— Қани, иним, ҳадеб киз болаларга ўхшаб сузилиб ўтиравермай, биз билан ҳам бир уриштириб ичинг. Майли, биз ачиқ арақ ичамиз, сиз ширингина шампан ичинг. Ҳалиги, нимаиди, шоир айтганидек:

«Барча ҳушёрлик сенга-ю,
Барча хумморлик менга...»

Енгил кулги бўлди. Қодиржон қадахни кўтариб юборди.

Қолганлар ҳам ичишди. Баданлар янада қизиди, кўзлар мастона сузилди. Еши ўтинқираб қолган Зарифахоним деган аёл чилдирмани қўлига олиб, оҳиста усул билан кўшиқ бошлади:

Қора сочим ўсиб қошимга тушди,
Не савдолар менинг бошимга тушди...

Ёқут чап оёғи билан Қодиржоннинг оёғини стол тагидан қидириб топди ва маҳкам босди.

Кўшиқ тугади. «Яшанг, кам бўлманг» деган хитоблар янгради. Шундан сўнг биров латифа айтди, биров аския қилди. Кимдир «Қодиржондан ҳам эшитайлик», деб қолди. Ўзи ҳам ниманидир айтишни истаб турган Қодиржонга бу гап туртки бўлди. Уридан туриб, «Рустам» пьесасидан Рустам монологини ўқиди. Ширакайф бўлгани учунми, монологни ҳаддан зиёд ёниб, эҳтирос билан ижро этди. Қарсақ чалинди. Ёқут йигитнинг бармоқларини аста қисиб қўйди.

— Агар театрда «Рустам» қўйилса, Рустамни ўйнайсиз,— деди суфлёр. — Сиздан Аброр Хидоятонинг ҳиди келяпти.

— Мана шу монолог учун битта ичмасак бўлмайди!— деди Мансур, айна пайтда суфлёрнинг гапига ғаши келиб ва арақ аралаштирилган шампандан ярим пиёлани Қодиржонга узатди. — Мана, ўзларининг шампанлари...

Завқланиб кетган Қодиржон ичиб юборди. «Сал аччиқми?», деди сөксаниб.

— Ҳозирги шампанлар ярим тийинга қиммат, сифатсиз,— деди дарров Мансур.

Палов келтирилди, бироқ даврадагилар номигагина ундан чимдиб қўйишди. Фақат суфлёр Абдуваққосгина ёш боланинг калишидай қилиб беш-олти ошам еди.

Мансур ўридан турди.

— Мана шу уйда неварга тўйларни кўрайлик! Ҳаммамизнинг ишимиз ўнгидан келсин! Пулга зор, арақча хор, хотинга муҳтож бўлмайлик!

Меҳмонлар кулишиб кўзғалишди. Қодиржон ўридан тураркан, боши айланаётганини сездди. Узини тетик тутишга ҳаракат қилишига қарамай, ташқарига гандираклароқ чиқди. Унинг бу ҳолатига ҳеч ким эътибор бермади. Меҳмонлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб машиналарига ўзларини уришди.

— Қодиржон, менинг машинамга чиқинг,— деди Мансур. Кейин Ёқутнинг ёнига келиб, паст овозда амирона буюрди:— Сен ҳам чиқ, уйингга ташлаб қўяман!

Ёқут билан Қодиржон машинанинг орқа ўриндиғига ўтиришди. Олдинги ўриндиққа аллақачон Тўхта чиқиб олган эди. Машинанинг мотори гуриллаши билан гандираклар суфлёр Абдуваққос пайдо бўлди.

— Мансурхон, ука-хон, биззиям ташлаб қўйинг. Қа-ри одам, қолиб кетмайлик.

— Оббо, хира пашша-ей,— деди Мансур тўнғиллаб ва орқа эшикни очди.

Абдуваққос гуп этиб ўзини ўриндиққа ташлади. Қодиржон билан Ёқут бир томонга қисилиб қолишди. Мансур йўлда гап қотди:

— Абдуваққос ака, беш чақирим ортиқча юрадиган бўлдик. Бензин пулини тўлайсиз.

— Ҳой, Мансур-хон, биззи Абдуваққос дейдилар! Қўй ёғига ош еб юрганмиз...

Улар шу зайл гаплашиб кетишди. Қодиржон қисилиб қолган қўлини тортиб Ёқутнинг елкасидан оширди. Ёқут унинг пинжига суқилди; тирсиллаган ҳамени йигитнинг кўксига тегди...

Машина қандайдир жинкўчанинг оғзида тўхтади.

— Тушинг, келдингиз!

— Қани, ош қилиб бераман,— деди суфлёр.

Мансурнинг энсаси қотди.

— Қуруқ мулозаматни қўйинг, тезроқ тушинг!

— Ра-а-мат.

Машина тагин елиб кетди. Қодиржоннинг кўнгли айниб, ўқчигиси келди. У ичмаган тақдирда ҳам транспортда негадир кўнгли беҳузур бўлади. Машина кўп қаватли уйланинги бири олдида тўхтади. «Келдик», деди Мансур. Қодиржон машинадан тушибоқ, бир четга ўтди-да, еганингани ташлади.

— Каиф бўлиб қолди. Уйингга олиб кириб, яхшилаб ювинтириб кўярсан,— деди Мансур Ёқутга, кесатиб.

— Бу менинг ишим. Сен йўлингдан қолма!

Мансур машинани жаҳд билан вангиллатиб ҳайдаб кетди.

— Бўлдимми?.. Яхшимми?— дея ҳол сўради Ёқут Қодиржоннинг елкасидан тутиб.

— Ҳа, қа-ерга кел-дик!— Қодиржоннинг кўзлари сузилиб турарди.

— Юринг, юзингизни бир чайиб олинг, ўзингизга келасиз.— Ёқут йигитни қўлтиқлаб бинонинг иккинчи қаватига олиб чиқди. Сумкачасини титкилаб калитни топди-да, шоша-пиша эшикни очди. Икковлари ичкарига киришгач, Ёқут чироқни ёқди ва эшикни маҳкамлади.

— Вой-бў, зў-ўр-ку,— деди қалқиб турган Қодиржон атрофга аланглаб.

— Бу ер менинг уйим, бемалол ўтираверинг,— деди Ёқут. Сўнг йигитнинг лоғдай қизарган ёноқларига, мастона кўзларига тикилиб қолди ва бирдан бўйнига қўлларини ташлаб, дудоқларини тутди.

Юзида майин, момикдай бармоқларни сезиб Қодиржон кўзини очди.

— Туринг, ишдан кеч қоламиз,— дерди Ёқут нозланиб.

Қодиржон ўридан туриб ўтирди, бошини қафтлари орасига олди: «Нега ичим? Нима бўлди менга?.. Мансурнинг машинасида келдим... У бугун ҳаммага гап қилмайдими? Ёқут билан ётиб қолди, деб театрда ёймайдими?.. Шавкат аканинг кулоғига етса, нима деркин?»

Мана шундай кўрқув аралаш хаёллар йигитнинг қалбини тирнай бошлади. Шартта туриб, ювиниб чиқди. Кийинаётганда, Ёқут меҳрибонлик билан деди:

— Қаёққа шошяпсиз, чой ичиб кетмайсизми?

«Оббо, ҳали театрга мен билан бирга кетмоқчи шекилли!», дея чўчиди Қодиржон ва раҳмат айтдию костоюмининг бир энгини кияр-киймас, шошиб чиқиб кетди.

Ёзги театр ҳовлисидаги икки хонали ҳужрасига кирганда каравотнинг устида ётган хатга кўзи тушди. Қодиржоннинг каравоти деразанинги тагида, форточка доим очиқ бўлади. «Мен бор-йўқ, мана шу форточкадан хатни ташлаб кетаверасиз», деб хат ташувчига тайинлаб қўйган. Конвертни қўлига олди. Хат Фарғонадан эди.

«Етиб маълум бўлсинким, ушбу хат ўшал мусофир шаҳарда давлат хизматини ўтаб юрган ақоли ягона ўғлим Қодиржонга деб билгайман. Соғ-саломатмисан? Биз ҳаммамиз яхшимиз. Қизим еб қирга кетар, ўғлим еб овга кетар, деган экан донолар. Фарзандлар катта бўлишса, ўз йўлига кетаркан, ташвиши ота-онанинги елкасида қолаверар экан. Энди, ўғлим, «Қобуснома»да ота-онанинги ўғли олдидаги дастлабки бурчи — уни уйлантириб қўйиш, деб қўйибди. Отасига раҳмат ёзган одамнинг! Шу, сен дилингдагини айтсанг, биз ҳаракатимизни қилсак. Тез-тез хат ёзиб тургин. Салом билан даданг, онанг, сингилларинг».

Қодиржон ҳозир уйдан келган хатни қўлида ушлаганча ўйланиб тураркан, тўсатдан бугуноқ Фарғонага бориб келиш фикри туғилди. Уйни соғинганини ҳис қилди. Хатни чўнтагига солди-да, йўл-йўлакай кафега кириб ёнгил тамадди қилгач, театрга жўнади.

— Ий-и, ҳа, Йигитали, бормисан,— деди Шавкат ака уни қўрибоқ. Қодиржон дарров сўрашди.— Бу, Махбуба онанг сени йўқлаб, Қодиржон кўринмай қолди, мусофир йигит, қийналмаётганмикан, деб сўраёттибди. Мен унга айтдим: қийналмайди, маоши ошган, иннайкейин, нега мусофир бўларкан, нима, у Африқодан келибдими, паловни еб мошинга ўтирса, чойни Фарғонада ичади, дедим.

— Ҳалиям, чойни эрталаб Фарғонада ичмоқчиман.

— Нима гап?

— Дадамдан хат келди, соғиниб қолишибди. Уч кунга бориб келмоқчиман. Жавоб берармикан?

— Беради. Фақат, ноябрь байрами яқинлашиб қолди, у кунлари икки ҳисса хизмат қилишимиз лозим. Мени айтди дерсан, директор шундай дейди.

Узоқдан Ёқут кўринди. У касалмандга ўхшаб оҳиста қадам босиб келар, томоғини боғлаб олган эди. «Оббо, бу нима қилиғи? — Қодиржон бетоқатланди.— Кошки кеча уникида қолганимни ҳеч ким кўрмаган бўлса!»

Ёқут тўғри уларнинг олдига келиб сўрашди.
— Ҳа, нима бўлди, касалмисан?— дея сўради Шавкат ака дўриллаб.

— Билмасам, томоғим оғриб қолибди...

Ёқут бу гапни Шавкат акага айтатуриб Қодиржонга шу ҳадар сузилиб қарадики, бечора йигитнинг юзлари лавиллаб, юраги така-пука бўлиб кетди. Уларнинг бу ҳолатини Шавкат Қурбоннинг ўткир нигоҳи дарров илғаб олди. Бир-бири билан алоқаси бор калтабин одамларгина, бизнинг муносабатларимизни ҳеч ким сезмайди, деб ўйлайди. Доно ва ҳушёр одамлар учун эса хиёлгина ишора кифоя.

— Мен... директорнинг олдига кириб чиқай,— деди шошиб Қодиржон.

— Кейин менга учрайсан,— деб қолди унинг ортидан Шавкат ака.

Қодиржон директорнинг қабулхонасига кирганда машинка ҳарфларини «чўқилаб» ўтирган қиз «Кутиб туринг», деди. Шу қиз бирон марта кираверинг демаган. Қодиржон анча кутди, ахйир, сабри тугаб, эшикни қия очиб қаради. Директор ичкаридаги одамдан қутулломай зўрға ўтирган эканми, «Кираверинг-кираверинг, ҳа-а», деди ҳовлиқиброк. Қодиржон ичкари кириши билан ҳалиги одам ўрнидан турди.

— Утирибмиз-да, бирон нарса уюштирайлик,— деб шимини кўтариб қўйди Шукур Бобоевич.

— Раҳмат, ҳали шу ердамиз, гаплашамиз.

Директор уни кузатиб қўйгач, Қодиржондан сўради:
— Танийсизми буни?

— Йўқ.

— Утиринг... Қўшни область театрининг директори. Ўзи зўр артист, унвони бор. Лекин, директор бўлгандан бери дурустроқ роль ўйнамади, ҳа-а. Ҳайронман, баъзи театрларда халқ артистлари, бош режиссёрлар директор бўлиб олган. Ҳа, директорлик қилса, қачон ижод қилади? Мен ҳам роль ўйнагим келади, ҳа-а, унча-мунча ролларни қотириб ташлайман. Лекин директор есть директор!.. Хўш, нима ишингиз бор эди?

— Уйдан хат олдим, соғиниб қолишибди. Икки-уч кунга жавоб берсангиз.

Директор бармоқлари билан столни чилдирма қила бошлади.

— Мен урушда командирлик қилган пайтимда сиздан ҳам ёш эдим, мўйловим чиқайми-чиқмайми деб турган пайтлар... Ҳа-а, урушдан кейин ҳам якки йил армияда қизмат қилдим. Ҳой, дадам бирон марта ўғлимни кўриб келай, соғиниб кетдим, демабдилар-а... Ҳа-а, энди у кишининг ўзлари йўқ эди-да. Уттизинчи йиллардаёқ биззи ташлаб каналнинг тепасига чиқиб кетганлар, ҳе-хе-хе... Хўш, сизга уч кун эмас, беш кунга рухсат. Олтинчи ноябрь кунни шу ерда бўласиз. Байрам кунлари уч гурпуага бўлиниб, уч маҳалдан ўйнаймиз. Яна сизни ўша кунни, ҳа-а, Фарғонадан қидириб юрмайлик. Бўпти, яхши бориб келинг.

Қодиржон раҳмат айтиб чиқиб кетар экан, директор унинг ортидан ҳавас билан тикилиб қолди, ўғли йўқлигига ўқинди ва: «Шу йигит менинг ўғлим бўлиб қолсайди», — дея дилидан ўтказди.— Мабодо ўғлим бўлиб қолганида эди, уни ҳарбий академияда ўқитардим, ўзбеклардан илк маршал бўлиб чиқарди...»

Қодиржонни репетициядан кейин Шавкат ака олиб кетди. Кексаларнинг кўнгли нозик бўлади, деб чол-кампирга кичкина совға қилиб берди. Вокзал бошлиғи оғайниси экан, Фарғонага битта зўр билетдан олиб қўй, деб тайинлади. Кечқурун Маҳбуба опага палов қилдириб, чой ичишгач, Қодиржонни машинасига ўтқазиб поездга кузатиб қўйди.

Истеъодли кишилар саҳийқалб ва бағрикенг бўларкан, дея хаёлидан ўтказди Қодиржон вагон деразасига ўйчан боқиб тураркан. Бўлдмаса, у ким? Театрга кеча келган жўжахўроз. Шавкат акадек бир одам нега бу қадар яхшилиқ қилади?.. У Шавкат аканинг ҳурматига муносиб бўлиш лозимлигини ҳис этди. Шу онда кўз олдига томоғини боғлаган Ёқут келдию кўнгли хижил тортди. «Қандай бефаросат аёл!— деди ичида ижирғаниб. — Йўқ, у бефаросат эмас, мен аҳмоқман!»

Поезд бир маромда еларди: тақа-тум, тақа-тақ, тақа-тум, тақа-тақ...

Театрнинг Тошкентда бўладиган ҳисоботи келгуси ёзга қолдирилди. Бу ҳисобот бутун коллектив, жумладан, бош режиссёр Зариф Қўлдошев учун ҳам катта ижодий сино бўлади. Буни яхши билган режиссёр ҳозирдан қаттиқ тайёргарлик кўра бошлади. Театрнинг юзини репертуар белгилайди. Уни шундай тузиш керакки, эътирозга ўрин қолмасин. Ҳозир, Қўлдошевнинг назарида, ўзининг бор имконияти, истеъдодини намоён қиладиган учта асар қўйиши керак. Театр тарихида илк дафъа саҳнага доҳий Ленин образини олиб чиқади, бунинг учун «Инқилоб номи билан» асари устида ишлайди, бу — бир. Ўзининг камиди иккита классик асар қўйиши керак. Театр санъати пайдо бўлибдики, коллективнинг ижодий қуввати классик асарларни қўя олиш даражаси билан боғлаб келинади. Қўлдошев ишни «Қароқчилар»дан бошлашга қарор қилди. Бу масалада директорга бир оз тушунтиришга тўғри келди.

— Бу, ҳа-а, классик асарга қурбимиз етадим, томошабин кирадими?— деб қолди Шукур Бобоевич.

— Нега етмайди? — деди Қўлдошев қулочини ёйиб.— Ахир, бу театрда бир вақтлар «Қирол Лир», «Отелло» қўйилган. Шавкат Қурбонларнинг донги Иттифоққа ёйилган. Истеъодли ёшлар ҳам бор. Мен саҳнада артист эмас, таёқ бўлса ҳам ўйнатаман. Шекспир, Шиллер, Чехов, Горький, Қаҳҳор мактабини ўтамаган актёр — актёр эмас.

— Тўғри, мен сизнинг ниятларингизга қарши эмасман, ҳа-а, лекин план масаласини ҳам ўйлаб қўйсак ёмон бўлмасди.

— Сизлар план-план деявериб томошабинни энгил-елпи асарларга ўргатиб қўйгансизлар. Шунинг учун томошабин кам келадиган бўлиб қолган. Театр томошабиндан орқада қолдими, хароб бўлди деяверинг.

— Акром ака ҳам «Қароқчилар»ни қўяман, деяверарди, ҳа-а, нимасини яхши кўрақансизлар?

— Чунки бу асарда ёвузлик билан эзгуликнинг жуда катта кураши бор. Ҳозир жаҳонда ёвуз кучлар бош кўтариб турган мураккаб вазиятда бу асар биз учун жуда зарур... Шу билан баҳс тугади.

Бугун Қўлдошев «Қароқчилар»даги ролларни тақсим қилди: Карл Моор — Қодиржон Давронов, Саттор Дарвишев... Режиссёр шу тарихи ролларни эълон қиларкан, Мансур ўрнида ўтиролмаб безовталаниб қолди. У боядан бери Карл Моор кимга тегаркин, дея ўй суриб ўтирар ва ўзини шу ролга мўлжаллаб турар эди. Унга дин муҳлиси пастор Мозер роли берилди. Режиссёрнинг фикрича, руҳоний пастор образини Мансур ўйнаса, яхши чиқаркан. Лекин ўзини катта артист ҳисоблаб юрган Мансурга кичик роль берилиши ҳақоратдек туюлди.

— Мумкинми?— дея ўрнидан тураркан Мансур атрофга аланглаб олди. Қодиржоннинг бу ерда йўқлигига ишонч ҳосил қилди.— Уртоқ Қўлдошевчи, ҳа, Саттор Дарвишев-ку саҳна кўрган одам, лекин театрға кеча келган Қодиржонга бош ролни бериш қандай бўларкин?

— Хўш, — деганича режиссёр иягини силаб ўйланиб қолди.— Утиринг. Биласизми...— Қўлдошев, Қодиржонни яхши биламан, институтда «Қароқчилар»дан парча қўйганимда у Карл Моорни яхши ўйнаган, демоқчи эди, бу фикрдан қайтди.— Хўп, Карл Моорга ким тарафдор? Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Уртоқ Мажидов, сиз ўйнайсизми?

— Ҳа энди, шу вақтгача катта ролларни ўйнаб келган-ми...

— Хорошо. Дарвишев Карлни ўйнаганда Мансур Мажидов пасторни ўйнайди. Аксинча, Мажидов Карлни ўйнаганда Дарвишев пасторни ўйнайди. Қодиржон ҳам учинчи дублёр бўлиб ўз ўрнида қолади.

Мансурнинг юзига қизиллик югурди. Шавкат Қурбон: «Иблис!», деб қўйди...

Давоми келгуси сонда



**Шукур
Содиқ**

Мамаражаб ота

Барча уруш ветеранларига

Қўллар қалтирайди, қалтирар оёқ,
Вужуд қалтирайди бедаво дарддан.
Уруш ветерани Мамаражаб ота,
Шифо топмай қайтди Ленинграддан.

Беш йилки, ажалга чап берар Ота,
Унга писанд эмас дарднинг тўсиғи.
Унинг вужудини бўйлаб ўтгандир,
Ҳаёт ва Ҳлимининг фронт чизиги.

Жанг қилар бардошини тишида тишлаб,
Ўзи — ўзи билан саноқсиз тун-кун.
Ўғиллар, келинлар оғир хўрсиниб,
Нажотсиз термулиб сўзлашар беун.

Бахтлилар қучоқлаб тунда бахтини,
Фароғат бағрига кетсалар сузиб.
У бўлса тонггача «Т-34»да,
Олис Европада юради кезиб...
Ҳар кун шу ҳолат —
Тонг отар оппоқ...
Дард хуруж қилмоғин асло қўймайди.
Чол эса қирқ йилки, ҳаётга эмас,
Сокин ва мусаффо тонгга тўймайди.



Тошбўри аканинг айтганлари

Ука, орзу қилма «катта»ликни ҳеч,
Минг битта саволдир — бошлиқ дегани.
Минг битта саволга бир ўзинг жавоб,
Ҳаққинг йўқ, бу ишда ёшлиқ қилгани.

Тиниб-тинчимайсан кечаю кундуз,
Гоҳо иш юришмас, чиқар фиғонинг.
Бу жангдир, анқовлик қилдингми тамом,
Хушомад ва алдов босар ҳар ёнинг.

Биров қорин учун, биров халқ учун,
Биров яшаб келар турли ниқобда.
Бир қарашда билмоқ учун буларни,
Ука, кўрсатма йўқ ҳеч бир китобда.

Одам аримайди қабулхонангдан,
Қимдир ишглаб кирар бир нажот излаб.
Қимдир ишглаб туриб алдаб кетади,
Бир ёқдан виждонинг туради тузлаб...

Ҳар битта қадаминг турар ўлчовда,
Ҳар ким ҳар мақсадда кузатар сени.
Совға — салом учун баҳона бўлар,
Ҳаттоки, ўғлингнинг туғилган кун.

Ука, бошлиқ туриб виждон аршида
Ажратмоғи шартдир ҳақни, ноҳақни.
Ватанга хиёнат қилишдек гуноҳ,
Агар у алишса қорага оқни!

Ҳақиқат қонундир минг йилдан сўнг ҳам,
Орзуим, барчада диёнат кўрай.
Ука, дош беролсанг айтганларимга,
Қани кел, марҳамат, ўрнимни берай.



Еқутхон
Акрамова

Ўйинчоқ

ҲИКОЯ



иққат, диққат! — дея столни чертди бўлим мудир Абдухалил ака. Гала-говур пасайиб, хонага сукунат чўкди. Пультада ўтирган режиссёр магнитофон тугмачасини босган заҳоти таниш дикторнинг овози янгради.

«— Қадрли радиотингловчи дўстлар! Аввалги эшиттиришимиздан сўнг редакциямизга жуда кўп хатлар келди. Уларнинг мазмуни турфа хил. Жумладан, тошкентлик уй бекаси Ҳалима Расулова қўйидагиларни ёзибди: «Мен ўттиз бир ёшдаман. Бешта болам бор. Болаларимни жуда яхши кўраман. Улар — оиламизнинг бахти! Биз тез-тез ўйинчоқлар сотиб олиб турамыз. Лекин бир ҳафтага етиб-етмай синиб қолаверади. Негадир жуда ҳам чидамсиз қилиб чиқарилади. Сизлардан илтимосим шуки, ўйинчоқларнинг сифати масаласида танқидий эшиттириш уюштирсаларинг...» Бундан ташқари, яна бир қатор тингловчилар ҳам худди шундай мазмунда мактуб йўллашган. Яқинда мухбиримиз меҳнаткашларнинг хатлари асосида...»

Мусиқа таралди. Бўлимнинг тажрибали ходими Шавкат ака оҳанг маромига монанд чайқала бошлади. Умрида илк бор мустақил радиозшиттириш тайёрлаган ёшгина қиз ҳаяжондан титраб, ўзининг юрак уришига қулоқ солиб ўтирарди. Шавкат акага қараб туриб, негадир ҳаваси келди. «Ажойиб инсон-да, доим кайфияти чоғ юради, — дея хаёлидан ўтказди. — Қанийди ҳамма ҳам шундай бўлса!..»

Бир пайт Шавкат ака унга ҳазиломуз кўз қисиб қўйди. Парво қилманг, биринчиси доим шунақа ўтади, демоқчи бўлдимиз? Қиз ҳаяжонини ниқоблаш мақсадида сочларига кўл югуртирди, у ер-бу ерини тузатди. Айни дамда ўзининг бу ҳаракатидан ёнгинасида ўтирган Сожида опа деган аёлнинг энсаси қотаётганини пайқайди. Ҳойнаҳой у ҳозир: «Яхшигина сочи бор эди-я, нега кестирди экан?», дея ўйлаётгандир.

Магнитофон лентаси ҳамон айланарди. Муаллифнинг кўзлари жавдирай бошлади. Кўзлар — ўзига қадалган беҳисоб кўзлар. У нигоҳларга қандай дош бериш мумкин?! Кўйлагининг белбоғини бармоғига айлантираверди, айлантираверди. Ниҳоят, магнитофондан ўзининг бир оз титраган товуши эшитилди:

« — Ҳурматли Абдуқаҳҳор ака, айтинг-чи...»
Нега тутилади? Дадил-дадил гапир қолмайдими?
« — ...айтинг-чи, сиз раҳбарлик қилаётган корхонанинг
ўйинчоқлари нега сифат жиҳатидан оқсамоқда?»

Бўғиқ товуш (бир йўталиб):

« — Нега оқсар экан? Сифати яхши денг! Ассортиментини
айтмайсизми буларнинг. Қанчадан-қанча турлари...»

Бўғиқ товуш эгаси ўйинчоқларнинг турларини санай кетди.
Муаллиф эса ўзининг юрак уришидан янгоғи битгандек ҳеч
нарсани эшитмай қолди. Ниҳоят, мусиқа юнгради.... «Тамом....
Туғади шекилли.»

Ёш, лекин ўзини катталардек тутадиган режиссёр йигит
эринибгина ўрнидан турди. Ҳеч тортинмай ҳамманинг кўз
ўнгида мириқиб керишди. Сўнг оператор қизга магнитофонни
кўрсатиб, ўзлари тушунадиган «тил»да ишора қилди. Оператор
қиз қаққонгина эди, лентани бир зумда орқасига чириллатиб
қайтарди-да, тагин курсисига ўтириб, китобини кўлга олди.

Муаллифнинг хаёли чалғиди: «Қайси китобни ўқияпти экан?
Қизиқ бўлса керак...»

Яна жимлик. Муаллифнинг юраги қафасдаги қушдек ҳадеб
типирчилар эди.

Муҳокамани Сожида опа бошлаб берди.

— Ёмон эмас, — деди у негадир сузилиброқ, — менинг
фикрим шу! Бу синглимиз амалий журналистикада ҳали бир оз
ёшлиги, ҳатто ғўрлиги сезилиб турибди-ю... — Муаллифнинг
боши эгилди. Сожида опа соатига бир қаради-да, давом
этди: — Умуман, эса, ёмон эмас... Энди менга рухсат. Бир
интервьюга шошилиб турган эдим. — У сумкасини очди.
Тароғини олиб сочини таради. Сўнг баланд пошналарини полга
дўқ-дўқ уриб, хонадан чиқиб кетди.

Шавкат ака кулди.

— Хафа бўлманг, синглим. Феъллари шунақа — ўзларидан
ёшроғини ё чиройлироғини кўрсалар... дарров интервьюлари
чиқиб қолади.

Муаллиф зўрма-зўраки илжайди. Шу тобда илжайиши ҳам
сунъий чиққандек туюлди ўзига. Оддийгина жилмайиб қўйиш
шунчалар қийинми?

Тагин Шавкат аканинг кулгиси уни ҳушига келтирди.

— Кап-катта қиз ҳалиям ўйинчоқ ўйнаб юрибсизми?... —
дерди у қиқирлаб. — Бу ҳазил албатта... Хўш, яхши, синглим,
яхши. Гап — муаммо зўр. Лекин битта эътирозим шуки, зинҳор
ҳаяжонланманг. Сизни ўйинчоқ қияпти «қаҳрамон»ингиз.
Микрофонга қизингизга гапиргандек табиий сўзланг, кўрқ-
манг. Дарвоқе, қизингиз неча ёшда?

— Олтига кирди...

— Катта қиз бўп қолибди-ку. Ҳа майли... Энди ёзув-чизув
билан жиддий шуғулланинг, синглим. Ўзингиз ўйинчоққа
айланиб қолманг тагин. Биласизми, аёллар қачон эски
ўйинчоқдек жонга тегишади? Мазмун қолмаганда... Шу менинг
фикрим!

— Жуда ерга урманг-да, ука. Умуман олганда, яхши,
дуруст, — деди салмоқланиб, кўзлари доим кулиб турадиган
бир ходим. Қирқ ёшлар чамасидаги бу кишининг овози гарчи
жуда йўғон бўлса ҳам ёқимли эди: — Дуруст... камчиликлари
бор, лекин улар гуноҳ эмас. Қисқаси, эфирга кетаверади.

Бўлиму мудури бурчақда ўтириб олиб шивир-шивир
қилаётганларга қараб қошини чимирди; кўзлари қисилди. Бу
кишининг ажойиб хислати бор-да — минг жаҳли чиқса ҳам,
жиддий кўрина олмайди. Кўзлари «сотади».

— Сизлар нима дейсизлар, эзмалар?

— Биз ҳам шу фикрда, — деди шошиб яна бир ходим. —
Ҳамма нима деса шу-да.

— Ишга чой ичишу бир-бирларига хушомад қилиш учун
келадиган баъзи ходимларимизнинг ёзганларидан кўра анча
баланд, деса ҳам бўлаверади, — дея қўшимча қилди орқадаги-
лардан биттаси.

Охири Абдухалил аканинг ўзи сўз олди:

— Менга эса, сира ёқмади. Сиз хафа бўлманг синглим,
ҳозир исботлаб бераман. Нега, нега ахир суҳбатдошингизнинг
фикрларини маъқуллаяпсиз? Бир жойда ҳатто «бизнинг
ўйинчоқлар ҳам шундай бўлган бўлса керак, фақат, биз бола
бўлганимиз учун улар бизга бошқачароқдек, антиқароқдек
туюларди балки» дедингиз. Нега? — Муаллиф индамагач,
Абдухалил ака гапида давом этди: — Демак, биз сифатсиз
маҳсулот ишлаб чиқараётганларнинг ёнини олишимиз керак,
сизингча, шундайми? Журналистика бундай йиғлоқиликни



Расми Р. ЭШМУРОДОВА чизган

армайди, синглим. Буни унутманг. Бизга шикоят йўллашган н, бу фактга объектив қарашимиз керак!

Муаллиф қизариб-бўзариб ўрнидан турди.

— Лекин... ҳақиқатан ҳам, аввалги ўйинчоқлардан, — деди негадир дудуқланиб, — ҳозиргилари жуда яхши ишлаб бериляпти. Рост-да. Фақат, бизга ўшанда, бола бўлганимиз н ўйинчоқлар зўр кўринган. — У энди шартта-шартта гапирарди. — Балки, бугунги болалар ҳам йигирма йилдан кейин н ўйинчоқларни яхши эди, деб ҳозиргиларини ёмон, эди.

— Ана энди ўзингизга келдингиз. — Абдухалил ака ўрни н туриб кетди. — Шу ҳақда эшиттириш тайёрламоқчи ансиз, ишни болаларнинг ўзидан бошлаш керак эди. Шалардан сўранг. Ўйинчоқларни яхши кўришармикан? Ахир, йинчоқ — улар учун, билсангиз... келажакнинг инъикоси! йинчоқ...

— Абдухалил ака, — дея гапни бўлди Шавкат ака, — шлик ҳам сизга ўйинчоқми?

Ҳамма кулиб юборди. Соат бирдан ошган эди.

— Майли, чиқаверинглр. Сиз, синглим, бошқатдан ёзиб еласиз, хўпми? Тўғри, савияси бундан ҳам пастроқ эшитти- ришлар ҳам бериляпти, лекин сиз ундайларга қараб ўзингизга н бичманг. Хафа бўлманг, кейин менга раҳмат дейсиз.

...Муаллиф қиз яна репортёрини кўтарганича, кўчага чиқди. Берга борсин? Боғчагами? Умуман, Абдухалил аканинг гаплари ҳақми ўзи? Илгарилари радиодан берилган эшитти- ришларни тинглаб, гаши келар, «радионинг иши ўйинчоқ экан-да», деб ўйлар эди. Энди... Бора-бора ўзи ўйинчоққа айланиб қолмасайди... Наҳотки!

Ҳеч қаерга бормади. Уйига қайтди. Уйда ўтириб қолгани- нинг касри бу. Болам-болам, деб шу кўйга тушди? Авваллари — студентлигида қандай ёзарди-я! Деворда осиг- лик суратда икки дўмбоқ бир-бирини қучоқлаганича, кулиб қарашяпти. Уларни оёққа турғизиш ҳам ўйинчоқ эмас... У соатига қаради: боқчадан олишга ҳали эртароқ экан. Шошиб- пишиб сандиқни очди. Салафан халтачага солинган бир ўйинчоқ туяни олди. Ҳа, ўйинчоқ туя-да. Уркачлари ғадир- будир, қизғиш пластмассадан ишланган бу ўйинчоқ унга болагидан қолган азиз ёдгорлик!.. Беғубор дамларининг ёлғиз шоҳиди... Яна йиғлоқиликми? Хўш, йиғлоқилик айбми? Бу туя-ўйинчоқни унга беш ёшга тўлганида совға қилишган. Байрам бўлиб кетган эди ўшанда. Шу-шу у туясидан айрилмай- ди. Ўйинчоқ ҳалигача бузилмаган ё синмаган. Фақат, ранги бир оз синиққан, холос. Сифати чатоқми? Шунча йилда одамнинг ранги синиқади-ку, бу бир ўйинчоқ бўлса... Демак, ҳақиқатдан ҳам сифатли экан-да.

Келинчаклигида аяси чаллари куни бир уй вағир-вуғир қилиб ўтирган хотин-халажнинг олдига каттакон тугунни судраб кирди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Ўзи ҳам бурчакда ўтирганди ўшанда. Дастурхончи аёлнинг «Сарпо келди, сарпо келди», деган овози негадир совуқ эшитилган эди ўшанда.

Мана бу яхудий атлас, парча лозими, попукли шиппаги билан. Бир сидра... Санашини сизлар сананглр! — деди дастурхончи аёл.

Бир уй хотин жўр бўлди:

— Бир сидра!

— Мана бу — мачалка халат — ҳалиги қаллиқларининг олдларида дўмбиллаб кийиб юрадилар. Мачалка лозим, «Ирина» шиппаги билан. Сананглр!

— Икки сидра!

У ўшанда ўз-ўзидан нафратланиб ўтирди. Қариса ўзи ҳам шунақа хотинлардақа бўладими? Кўзи аясига тушди. Аяси ҳаммага бир-бир қараб, ким қандай таъсирланаётганини кузатиб ўтирарди. Аягинаси унинг. Меҳрибони... Озмунча йиғдиларми-я, ўзлари киймай. Керакмас, деб туриб олганида, «Вой, унақа дема, кўриқдан ўтади-я», дердилар. Ҳақиқатдан ҳам кўрик экан-да.

— Ун сидра! — дея жўр бўлди хотинлар.

Дастурхончи хола «тамом» деди. Хури хола эса ҳайрон қолди.

— Бўлдими? Шундоқ қизга-я? — Қачондан бери бу хола уни «шундоқ қизлар» қаторига қўшадиган бўлиб қолди? Саломига зўрға алик оларди-ю....

— Вой яна бор-ку, — деди аяси жонсараклик билан.

— Қани, мана бу ўралган нарсами? — Дастурхончи аёл салафан халтачага қўл чўзди. Хотинлар интизорликда жимиб қолишди. Аяси халтачани очдилар... Уркачлари ғадир-будир туя аясининг қафтларида ўзгача кўринди.

— Бу қизимнинг энг қимматбаҳо сарпоси!..

Ҳамма кулди.

— Сарпо?.. Ҳазилингиз бор бўлсин, Хайрихон опа, — деди дастурхончи аёл. Сўнг туянинг ўрқачини кўрсатиб, қўшиб кўйди: — Тугун кўтариб кетади-да бу туя, а? Ҳи-ҳи-ҳи...

Ушанда у ўзини тутиб турулмади. Бурчакдан отилиб чиқиб, дастурхончи аёлнинг қўлидаги «туя»сини тортиб олдию истеҳзо билан кулаётган хотинларга қарамай, ҳовлига отилди. Орқасидан аяси чиқди.

— Вой шўрим кўрсин, йиғлаяпсанми? Қўйсанг-чи, йиғи ҳам ўлсин. Қўявер, гапиради-қўяди-да.

Раҳматли қайнонаси яхши аёл эди. Ўшанда унинг пешонаси- дан силаб, ёноқларидаги ёшни артиб, уйларига олиб кетган эди... Мана ўшанга ҳам етти йил бўлибди. «Туя»си эса ҳамон бус-бутун. Қачонлардан бери сандиқ тубида «яшаб» келади. Энди... Хўш, уни нега олди? Яна дардлашишгами? Балки ўзини қийнаётган саволга жавоб излабдир? Наҳотки ўзи ҳам?... Йўқ! Нега энди? Ҳеч қачон! У албатта яна ёзади. Ёзганида ҳам, ёзиш ўйинчоқ эмаслигини исботлаб ёзади.

Қизини эслади. У жуда ақлли, ўғлига қараганда бо- сиқ-вазмин. Лекин негадир ўйинчоқларга ҳирс қўйган. Яхши кўради-ю, ҳеч аямайди: синдиргани-синдирган. Балки, атайлаб эмасдир. Ўйинчоқлар кўплиги учунмикан — ким билади. Лекин унинг «туя»сини кўрганда хархаша қилгани-қилган. Берасиз, деб туриб олади. Майли, бугун берса, берақолсин. Қизи боқчадан келса, беради. Беради-ю, ўзи жонсарак кузатади. Шунча йиллик қадрдони — ўйинчоқ туяси қизининг «эрка- лашлари»га дош бераолармикан? Чидаса, шундан кейин ёзади. Ёзганида ҳам, бонг уриб ёзади! Ўзи ўйинчоққа айланиб қолмаслиги учун ҳам ёзади.

Лекин... одамлар у тайёрлаган эшиттиришни тинглашарми- кан?..





**Анвар
Обиджон**

**« МЕНИНГ
КОЛЛЕКЦИЯМ »
ТУРКУМИДАН**

**Кетмонга
ёзилган
шеър**

Қилмасанг бас
Ўзингни қашқа.
Сопинг синса,
Топилар бошқа.

**Кино билетига
ёзилган шеър**

Ўқишларим
Сал чатоқ
Синфда мен
Энг қолоқ.
Оширайин деб
Билим,
Кўрдим қирқта
Мультфильм.

**Уроққа
ёзилган
шеър**

Ғанимларинг
Атайин —
Ўйлаб топди
Комбайн.



**Ғалтакка ёзилган
шеър**

Айлантириб бошингни
Ишлатишар бетиним,
Бу аҳволда ялангоч —
Қолмасайдинг, э иним.

**Ҳамиртоғорага
ёзилган шеър**

Ҳамир сенда
Кўпади.
Тандир уни
Ўпади.

**Қалампирга
ёзилган
шеър**

Аччиқсан-ку,
Билишар,
Нега сени
Экишар?

**Дазмолга ёзилган
шеър**

Ғижимини ёзиб қўй,
Биттагина шимим бор.
Мени ясантирмоққа,
Сендан бошқа кимим бор!

Мантиқозонга ёзилган шеър

Хаммасини биз едик
Сенда манти пишириб.
Сир бой бермай турибсан
Бўш қорнингни шишириб.

Чархпалакка ёзилган шеър

Биламан, писмиқ,
Кўрмасанг фойда,
Ишлаб турмасдинг
Доим бир жойда.

Этика ёзилган шеър

Этик эдинг йирқироқ
Ҳимда баланд пошналик.
Пошнанг кўчгач,
Колмади —
Уртамизда ошналик.

Ароқ шишасига ёзилган шеър

Пуфак олсин деб
Қизим Дилдора,
Сени бўшатди
Дадам бечора.

«КАЛАМУШЛАР КЕМАСИ»

ТУРКУМИДАН

Эчкилар театрида

Қўй наstdан гул ташлади,
Артист кавшай бошлади.



Бўрилар шифохонасида

Врачларнинг вақти чоқ;
Келди касал Кўзичоқ.

Маймунлар телевизорида

— Кўрсатамиз бананни,
Яламанглар экранни.

Чивинлар телеграфиди

«Қутиб олинг, аммажон.
Борар ошнам... Каркидон...»

Тулкилар радиосида

«Тоқат қилинглар бир оз,
Сўнги бор куйлар Хўроз».

Итлар магазинида

— Сизга қандай мол керак?
— Мўрт занжир, пишиқ тувак.

Сичқонлар кинотеатрида

— Кино зўрми, опажон?
— Мушукни қийнар Сичқон...

Каламушлар кемаси.

Остки қисмин емангиз,
Чўкиб кетар кемангиз!



Ҳамма нарса шу ердан бошланади

Шаҳобиддин Зайниддинов

ГАГАРИН ИЗИДАН

Ўзбекистон комсомоли тарбиялаб етиштирган

СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет

Иттифоқи Қаҳрамони,

Монголия Халқ Республикаси Қаҳрамони,

Франциянинг «Фахрли Легион ордени» кавалери,

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати

полковник Владимир Александрович Жонобековга

бағишланган

ҳужжатли қиссадан боблар.



оскванинг шимоли-шарқида, чамаси қирқ километр нарида жойлашган бу шаҳарчанинг илгари бир неча номи бор эди: Зелёный, Циолковский қишлоғи, космоснинг ердаги манзилгоҳи, Коинот соҳили, Космос дарвозаси...

Бу шаҳарча катта серкатнов йўллардан ва саноат корхоналаридан йироқда, соя-салқин сўқмоқлар тутатиб кетган, ҳатто ҳаваскор боғбонлар участкаси бўлган хўшманзара қарағайзорнинг қоқ ўртасида, Москва яқинидаги сўлим кўллар ёнида жойлашган. 1985 йилнинг июлида у ўзининг йигирма беш йиллигини нишонлайди. Навқирон ёш. Лекин шу йиллар қилинган ишлар бирнеча авлодга бемалол етган бўларди.

Шуниси диққатга сазоворки, биринчи космонавтлар стартларга тайёргарликни ҳозирги Марказий аэродром территориясида бошлашганди. Юрий Гагариннинг тарихий парвозидан атиги тўққиз ой бурун юлдузкезарлар отряди мана шу ўрмондаги шинам шаҳарчага кўчиб ўтишди.

Шанбаликлардан бирида ҳеч кимга таниш бўлмаган Гагарин шундай деб қолди:

— Йигитлар, шаҳарчамизни Звёздний деб атасак, нима дейсизлар! А!

Ҳамма унинг фикрини маъқуллади. Бора-бора бу ном сингишиб кетди. Эндиликда Звёздний шаҳрини бутун олам билади...

Замонлар робитаси. Бу — ер куррасининг ҳар қандай бурчагидагига қараганда Звёзднийда чуқурроқ ҳис этилади. Сирокузлик доно Архимеднинг «Эврика!»си билан биринчи космонавт Юрий Гагариннинг «Кетдик!» дея қилган шодиёна хитобини бир-биридан неча-неча асрлар ажратиб туради. Гагарин насли башар орасида биринчи бўлиб мовий планетамизни четдан томоша қилди ва «Қандайн гўзал» дея завқланди. Утмишининг буюк даҳолари келажакка назар ташлар эканлар, ҳойнаҳой, бизларга ҳавас қилган бўлсалар эҳтимол. Зеро, биз ҳам йигирманчи асрнинг сўнгги чорагига қадам қўяр эканмиз, келажак авлодларга ҳавас ила боқамиз.

...1960 йилнинг ёзи. Биринчи космонавтлар билан уларнинг устозлари яшаган икки оддий бешқаватли уй ёнида ўша унутилмас ёз беихтиёр эсингизга тушади. Энди бу уйлар қитъамизнинг турли бурчақларидан келувчиларнинг зиёратгоҳига айланган. Едимда, Владимир Жонобеков икковимиз Королёв хиёбонида сайр қилиб юрган эдик, космонавтнинг кичкина қизчаси югургилаб келди, кўлимиздан ушлаб тортқилади: «Бу ёққа юринглар, томоша мана бу ердан бошланади!» Кичкина қизчанинг хатти-ҳаракатлари катталарни эслатарди. Аслан, Звёздний шаҳарчасида болаларнинг маънавий камолотини ҳам ўзгача ҳис этасан киши.

Ҳозир бу ерда кўп қаватли уйлар, Маданият саройи қурилган. Серҳашам, жимжимадор архитектурали иморатлар қад кўтарган. Бу иморатларга турли хил кўргазмалар, сурдо ва барокамералар, центрафугалар, космик кемаларнинг макет-нусхалари, лабораториялар ва бошқа кўплаб нарсалар жойлаштирилганки, уларнинг ҳаммасини комплекс ҳолида «Ю. А. Гагарин номидаги космонавтларни тайёрлаш маркази» деб аташади.

Бу Коинот соҳили билан танишиш одатда марказий майдондан бошланади. Игнабаргли дарахт ҳиди анқиган соф муздай ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб, икки томонида гўзал, осмонўпар қарағайлар саф тортган, гранит ётқизилган хиёбондан бир-бир қадам ташлаб борарканман, ўзимни гўё бошқа планетага тушиб қолгандек ҳис этдим. Тўсатдан Юрий Гагаринни учратиб қолганимда бу бир лаҳзалик туйғу янада кучайди. Фазогирнинг монументи шундай ерга, тош йўлдан салгина баланд ўрнатилган эди. Гўё Юрий Алексеевич космонавтлар шаҳарчасидаги уйдан ҳозиргина чиққан ушаҳарчанинг кадрдон қиёфасига мафтункор боқиб, нима ҳақдадир ўйланиб қолгандай...

Бронзадан ясалган биринчи космонавт кўкка, чексиз коинот қаърига интилар, сизни гўё узоқларга чорлар, ўз парвози, издошларининг парвози ҳақида юракни аллаловчи хотиралар уйғотарди.

Биз Космонавтлар шаҳарчасидаги баян биналарининг ёрида, Жонибековларнинг еттинчи қаватдаги квартирасида ўтирибмиз. Лилия Мунировна икковимиз оила альбомларини варақлаймиз. Улар хронологиянинг бутун қонун-қондасига мувофиқ, ниҳоятда батариб безаб чиқилган. Ҳар бир суратнинг тагида жуда топиб ёзилган сўзлар — Владимир Александровичнинг изохлари. Биз ўтирган диван тепасига, деворга Юрий Гагариннинг барельефи осиб қўйилган. Уни хонадон эгасининг ўзи ишлаган. Бу Жонибековнинг биринчи космонавта чексиз ҳурмат-эҳтироми, сўнмас севгисининг ифодасидир. Гагарин ер яқинидаги орбитага старт олганида Владимир Александрович эндигина ўн тўққизга чиққан эди. Уша унутилмас апрель кунини эрталаб у отаси Александр Архиповичга шундай деди: «Мана, хаёл, эртан ҳам ҳақиқатга айланди!» Ростдан ҳам, гумонга ўрин йўқ эди, айнаи ўша 1961 йилнинг баҳорида тошкентлик йигит ўз ниятининг ушалишига аниқ кўзи етди. Орадан ўн етти йил ўтгач, Владимир «Союз—27» космик кемасининг командирлик курсисига ўтирди...

43-космонавтни таржимаи ҳоли газетанда атиги ўттиз сатрга жо бўлади.

Қисқа. Оддий. Тенгқурларининг кечмиш умридан сира фарқ қилмайди. Айна пайтада ўзгачароқ.

Владимир Жонибеков ғайрати жўш урган, фидойи одам. Умрининг ҳар бир йили — ҳамма болалар, ҳатто қизлар ҳам орзу қиладиган ўша Гагарин сўқмоғи сари қўйилган бир қадам бўлди.

Бу ҳужжатли қиссани ёзар эканман, номи устида узоқ ўйладим. Бир неча вариантни чамалаб кўрдим, қўлёзмани кўпгина ҳамкасбларимга, дўстларимга ўқиб бердим. Эсимда, «Ўзбекистон» теплоходининг капитани дўстим Владимир Ревининг лутфан таклифига кўра отпускамда бир-икки ҳафта дам олгани Қора денгиз бўйига жўнадим. Уша ерда, тинч каяотада ўтириб, қўлёзма устидаги ишимни давом эттирдим. Бир кун олдимга Владимир Михайлович кириб, иллюмина-торни имлаб кўрсатди. Бундай қарадим: оқчарлоқлар йўл-йўлакай кемамизга ҳамроҳ бўлишди.

— Ана, китобингга ҳам ном топилади, «Орзу қанотида» деб қўйгин! — дея таклиф қилди капитан.

Ҳа, ўша орзу туфайли ҳамюртимиз космонавт бўлди. Дарҳақиқат, инсон ўша орзу қанотида самони забт этди. Осмон эса, космос сингари чексиздир.

Болалар космос ҳақида орзу қилишади. Шу жойда Герман Титов билан боғлиқ бир воқеани эслаш ўринлидир. Кунларнинг бирида у бир мактаб ўқувчисидан: «Қандай қилиб космонавт бўлиш мумкин, маслаҳат берсангиз!» деган мазмунда хат олибди.

Иккинчи космонавт боланинг кўнглини чўктирмаслик учун: «Энг муҳими — аъло ўқигин, қолган гапни мактабни тугатганидан кейин гаплашамиз», деб жавоб қилибди.

Орадан бир неча йил ўтади. Кунлардан бир кун Герман Степанович Космонавтлар шаҳарчасидаги уйи олдида ўсмирни учратиб қолади.

— Салом, Герман Степанович! Мана, мактабни тугатдим, сиз маслаҳат қилганингиздай, космонавтика ўқигани келдим...

Хуллас, ўша йигитча Титовнинг сўзларини том маъносида тушунган экан. Поездга ўтириб, бир неча сутка йўл юриб Москвага келибди, у ердан Космонавтлар шаҳарчасига бир амаллаб етиб олибди.

Герман Степановичнинг оқ йўл тилаб айтган дил сўзларидан руҳланган йигит кейинчалик барибир учувчилар билим юртига ўқишга қиради. Йўқ, бу Жонибеков эмас эди, лекин уларнинг тақдирини бир-бирига жуда ўхшаб кетади.

— Ҳа, ерга яқин орбитада парвоз этишни орзу қилганларнинг ҳаммаси ҳам космонавт бўлавермайди, бу камдан-кам одамга насиб этади. Орзу учун курашмоғинг, бу ишга қодирлигингни, жуда яхши тайёргарлик кўргангингни исботлашинг керак.

Бир тасаввур қилинг-а: Герман Титов Жонибековни космонавтика номзод қилиб танлаганида Владимир Александрович 980 та «даъвогар» учувчининг биттаси эди. Фақат икки кишигина комиссиянинг оғир синовидан ўта олди: ўша икки

кишининг биттаси ҳамюртимиз эди. Ушанда уни Гагарин сўқмоғидан жуда узоқ масофа ажратиб турарди.

Уларнинг оилавий альбомидagi суратлари бирма-бир кўздан кечирар эканман, Владимир Александровичдан унинг болалик йиллари, ота-онаси, бу орзуманд боланинг кўнглида само ҳавасини уйғотган кишилар ҳақида сўраб-суриштирдим.

Авалло унинг ота-онаси ҳақида ҳикоя қилишни истардим. Отаси Александр Архипович Запорожье областида туғилган. Болалигида улар бутун оиласи билан буюк Дон бўйларига кўчиб келишади. Ростов ўт ўчириш билим юртини тугатганидан кейин уни 1939 йилда «Чирчикстрой»га ишга юборишади, 20 ёшли комсомол аъзоси келиши биланоқ Исқандар қишлоғида ўт ўчириш командасини бошқаради. Уша йил қишдаёқ йигитча оёғини қайириб касалхонага тушиб қолади ва бу ерда ҳамшира Евдокия Федоровна Четверкова билан танишади. Маълум бўлишича, Евдокия ҳам яқинда Волгоград бўлишадан келган экан. 1940 йил арафасида улар турмуш қуришади. Тўнғич фарзандлари Володя туғилганида Улуғ Ватан уруши бошланади.

Александр ҳарбий объектларни ёнгиндан муҳофаза этарди, ёш Евдокия эса, фронтдан келаётган ярадорларни даволарди. Чақалоқни яслига беришди, лекин у оғир касалга чалиниб вафот этди. 1942 йилда иккинчи ўғил туғилди. Тўнғичини эслаб юриш учун бунисига ҳам Володя деб ном қўйишди. Икки йилдан кейин яна бир ўғил — Александр дунёга келди (у ҳозир ирригатор, Владимир областида ишлайди). 1955 йилгача бўлажак космонавтни отаси Дўрмондаги ўт ўчириш командаларига бошчилик қилди, кейинчалик Тошкентнинг турли районларида ишлади. Орадан кўп ўтмай улар — уч киши Москвага жўнаб кетишди. Александр Архиповични СССР Ички ишлар министрлиги қошидаги олий ўт ўчириш курсига ўқишга юборишди. У ердан Карачаево-Черкес автоном областига йўл олди. Ёш Володя эса Тошкентдаги Суворов номидаги ҳарбий билим юртида ўқишни давом эттирди, таътил кунларида ота-онасининг олдига Москвага, кейинчалик Черкеска бориб турди. 1974 йилда Александр Архипович (ҳозир у ички хизмат подполковниги) истеъфога чиқди, шу кунларда хотини билан Ростов яқинида, Егорлинская станциясида яшади.

Ҳикоямиз узилмасин. Келинг, яна «Союз—27» кемаси командирининг болалик йилларига қайтайлик.

Ажиб бир манзарага маҳлиё бўлиб қолган олти яшарли болани кўз олдингизга бир келтиринг-а. Бу воқеа Чимён этакларида бўлган. Ушанда пионер лагерининг кичик группасидаги болаларни экскурсияга олиб чиқишган. Бир юз эллик метр баландликда нуқрадек оппоқ самолёт бир-бир айланиб учарди. Ушанда Володя ҳатто учувчини ҳам аниқ кўра олди.

Шуни яна бир бор эслатайки, Володя беш ёшидаёқ ўқишни, ёзишни биларди, сузишни эса, ўша пионер лагерда ўрганган. Тўғри, аввалига у бўғзига сув тикилиб стаматит билан касал ҳам бўлди. Эсида, ушанда отаси уни кўргани ўт ўчириш машинасида келиб кетганди.

Ҳа, болалик хотираси кучли бўлади. Болалигида кўрган ўша самолётнинг оддий «МИГ» эканини, учувчи эса олий учувчилик санъатини машқ қилаётганини Володя катта бўлгандагина тушуниб етди.

Тошкент яқинида бўлган ҳаво паради ҳам сира-сира эсидан чиқмайди, мактабда ўқиб юрганида отаси олиб борганди.

У биринчи синфни Тошкент тўқимачилик комбинати яқинидаги 107-мактабда тугатди, кейин 50-мактабда ўқиди. Бу ерда уни пионерга қабул қилишди. Ушанда уларнинг оиласи Гоголь кўчасидаги 43-уйда жойлашган ўт ўчириш командаси ҳовлисида истикомат қиларди. Володя кўричак касалига чалиниб, операция бўлгандан кейин учинчи ва тўртинчи чоракни ўйларига яқин 44-мактабда тугатди. Ҳа, боланинг омади келмади. Қизлар синфида ўғил болалардан битта ўзи эди. Ҳамма болаларга ўхшаб у ҳам сўх, тўполончи эди. Лекин бир кун унинг синфидаги қизлар Володянинг жонига ора киришди. Улар катта, бақувват болалар билан уриш чикай-уриш чикай деганида синфдошларининг ёнини олишди.

Владимир Александрович ўша кунларни эслаб, мийғида бир қулиб қўйди: «Ҳа, болаликда нималар бўлмайди. Худди ўша йиллари спортга жуда қизиқиб қолдим».

Ушандаёқ Володя суворовчиларнинг кийим-бошларига сўқ-ланиб қарарди. Бахтига, билим юрти шундай ёнларида эди, ўртоқлари билан бориб уларни девор тиркишидан томоша

қиларди: қизиқ, у ерда қанақа болалар ўқир экан! Орадан кўп ўтмай уйдагилар ўзаро оқшахлашди, 11 ёшли Володяга оқ йўл тилашди:

— Суворовчи бўлишни хоҳлабсанми, майли, бўла қол!

Ўқишини биринчи йили Суворов билим юрти талабаларини пахта теримига олиб чиқилди. Колхоз даласида Володя яна ўша болалигидан таниш гувуллаган овозни эшитди. Кумушсимон самолёт жуда паст учарди. Уша кезлар Володя катта бўлганида «МИГ» штурвални ўзи бошқаражани хаёлига ҳам келтирмасди.

У болалигидан яхши расм чизарди, айниқса самолётларнинг суратини солишга ўч эди. Билим юртида ҳам қўлидан қалам тушмади. Ота-онасига ёзган биринчи хатидеёқ расмолликка асқотадиган қалам, чўтка, батареякали фонарча, бир ғалтак оқ ил ва география дарслиги юборишларини сўради. Уша йиллари Володя Жек Лондон қаҳрамонларини севиб қолди. И. Ефремовнинг «Андромеда туманлиги»ни ўқиб чиқди, К. Циолковский асарларини мутолаа қилди. 1954 йилда унинг қўлига ажойиб бир мақола босилган газета тушиб қолади. Мақола муаллифи, инсон космосга 1975 йилдан олдин парвоз қилолмайдиган, деб исботламоқчи бўлган эди. У газетадан қирқиб олган ўша мақолани чўнтагида узоқ вақт олиб юрди, қайта-қайта ўқиди. Суворов билим юртининг 6-синфда синфдоши Олег Алексеевга эзгу юрак сирини очди: «Космосга учини хоҳлайман!» 1961 йилда эса, майор Воробеевдан: «Мени космонавтлар таёрлайдиган жойга хизматга юборсангиз...», деб илтимос қилди.

Ҳамюртимизнинг самога йўли ана шундай бошланган эди.

Бу йўлдан қайтиш йўқ

Йигитча 1958 йилни айниқса яхши эслаб қолди. Ун олти яшар Володя биринчи бор самолётга ўтирди. Тўғри, ҳозирча у пассажир эди. Бу анчагина эскирган «ИЛ-14» бўлиб, суворовчини Тошкентдан Бокуга олиб келиб қўйди, бу ердан Черкескга икки қадам эди. У ерда ота-онаси яшарди. Бу парвоз унда жуда катта таассурот қолдирди. Юраги қинидан чиққудай бўларди: қани энди учувчилар кабинасига кирса, штурвални ушлаб кўрса, бошига шлемофон кийса... Лекин одамлар олдида ўз туйғуларини ошқор қилишга уялди.

Таътил кунлари ота-онасини кўргани келди, парвоз таассуротларини тўлиб-тошиб узоқ гапирди. Уша унутилмас кунлари Володянинг ҳаётида яна бир воқеа содир бўлди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у ўша қизни... бир кўришдаёқ севиб қолган эди.

Кўзлари тимқора, нозиккина бир қиз кўчани кесиб ўтарди. Володя унга пешвоз чиқди, қизга қараб кулимсиради. Аниқ ёдида, 18 июль эди. Бу сана уларнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди. Жонибековлар ўзларининг илк учрашувларини гапириб ўтиришдию тўсатдан мандан: «Бўлажак хотинингиз билан биринчи учрашган кунингизни эслайсизми!» деб сўраб қолишди.

Қанча уринмай, барибир эслаёлмадим. Кейинчалик мен бу саволни дўстларимга, ҳамкасбларимга бердим. Уша унутилмас кунини кўпчилиги эслаёлмади. «Биринчи таассурот анча кучли бўлади. Юзида, кўзида меҳр-саховат товланиб турган, истараси иссиқ одам билан икки оғиз гаплашсангиз, руҳан бойгандай бўласиз, у сизга илҳом бахш этади», дейди Лилия Мунировна. Шундай пайтда беҳтиёр Дзержинскийнинг хотинига ёзган хатларидан айрим сатрлар эсимга тушади: «Бошқалар учун ёруғ нур бўлиш, қалбингдан ҳаманша зиё таратиш — инсон учун бундан ҳам олий бахт бўлмас керак. Ана шунда одам ҳеч қандай азоб-уқубатлардан, дард-аламлардан, ғам-ғуссалардан, муҳтожликлардан қўрқмайди, ана шундагина инсон ҳаётни чинакамига сева олади».

...Сўнгра Тошкентдан Черкеска, Черкескдан Тошкентга тинимсиз мактублар уца бошлади. Таътил кунлари улар албатта учрашиб, бирга дам олишар, келажак режаларини тузишар, севинч ва ташвишлари билан ўртоқлашарди. Кейинчалик ўзаро хат ёзишлар Тошкент билан Ставрополь ўртасида давом этди, Лилия бу ерда музика билим юртида ўқирди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ёшларнинг адреслари яна ўзгарди. Лилия Саратов консерваториясига ўқишга кирди, Володя эса ҳужжатларини Москва университетининг астрономия бўлимига топширмоқчи бўлди. Суворов билим юрти ўқитувчилари унинг математикага салоҳиятини, инглиз тилини яхши билишини,

география, астрономия, радиотехникага жуда қизиқишини бежиз мақташмаган эди. Лекин ишлар кутилгандан бошқача бўлиб чиқди. Йигитча Москвада имтихонларни қойилмақом қилиб топширди. Конкурс жуда катта бўлди. Володяга ўша олган баҳолари билан ўз бахтини Ленинград университетининг физика факультетида яна бир бор синаб кўришни таклиф қилишди. Ота-онаси, Лилия унинг ёзган хатларидан Володяни Ленинград университетига қабул қилишганини билишди. Лекин улар барвақт хурсанд бўлишган экан.

Александр Архипович зудлик билан Ленинградга жўнаб кетди: ўғлига нима бўлдикин!

Университетдаги ҳаёти ҳам бир маромда кетмади. Володя эртаю кеч парвоз ҳақида ўйларди. Бир гуруҳ йигит-қизларни тўплаб, парашют спорти секциясини тузди, планеризм билан шугулланишни мўлжаллаб қўйди. Шаҳарнинг бир чеккасидаги аэроклубга қатнаш, университетдаги топшириқларни вақтида бажариш, жамоат ишларидан четда турмаслик, спорт мусобақаларида қатнашиш... Буларнинг ҳаммасига улгурши осон эмасди, сира вақти етишмасди. Бунинг устига Тошкентда оғир атлетика билан шугулланганда орттирган касали яна билина-япти — думгазаси тез-тез оғриб туради. Хуллас, бир тўхтама келиш — ё физикани ё авиацияни дейиши керак эди. Охири иккинчи истак устун келди. Зеро, у фақат учиб орзуси билан яшарди, нафас оларди.

Отаси ўғлига далда берди-да, «Онани билан яна бир бор маслаҳатлашай», деб жўнаб кетди. Ниҳоят, ота-она розилик беришди. Ҳаёт йўлини танлаш хусусида гап кетган ўша оғир кунларда Лилия Володяга суянчиқ бўлди: «Осмонни танлаганингдан жуда хурсандман», деб ёзди у бир хатида.

Володя авиация билим юртига кириш учун ярим йил тайёргарлик кўрди. Аввало жисмоний анча қабулват бўлишга уринди, йўқса самолёт штурвални кўриш насиб этмайди. Спортнинг кўпгина турлари билан астойдил шугулланди. Мерганлик бўйича Карачаев-Черкеск чемпиони бўлди.

...1962 йилнинг 6 июнида у «Як-18»да биринчи бор ёлғиз ўзи учди, кейин икки киши бўлиб товушдан ҳам тез учадиган қирувчи самолётда парвоз қилишди. Ейскдаги ўқиш йиллари жуда тез ўтиб кетди. У кечаси ҳам, кундузи ҳам осмондан тушгиси келмас, соатлаб учиб, фазо бағрида юраверсам дерди. Чунки Володя жон-дилдан яхши кўрадиган ишини топган эди.

Уни билим юрти комсомол комитетига, деворий газета редколлегиясига, ҳарбий илмий жамиятга аъзо қилиб сайладилар. Энди у қанча топшириқ бўлмасин, барчасига куч ҳам вақт ҳам топишга ўргана бошлади.

...Уй эгаси билан ўша йилларда олинган оилавий суратларни кўздан кечирамиз. Мана, Володянинг биринчи парвоздан кейин аэродромда тушган сурати, Лилия, ота-онаси билан тушган расмлар. Бир суратдан бахтиёр келин-куёвлар кулиб боқарди. Уларнинг тўйи Володя Ейск олий ҳарбий билим юртини тугатишдан бир йил бурун бўлганди. Володя ЗАГСда ҳужжат тўлдиран экан, «Қайси фамилияни оласиз!» деган савол рўпарасига «Жонибеков» деб ёзиб қўйди. Шунинг ҳам айтилиши, Лилиянинг ака-укалари йўқ эди. Унинг бобоси Ҳамид Жонибеков нўғай ёзувининг асосчиси, Шимолий Кавказдаги атоқли маърифатпарвар ва жамоат арбоби, ўғли Мунир Абдул эса, Шимолий Кавказда илк совхозларни ташкил этган фидойилардан эди. Табиийки, Лилиянинг отаси оилавий сулолани давом эттириш ниятида эди. Шунинг учун Володя ҳеч иккиланмай бу машҳур фамилияни қабул қилди.

Шу тариқа икки хонадон қариндош бўлиб қолишди. Энди бу оила аъзоларининг қайси миллатга мансуб эканини айтиш қийин. Александр Архипович — украин, Мунир Абдул Ҳамидович — нўғай, уларнинг хотинлари — Евдокия Федоровна билан Лидия Мефодиевна — рус. Хуллас, бу оилани кўп миллатли совет мамлакатининг жажоки бир бўлаги деса бўлади.

Орадан яна бир йил ўтгани сезилмай ҳам қолди. Ейск авиация билим юрти буйруғида шундай дейилганди: «Жонибеков меҳнатсеварлиги ва жиддийлиги билан ажралиб туради. Ўқиш давомида у 52 фандан имтиҳон топширди, шулардан — «аълоси» — 44, «яхшиси» — 8та. Лейтенант Жонибеков Владимир Александрович билим юртида инструктор-учувчи қилиб қолдирилсан».

У курсантларни товушдан тез учадиган машиналарни бошқаришга ўргатарди. Володя чет тилларни билгани учун унга чет эллик ҳамкасбларининг стажировкасига раҳбарлик қи-

лишни ишониб топширишди. Володя ўз мамлакатларининг осмонини қўриқлаётган шогирдларидан ҳали-ҳалигача миннатдорчилик сўзлари ёзилган хатлар олиб туради.

В. Жонибековнинг кутубхонасида ажойиб бир китоб бор. Александр Невский ва бошқа саркардаларга бағишланган бу ноёб китобни унга Суворов билим юртидаги сеvimли география ўқитувчиси Г. Родионова совға қилганди. Володя хатларидан бирида унга шундай деб ёзганди: «Билим юртимизни бир умр меҳр билан эслаб юраман. Яшашга, энгишга ўратган сабогингиз учун, ҳаётга берган ажойиб йўлланмангиз учун Сизга яна бир бор миннатдорчилик билдираман...»

Ҳа, энгиш илмини ҳамма ҳам эгаллайвермайди. Лекин Ўзбекистон комсомоли тарбиялаб етиштирган ҳамюртимиз Владимир Жонибеков бу илми мўкамал эгаллаган. У қўтлуғ мақсад йўлида дадил одимлади. Гагарин парвози ва ундан кейинги парвозлар Володя учун самонинг давоми, хаёлий мўъжизанинг реал воқеликка айланиши эди.

Владимир Жонибеков космонавт бўлиш ё бўлмаслик ҳуқуқини берадиган беш ойлик имтиҳондан шараф билан ўтишга тайёргарлик кўрарди.

Гагарин сўқмоғидан қадам ташла

Космик абитуриент... Владимир Ейск билим юртига ўқишга кирганида медикларнинг ҳарбий учувчиларни қанчалик қаттиққўллик, инжиқлик билан танлашганини кўрган эди.

Учувчиларни шунчалик чиғирикдан ўтказишга, космик абитуриентларни қандай текширшаркин!

Уларга рўбарў бўлсанг, албатта бирор касал топишади, ана унда космос у ёқда турсин, умуман осмон билан хайрлашишга тўғри келади.

...Госпитал йўлаклари. Госпитал ҳам қандайдир бошқача. Бу ерда касаллар йўқ, чунки бу даргоҳда космонавтика номзодларни танлаб олишади. Йўлақларда қатор-қатор эшиклар. Остона ҳатлаб ичкари ўтсангиз ҳар хонада инжиқ, ўлғудай синчков врачлар ўтиришади. Қаттиққўлликда бир-бирдан қолишмайди. Ҳар комиссиядан кейин Жонибековдаги ишонч кучая борди: ўша Гагарин сўқмоғи бошланадиган маррага атиги бир қадамгина қолган эди.

Ҳа, дарҳақиқат ўз орзуси йўлида сабот билан курашган, кучига ҳамиша ишонган одамгина ниятига етади.

Госпиталдаги синовлар бир-бириндан оғир, мураккаб. Зеҳнингни, хотирангни, топқирлигингни, сезгингни, собитлигингни текшириб кўришади. Аслида буларнинг ҳаммаси учувчига ҳам керак. Лекин космонавтдан ўн баравар кўп талаб қилишади.

Назарий билимларингни синчиклаб текшириб кўришади бу ерда. Сенека: «Машаққатларни енголсанг, юлдузларга йўл очилур», деб бежиз айтмаган. Владимир Жонибеков ана шу машаққатларни енголдди.

1970 йил унинг учун икки томонлама бахтли йил бўлди: уни космонавтлар отрядига ва КПСС сафига қабул қилишди.

Лилия ва кичкина қизчаси билан улар Космонавтлар шаҳарчасига кўчиб келишди. Икки йилдан кейин янги совет космонавтининг номини у учмасидан олдин бутун олам эшитди. Жонибековни Романенко, Рюмин, Иванченко ва бошқалар қаторида «Союз—Аполлон» қўшма программани бошқариши керак бўлган «Союз—19» кемасининг резерв экипажига киритдилар. Океан ортида сафарда бўлди, америкаликлар билан бирга Хьюстон ва Космонавтлар шаҳарчасида машқлар ўтказди. Жонибековнинг оилавий альбомидаги ўнлаб суратлар ўша кунлар ҳақида ҳикоя қилади. Мана, 1974 йилда, қизи Ольга тўғилганда олинган сурат. Яна қанчадан-қанча суратлар...

1975 йил ҳам етиб келди. Шу ўринда суворовчи Володя газетадан қирқиб олиб, чўнтагида узоқ йиллар сақлаб юрган ўша мақолани эслаб ўтиш ўринли. Реал воқелик фантастикани орқада қолдириб кетди, ўша мақолада айтилганидек, Ер орбитасига биринчи одам эмас, балки бирдангига икки кема йўл олди, космик фазода учрашиш учун бу кемалар турли қитъалардан учирилди. Уларга қадар ўн тўрт йил давомида замин фарзандларидан ўнлаб киши космосда бўлди.

«ЭПАС» программаси ниҳоясига етганидан кейин (резерв экипажнинг кераги бўлмай қолди) Жонибеков янги топшириқни бажаришга киришди.

У Бойқўнирга жўнаб кетаркан, хотини билан онасига хурсанд бўлиб шундай деди:

— Ташвиш тортманглар, ҳаммаси жойида бўлади! Радиони тингланглар...

Кичкина Ольга кейинчалик телевизор экранида дадаси ва унинг дўсти Олег Макаровни кўриб хайрон бўлиб сўради: — Ой! Нима, дадам энди телевидениеда ишлаяптиларми!

Владимир Жонибеков билан Олег Макаровнинг ерга яқин орбитадаги беш кунлик экспедицияси давомида «экипажнинг ташифи» деган янги термин тўғилди. «Прогресс» транспорт кемаларининг стартлари ва «Интеркосмос» программасининг иштирокчилари — социалистик мамлакатлар космонавтлари билан биргаликдаги парвозлар ҳисобга олинганда бу космик фазони ўзлаштиришда янги бир босқич эди.

...Владимир Александрович билан суҳбатимиз аста-секин ҳозирги замон космонавтикасининг истиқболи, унинг халқ ҳўжалиги учун аҳамияти мавзуга кўчди.

Чет эл матбуотидан бизга маълумки, ҳозирги замон хариталари географик нуқтаи назардан унча аниқ тузилган эмас. Космик кемалар бортидан ва Ер йўлдошларидан қитъалар координати аниқлана бошлаганидан буён, масалан, Британия ороллари, Франция соҳилларига яқинроқ жойга «кўчириш», яъни Европа соҳилига 190 метрга «суриш» кераклиги маълум бўлди. Янги география хариталарига яна бошқа бир тузатиш киритиш керак эди: Шетландия соҳилларини ҳозир тасвирланганига кўра жануб томонга 63 метр ва ғарб томонга 116 метр «суриш» керак бўларкан.

— Космосдан туриб фойдали қазилмалардан бошқа нарсаларни ҳам «қидирса» бўлади, — деб ҳикоя қилади Владимир Александрович. — Василий Лазарев ва Олег Макаров билан бирга «Союз—12»да учганимиздан кейин Устюрт остида жуда кенг майдонда чўчүк сув борлиги аниқланди. Илгарилари бу ерда сув топишга умид ҳам қилишмаган эди. Мана энди улкан ер ости чашмаси одамлар хизматида. «Салют»лар бортида ўтказилган тадқиқотлар вақтида Помирдаги Сарез кўли атрофининг комплекс баҳоси берилди, Вахшдаги Рогун ГЭСи қурилишини лойihalаш ва қуриш учун жуда қимматли маълумотлар олинди.

Кўпгина министрликлар ва идораларга зарур бўлган табиий ресурслар ҳақидаги космик маълумотлар яқин келажакда юз миллионлаб иқтисодий самара бериши мумкин. Космонавтика табиятшуносликдан бўлак ҳеч нима билан шўғулланмаган тақдирда ҳам, космонавтика ривожига сарфланадиган барча харажатларни табиат ресурслари ва ердаги инсонни қўршаган муҳит ҳақидаги ноёб маълумотлар ҳисобигагина қоплаш мумкин бўларди.

Суҳбатлашиб ўтирганимизда эшик қўнғироғи жириглади. Лилия Мунировна очгани кетди.

— Володя, қўшниллар чақиршяпти. Ёрдам бериш керак экан, — деди хотини.

Владимир Александрович эндигина биринчи космик парвозга тараддуд кўраётган қўшнисиникига чиқиб кетди.

— Тажрибаси билан бир ўртоқлашиш учунми! — деб қизиқиб сўрадим Лилиядан.

— Ҳа, маълум маънода шундай, — деди у кулимсираб. — Қўшнимизнинг приёмниги бузилиб қолибди. Роса қовлашибди-ю, лекин тузатишолмабди. Узингиз биласизу у болалигидан техникага ишқивоз эди...

Кейинчалик Владимир Александрович ўз конструкцияси бўйича ишлаган, игна билан даволаш аппаратини, радио, телеаппаратуранинг мураккаб комбинациясини кўрсатди, унинг квартираси бунақа нарсаларга тўлиб кетганди.

...Мана шу қиссам учун материал тўплаш давомида меҳмондўст Жонибековлар хонадонида жуда кўп бўлганман. Ҳар гал уйда ўзим учун муҳим бир нарсани қайд этаман. Космонавт кителида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузи, бошқа мукофот, орден ва медаллар билан бирга Ейск авиа ва Тошкент Суворов билим юртларини тугатганидан далолат берувчи икки ромб қадалганди, зеро унинг космосга парвоз қилиши учун ўша билим юртлари қанот бахш этган эди.

Инсоннинг фалакка интилиши чексиздир. Космонавт ҳамюртимиз янги парвозларга ҳозирлик кўрмоқда. Ҳозир у 37 ёшда. Фан йўлида, Ватан бахт-саодати йўлида янги-янги зафарлар қучадиган айни камолат ёшида.

Ҳ. РЎЗИМАТОВ таржимаси



Эркин Мадраҳимов

Йигирма иккилар

*Йигирма иккилар... Бу калима тилга олинши билан
ҳар бир хоразмлик ҳамон ўйга толади.*

Кимлар эди ўша йигирма иккилар?

*Езувчи ва журналист Э. Мадраҳимовнинг ушбу
ҳикояси Хоразм данколари ҳақида.*



Урганчининг темир йўл вокзали майдонида кўкка бўй чўзиб турган мармар ёдгорлик бор. Унинг пойидан қишин-ёзин гуллар, гулчамбарлар аримайди. Бу ёдгорлик ёнидан одамлар сукут сақлаб ўтишади, пойида ёниб турган мангу оловдан қалблар беихтиёр ларзага тушади. Зеро, бу шунчаки олов эмас. У — Хоразм данколари ва прометейлари — илм-маърифат йўлида ҳалок бўлган йигирма икки нафар комсомолнинг мангу ёниқ ЮРАГИ.

Ёдгорлик мармарига зарҳал ҳарфлар билан шундай сўзлар ёзилган: «Хоразмда маориф, маданият, халқ бахти, саодати йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган 22 комсомолнинг хотираси қалбимизда абадий сақланади».

Уларни ёш совет ҳокимиятининг душманлари — босмачилар бундан олтмиш йил муқаддам, 1924 йилнинг 25 август кунини 26 Боку комиссаридек қийнаб қатл этишган. Уларнинг айби... илм олиш, ленинча фан негизларини эгаллаш учун алангали орзулар қанотида ўқишга йўл олишгани. Жаҳолатдан маърифатни афзал кўришгани. Улар — йигирма икки маърифат қурбони Хоразмга саводхон муаллимлар, тарбиячилар, зиё таратувчилар бўлиб қайтишмоқчи эди. Уларнинг армонлари дарё соҳилида елга соғурилди. Аму тўлқинларини қип-қизил қонга чулғади...

1924 йил, 23 август.

Асрлар ўтар, лекин ўша машъум кунни Хоразм аҳли ҳеч қачон ёдидан чиқармас. Уша кунни Хоразм Совет Социалистик

республикаси пойтахти — Хива шаҳрининг кўча ва майдонлари эрталабданоқ байрам кайфиятидаги кишилар, ёш-яланг билан гавжум бўла бошлади. Воҳанинг деярлик барча шаҳар ва қишлоқларидан тумонат одам йиғилди. Улар Москва, Тошкент, Қозон шаҳарларига ўқишга отланаётган 200 нафар йигит-қизни тантанали кузатиб қўйиш учун шаҳар марказий майдонига тўпланди. Унутилмас шодиёнага бағишлаб ўтказилган митингда Хоразм Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг, Хоразм ССР Марказий Ижроия Комитетининг раҳбарлари ўқишга отланаётган оловқалб ёшларга оқ йўл тилашди.

Қалдирғоч маърифатсеварларни Хивадан Урганчга, ундан Амударё соҳилидаги кемалар тўхтайдиган Чалиш бекатигача минглаб киши кузатиб қолди. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб кемаларга ўтирдилар. Бир неча кема оқим бўйлаб Орол денгизига қараб йўл олди. Ёшлар денгиз оша Аральск шаҳрига, у ердан эса, поездга тушиб Москва ва Қозонга етиб боришлари лозим эди. Улар соғ-саломат манзилларига етишди. Бироқ...

Сўнгги кемадаги қирқ йигит-қиз Чоржўй орқали Тошкентга жўнашди. Амударё тўлқин уради. Ёш қалблар ҳаяжондан тўлқин каби чайқалади, номаълум манзиллар орзуси дилларга олам-жаҳон севинч бағишлайди.

Қоронғи тушганда кема Хазорасп мавзеига яқинлашиб қолди. Ногаҳон қалин тўқайзор ичидан қарсиллаб ўқ отилди. Кема тумшугида турган дарға кўксини чангаллаганча дарёга йиқилди. Ҳамма ёқни қий-чув босди. Икки йигит сапчиб турдию, шу заҳоти ўққа учди. Ёшларга раҳбар бўлиб бораётган Хоразм комсомоли Марказий Комитетининг бўлим мудирини Матназар Одамов қўл силтаб қичқирди:

— Етинглар! Кемадан бошларингизни чиқарманглар!.. Босмачиларга дуч келдик. Бизни пойлаб ётишган экан лаънатилар...

Қизлар йиғлаб юборишди.

Соҳилдан дўриллаган овоз эшитилди:

— Кемани қирғоққа ҳайданглар! Уқийдиган ерларингга етиб келдинглар, кофирлар!

Иккинчи дарға ҳам ўқ еб, қонга беланиб ётган эди.

— Оғайнилар, қўрқманглар. Энди не бўлса бўлди, — дея далда берди Матназар дўстларига. Кейин овозини баландлатиб қирғоққа қараб бақирди, — отманглар, буларнинг не гуноҳи бор! Бунинг устига, ҳаммамиз қуролсизмиз.

Кема бошқарувчисиз қолди, оқим бўйлаб орқага қайта бошлади. Тўрт-беш босмачи дарёга шўнғиб, кемага яқинлашди. Уни судраб қирғоққа олиб чиқишди. Соҳилда етмишга яқин отлик босмачи турарди. Дурди Қилич бошлиқ босмачилар воҳанинг қум-чўлларида яшириниб юрар, қишлоқ ва овулларни талаб, қўлга тушган инқилобчиларни ўлдириб кетишарди. Уларга ёш Хоразм республикаси ҳукуматига ниқобланиб кириб олган ёт унсурлар яқиндан ёрдам бериб туришар эди. Бир гуруҳ ёшлар ўқишга кетаётганини ҳам босмачилар ана шу маслакдошларидан эшитишган эди.

Босмачилар йигитларни аёвсиз ура кетишди. Қизлар бир-бирининг пинжигга тикилиб, уввос солиб йиғлашарди.

— Бошқаларинг қани! — дея ўдағайлаб сўради Дурди Қилич Матназар Одамовдан, — йўлга отланган икки юз киши эмасмиди!

— Қолганлари... икки кундан кейин йўлга чиқади... — алдади Матназар. — Лекин сизлардан ўчимизни олмай қўйишмайди. Сиз йиртқичлар бизни ўлдиришингиз мумкин, лекин минглаб йигит-қизларни, уларнинг армонларини ўлдиришмайсиз. Яхшиликча бизни қўйиб юборинглар!

— Ҳали шундайми! — Ғазабга минди Дурди Қилич. Сўнг йигитларга им қоқди. — Қани, бу ярамасни бир мулла қилиб қўйинглар-чи...

Матназар яна калтак остида қолди.

Машариф Полвоновга навбат келди. У Хоразм театрининг бош режиссёри эди, спектаклларда кўпинча дин пешволарининг кирдикорларини фош этар эди. Уни ҳам «Исломи, ҳазрат эшонларимизни калака қиладиган сенми!» дея калтаклаб, қора қонга белашди. Босмачилар бу билан тинчишмади. Йигитларни

ечинтириб, қўл-оёқларини боғлаб кемага юз-тубан ётқизди-лар.

— Қизларга маҳкам бўлинглар! — буюрди Дурди Қилич. — Уларни сенларга бўлиб бераман. Кемани дарёнинг адоғига ҳайданглар. Биз Хонёнда кутиб турамыз.

Дурди Қилич тўдаси кемани тайинланган жойда кутиб олди. Йигитларни кемадан тушириб, яна қийнашди. Кейин уларни бир-бирига икки-уч нафардан танғиб, каналга отдилар. Матназар Одамовнинг тилини кесишди, кўзларини ўйиб, сувга чўктирдилар.

Ҳали суяги қотмаган беш-олти ўспиринни Дурди Қилич бир четга чиқарди.

— Мана, кўрдинглар, дини ислом йўлидан тойиб, Шўролар мактабда ўқийман деганининг ҳоли шу, — дея уларни қўйиб юборди. Усмирлар Хива сари йўл олдилар. Дурди Қилич ва унинг йигитлари Онабиби Сафоева, Онабиби Муродова, Фотима Бекмуҳамедова ва Мария Емельяноваларни ўзлари билан бирга олиб Қўнғиротнинг қуйи этакларидаги бепоён даштга кириб кетишди...

Хоразм мотам ичида қолди. Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг органи «Инқилоб қуёши» газетаси 1924 йил 3 сентябрдаги сонидида «Жунаид галалари ҳалок этган йигирма иккилар» сарлавҳали хабар босилиб чиқди. Унда Файзулла Вафоев, Матназар Одамов, Машариф Полвонов, Оллабегар Заргаров, Собир Заргаров, Эрнафас Бобожонов, Бекмуҳаммад Қозоқов, Чилизин, Қодир Муродов, Қаландар Қурбонниёзов, Ваис Муҳаммаджонов, Ойданбоев, Шарипов, Қурбон Ниёзов, Онабиби Сафоева, Онабиби Муродова, Емельянова ва Фотима Бекмуҳамедоваларнинг номлари қайғу билан зикр этилган эди.

Марҳумларнинг жасадаларини қидиришга катта куч сафарбар этилди. Ун беш йигитнинг жасади топилди ва Хивага келтириб дафн этилди. Бу даҳшатли воқеа ҳақидаги хабар бутун Ўрта Осиёни чуқур қайғуга солди.

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар ўтарди. Мотам кунлари минглаб ёшлар комсомол сафига аъзо бўлиб киришди, юзлаб қизлар чимматларини ўтга отишди. Тўрт нафар қизнинг тирик экани — улар Дурди Қилич ва унинг шайқаси қўлида тутиқинда эканлиги аниқ эди. Шу боисдан уларни ахтариш жадал давом эттирилди. Қўмларда яшириниб юрган босмачиларга, биринчи навбатда Дурди Қилич галасига Мурожаатнома ёзилди, кўп нусхада нашр этилди ва самолётдан босмачиларга юрадиган қўмликларга ташланди. Мурожаатномада қизларни яхшилиқча қўйиб юбориш талаб этилган эди.

...Декабрнинг охирлари. Маърифатпарвар йигирма иккиларнинг босмачилар қўлида омон қолганлари — Онабиби Сафоева, Онабиби Муродова, Мария Емельянова ва Фотима Бекмуҳамедовалар Хивага қайтиб келишаётгани ҳақидаги хабар овоза бўлди.

Босмачилар чангалидан озод этилган фарзандларини шаҳар аҳли, ота-она ва қариндош-уруғлар зор йиғлаб кутиб олишди. Онабиби Сафоева ўша кечаси эри Карим Сафоевга ёлборди. У Ўрта Осиёда ўтказилган миллий чегараланишдан кейин Хоразм округи совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланган эди.

— Мени эртага эрталаб округ партия комитетига олиб боринг.

— Нима эди! — сўради Карим Сафоев рафиқасининг бандиликда сўлиган юзларидан кўзини олмай. — Айтадиган бирор гапинг борми!

— Бор, Карим оға, муҳим гапим бор, — деди Онабиби ўзини босолмай.

— Узимга айтқоқ, — деди Карим Сафоев. — Ахир мен ҳам бюро аъзосиман.

— Бюрода айтаман! — Гапни қисқа қилди Онабиби. Эртасига Карим Сафоев Онабибининг округ партия комитетига бослаб борди. Оқружком секретари Хонсуворов унинг илтимосига биноан дарҳол бюро аъзоларини тўплади. Онабиби ўртага чиқди.

— Сизларга муҳим гапим бор! — деди у. — Лекин, аввал... — у бюро аъзоси, оқружкомнинг ер-сув ишлари бўлими мудирини, миллий чегараланишгача министр бўлиб ишлаган Яхшигалдига нафратланиб тикилди. — Аввал анавини қўрсизлантиринглар!

Яхшигалди кутилмаган саросимага тушиб қолди.

— Майли, столга қўйинг-чи қуролингизни, — деди Яхшигалди Хонсуворов. — Эшитайлик-чи, нима гап экан.

Яхшигалди аллақачон сурпдек оқариб кетган эди. У дир-дир титраб тўппончасини столга қўйди. Онабиби бандиликда — Дурди Қилич қароргоҳида яшаётганида эпчиллик билан бир хужжати қўлга туширган эди. Бу — Яхшигалдининг дастхати, босмачилар шайқасига ёзилган мактуб эди. Онабиби уни секретарга узатди.

— Ешулли, ораларингизда душман бор экан-у, билмабсизлар. Бунни бир ўқиб кўринг...

Қизлар сақлаб турилган жой маълум бўлгани, энди уни ўзгартириш лозимлиги ҳақида Дурди Қиличга ёзилган хат қўлдан-қўлга ўтди.

Орадан кўп ўтмай Дурди Қилич шайқаси ҳам тор-мор этилди. Улар устидан бўлган судда Онабиби қораловчи бўлиб қатнашди. Суд Дурди Қиличнинг отиб ўлдиришга қарор қилди. Хўкмини шахсан ижро этишни Онабибига топширдилар.

Онабиби Сафоева билан Онабиби Муродова ёш совет республикасининг фаол қизларидан эди. Хотин-қизлар озодлиги учун ва саводсизликни тугатиш йўлида Онабиби Сафоева олиб борган ишлар айниқса диққатга сазовордир. У 1927 йилнинг 27 ноябрида Тошкентда бўлиб ўтган ишчи-деҳқон хотин-қизлари биринчи республика съездининг делегати бўлиб қатнашди. Шу йили САКУга — Ўрта Осиё Коммунистик университетига ўқишга кирди. Университетни 1931 йилда муваффақиятли тугаллади. ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси коммунист Онабиби Сафоевани Бухоро округининг Қизилтепа районига йўллади. Унга чигит экиши ва коллективлаштириш кампанияларида округ партия ва совет ташкилотларига ёрдам бериш вазифаси топширилган эди.

Қулоқлар қутурган дамлар.

«Жуда қийин шароитда ишлаяпман, чиқон¹, — деб ёзган эди у яқин дугонаси, ўша пайтда Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг раис ўринбосари бўлиб ишлаётган, асли хоразмлик Норжон Абдусаломовага. — [Ўшанда — 1924 йилнинг 23 август кўни Норжон ҳам бир гуруҳ ёшлар билан ўқишга отланган, Норжон тушган группа Москвага эсон-омон етиб олган эди. Норжон пойтахтда бир неча йил таълим олиб қайтди.] Қулоқлар ҳаддидан ошиб кетди. Эрталаб туриб «у ерда фалончи активни ўлдиришибди, бу ерда фалончини сўйиб кетишибди» деган гапларни эшитамиз. Қоронғи тушиши билан партия-совет активларини ахтариб ажал санқийди. Кун ботар-ботмас бир ҳовлига кирсак, душманни чалғитиш учун нариги ҳовлида тунаймиз. Босмачиларни тугатгандек, қулоқларнинг уруғини ҳам тезроқ қуритсак, колхоз тузсак-да, саодатли, осуда турмуш кечирадиган кунларимиз тезроқ келса дейман...»

Шум ажал, барибир, унинг орзу-армонларини рўёбга чиқармади. Онабиби Сафоева ўша йили Аравон қишлоғида ниқобланган қулоқлар — коллективлаштириш тузуми душманлари томонидан заҳарлаб ўлдирилди.

Мария Емельянова 1925 йилда Хивада вафот қилди. У тутқинликда қаттиқ касалга чалинган эди. Онабиби Муродова билан Фотима Бекмуҳамедовалар воҳада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва коллективлаштириш йилларида ҳам, Улуғ Ватан уруши йиллари ва урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ҳам эл-юртга катта хизмат қилишди. Фотима Бекмуҳамедова ҳозир Андижонда истиқомат қияпти.

Бугун Хоразм комсомоли республика комсомол ташкилотининг жанговар отрядларидан бири. Миллий чегараланишдан буён ўтган давр ичида воҳа йигит-қизлари катта бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Маърифат қурбонлари илм-фан йўлида ҳаётдан буюк армон билан кўз юмган эдилар. Эндиликда Хоразм ёппасига саводхон. Областада умумий таълим мактабларининг ўзи 400 дан кўпроқ. Уларда таълим олаётган 230 минг ўқувчига 16 мингдан зиёд педагог фан негизларини ўргатмоқда. В. И. Ленин номидаги Хоразм давлат педагогика институти, Тошкент халқ хўжалиги институти филиали ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институтининг умумтаълим факультети, 9 техникум ва билим юртида 13 мингдан ортиқ студент билим оляпти. Областада 150 фан кандидати, уч фан доктори бўлиб, улар комсомол сафида тарбияланган олимлардир.

¹Чиқон — дугона



Илья Эренбург

ЎЗБЕКЛАР

Ўзбек жангчиларининг Улуғ Ватан уруши ишларидаги қаҳрамонликлари ҳақида юзлаб бадиий ва ҳужжатли асарлар битилган. Куйида забардаст рус ёзувчиси Илья Эренбургнинг оғир жанг кунларида ёзилган очеркини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Жануб қуёшининг нурлари қорайтирган мана шу бугдойранг йигитларни каттиқ табиатли шимолимизнинг ботқоқликлари ва ўрмонларида кўриш ғалати туюлади. Лекин ўзбеклар бу жойларни: «Бизнинг еримиз», деб ғурурланиб гапирадилар. Улар қадимги рус шаҳри Ржев учун курашмоқдалар, бу шаҳар ўзбеклар учун ҳам жонажон бўлиб қолган.

Ўзбекнинг қиёфаси мохир ҳайкалтарош қўли билан сайқал берилиб камолатга етказилганга ўхшайди. Ана, икки ўзбек жангчиси асир фрицни ҳайдаб кетяпти. Фрицнинг боши кичкина, думалок кўзлари шилпик, башараси ифлос чўққанинг тумшугини эслатади. Унинг ортида эса иккита чиройли ўзбек йигити бораётир. Шу аснода янги ирк назариясини яратган фашистларнинг «шимолий қабилаларнинг гўзаллиги» тўғрисидаги рангбаранг, тутуриқсиз валдирашлари эсингга тушади.

Мен Волга дарёси бўйида ўзбеклар озод қилган рус кишлоғини кўрдим. Фаргона водийсида тинч ва осойишта кишилар яшар эди. Улар меҳнатни, улфатчиликни, юдузлар чараклаган осмонни севар эдилар. Улар қуролларини яланғочлаб бировга дўқ қилмас эдилар. Лекин мана энди мудҳиш пайт келиб қолди, шунинг учун ҳам ўзбеклар довурак бўлиб жангга кирдилар. Улар Ватанимизнинг бошқа халқлари билан бир қаторда ҳаётни, рухни, ғаллани, орзунни, озодликни ҳимоя қилмоқдалар.

Халқ бахшиси Ислон шоир «Ўзбекнинг юраги — шернинг юраги» деди. Дарҳақиқат, шундай. Мана, мисол: Иброҳим Ҳақимов жанговар топшириқ билан кетаётган эди. Уни йўлда бир командир тўхтатиб: «Мени анови ўрмонга бошлаб боринг», деди. Анча йўл босганларидан кейин Иброҳим Ҳақимов бирдан гитлерчиларни кўриб қолди. «Фрицлар!» деб кичкирдию, дархол душманга қарата пулемётдан ўқ узди. Шу пайт «командир» Иброҳим Ҳақимовнинг қўлига ёпишди. У совет командири кийимини кийиб олган душман эди. Лекин ўзбек йигити бўш келмади, фрицни ерга босиб, оёқ-қўлини боғлади ва штабга олиб келди. Иброҳим

Ҳақимовнинг кўкрагида Қизил Байроқ ордени, кўйнида эса, севган ёридан келган хат бор. Бу қизнинг номи — Ўғилжон. Ёри ўз хатида: «Сен билан фахрланаман. Фаҳрим, сени кутмоқдаман ва кутажакман», деб ёзибди.

Серқуёш Ўзбекистоннинг хотин-қизлари жуда дилбар бўлади. Мана, Ўғилжон йўлда бораётир. Унинг кўзлари оху кўзлари каби чиройли, бели нозик, қўлида эса, муздек тиник сув тўлдирилган кўза. Волгада эса, Ўзбекистоннинг ботир ўғиллари ЎЗ ерларини ҳимоя қилмоқдалар. Узок ўлкадаги хотин-қизларнинг номлари ҳам чиройли: Ҳанифа, Ҳалима, Лайли, Гулнор, Саодат; ўзбек жангчилари уларнинг номуслари учун курашмоқдалар.

Ленинградни ҳимоя қилувчилар орасида ўзбеклар кўп. Лейтенант Мелиқулов жангларда шуҳрат қозонди. Унинг взводи икки юз фрицни кириб ташлади. Мелиқулов, менда ҳозир фақат бир истак бор, у ҳам бўлса азиз тупроғимизни шумоёқлардан тозалашдир, дейди. Жангчи Тоштемиров шимолий пойтахтимиз учун мардонвор курашмоқда. У бундай дейди: «Ленинградни лаънати гитлерчиларга бермаймиз. Биз ўзбеклар русларнинг дўстимиз. Бизнинг дўстлигимиз Помир тоғларининг тоши каби қаттиқ ва мустаҳкам».

Панфиловчилар ўзбек йигити Мамадали Мадаминовни сафларига олиб, унга жанговар қурол топширдилар: у саксон тўрт фрицни ўлдирди. Мамадали милтикни иззат билан қўлига олди ва дўстларига деди: «Шаҳидлар қабри устида қасамёд қилиб айтаманки, менинг ҳар бир ўқим душманнинг кўкрагини тешиб ўтади».

Москвадаги рус хотин-қизлари Мамадали Мадаминовга раҳмат айтадилар: саксон тўрт қотил ерда чириб ётибди, бу қотиллар энди рус болаларини ўлдиролмайди.

Узоқ Шимолда фашистларга қарши икки кадрдон дўст, мерганлар командири Аҳад Аҳмедов ва тўпчи Анатолий Асосков курашмоқда. Аҳад Аҳмедов — ўзбек йигити, физика-математика ўқитувчиси. Анатолий Асосков москвалик ишчи. Бу дўстлар финларнинг дзотларини рўпарадан ўққа тутиб яфсон қилмоқдалар. Москвалик Асосков урушдан бурун Ўзбекистон тўғрисида нима билар эди? Энди у ўзбекнинг юраги — шернинг юраги эканлигини яхши билади.

Фаргона кўм-кўк, жаннат каби ям-яшил. Катта-катта узум бошларидан шодлик шарбатлари чакиллаб томиб турибди. Оппоқ қордек пахта далаларида афсоналарда айтилгандек битмас-туганмас бойлик бор. Бу ўлка ҳаёт ўлкаси, қизгин қуёш ва тиник, муздек сув ўлкаси, асалдек ширин қовунлар, лаззатли олмалар, булутдек қўйлар ўлкаси.

У ерда ҳамма нарса бахт ва саодат учун яратилган. Йўқ, разил фрицлар Тошкент боғларини асло кўришолмайди. Ўзбеклар «Ватан учун!» дея ҳужумга ўтмоқдалар. Ҳаммамизнинг Ватанимиз битта — бу Ватаннинг чегаралари Қарпат тоғларидан тортиб Фарғонага чўзилган. У бизга ўғай эмас, балки жонажон ва меҳрибон онадир. Ёш йигит Қурбон Ҳожимуродов урушга жўнаётган вақтида онаси: «Бўшашма, Қурбонбой. Юзимизни шувут қилма!» деган эди. Бу гапларни кекса ўзбек аёли айтган. Бу гапларни Ватан, она, Россия айтган!

1942 йил.

Нафасидан номи аён



убҳидам. Узоқдан элас-элас най навоси эшитилади. Адл сарв тагидаги зилол чашмадан юз чайиб қайтаётган Деҳқонбой ота кўм-кўк арчазор билан қопланган тоғларга бирпас тикилиб турди-да, пешайвонга қайтиб, радиоприёмник қулоғини буради.

— Тошкентдан гапирамиз! Ассалому алайкум, азизлар! Ўзбекистон радиоси ўз эшиттиришларини бошлайди...

Баҳри-дили очилиб турган ота завқини яшира олмади:

— Овозингдан ўргилай, Мақсумов, барака топ!

Ажаб эмас, шу тобда шаҳару қишлоқда ҳам, яйлову тоғда ҳам Деҳқонбой отадек Қодир Мақсумовга ёшу қари, эркагу аёл бирдек тасанно айтган бўлса.

Ўзбекистон радиосининг устоз диктори, республика халқ артисти Қодир Мақсумовнинг икки оғиз кириш сўзи минг-минглаб радио эшитувчиларни сеҳрлаб қўйиши, улкан маънавий хазина, янгилликлар оламига чорлаши ҳеч кимга сир эмас. Зотан, дикторнинг кундалик иши унчалик мураккабга ўхшаман ана шундай қисқа ахборотдан бошланади.

Икки оғиз сўзини тобида, ширин ўқиш, тингловчиларнинг диққат-эътиборини тортиш, шавқ-завқ уйғотиш озмунча маҳоратни, машқ ва меҳнатни талаб қилади!

Қаҳрамоним билан кўп йиллар бирга ишлаб мен бунга қайта-қайта амин бўлдим.

— Худди кечагидек эсимда, — деб ҳикоя қилади Қодир ака, — 1944 йилнинг 20 июни эди. Ушанда энди йигирмага кирган вақтим. Лекин рўзгор ташвиши бошга эрта тушиб, анча ўйчан тортиб қолганманми, кимдир чақираётгандай бўлади-ю, илғаб ололмайман. Токи у одам келиб билагимдан ушламагунча йўлимдан қолмабман. Не кўз билан кўрайки, қаршимда... эртаю кеч ўзим бир кўрсам, деб юрган одам — Ўзбекистон радиосининг таниқли диктори, шоир Туроб Тўла қулимсираб турибди.

— Нима бало, фақат шоирлар хаёлпараст бўлади, десам, ишчилар ҳам...

— Кечирасиз, кеча кечаси муҳим бир топшириқни бажариш билан овора бўлиб мижога қоққанамиз йўқ эди. Ўзингиз биласиз-ку, самолётлар ҳозир фронтга қанчалик зарур...

— Ҳа, бизнинг кўчмазда ҳам бўладиган байрамга оз қолди. Яшанглар азаматлар! — Туроб ака унинг елкасига қоқди. Кейин мақсадга кўча қолди. — Сени анчадан буён қидирамиз, ҳали заводда дейишадди, ҳали ҳарбий комиссариятга кетган дейишадди. Бош дикторимиз Ҳамид Фулом билан иккаламиз маслаҳатлашиб бир фикрга келдик. Урушдан олдин қатнашиб юрганнингда бир-икки чиқишингни эшитгандик. Овозинг бизга маъқул бўлганди. Ҳозир ишга олиш имконияти бор. Яхши диктор керак. Ўзингни бир синаб кўрмайсанми!

— Кошкийди! — Қодир шундай дедию яна ўша заҳоти ўзини тутиб, бош чайқади. — Йўқ, йўқ, боролмайман. Ўзингиз биласиз, ҳозир вақтимас, фронтга ўқ-дори ҳаводек зарур бўлиб турганда заводни ташлаб кетиш яхши эмас.

— Тўғри-ку, лекин сен ҳозир ўз кучинг билан битта зарур қисм тайёрлаётган бўлсанг, бир оғиз сўзинг, ширали овозинг, равон, ифодали ўқишинг билан минглаб одамларни янада яхшироқ ишлашга, Ватан учун керакли ишга чорлашинг мумкин эди-да. Кейин урушнинг таги ҳам кўриниб қолди. Ғалаба яқин. Хабаринг бордир, ҳукумат ўқитувчиларни, тракторчиларни эртаги кунимизни ўйлаб, ўзининг тинч йиллардаги ишига қайтаряпти. Радионинг истиқболини ҳам ўйлашимиз керак. Ҳамма соҳада бўлганидек, бизда ҳам катта ўзгаришлар юз

беради, имкониятлар ортади. Эшиттиришларнинг соати ҳам, мазмун-мундарижаси ҳам кенгаёди. Шундай, Мирқодирбой, яхшилаб дам олгин-да, ўша ўзинг билган Инқилоб ҳибонининг кунчиқар томонидаги бинога — радиого бор, — деди Туроб ака.

Унинг ўзи дикторлик касбини севарди. Урта мактабда ўқиб юрар экан, адабиёт ўқитувчиси ёдлаб келиш, ифодали ўқиб беришга шеърлар, дoston, ҳикоялардан парчалар топширарди. Айниқса, Пушкин, Лермонтов шеърларини ёқтирарди. Ёш Мирқодирнинг хотираси кучли бўлиб, домл биринчи бўлиб ёдлаб келар, ҳаммадан олдин ўқишга отилиб чиқарди. Негадир муаллим ҳам уни раъийна қарабми, қизиқтириш ниятидами, ҳарҳолда қайта-қайта ўқитар эди. Ўзбекистон ССР Олий Советига биринчи сайловларга тайёргарлик кетаётган кунлар эди. Ушанда конституцияга бағишланган тантанали кечада Мирқодир шеър ўқиди:

Асрлардир қора булут
Босган эди бахтингни.
Шарқингга чин қуёш чиқди,
Оч уйқудан кўзингни!
Яша Шўро! Яша урфон!
Илгари бос, илгари!..
Уйғон меҳнатчилар,
Яшасни иш эрлари!

Мирқодирнинг омади бор эканми ёки унинг овози ёқдими, ўша кечада сайловчилар қатори ўтирган Ҳамза театрининг артисти, республика радиоси режиссёри Умаржон Орифжонов уни чақиртириб суҳбатлашди. Кейин радиого бошлаб бориб, болалар учун бериладиган эшиттиришларда қатнашиб туришга таклиф этди.

Режиссёрнинг маслаҳати билан у театр билим юртида ўқиб, фақат «Пионер эрталиги»да эмас, болаларга бағишланган радиоостановкаларда роллар ижро эта бошлади. Унинг қўнғироқдек тиниқ овози, режиссёрнинг истакларини дарҳол илғаб олиши, ижро этиши оғизга тушди. Кейин атоқли устоз режиссёрлар Маннон Уйғур билан Етим Божонов, Шариф Қаюмов ёш Қодирни Ҳамза номидаги театрда сахналаштири-лаётган «Дўстлар» спектаклидаги ўғри бола ролини ижро этишга чақирди. Машҳур режиссёрлар мактабидан қаҳра-манд бўлиш, Аброр Ҳидоят, Асад Исмаилов сингари сахна усталарининг ёнида туриб машқ қилиш, улкан актёрлар билан мулоқот Қодирга беқиёс дорилфунун бўлди. Шу зайлда ўтаётган ҳаёт тарзини Улуғ Ватан уруши ўзгартириб юборди. Онлани тебратиб, укасининг ҳар бир муваффақиятини рағбат-лантириб, ўсиб-унишига шароит яратиб бериб турган акаси Хайрулла фронтга жўнаб кетдию Қодир бутун рўзгор ташвишларини зиммасига олишга мажбур бўлди.

— Йўқ, ўғлим, Хайруллажон сени не-не умидлар билан ўқишга йўллаган эди. Аканг жангда шахид бўлди, сен энди унинг орзусини ерга ташлама. Биз бир амаллаб кунимизни кўрармиз, — деди онаси.

Лекин қиш қаттиқ келиб, уруш кучайган сари «бир амаллаб кун кўришнинг ўзи бўлмай қолди. Онанинг келинликдаги тақинчоқлари, кийим-кечаклари, уйдаги гиламу гардиш чинни-лар бирин-кетин бозор юзини кўрди.

— Ойижон, тинчлик бўлса, ўқишни давом эттириш қочмас, акамнинг ниятларини унутмайман. Бир гуруҳ ўртоқларим, янги кўчириб келтирилган Тошкент самолётсозлик заводига ишга

киришадиган бўлишти. Ишчи кучи жуда-жуда зарурмиш. Кейин, ишлаган самолётларимиз душманга қирон келтирса, акамнинг қасдини ҳам олган бўлардим.

Она кўзда ёш билан ноилж рози бўлди.

Қодир ўша вақтда ҳам синчков, тиришқоқ йигитча эди. Тез орада буюрилган ишни ўзлаштириб олди. Уч ой ўтмаёқ уста этиб тайинлашди. У ҳамкасблари билан ҳарбий самолётларнинг дум қисмини ўрнатишар, бу ўта масъулятли ҳамда машаққатли иш бўлиб, бригада заводда ҳафталаб қолиб катар, баъзан 16—18 соатлаб ишлашга тўғри келар эди.

Ўша Туроб ака билан учрашувдан кейин радио ходимлари Қодирни ўз ходимларидек кутиб олишди. Уни синаб ҳам ўтиришмади. Ҳамид Фулом, Туроб Тўла, ўша пайтда радиокомитетда адабиёт бўлими мудирини бўлган Ойдин Собирова яна икки-уч киши унга турли жанрлардаги асарлардан бир-икки ўқитиб кўришди-да, имкони бўлса ўша кунидек ишга киришишни таклиф этишди.

— Бундай қараганда дикторлик қоғозда бор сўзларни ифодали ўқишдек бир ишга ўхшаб кўринади. Бу ҳам керак. Лекин энг аввало, диктор текстини тушуниб ўқиши керак. Кейин қачон қандай — пастми, баландми, қайси оҳангда ўқишни ҳам билиши шарт. Айтишларича, машҳур юнон нотиғи Демосфен биринчи марта маърузага чиққанида талаффуз техникасини билмаганидан муваффақиятсизликка учраган экан. Шундан кейин у эринмай овози, талаффузи устида ишлабди. Тилининг тағига тош қўйиб, бийрон гапиришни машқ қилибди, ҳатто денгиз шовқинини босиб юборишгача эришган экан. Хуллас, сўзни ифода этиш техникасини ўзлаштирмай туриб, диктор бўлиш қийин. — Туроб Тўланинг унга берган сабоғи шу бўлди. Шунда у беҳтёр Аброр Ҳидоятонинг гапини эслади. «Ҳой, болакай — фикр, ифода, туйғу жаъм бўлмаса, ўйлама, ифодали ўқий олмайсан!» деган эди буюк устоз.

Қодир белни қаттиқ боғлаб, ишга киришиб кетди. Иш жараёнида унинг ажойиб фазилатлари очилди. У изланишдан тинмади. Нотиқликка, бадий ўқишга онд турли мавзулардаги китобларни қидириб топишдан чарчамади. Ҳатто овозини асраш, даволашга онд тиббиёт асарларини топди. Сўз усталари билан ёнма-ён ишлагани, уларнинг тажрибасидан баҳраманд бўлгани ёрдан бердим — тезда номи оғизга тушди. «Талантли ёш диктор» бўлиб танилди. Узоқни кўрабилган, эртанги юксак талабларни ўлаган Қодир Мақсумов хотиржамликни, «энди бу ёғи кетаверади» қабилида иш тутишни ўзига бегона, деб билди. Уз касбини янада чуқурроқ эгаллаш йўлидан борди. Энди уни концертларни олиб боришга, бадий ўқишлар билан чиқишга, кинофильмларда қатнашишга, бошловчи, шарҳловчи бўлишга чақира бошладилар. Худди ана шу паллада у ўзига бино қўйиб юбормаганига, э, ўзим тўма талант, дикторликка тўғилган эканман-ку, деб керилиб кетмаганига энди шукр қилади. У озгина сабр қилишга, ҳали ўзининг ҳам кўнгли тўлмайдиган жойлари борлигига ўзини ишонтирдию таклифчилардан уэр сўради. Ҳаммасидан ҳам касбига ўта ҳирс қўйиб, уни мол-дунё топиш воситасига айлантиришдан қўрқди. Энди ўшандай қилганидан ўзи хурсанд, бўлмаса, бу обрў, бу иззатлар қаёқда эди! Бор талантидан ҳам айрилар эди.

У ўшанда — ҳамма нарса фронт учун, Ғалаба учун сафарбар этилган, газета-журналлар қисқарган, радионинг салмоғи ортиб, ундан айтилаётган ҳар бир хабарни бутун республика жон қўлоғи билан тинглаётган бир пайтда дикторлик қилаётганидан, кишиларни меҳнатга ундаётганидан, эртанги ёруғ, тинч-осойишта кунларга бўлган ишончини орттираётганидан хурсанд эди. Шундай кунларда тобланган Қодир Мақсумов тинч осмон тағида туриб, сўз, санъат ўқи билан душманга зарба бераётган фидойилар қаторида кечани-кеча, кундузини-кундуз демай, оч-наҳор қолиб, жон-жаҳди билан меҳнат қилишга ўрганди. Ахборотлар ўқишдан адабий-музикали композицияларни икки овозда Ҳамид Фулом, Туроб Тўла билан ёнма-ён ижро этар экан, улардан ёнидаги «шеригини» қандай суяб, қўллаб-қувватлаш сирларини эгаллади.

Ниҳоят, Ғалаба тонги отиб, орзуи ушалди. Қадрдон она тилида Ўзбекистон меҳнатчиларига бу буюк хушxabарни — Ватанимиз гитлерчилар Германияси устидан тўла ғалаба қозонганини ўзи ҳам бир олам ларзага тушиб эълон қилиш шарафига мушарраф бўлди.

— Ўша кўни қувончим шу қадар чексиз эдики, — деб эслайди Қодир Мақсумов, — буйруқ ўқилмасданоқ микрофон олдига келиб, «Қувон, ҳар қанча қувонсанг арзийди, бугун бизнинг кўчада ҳам байрам!» деворгим келарди.

Қодир Мақсумов ўзига хос йўл топиб, дикторликда ўз мактабини яратди. Нафасидан номи аён, ҳаммага таниш дикторга айланди.

Ўзбекистон радиосининг 50 йиллик тўйига келган атоқли диктор Юрий Левитаниннинг Қодир Мақсумов ҳақида айтган гаплари ёдимда. «Мен ўзбек тилини билмайман, лекин Қодирнинг жуда табиий, ҳаётий ўқиётганини эшитиб, гап нима ҳақда кетаётганини англагандай бўляпман. Дикторнинг етуклиги ҳам, маҳорати ҳам шунда!»

Шу ўринда Аброр Ҳидоятонинг бир гапини эслаш ўринли. У театр спектаклларини радиоленталарга кўчириб, келгуси авлодларга қолдириш ҳақида гапирга туриб, бу спектаклларни тушинтириш сўзларини Қодир Мақсумов ўқиса, дея яхши истак билдирган эди. Унинг овози тингловчиларни воқеалар руҳига олиб кириб кета олишига ишонган эди. Катта санъаткор диктор қалбига солган чўғ унга тинчлик бермай қўйди. Узини бу катта ишга ҳозирлай бошлади. Ва бир кўни радио эшиттириш комитетининг раисига ариза кўтариб кирди.

«Қодир Мақсумовдан ариза. Мени редакторликка ўтказсангиз. Нега энди редакторликка! Дикторнинг обрўси редакторликдан кам эканми! Бошлиқ ҳайрон.

— Редакторлик ҳаваси ёмон эмас, лекин сиз кўпроқ ўз ўринингизда зарурсиз-ку!..

У раисга Аброр Ҳидоятонинг таклифи ҳақида оғиз очди. Шунга ўзимни тайёрласам, имкон яратиб берсангиз, деди. Кейин адабий-драматик эшиттиришлар редакциясида катта редактор вазифасида иш бошлади. Ана ўша йиллари Ҳамза номидаги Академик драма театрининг етук санъаткорлари — СССР халқ артистлари Аброр Ҳидоят, Олим Ҳужаев, Шукр Бурҳон, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Обид Жалилов, Лутфулла Назруллаев, Замира Ҳидоятова, Сайфи Олимов, Тошхон Султоновалар қаторида Аброр аканинг орзусини амалга оширишди. «Алишер Навоий» ва «Отелло» спектакллари радионинг олтин хазинасига ёзиб олинди. «Алишер Навоий» спектаклининг радиода ёзилган ва кейинчалик пластинкага кўчирилган нусхаси эфирга чиққанда каттаю кичик Қодир Мақсумовнинг талантига яна бир қарра тасанно айтди. Ушанда Аброр аканинг ўзи хурсанд бўлиб:

«Жуда соз, жуда яхши! Қодир Мақсумов бир томонда спектакль ҳикоячиси, тарихчи, муаллиф вазифасини бажарса, иккинчи томондан актёр-қаҳрамон образини намоён этиб туради» деган эди. Бу баҳо тингловчилардан радиого келиб турадиган юзлаб хатлар мазмунига ҳамоҳанг эди. Бу хатларда унинг сипо ўқиса ҳам жуда таъсирчан, зўр интилиш билан берилиб, ички бир туйғу билан ўткир ўқиши таъкидланади: «Қодир Мақсумов асарда баён этилган идеални, образини — кўркам ҳайкал янглиғ мукаммал гавдалантириб беради». Кўплар у ўқиган эшиттиришларни такрор-такрор қайтариб эшиттиришни сўрашлари шундан. Эндиликда Қодир Мақсумов ижросидаги Лутфий, Навоий, Отойи, Бобур, Аваз Утар, Машраб, Муқимий, Фурқат, Завқиди, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Фулом, Яшин, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Усмон Носир, Уйғун, Шайхзода каби ўзбек классик ва совет адабиёти намоёндаларининг лирикаси радионинг олтин фонди сифатида сақланмоқда.

— Бизнинг Левитан, — дейди генерал-лейтенант Собир Собирович Охунжонов фахр билан у ҳақда. — Уруш йиллари эсимда. Юрий Левитаниннинг овози алоҳида бир куч билан янгарди. Ҳозир ўзбек тилига таржима қилинган кинофильмларда, республика бўйлаб шаҳар ва қишлоқларда ўрнатилган ёдгорликлар ҳиёбонида — Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жонфидолар шаънига айтилиб, магнит ленталарига ёзиб қўйилган бағишловларда янграб турган Қодир Мақсумовнинг овозини эшитган ҳар бир киши фахр билан «Бизнинг Левитан, ўзбек Левитани» дейди. Бу фахр-ифтихор ҳислари ҳар биримиз учун тушунарлидир.

Биз Қодир Мақсумов деганда ўзбек адабиёти, аввало, классик шеърятимиз тарғиботчисини, халқ ҳаётидаги ажиб муждалар даракчисини, сеҳрли овози билан миллион-миллион юракларга битмас-туганмас завқ-шавқ бағишлайдиган фидокорни тушунамиз. Унинг қирқ йилдан бери жонга туташ салобатли, ёқимтой товушини ҳар сафар эшитганда яна бир қарра эшитсам, деймиз. Бу — сеvimли санъаткорга ўз халқи томонидан берилган буюк маънавий муқофотдир. Бу — оддий дикторликдан Ўзбекистон ССР халқ артисти даражасига кўтарилган бир меҳнаткаш инсоннинг бахтидир.



Қилич Нурмухамедов,
Қодиржон Собиров

«Мен халқимнинг юрагида яшайман...»

узур адирларига яна баҳор келди...



Лолақизғалдоқлар ўру қирларга қип-қизил гилам-поёндоз тўшаган. Узоқ-узоқлардан, бегона юртлардан учиб келаётган турналарнинг майин қур-қурлари осмон гүмбазида ажиб акс садо беради. Қаттиқ совуқнинг муз қалқонидан қутулган Ғузорсойнинг сувлари тошдан-тошга сакраб, шўх-шўх чулдирай бошлади. Тепамизда баҳор қуёши чарақлайди. Танга ором, руҳга қувват бахш этиб енгил шабада эсади.

Биз бугун тонг саҳардан Ғузордамиз. Район раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, оддий ишчилар билан учрашарканмиз, бир ном такрор-такрор қулоғимизга чалинди. Район партия комитетининг ёш, серғайрат биринчи секретари Райимжон Раҳмонов сўз орасида:

— Майна Ҳасанова номидаги совхоз ишчилари мева кўчатларини парвариш қилишда аъло кўрсаткичларга эришмоқдалар, — деди.

Райкомнинг идеология масалалари билан шугулланувчи секретари Роза Холмонова:

— Майна Ҳасанова номидаги мактаб пионерлари шанба-ликда пешқадамлик қилдилар...

Район ижроия комитетида эса:

— Шаҳар кўчалари ўртасида эса ободончилик юзасидан мусобақа ўтказилляпти, — дейишди, — кейинги ойда Майна Ҳасанова кўчаси ғолиб деб топилди...

Саришта кўчалар бўйлаб сайр қилар эканмиз, радиорепродуктордан:

— Диққат! Диққат! Эртага шаҳар стадионида Майна Ҳасанова хотирасига бағишланган республика мусобақалари ўтказилади... — деган сўзлар янгради.

Балоғат ёшига етган икки қиз кўча бўйлаб сўхбатлашиб борардилар:

— Яхши фильм қўйилаётган экан, Саодат, кўрмаймизми!

— Қаерда!

— «Майна»да.

Тушундик. Демак, Майна Ҳасанова номидаги кинотеатрда. Кейинроқ биз Ғузорда бу жасур аёлнинг уй музейи ташкил этилаётганидан хабар топдик.

Демак, Ғузорда бу аёлнинг номи халқнинг тилидан тушмайди, кунига неча бор такрорланади. Бехос сеvimли шоиримизнинг сатрлари ёдимизга тушди:

Мен халқимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман!

Биз, уруш йиллари туғилган болалар, ҳаёти афсонага айланган бу қизни кўрган эмасмиз. Биз қўлимизга қалам олиб, энди алифбе варақлаётган даврда у Москва касалхоналаридан бирида ўзининг сўнги кунларини бошидан кечираётган эди. Аммо унинг жасорати ҳақида кўп эшитганмиз, кўп ўқиганмиз. У кўз олдимизда тирикдай жонланиб турибди.

...Қўлимизда вақт ўтиши билан серғайиб кетган икки варақ қоғоз. Уни Майна Ҳасанова музейининг ходимлари кўрсатишди. Бу хатни Ғузор район мактаб ўқувчиларига Бўка районидаги В. И. Ленин номидаги ўрта мактаб ўқитувчиси, 1922 йилдан КПСС аъзоси Мадина Амировна Қодирова бундан ўн беш йил илгари йўллаган.

«Биз, бир тўп татар қизлари Москвадаги Шарқ халқлари университетиде ўқирдик. Кунлардан бирида бизнинг Тверь кўча, 53-уйда жойлашган ётоқхонамизга бир қизни бошлаб келдилар. У гўзал эди. Эгнига қизил аскарларнинг кулранг шинелини ташлаган, бошида ўткир учли қалпоқ, белда эса солдатча энли камар. Бир қўли енгидан чиқиб турар, иккинчи қўлининг енги эса бўш эди.

Биз ҳаммамиз ёш бўлатуриб бошидан кўп жафоларни кечирган бу қизни ёқтириб қолдик. У бир неча ой ётоқхонамизда қолди. Биз унга қўлимиздан келганча яхшилик қилдик.

...Михаил Васильевич Фрунзе, Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаевлар бир неча бор Зайнатни йўқлаб университети-мизга, сўнг Зайнат ётган касалхонага келиб кетишганини биламан...»

Ҳа, Зайнат — ўша биз билган Майна, Майна Ҳасанова эди. Демьян Бедний ўзининг машҳур «Зайнатнинг қасами» поэма-сини унга бағишлаган.

Майна — ўзбек халқининг жасур қизи. Унга бағишлаб «Эрк қуши» романи, кўпдан-кўп ҳикоялар, шеърлар, балладалар ёзилган. «Афсонадаги қиз» номли икки серияли телевизион бадий фильм ҳам ишланган. Юртимизда мард Майнанинг жасоратини билмаган одам кам. Аммо шундай бўлса-да, у босиб ўтган шонли йўл ва унинг фожияли қисмати ҳақида яна бир бор эслатиб ўтмоқликни лозим топдик.

...Ғузорнинг Чакар қишлоғида яшовчи Ҳасан овчи кексайиб, кўзлари хиралашганлигидан тузукроқ ов қилолмай қолган эди. Шу бонсдан овга у кўпинча ўзининг кичкина жиғани Майнани бирга олиб чиқарди. Майна амакисининг овчилик сирларини мукамал ўрганиб олганди ва нишонга бехато урарди.

Кунлардан бирида Бухоро ҳокими Валихон Ғузор тўрасиникига меҳмон бўлиб келади. Тўра хушомад юзасидан юксак мартабали меҳмонни шикорга таклиф қилади. Ов пайтида Валихон бир кийикни кўриб қолади-да, уни мўлжалга олади. Лекин шу пайт бошқа тарафдан ўқ овози янграйди ва кийик қоядан пастга қулайди.

— Ҳокимнинг ўлжасига қўл тегизган ким! — Дарғазаб бўлади Ғузор тўраси ва ўз навкарларига ўша бебошни тутиб келтиришни буюради. Бироз ўтгач навкарлар кўрқувдан капалаги учиб кетган Ҳасан овчи билан қўштар ушлаган соҳибжамол қизни етаклаб келадилар.

— Кийкини ким отди! — дея ўдағайлаб сўрайди тўра.

— Мен отдим! — Мағрур жавоб беради қиз.

Тўра бадтар дарғазаб бўлади. Лекин шу пайт Бухоро ҳокими уни ҳовридан туширади.

— Менга у кийик керак эмас, — дейди у кўзлари ёниб ва кизни кўрсатади. — Менга мана бу кийик керак...

Орадан кўп ўтмай Валихоннинг навкарлари Ҳасан овчини қон қақшатиб, бечора қизнинг дод-фарёдига қўлоқ солмай, Майнани Бухорога, Валихонга хотинликка олиб кетадилар...

Озод қуш каби эркин ўсган Майна учун ҳокимнинг уйи бир қафас эди. У йиғлаб-йиғлаб кун кечира бошлайди. Ҳокимнинг ҳақоратларино кундошларининг таҳқирлашларига бардош беради. Ниҳоят, унинг сабр-косаси тўлади. Кичкина юрагида катта бир исён ўти аланга ола бошлайди. Шу ердаги хизматқорлардан бири Абдуваҳоб билан тил бириктиради-да, кунлардан бирида золим эрни отиб ўлдиради ва уйига қочади.

Дунё янгидан яшараётган, суронли йиллар, революция йиллари эди. Майна бир илож қилиб Ғузорга, ўз қишлоғига етиб келади. Лекин эскилик бидъати ботқоғига ботган қариндош-уруғлари эрини ўлдирганликда айблаб, унга жой бермайдилар. Майна ноилож орқасига қайтади...

1919 йили у Когон темир йўл станцияси ишчилари билан танишади. Уларнинг ёрдамида Қизил Армия сафига киради. Шу ерда комсомолга ўтади.

Унинг жасур разведкачи қиз сифатидаги, мард қизил аскар сифатидаги фаолияти ҳудди мана шу йиллардан бошланди. Қизил аскарлар сафида улар билан бирга қадам ташлар экан, Майна бир умр халқ иши учун хизмат қилишга қасамёд этди. 1920 йили машҳур саркарда Михаил Васильевич Фрунзе билан учрашди. Қизил аскарлар сафида туриб босмачиларга қарши мардонавор курашди. Сапки қишлоғи, Оқтош темир йўл станцияси, Хатирчи, Уратепа яқинидаги Руганд, Ҳовтак, Ганчи, Язтан қишлоқларини босмачи газандаларидан тозалашда қатнашди. Шу жангларда ўзининг ҳақиқий мерган эканини кўрсатди. Ушлаб босмачиларни ер тишлатди...

Майнанинг номи босмачиларнинг қаҳр-ғазабини қўзғатарди. Улар жасур мерган қизни қандай қилиб бўлса ҳам қўлга тушириш, ундан интиқом олиш йўлини излардилар.

1930 йилнинг ўрталарида Уратепада босмачилар билан бўлган шиддатли жангда Майна оғир яраланиб душман қўлига тушиб қолди. Майна Ҳасанова йиртқиқ тўда қуршовида қолган эди. Унга ўз мақсадиндан, эътиқодиндан кеч, дедилар. Майна кечмади. «Дунёда Ленин бор, олдинда ёруғ кунларимиз бор, бахтимиз бор», деди.

«Сенинг Ленин деган тилларингни кесиб ташлаймиз», дейишди ва кесиб ташлашди.

«Сенинг милтиқ ушлаган қўлларингни чопиб ташлаймиз» дейишди ва чопдилар ҳам.

«Сендан ўзингга ўхшаганлар туғилмасин, она сутини эмиб катта бўлмасин», дейишди ва кўкракларини кесиб ташлашди.

Қутурган босмачилар чалажон Майнани ўлди, деб ўйлаб ташлаб кетдилар. Бироқ Майна ўлмаган эди. Истиқболга умид, Инқилобга ишонч, Ҳаётга муҳаббат бу ўктам қизнинг вужудига қайта жон ато этган эди.

Ғузор адирлари бу йил ҳам ям-яшил либосга бурканди. Узоқ

ўлкаларда қишлаб, ўз юртининг шамолини қўмсаб келаётган турналар бепоеён осмонни ўзларининг шўх-майин қур-қурларига тўлдирмоқдалар. Қиш бўйи қалин қор исканжасида бўғилиб ётган Ғузорсой сувлари бугун тутқунликдан қутулгандек қирғоқларга сиғмай, тўлиб-тошиб оқмоқда.

Чакар қишлоғи ёнидаги пастқам адирлар айниқса баҳорда жуда ҳам кўркамлашиб кетади. Мана шу адирлар бағридан бир сўқмоқ ўтган. У узоқ-узоқларда, кулранг уфқ қаърида кўздан йўқолади. Ким билсин, қачонлардир бир замон ёш, жажжи, ўйинқароқ Майна мана шу сўқмоқ бўйлаб чопиб ўйнагандир. Узоқдаги тоғу тошлар устидаги оппоқ қорларга завқ билан тикилгандир. Ширин-ширин хаёллар оғушида маст бўлгандир...

Шубҳасиз, унинг ҳам кўпдан-кўп орзулари бор эди. У қизил аскарлик қалпоғини кийиб, ваҳший босмачи тўдаларига қарши курашар экан, узоқ юришлардан чарчаб, бир сония ҳордиқ олган пайтда ана ўша ширин орзулар қанотида учгандир! Балки юрагининг тўрида сақлаб, эъозлаб юрган муқаддас бир мақсади бўлгандир! Балки ўқитувчилик қилиб, ёш авлодга таълим бермоқ, инженер бўлиб мураккаб дастгоҳлар ишини бошқармоқ, врач бўлиб, юртдошларини дардлардан халос этмоқликни аҳд қилгандир! Ким билсин... Лекин замон бошқа эди. Революция унинг қўлига қурол ушлатди. У озодлик иши учун ҳайиқмасдан, дадил жангга кирди. Ниҳоятда мушкул дамларда, имтиҳон соатларида тиззалари қалтирамади.

...Ҳозир Ғузорнинг ҳар бир тоши, ҳар бир сўқмоғи уни эслатади. Майна Ҳасанова ҳар бир ғузорликнинг қалбида яшайди.

Озодлик душманлари минг бор янглишган эдилар. Улар Майнани ўлдирдик деб ўйлашди. Улдиришолмади.

«Сенинг тилингни кесамиз, токи сен Ленин сўзини айтолмагин» дейишди. Аммо ҳозир Ғузорнинг минглаб пионер ва ўқувчилари жарангдор овоз билан, фахр билан «Ленин» сўзини такрорламоқдалар. Майнанинг тили билан айтмоқдалар бу сўзни, Майнани эслаб айтмоқдалар...

«Қўлинг милтиқ ушлаб олмасин», дея унинг қўлини чопиб ташлаган эдилар. Майна жасоратидан кейин минглаб ғузорликлар қўлларига қурол олиб, Майнани эслаб, Ватан учун, она юрт учун Улуғ Ватан руши фронтларида жанг қилдилар. Бу қўллар ҳозир, тинч яратиш йилларида моддий бойлик яратмоқда, тинчлик йўлида меҳнат қилмоқда.

«Сендайларнинг уруғини қуритиш керак», дея ваҳшийлар жасур қизнинг кўкракларини кесиб ташлаганлар... Ҳозир ҳар йили Ғузорда ўйлаб, юзлаб Майналар туғилмоқда. Оналар қизларига унинг исмини бермоқдалар.

...Район марказидаги Ленин номидаги кинотеатр ёнидан ўтиб боряпмиз. Бу ерда одам гавжум. Енгинамиздаги бюстдан жасур қиз Майна бизга қараб турибди. Бошида қизил аскарлар қалпоғи. Сочлари шабадада ёйилиб кетган. Нигоҳи ўткир. Бу кўзларда бир олам муҳаббат у нафратни кўрасиз. Муҳаббат — дўстларга, нафрати эса душманларга.

Ҳар тонг Майнанинг бюсти остидаги супада янги алвон гуллар пайдо бўлади. Бу гулларни кўриб шоирнинг ўлмас сатрлари ёдимизга тушади: «Мен халқимнинг юрагида яшайман...»



В. И. Ленин

«Умумпролетар ишининг бир қисми...»

Адабиёт иши — умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши керак, бутун ишчилар синфининг бутун онгли авангарди юргизиб турган ягона, катта бир социал-демократик механизмнинг «парраги ва винтчаси» бўлмоғи керак. Адабиёт иши социал-демократиянинг бир тартиб ва бир режада уюшган, бирлашган партиявий ишининг таркибий қисми бўлиши керак.

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, адабиётни бундай бир андозага, бир қолипга солиб бараварлаш, унда озчиликни кўпчиликка бўйсундириш ҳаммадан қийин. Бу ишда шахсий ташаббусга, шахсий қобилиятга, фикр ва хаёлга, форма ва мазмунга майдонни кенг очиб бериш мутлақо лозимлиги ҳам бешак ва бешубҳадир. Буларнинг барчаси шубҳасиз, лекин булар пролетар партиявий ишининг адабиётга доир қисмини пролетар партиявий ишининг бошқа қисмларига ўхшатиб бир андозага солиб бўлмаслигини исбот қилади, холос.

Вульгар ёзувчи ақл юритмайдиган ва ақл юритишга қобил бўлмаган ўқувчини назарда тутаяди, у ўқувчига жиддий илмнинг аввал ибтидосини ўргатмайди, балки расвоси чиққан сийқа бир тарзда, қочириқ гаплар ва масал-маталлар билан безалган тарзда унга маълум таълимотнинг ҳамма хулосаларини «таппа-тайёргина» қилиб беради; ўқувчига эса ҳатто чайнаб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ; балки бу бўтқани лўққа-лўққа ютса — бас.

Толстойнинг дунёқарашидаги ва таълимотидаги зиддиятлар тасодифий эмас, балки XIX асрнинг сўнгги учинчи қисмида рус ҳаётидаги бир-бирига қарама-қарши шароитнинг ифодасидир.

Миллион-миллион деҳқонларнинг норозилиги ва уларнинг умидсизлиги — Толстой таълимотида бир-бирига пайвандлашиб кетган нарса ана шудир.

Омманинг ич-ичига кириб бориб уни тўлқинга келтирган улўғ халқ денгизи ўзининг ҳамма ожизликлари ва бутун кучли томонлари билан Толстой таълимотида акс этди.

Толстойчилик ўзининг реал тарихий мазмуни жиҳатидан худди шарқ тузуми, Осиё тузуми идеологиясининг айнан ўзидир. Аскетизм ҳам, ёмонликка зўрлик билан қаршилик кўрсатмаслик ҳам, пессимизмнинг кучли садолари ҳам, «ҳамма — ҳеч нарса, ҳамма — моддий ҳеч нарса» деган эътиқод ҳам, «ҳамма нарсанинг азали» бўлган «Рўх»га ишониш ҳам, бу ҳамма нарсанинг азалига нисбатан инсон «ўз имонини халос қилиш ишига банд қилиб қўйилган бир ҳодимгинадир» дейиш ва ҳоказолар ҳам ана шундан келиб чиққандир.

Хар бир миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки хар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради.

Маданият қандай вайрон қилинмасин, уни тарихий турмушдан ўчириб ташлаш мумкин эмас, уни тиклаш қийин бўлади, аммо ҳеч қандай вайронлик бу маданиятни ҳеч вақт бутунлай йўқ қилиб юбора олмайди. Бу маданиятнинг бирон-бир қисмини, унинг бирон-бир моддий қолдиқларини йўқ қилиб бўлмайди, бироқ уни тиклашда қийинчиликлар бўлади...

Ўқишни яқинда ўрганган кишининг чет эл сўзларини янгилик сифатида ишлатиши кечирарли бир ҳол бўлса, адабиётчиларнинг бундай қилишини кечириб бўлмайди. Чет эл сўзларининг ўринсиз ишлатилишига қарши кураш эълон қилишимиз керак эмасмикин!

Муаллиф ҳикояларини ўзи билмайдиган темага бағишлаганида, ҳикоя бадий бўлиб чиқмайди... Камчиликлар ҳақида талант билан ёзмоқ учун бу камчиликларни билмоқ керак.

Рус ҳаётида Обломов номли бир тип бўлган. У каравотда ётиб олиб, план устига план тузар эди. Ушандан буён кўп вақт ўтди. Россия уч марта революция қилди-ю, лекин обломовлар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда, чунки Обломов фақат помешчикина эмас, балки деҳқон ҳам эди ва фақат деҳқонгина эмас, балки интеллигент ҳам ва фақат интеллигентгина эмас, балки ишчи ҳам ва коммунист ҳам эди. Эски Обломов сақланиб қолибди ва бундан бир иш чиқиши учун уни узоқ вақт ювиш, тозалаш, титиш ва қоқиш керак.

Маданият масалаларида шошмашошарлик қилиш ва ҳаддан ошиб кетиш ҳамма нарсадан кўра зарарлидир. Бизнинг ёш адабиётчиларимиз ва коммунистларимизнинг кўплари буни яхшилаб ўқиб олишлари керак эди.

Агар киши катта иш билан жиддий банд бўлса, майда-чуйда ишлар билан, газета иши, публицистика билан шуғулланиш бу катта ишга зиён етказса, унга халақит бериш ва ишдан ажратиб қўйиш аҳмоқлик ва жиноят бўлар эди!

Мен, ижодчи санъаткор хар қандай философиядан ҳам ўзи учун кўпгина фойдали нарса ола билади, деб ҳисоблайман.

Йўналиши бўлмаган журнал — бемаъни, беҳуда шармандаликка олиб борадиган ва зарарли нарсадир.

Горький — пролетар санъати ишида обрўдир, бу шубҳасиз...

М. Горький махизмга ва отзовизмга хайр кихоҳ бўлишига қарамасдан, пролетар санъати ишида у жуда катта плюсдир.

Демьян Беднийга келганда, мен ҳамон уни ёқлайман; дўстлар, кишининг заиф томонларига осила берманг! Сийрак учрайдиган талант. Уни систематик равишда ва эҳтиёткорлик билан қўллаб-қўлтиқлаш керак. Агар сиз талантили ходимни ўз томонингизга тортмасангиз, унга кўмаклашмасангиз, гуноҳ сизнинг устингизга тушади, катта гуноҳ тушади.



Олтмишинчи-етмишинчи йиллар ўзбек прозасини эндиликда Одил Ёкубов ижодисиз тасаввур қилиш қийин. «Муқаддас» қиссасидан бошлаб ёзувчининг ҳар бир янги асари адабий жараёнда ўзига хос воқеа бўлиб келмоқда. Адибнинг «Улуғбек хазинаси» ва «Диёнат» романлари эса республикамиздан ташқарида ҳам доврुक топиб, ўзбек адабиётининг шухратига шухрат қўшди.

Бадий ижод соҳасида адиб кўлга киритаётган бу муваффақиятлар сири нимада? Бу саволга айрим танқидчилар: «Ҳамма гап истеъдодда», деб жавоб беришса, бошқа бир мунаққидлар мазкур асарларнинг асосан ёшлар ҳаётига, мураккаб ёшлик туйғулари таҳлилига бағишланганида, деб биладилар. Бирок, чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, бу фикрларнинг бир томонлама эканлигини сезиш мумкин. Чиндан ҳам, агар ҳамма гап истеъдодда бўлса, адабиёт майдонида ялт этиб истеъдодни намоён қилган ижодкорлар нега баъзан изсиз сўниб кетади? Бундан ташқари, бизда ёшлар ҳақида, уларнинг маънавий дунёси ҳақида ёзаётган адиблар озми? Нега бу асарларнинг барчаси бу қадар диққат-эътиборга сазовор бўлмапти?

Шу каби саволлар бадий ижод жараёнининг ғоят мураккаб эканини, ёлғиз истеъдоднинг ўзи ёки мавзу актуаллигигина ижодий ютуқлар гарови бўлмаслигини кўрсатади. Истеъдоднинг ягона халоскор куч эмаслигини Одил Ёкубов босиб ўтган ижодий йўл ҳам тасдиқлаб турибди: адабиёт майдонига эллигинчи йиллар бошида қадам қўйганига қарамай, олтинчи йилларга келибгина адиб адабиётда ўз йўли ва ўрнига эга бўлди, чинакам муваффақиятга эришди. Бунинг боиси нимада?

Бир қарашда, Одил Ёкубовнинг асарлари бошқа кўплаб адибларнинг асарларидан унча фарқ қилмайдигандек кўринади. Чунки, унинг асарларида фавкулдда воқеалар, фавкулдда қаҳрамонлар тасвири ҳам, ғоят кескин, китобхон қалбини орзиқтириб юборадиган сюжет бурилишлари ҳам, нодир композицион топилмалар ҳам деярли йўқ. Адиб ҳаётда ўзи кузатган воқеалар, ўзи учратган, билган одамлар, уларнинг гоҳида шодиёна, гоҳида фожиали кечинмалари, баъзан бахтиёр, баъзан аччиқ қисмати ҳақида, амалга ошган ва ошмай қолган орзу-интилишлари ҳақида имконият доирасида ҳикоя қилаётгандек ва шу билан муаллифлик вазифасини адо этгандек туюлади.

Гоҳ эса шундай тасаввур уйғонадики, адиб ўзи тасвирлаётган қаҳрамонларнинг яхши-ёмон хатти-ҳаракатлари га ҳеч қандай муносабат билдирмай, улар ҳаётда қандай бўлса шундайлигича қайта гавдалантираётгандек туюлади, лекин бу алдамчи таассурот. Зеро, адибнинг «Муқаддас»дан кейин яратилган исталган бир асарини олиб, жиддий таҳлил қилиб кўрсак, уларнинг деярли ҳеч қайсиси шунчаки ҳаётда мавжуд қаҳрамонлар, бўлиб ўтган воқеаларни қайд қилиш учун ёзилмаганини, балки ҳар бир қаҳрамон характери, хатти-ҳаракатлари замирида ёзувчининг муайян қарашлари, турмуш, одамлар ҳақидаги мулоҳазалари пинҳон ётганлигини кўрамиз, асардаги ҳар бир эпизод, ҳар бир лавҳа тасодифий эмаслиги, балки муаллифнинг умумий ғоявий ниятига бўйсундирилганини пайқаймиз. Шакл ҳамда мазмун ўртасидаги бу пинҳона уйғунлик китобхон қалбида завқ-шавқ, турфа хаёллар уйғотади.

Шу жиҳатдан адибнинг «Видо» сарлавҳали ҳикояси диққатга сазовордир.

Асардаги асосий сюжет занжири шундай: ошқозон хасталигидан азоб чекаётган уста Қобил аҳволи оғирлашаётгани, умри тугаб бораётганини сезиб, шаҳарда яшовчи кенжа ўғли Нодирни чақиртиради. Диссертациясини ёқлаш арафасида турган Нодир ноилжот отасининг ҳузурига етиб келади. Бир неча кун ўтгач, бу ерда юраверса, ёқлаш маросими яна беш-олти ой кейинга сурилишини ўйлаб, у асабийлаша бошлайди ва ҳатто шу сабаб акаси Абдуллажон билан айтишиб ҳам қолади. Тасодифан бу фиди-бидини эшитиб қолган уста Қобил бир неча ҳафтадан буён овқатдан қолиб, кўрпа-тўшак қилиб ётганига қарамай, ўрнидан туради, ирода кучи била оғрикни енгиб, гузар айлангани чиқади. Шу тариқа ўзини тузалган кўрсатиб,

Шермат Алломов

ЁЗУВЧИ ҒОЯСИ ВА ҚАҲРАМОН ХАРАКТЕРИ

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги

Республика давлат мукофоти лауреати

Одил Ёкубовнинг ижоди мамлакатимиз

китобхонларига яхши таниш. Адибнинг

«Улуғбек хазинаси» романи ҳозиргача рус, қозоқ,

қорақалпоқ, қирғиз, немис, чех, словак, болгар,

венгер, ҳинд, араб, урду тилларида, «Диёнат»

романи эса рус, арман, тожик, эстон, литва, хитой

тилларида нашр этилди. Устоз адибимиз эришаётган

бу муваффақиятлар ёш қаламкашлар учун айниқса

ибратлидир. Мазкур мақолада ёзувчининг

ҳикоячилик маҳорати

ҳос баъзи фазилатлар

ҳақида фикр юритилади.

Нодирни шаҳарга жўнатиб юборадигу кўп ўтмай вафот этади. Нодир отасининг дафн маросимига қатнашолмайди.

Хўш, ёзувчи бу ҳикоя орқали қандай ғояни илгари сурган ва бу ғоя асарда қай тарихи ифода топган? Бу саволларга қаҳрамонларнинг характер моҳиятини синчиклаб ўрганиш билангина жавоб топиш мумкин.

Таҳлили Нодир характерини ўрганишдан бошлаймиз, чунки адиб ҳикояни: «Кўмиш маросимига бутун қишлоқ кўчиб чиқди, атроф қишлоқлардан ҳам жуда кўп одам келди, фақат бир киши — Нодир бўлмади, лекин унинг йўқлигини ҳеч ким сезмади ҳам...», деган жумла билан тугаллаган. Бундан биз ёзувчининг Нодир хатти-ҳаракатларини қоралаётганини озми-кўпи пайқаймиз. Кўнглимизда уйғонган бу туйғунинг чинлигини аниқлаш мақсадида ҳикоянинг Нодирга тааллуқли ўринларини қайта кўриб чиқайлик.

Мана, Нодир қишлоқда, дераза олдидаги сўрида уч-тўрт киши билан чақчақлашиб ўтирибди: «У ҳаворанг ипак бриджа кийган, эгнидаги нафис ипак майканинг орасидан думбадек оппоқ, юмалоқ қорни кўриниб турибди. У шундай ғалати семирганки, тарам-тарам кип-қизил юзи, қовоқлари шишиб, кўзлари қисилиб қолган...» Албатта, семизлик ўз ҳолича кишининг салбий шахс эканига далил бўла олмайди. Шунга қарамай, «думбадек оппоқ, юмалоқ қорин» ҳар қандай одамни беўхшов кўрсатиши аниқ. Энди Нодирнинг хатти-ҳаракатларига разм солайлик. У бир ўринда: «Мен мешчанлик ботқоғига ботиб қолган чиркин одамларнинг гап-сўзини сариқ чақага ҳам олмайман, ҳа!», дея хитоб қилади-ю, бироқ бемор отасини оғир аҳволда ташлаб кетмасликини илтимос қилган акиси Абдуллажонга бошқа бир ўринда: «Наҳотки бутун келажим, ҳаёт-мамотим шунга, шу нарсага (диссертация ёқлашга — Ш. А.) боғлиқ эканини тушунмасаларинг? Бу ишининг юзига чиқиши фақат мен учун эмас, ҳаммамиз учун катта бир обрў бўлишини айтмай қўяқолай (бунга барибир тушунмаймиз!), пул деган савил ҳам бир неча марта ошадди-ку; ошса зарар бўлмас дейман?», дея важ кўрсатиб, жиғибийрон бўлади.

Маълум бўладиги, Нодир фанга бирор янгилик киритиш, халққа фойда етказиш учун эмас, балки обрў орттириш, кўпроқ маош олиш учун диссертацияни тезроқ ёқлаб олишга шошилади, бунинг учун бемор отасини оғир аҳволда ташлаб кетишга ҳам тайёр... Бу хатти-ҳаракатлари унинг олим деган улғу ном олиш арафасида турганига қарамай, аслида мешчантабиат, маънавий-ахлоқий дунёси тор, чинакам илм ва инсонийликдан йироқ бир кимса эканини кўрсатади. Дарвоқе, бир ўринда ўзини кўргани келган ҳамқишлоқларига шаҳардаги рўзғори ҳақида гапиратуриб: «Борсаларинг кўрасиз, ҳеч нарсадан муҳтожлигимиз йўқ, ҳаммасини саранжом-сарипшта-лаб олдик», дея мақтаниши ҳам бежиз эмас.

Шу тарихи автор илмий ишни обрў орттириш, мўмай пул топиш воситасига айлантириб олган мешчантабиат шахсларнинг характер моҳияти, кирдикорларини фош этади, бундай шахсларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан китобхонда нафрат уйғотишга интилади ва бунга кўп жиҳатдан муваффақ бўлади ҳам.

Ҳикояда шундай лавҳа бор:

«Самад секин йўталди...

— Диссертациянгизнинг темаси? — деди у қошларини чи-мириб.

— Темаси... — Нодир бир кўзғалиб қўйди, пешонасини артди. — Шу соҳада мўтабабар бўлмаган кишиларга бир қадар ғалати туюлиши мумкин: «Бақанинг асаб системаси...»

Ушбу сатрларни ўқиркан, китобхон лабида беихтиёр кулгу пайдо бўлади.

Ёзувчи Нодирнинг хатти-ҳаракатлари бачкана, интилишлари пуч эканлигини, чинакам инсонлик ва олимликка мос эмаслигини таъкидлаш учун ҳам диссертация мавзунини шундай белгилайди. Натизжада Нодирга илмий иш мавзунининг аҳамияти йўқлиги, фақат бир амаллаб унвон олса, шу тарихи обрў орттириб, мўмай пул топиб турса, шунинг ўзи кифоя эканлиги аён бўлади. Айни чоғда унинг маънавий-ахлоқий тубан бир кимса эканлиги яна бир қарра тасдиқдан ўтади, беихтиёр: «Бақанинг асаб системаси деб, оғир аҳволда ётган отани ташлаб кетиш шартмиди?», деган савол тугилади.

Маълумки, Нодир каби шахслар ҳаётда оз бўлса-да, учраб туради. Бинобарин, Нодир характери реал воқеликни акс эттиришга хизмат қилади. Ёзувчи бу тоифадаги кимсаларнинг характер моҳиятини фош этишга, уларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан китобхонда салбий муносабат уйғотишга интилади

ва бу ишни очикдан-очик, декларатив тарзда эмас, балки Нодирнинг руҳий оламиди бадий тадқиқ этиш орқали амалга оширади. Яъни муаллиф ўзи айтмоқчи бўлган гапни ҳаётини характерлар маънаси сингдириб юборади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Нодир характериди автор илгари сурган ғоянинг фақат бир қиррасигина акс этган; унинг иккинчи қирраси уста Қобил образи билан боғлиқ ҳолда очила боради.

Уста Қобил Нодирнинг тамоман тескарис: Нодир жуда ғалати семирган, «тарам-тарам кип-қизил юзи, қовоқлари шишиб қисилиб қолган» бўлса, уста Қобилнинг икки чаккаси худди ўйиб олингандай чуқур ботган... Гап, албатта, ташки кўринишидаги тафовутдагина эмас: аслида характерлари моҳиятига кўра, маънавий-ахлоқий дунёсига кўра, инсоний хислатларига кўра ота ва ўғил бир-биридан кескин фарқ қилади.

Чунончи, уларнинг пулга, шон-шўҳрат, обрў, ўзгаларга муносабатларини кўриб чиқайлик. Нодир келажиги, ҳаёт-мамотини диссертация ёқлашга боғлаб, бемор отасини ташлаб кетишдан ҳам қайтмайди, фақат ўз обрўси, ҳузур-ҳаловатини кўзлайди, мўмай пул, обрў кетидан қувиб иш тутайди. Уста Қобил эса донғи узокларга кетганда ҳам нафсга берилган эмас, бир кунлик иш ҳақини етти сўм эллик тийиндан оширмаган. Бунинг учун кўплар устани «ғалати одам»га чиқаришган, аммо у билганидан қолмаган: «Ҳатто турмуш анча яхшиланиб, қурилиш авж олиб, номига уста одамлар кунига юз-юз эллик сўмга чиққан маҳалда ҳам уста ўз аҳдидан қайтмаган, фақат ўзи эмас, Абдуллажон, ҳатто шоғирдларининг нархини ҳам шундан оширмаган эди... Негаки, у бир нарсага амин эди: «Бурунги замонда энг яхши устанинг нархи бир пуд бугдойдан ошмас эди, ҳозир етти ярим сўмга қанча бугдой беради — тўрт ярим пудми? Ҳа, болам, инсоф қани, азизим?», дерди уста ўзича...»

Улими тўшагида ётган устани кўргани колхоз раиси Самад келади ва янги қурилаётган шифохонани уста Қобил номига қўйиш учун правление махсус қарор чиқарганини айтади.

«Номингизга қўйдик... Кимга керак бу?»

Уста Самаднинг кўзлари ялтиллаб кетганини кўриб, бор кучини тўплади, ўнг қўлини кўтариб елкасига қўйди:

— Сен мени қўзавер, — деди титроқ бир товушда. — Халқни ўйла, болам. Ёш бўлсан ҳам шу халққа ота бўлдинг, халқни ўйла. Бева-бечоралар бор, ўшаларни ўйла, болам, ўшаларни...»

Ҳикояда устанинг бу гапларни шунчаки айтмагани, балки уларни имон-этиқод деб билишини яққол тасдиқловчи бир эпизод бор: Нодирнинг, диссертацияси сурилиб кетишини айтиб нолиётганини тасодифан эшитиб қолган уста неча кунлардан бери тўшаққа миҳланиб ётганига қарамай ўрнидан туриб, гузар айлангани чиқади, ўзини тузалган кўрсатиб, Нодирни шаҳарга жўнатиб юборади.

Нодир тоифасидаги — олим бўлса ҳам одам бўлолмай, ўз манфаати, ўз майда ташвишларидан нарини кўролмайдиган, ўзгаларнинг дардига, умумхалқ, умумдавлат манфаатларига кўзи ҳам кўр, қулоғи ҳам қар шахслар турмушда учраб турганидек, уста Қобил сингари, юракдан чиқмайдиган меҳр-муҳаббат, сунъий қадр-қимматни инкор қиладиган, бундай сохта муносабатларга ҳалол меҳнати, соф виждонини қарши қўйган олижаноб кишилар ҳам оз эмас. Ёзувчи «Видо» ҳикоясида уста Қобилга ўхшаш юксак ахлоқ ва этиқод эгаларини улғулайди, инсон одамларга яхшилик қилишни олий мақсад қилиб қўймоғи даркор, ўшандагина у чинакам бахтга эришади, ўз умридан рози бўлади ва аксинча ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган кимса юксак унвонларга эришган тақдирда ҳам одамийликдан йироқлашади, чинакам бахт, чинакам меҳнат завқидан маҳрум бўлиб, ҳаётини Нодир каби мешчанлик ботқоғида бесамар ўтказиши, деган ғояни илгари суради.

Биз ҳикоя сюжетини илк бор кўздан кечирганимизда унда бир неча шахснинг ҳаётини шунчаки бир неча лавҳа кўрсатилгандек туюлмаганмиди?

Америкалик машҳур адиб Эрнест Хемингуэй чинакам бадий асарини фақат саккиздан бир қисми кўзга ташланиб турадиган улкан муз тоғига қиёс қилган эди. «Видо» ҳикоясини синчиклаб кўздан кечирганимизда Хемингуэйнинг нақадар ҳақ эканини яна бир қарра таъмин. Демак, ёзувчи ғояси, баъзилар ўйлагандек, асарнинг у ер-бу ерига тиркаб юбориладиган ёки бирор персонаж томонидан баён этиладиган гап эмас, балки асардаги қаҳрамонларнинг характер моҳияти орқали ифодаланадиган бадий-эмоционал фикрдир. Бу

бадий ижоднинг асосий талабларидан биридир. Ўзбек романчилигининг бобокалони Абдулла Қодирий бир ўринда ушбу масалага тўхталиб, ёзувчи ўз асари орқали айтмоқчи бўлган фикр қаҳрамонларнинг характери моҳиятидан шундай «томиб турмоғи лозим» эканлигини таъкидлаган эди. Бу борани жўн тушуниб, чинакам бадий асарда ёзувчи ғояси шундоққина кўришиб турар экан-да, дея хулоса чиқармаслик керак. Аксинча, ўтган асрдаёқ Ф. Энгельс ёзувчи асари орқали айтмоқчи бўлган гап, ифодамоқчи бўлган ғоя қанчалик пинҳон ётса, санъат асари учун шунчалик яхши эканлигини таъкидлаган эди.

Шу жиҳатдан О. Еқубовнинг «Матлуба» ҳикояси (уни кичикроқ қисса ҳам дейиш мумкин) диққатга сазовордир. Матлуба ва Самиғжон ўртасидаги муносабатларни чигаллаштирган нарса шундан иборатки, улар юриш-туришда турлича эътиқодга эга бўлган шахслар. Хусусан, Матлуба қишлоқда туғилиб ўсган, унинг тарбияси ҳам шунга мувофиқ: уятчан, ибодатчи она сўти билан қонига сингиб кетган; шаҳарда улғайиб вояга етган Самиғжон эса унинг тамоман тескариси: тортиниб ўтириш нималигини деярли билмайди... Мана шу икки ёш тақдир тақозосига кўра бир-бирига кўнгил кўйиб қолишади.

Характер жиҳатидан зид бу икки кимсанинг бир-бирини севиб қолиши, юзаки қараганда ғалатидек, мантиққа тўғри келмайдигандек туюлади. Аммо бунинг сабаблари бор (ҳикояда бу хусусда бевосита гапирилмайди): маълумки, баъзи ўспиринлар, айтайлик, қишлоққа келган дорбозларни, уларнинг арқон устидаги ақлли лол қолдирувчи хатти-ҳаракатларини кўриб ҳайратга тушишади. Ҳайратга тушибгина қолмай, ўзлари ҳам дорбозлик қилиш орзусида ёна бошлашади. Айни чоғда, йиқилиб тушиш хавфи уларнинг дилига ғулғула солиб туради. Натижада киши шубҳа-ғумонлар, иккиланишлар оғушида қолади. Матлуба ҳам худди шундай вазиятга тушиб қолганини куйидаги парчадан сезиш қийин эмас:

«Катта шаҳардан келишган бу одамлар жуда ғалати туюлар, дам ҳуркак қишлоқ қизларини суратга олиб, дам «Тарзан» бўлиб дарахт шохларида учиб юрадиган хушсурат «посон» йигитча эса бир юрагини жазиллатар, бир чўчитар эди».

Матлубанинг юрагини жазиллатган нарса — ўзига нотаниш, сирли турмуш сари интилиш бўлса, уни чўчитадиган нарса — бу янги оламга унинг мутлақо ўрганмаганлигидир. Кейинчалик, анча улғайиб, Самиғжон билан яқиндан танишганидан кейин ҳам Матлуба унингдек яшашга ўрганолмайди:

«— Э, бормисизлар, оламда? Қани, хоним, марҳамат қилинглар! — Йигит Матлубанинг қўлтиғидан олмоқчи бўлиб қўлини чўзди, Матлуба худди ёш боладай ҳуркиб, Самиғжоннинг орқасига яширинди...»

— Қани, хоним! — Пақана йигит, қийшайиб қолган галстугини тўғрилаб, Матлубанинг билагидан ушлади.

Матлуба тўсатдан қишлоқда эшитган ваҳимали гаплари, мана шунақа зиёфатлару бу зиёфатларда бўладиган беҳаёликлар ҳақидаги «мишмиш»лар эсига тушиб:

— Йўқ, йўқ, кирмайман! — деб бақирди-да, қўлини тортиб олиб, зинадан пастга отилди».

Гарчи Самиғжон ва ўртоқларининг хатти-ҳаракатлари ибодатчи туюлса ҳам, Матлуба Самиғжондан воз кечиб, ўзига ўхшаган тортинчоқ, андишали қишлоқ йигитларидан бирига турмушга чиқиб кетишдан ожиз. Ҳикоя сўнгидея у буткул қарама-қарши кечинмалар оғушида қолади:

«Йўқ, учрашмаганим яхши бўлди! — дерди Матлуба. Лекин кўзларини парк дарвозасидан узолмас, қаёққа кетганини синглисига айтмаганини унутиб, Самиғжон излаб келишини орзиқиб кутар, олисда унга ўхшаган йигит кўринса юраги ўйнаб кетарди. Келаётган йигит Самиғжон эмаслигига ишонгач, кўзига милт-милт ёш оларди».

Хўш, автор Матлубани оқлаётганими ёки қоралаётганими?

Ҳикояни қанчалик синчиклаб ўқиманг, бунга барибир очик бир жавоб тополмайсиз. Бундай жавобнинг ўзи йўқ. Чунки Самиғжон тоифасидаги — «Бир-биримизни севсак бўлди-да, ЗАГСнинг нима кераги бор?», дея мулоҳаза юритувчи кимсаларга Матлубанинг хатти-ҳаракатлари, хусусан, унинг ибодатчи берилгани эриш, ҳаттоки кулгили туюлади; аксинча, уятчанлик, тортинчоқлик қон-қонига сингиб кетган шахсларнинг Матлубага хайрихоҳлик билан қараши, буни қўллаб-қувватлаши табиийдир.

Бу нарса шундан далолат берадики, «Матлуба» ҳикоясида ёзувчи ғояси тўла-тўқис жонли қаҳрамонга, унинг кечинмаларига сингиб кетган; бинобарин, энди уларни, мана бу ёзувчи айтмоқчи бўлган гап, манави эса уни ифодаловчи қаҳрамон, дея бир-бирдан ажратиб кўрсатишнинг иложи йўқ.

Қаҳрамон характери ва ёзувчи ғояси ўртасидаги бундай уйғунлик, бундай яхлитлик санъат асарларига ҳаётийлик ва жозиба бахш этади, ёзувчи истеъдоди камолот поғонасига қадам қўйганидан далолат беради.

АДИБЛАР. АСАРЛАР. ТИМСОЛЛАР.

«Илҳомни ижоднинг сабаби ва қўзғотувчиси, деб хато ўйлашади. Аслида, илҳом яхши ишлаш жараёнида, ишдан роҳат олиш натижасида туғилади... Узидан, ўз ишидан маълум даражада қониқиш ҳосил қилмаслик ҳар бир самимий ёзувчига хос донмий фазилат бўлмоғи даркор. Бундай қониқмаслик ҳақиқий ёзувчи учун турган-битгани азоб, айни дамда, муттасил камол топа боришнинг гаровидир».

М. ГОРЬКИЙ

Абдулла ҚОДИРИЙ романлари жўшқин илҳом билан ёзилган. Ёзувчининг ўғли Ҳабибулло Қодирий бу ҳақда куйидагича гувоҳлик беради:

«У [яъни, Абдулла Қодирий — ред.] иш чоғида гўё ташқаридаги бирор шарпага қулоқ солгандай, қақнаган ўткир кўзларини узоқ бир нуқтага тикиб, бутун кучини фикрлашга йўналтирган каби жиддий, ўйчан ўтирар, ўқтин-ўқтин қўйилиб келган фикр тўлқинларини тезроқ қоғозга тушириб қолиш учун шошилар эди. У шу қадар тез ва шахд билан ёзардики, ёзиш суръати стенограф тезлигида эди десам, балки муболага бўлмас. Қаламининг қоғоз узра юришини, «тўқ-тўқ» нуқта уришларини эшик очик бўлса, қўшни хонадан ёки очик дераза орқали ҳовлидан бемалол эшитиш мумкин эди...»

Бир-икки абзац ёки баъзан икки-уч қоғоз тўлгунча шундай шиддат билан ишлар, сўнг гўё узоқ олишувдан чарчаган каби бир неча дақиқа ўйланиб дам олар, чекар, аччиқ-аччиқ чой ичар, курси устидаги мевалардан тотинар ва хаёлга ботиб, яна ёзувга киришар эди».



Нелли Зиганшина

Қалам ва мўйқалам уйғунлиги



Классик, яъни мангу ибрат адабиётнинг умрбоқийлиги шундаки, буюк ижодкорлар, улар яратган қаҳрамонлар бизнинг замонамиздан неча ўнлаб ва юзлаб йиллар илгари яшаб ўтган бўлсалар-да, бизни ҳануз ҳаяжонга солиб, фикр-туйғуларимизга ҳамоҳанг руҳ бағишлайверади. Бу ўлмас асарлар бугунги кунда театр сахнасида ё кино экранда ёхуд китобларга ишланган расмларда қайта гавдалантирилмоқда.

Бутун мамлакатда бўлганидек, республикамизда ҳам рус, чет эл, миллий классик адабиёт намуналари кўплаб чоп этилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда рус ва ўзбек тилларида Шарқ назми даҳолари — Фирдавсий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Навоий, Паҳлавон Маҳмуд, Махтумқули каби шоирларнинг сайланма асарлари нашр этилди. Буларни безатишда шарқ миниатюраларидан кенг фойдаланилди, шунингдек, ҳозирги мўйқалам усталарининг оригинал тасвирларига ҳам катта ўрин берилди.

Классик адабиёт асарларини бошқа бир санъат, айтайлик, кино ёки театрда ёхуд тасвирий санъат воситасида жонлантириш масаласи ҳозирги кунда кўп мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу ишда анъанага суяниб, китобдаги воқеалар қандай бўлса, шундайлигича ифодалаш лозимми ёки

«замонавийлаштириш» афзалми! Сўз санъати билан, масалан, тасвирий санъат ўртасида уйғунликка қай тарзда эришиш даркор! Қадим адабиёт мазмунини замонамиз ўқувчисига етказиш учун нималар қилиш керак! Бу — мураккаб вазифа, уни бирёқламалик билан асло ҳал этиб бўлмайди. Аммо, энг муҳими — классик асарларни безаш учун мўйқалам соҳиби ўз санъатини мукаммал эгаллаган бўлиши, шу асарларнинг ғояси ва образларини мумкин қадар тўла ақс эттириши зарурки, бу исбот талаб этмайдиган энг муҳим шартдир, рассом учун ўта жиддий синовдир.

Шарқ классикасини безашнинг ўзига хос ва мос воситаларини ҳар қайси санъаткор ўзича излаб топади. Шулардан бири — орнаментал (нақшлаш) услубдирки, унинг манбаи қўлёзма китоб яратиш тарихининг илк даврларига бориб тақалади. Китобат санъатидаги мазкур услуб ўша даврлар бадий тафаккурининг ўзига хослиги билан Шарқ назмининг мусиқий оҳанги ва образларини ифодалашда декоративликка, яъни китобга мос зеб-зийнат беришга интилиш билан изоҳланади. Воқеликнинг ўзи ва шоирона илҳом вужудга келтирган Шарқ ғазалиёти ҳамда дostonчилиги нозик уйғунлик ва товушлар оҳангдорлиги билан йўғрилган. Китобни безаган нақшлар ҳам шоир билан мусаввирнинг туйғулари, ўй-фикрлари, кайфиятини бутун мураккаблиги билан ифода этар ҳамда китобхонга зўр бадий таъсир кўрсатар эди. Қадимги қўлёзма китобларга ишланган нақшларнинг ҳар бир чизиғи муайян бир сўзни, ифодани, маълум бир тушунчани инъикос қиларди. Аммо, ҳозирги китоблардаги нақш конкрет аҳамиятини йўқотди, натижада биз нақшни «ўқимаймиз», яъни муайян чизик, нақш нимани ифодалаши билан қизиқмаймиз. Аксинча, эндиликда мазкур нақшлар кўпроқ ўзининг пластикаси (ҳажмли шакллар яратиш санъати) ҳамда айрим чизикларининг бир маромда такрорланиши, композициясининг ифодавийлиги, зийнатлаш маҳорати билан диққатимизни жалб этади.

Ўзбекистон халқ рассоми Искандар Икромов миллий орнамент ва китобат санъатининг ўта билимдони ва заршуноси эди. Унинг ижодий изланишлари қўлёзма китобни безашдаги қадимий анъаналарга асосланган бўлиб, совет даврида ўзбек китобини безашда ўзига хос бир йўналиш яратди. И. Икромов безаган китобларни дарров танийсиз, негаки нозик қалам санъаткор муқовада, фронтиспис (китоб варақларини муқова билан бириктириб турадиган қоғоз)да, титул (китоб номи, муаллифи, нашр этилган йили, жойи ва шу кабилар ёзилган варақларда ва улар ичида нақшларни сахийлик билан ишлатган, хилма-хил туморлар, картуш [жимжимадор лавҳа]лар, рамкаларни усталик билан жойлаштирган, нақш чизиклари бир-бирига ажиб тарзда уланиб кетиши ҳам безакларни жозибадор этган. Устоз мусаввир безаган Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа Шарқ даҳоларининг жилд-жилд китоблари худди шу хислатлари билан бизни қойил қолдиради.

Искандар Икромов қўллаган бу услуб кейинчалик изчил давом этмай қолди. Сабаби — рассомларимиз қадимий нақш санъатига унчалик қизиқмаганликларида, унинг бутун нафосатини идрок этолмаганликларида эмас, албатта. Ҳозирги санъаткорларимиз классик адабиёт намуналарига янгича ёндошиб, улар мазмунини энди нақшлар воситасида эмас, балки кўпроқ рамзий маънодаги бадий график образлар орқали очишга интилоқдалар.

Шарқ назмининг поэтик образларига мос тасвирий ифодаларни излар эканлар, рассомларимиз миниатюра рангтаъсир санъатининг анъаналарини ҳам асло назардан қочирмайдилар. Нақшли безаклар яратиш санъати (декоратив воситалар орқали) шоир сўзи билан уйғун бир ҳамоҳангликка эришиши тақозо этган бўлса, миниатюра санъати анъаналарига эргашиш мусаввирни бадий образларни аниқроқ, тўлақонлироқ яратишга ундайди.

Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ва унинг шогирдлари мазкур анъаналарни ўзига хос равишда ўзлаштириб, давом эттириб келмоқдалар. Улар миниатюралардаги романтик руҳ, чизиклар пластикаси, бўёқлар уйғунлигидан илҳомланиб, ўнлаб графика, лавҳа, сувратлар яратдилар,

булар бевосита ёки билвосита Шарқ намуна адабиёти асарларидаги жозибдорликни бутун нафосати билан ифода этади.

Хусрав Деҳлавий «Таиланган асарлари»га иллюстрациялар чизган Иван Кириакиди ҳам миниатюра санъати аъёналарига эргашиб, ўз тасвирларининг шоир бадий сўзига «қофиядош» бўлишига интиланган. Бу қадимий санъатнинг Шарқ назми руҳига услуб ва жанр жиҳатдан яқинлиги, ундаги тасвир тилининг ифодалилиги, мазмундорлиги, бадий образни лўнда акс этдира олиши билан рассомни мафтун қилганлиги кўриниб турибди. Айни чоғда у яратган асарларда миниатюрага хос ифодалар совет гравюра мактаби, аввало, В. Фаворский ва А. Кравченко аъёналарига хос хусусиятлар билан уйғунлашиб кетган.

Графика тилининг бадий тилга услуб жиҳатидан мос келишига, поэтик образлар туб моҳиятини тасвирий воситалар орқали тўлақонли очиб беришга интилиш — бу рассом ижодида хос хусусиятлар мана шулардир. Паҳлавон Маҳмуд, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа улўғ шоирларнинг китобларидаги гравюралар ҳажми, композицияси ихчамлиги, мажозий ва рамзий мазмуни билан ажралиб туради, улардаги пластика ҳамда ифодавийлик шеърий сўз жозибаси билан қўшилиб, янгича бир образ яратади.

Китобларга ишланган расмларнинг бадий тили билан шоирнинг поэтик сўзи ўртасида бундай мутаносибликни излаш — Шарқ классикаси китобларини безашга қўл урган кўпгина рассомларга хос хислатдир. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига Ф. Гамбарова ишлаган иллюстрациялар фикримизнинг далилидир. Рассом узоқ изланишлар давомида Фарҳод ҳаётидаги асосий воқеалар билан боғлиқ кечинмалар, ҳис-туйғуларни тасвирлаш лозим, деган хулосага келади. Чиндан ҳам унинг асарларида дoston қаҳрамонларининг ички дунёсини, руҳий кайфиятини ифодалаш асосий ўринни эгаллайди. Уларда воқеалар бевосита акс этмайди, балки шу воқеалар самараси бўлмиш туйғулар — саодат ва муҳаббат нашидаси, фироқ алами, руҳ тўғёни, қайғу-ҳасрат қабилар яққол намоён бўлади. Ижро услуби ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Йирик планда тасвирланган қаҳрамонлар портрети деярли бутун бир саҳифани эгаллайди, бир-бирига улашиб кетувчи нозик чизиклар ўзига хос рамка хизматини ўтайди. Дурустроқ разм солиб қаралса, булар ҳайкал тасвирини эслатади.

Д. Цирин «Лайли ва Мажнун» достонига ишлаган иллюстрацияларида афсонавий ошиқ-маъшўқларнинг зоҳирий ва ботиний гўзаллигини, нафосатини бўрттириб кўрсатади. Мажнуннинг жароҳатларини эмас, балки пок, нурафшон севгисини тасвир этишга, бундай олижаноб севгининг сурури ва фожиасини ифодалашга интилади.

Навоий дostonларининг кейинги нашрлари («Сабъан сайёр» — рассом М. Кагаров, «Садди Искандарий» — рассом Н. Холликов, «Ҳайрат ул-аброр» — рассомлар Д. Цирин ва М. Рейх) ҳам иллюстрацияларга бой. Рассомларнинг бири дostonларнинг романтик руҳини, ғаройиб воқеаларни, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларини ёритишга интилса, бошқаси дoston мазмуни остида яширинган мажозий маъноларни ифодалашга ҳаракат қилади.

Фирдавсий «Шоҳнома»сининг уч жилди ўзбек тилида нашр этилиши Шарқ адабиёти муҳлислари учун зўр тўхфа бўлди. Рассом И. Кириакиди дoston воқеалари турли даврларда ва жойларда содир бўлишини инobatга олиб, икки юз гравюрасида асосий воқеаларни, бош қаҳрамонларнинг образларини ҳам, улўғ шоирнинг доно фикрларини ҳам ифодалаш йўлидан борди. Уларда бевосита воқеа тасвири билан бирга дostonларнинг руҳига яқин бир ҳиссий фонни, яъни дostonларнинг ҳам қаҳрамонлик, ҳам лирик олами акс этаётганини кузатамиз. Бу лавҳаларда юксак романтика билан жиддий реализм қўшилиб, ихчам, аниқ ва лўнда график образлар яратилган, дostonлардаги рамзий, мажозий маънолар, фалсафий хулосалар, мусикий оҳанглар ўз ифодасини топган.

Нодири ғазалиётида интим лирика романтик кайфият билан қўшилиб кетадики, унинг «Таиланган асарлари»ни безаган Қ. Башаров худди шу руҳни ифодалашга ҳаракат қилган. Китобдаги рангли иллюстрацияларда Нодиранинг поэтик образи гавдалантирилган. Уларнинг энг яхшиларида Нодири назмининг нозик оҳангини тинглагандек, шоиранинг маъзун қиёфасини кўргандек бўламиз.

Бу китоб «Шарқ лирикаси» деб номланган совға китобчалари



Рассом М. КАГАРОВ Алишер Навоийнинг «Сабъан сайёр» достонига ишлаган суратлар.

туркумига киради. 1976 йилдан бошлаб чоп қилинган мазкур туркумдан Фирдавсий, Саъдий, Умар Хайём, Навоий, Машраб, Махтумқули каби назм даҳоларининг мўъжаз китобчалари ўрин олдики, шу тариха Шарқ классик шеърятининг кичик бир кутубхонаси ташкил бўлди. Ана шу нашрларни республика-мизнинг бир қатор рассомлари ўз асарлари билан безадилар.

Машраб ҳаёти фоживий воқеаларга бой, аммо на тақдир зарбалари, на золимлар қутқуси унинг исёнкор руҳини сўндирилган. П. Воронкиннинг Машраб лирика тўпламига ишлаган расмларида ҳам биз шоирнинг ана шундай образини кўраемиз. Аммо, уларнинг айримларида сохталик, композиция жиҳатидан бирхиллик ҳам йўқ эмас.

Шу туркум китобчаларини безаган рассомлар миниатюра санъатидан муайян даражада баҳраманд бўлганликларини кузатиш мумкин. Аммо, баъзи бирлари бу нафис санъат воситаларидан ижодий тарзда фойдаланган бўлсалар, бошқалари унинг ташқи услубларига шунчаки тақлид қилишдан нарига ўтмаганлар. Хусусан, Р. Орифжоновнинг Иби Сино тўпламига ишлаган иллюстрациялари яхши чиқмаган. Устига устак, шу китобчининг ўзида турли мусаввирлар турлича услубда яратган асарларни кўраемиз. Чунончи, замонавий рассом ишлаган суврат, қўлёзма китоблардан олинган репродукциялар, реалистик услубда чизилган портрет, шоир мақбараси ва ҳайкалининг фотосурати нашрдан ўрин олганлиги яхлит бир бадий таассурот қолдирмайди.

Зебуннисо, Огаҳий, Махтумқули китобчалари тўғрисида ҳам шундай фикрдаемиз. Уларда миниатюра усулига тақлидлар, бўш ишланган тасвирлар, бир қолипдаги композициялар, ноаниқ хира бўёқлар учрайдики, бундай ҳархиллик нашрларнинг бадий қиёфасини бузган. Масалан, Увайсий лирика китобига турли услубда ижод этадиган рассомларнинг асарлари киритилган. Унда К. Чепраковнинг нафис акварели билан бирга Т. Жамолитдиновнинг тўқ рангда ишлаган сувратини кўраемиз. П. Воронкин ижодига мансуб Увайсий портрети муқовада берилгани ҳолда, фронтиспис (биринчи бетдан олдинги саҳифа)да Р. Ҳабиб яратган яна бир портретни кўриб, беихтиёр ёқа ўшлаймиз. Увайсий бу сувратларда хилма-хил қиёфада, турлича кийимда тасвир этилган, юз тузилиши, мизожини ҳам гўё бошқа-бошқа аёлларга хосдек туюлади. «Хамса»га ишланган миниатюра Увайсий китобидан жой олганлиги ҳам жумбоқ бўлиб қолган.

Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Жомий, Ҳофиз Хоразмий шеър тўпламларини безашда қўлланилган усул бизга кўпроқ мақбул бўлди. Муқовадан тортиб, китоб ичидаги расмларгача аллома шоирларнинг асарларига ўтмишда яратилган миниатюралар бўлиб, китобхонда яхлит бир таассурот қолдиради. Аммо, замонавий рассомлар яратган шоирлар портретларининг ҳаммаси ҳам ишонарли чиқмаган. Бобур асарлари китобининг муқовасида миниатюрочи мусаввир яратган шоир портрети

саҳифалар орасидаги қадимги миниатюралар билан ҳамоҳанг-дир. Аммо, шу сувратларнинг ўзи хира, ноаниқ чиққан, нима тасвирланганлигини баъзан таниб бўлмайди. Бу, албатта, матбаачилар айби.

Навоий лирика китобидаги иллюстрациялар ҳам турли услубда ишланган. Айтйлик, муқовада китоб ўқиб ўтирган шоир қиёфасини кўраемиз, у хаёлан шарқ гўзалининг тимсолини яратмоқда. Мазкур портрет ҳозирги замон эрон рассомининг Ҳофиз Шерозий китобига ишлаган миниатюрасидан кўчирма бўлиб, биз билган Навоий тасвирига, хусусан, биринчи бетдан олдинги саҳифадаги — Ўзбекистон халқ рассоми А. Абдуллаев яратган шоир портретига сира ўхшамайди!

Бундан фарқли ўлароқ, Умар Хайём рубойлар китоби ҳозирги эрон миниатюрочиларининг асарлари билан безатилиб, яхши қилинган. Акбар Тажвидий, Мухаммад Тажвидий, Ҳусайн Беҳзод кабилар асрлар давомида миниатюра асарларида такрорланавериб, «сийқаси чиққандек» бўлиб кўринган ошиқ-маъшук, май, висол, фиरोқ образларини бирмунча ўзгача талқин этганлар, улар тасвирида айна Умар Хаём поэтик оламини кўраемиз.

Шарқ адабиёти классиклари яратган поэтик образларни тасвирий санъат воситалари орқали жонлантиришдек эзгу ишга қўл урган ҳар бир мусаввир аввало ўз қалбига яқин тимсолларни танлаб олишга интилади. Аммо, улғу совет кинорежиссёри Сергей Эйзенштейн айтганидек, «ҳар бир ёзувчидан нимани ўрганиш лозимлигини билиб олиш зарур... ҳар бир адбига, у нимада маҳорат кўрсатган бўлса, ўшани ўзлаштириш учун муурожаат қилиш даркор... Биридан характер яратишни, иккинчисидан — характерни сурп сатҳида пластик гавдалантиришни... камтарлик билан ўрганмоқ лозим». Ҳа, шундай! Шоир ижодини ва шахсиятини тўлиқ ва яққол ифодаловчи хислатларни топа билиш — санъаткор рассом ижодининг асосий вазифаси мана шудир. Буюклар ижодига ана шундай ёндашишни ҳозирги мўйқалам усталарида кўрмаймиз, десак, янглишган бўламиз, албатта. Юқорида санаб ўтилган рассомларимиз асарлари шундан далолат берадики, уларнинг кўпчилиги бадий асардаги воқеаларни шунчаки акс эттириш билангина чекланиб қолмай, балки уларнинг чуқур маъносини, поэтик руҳини ҳам ёритишни мақсад қилиб олганлар. Бунда шоир яратган образлар гоҳ реалистик, гоҳ романтик бўёқларда тасвирланади. Айрим рассомлар эса ана шу образларнинг мажозий, рамзий маъносини очишга ҳаракат қиладилар.

Шарқ поэзияси — юксак сўз санъати, халқ донишмандлигининг бебаҳо хазинасидир. Утмиш авлодлар сингари янги ва янги насллар ҳам бу хазинадан баҳраманд бўлиб, ўзларини тўлқинлантирган муаммоларга жавоб толаверадилар, завқ-шавқ олаверадилар. Санъаткорларимиз эса бу тубсиз чашма жилоларидан илҳомланиб, янги-янги образлар яратадилар.



Рассом И. КИРИАКИДИНИНГ Пахлавон Махмуд рубойлари ва Фирдавсийнинг «Шоқнома» асарига ишлаган суратлари



Миродил Мирзаев

ИЗЛАНИШ БЕКАТЛАРИДА

Ешлар дostonчилиги ҳақида ўйлар



Адабий жанрлар ичида энг қадимийларидан бири дoston (поэма) тарихан жуда катта бадий, формал адабий ҳуқуқларга эга бўлиб, эпос, роман, қисса, повесть, ҳатто ҳикоя вазифасини бажара олар, жанрий чегараси ҳад-ҳудудсиз эди. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт ривожини, адабий тур ва формалар ўртасидаги диффузия, адабий алоқалар натижасида мазкур жанрлар дoston чегарасидан чиқиб кетди. Аммо тарихан жанрларнинг қоришиқ-синкретик ҳолда келиши, сўнгра диффузия ҳодисасига учраши натижасида уларнинг ҳар бирида иккинчисининг хусусияти, форма илдизлари, жанр унсурлари сақланиб қолди. Бу эса уларнинг кейинги тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лирик ва эпик моментларнинг ажратиби бўлмас даражада «пайвандланиши», автор «мен»нинг фаоллашуви, лирик қахрамон ва автор образининг ҳамоҳанглиги, фалсафий мушоҳадаларнинг теранлашуви натижасида поэманинг сюжет-композицион қурилишида янги архитектуранинг намоён бўлиши 70-йиллар дostonчилиги учун хос хусусиятлардир.

Жанр формаларининг хилма-хиллиги ва ҳар бири алоҳида ривож касб этаётганлиги, тарихий илдизга эга эканлигини назарда тутиб, бир қатор тадқиқотчилар поэманни турли жанрларга (масалан, драматик поэма жанри) бўлиб ўрганмоқдалар. (Худди романи жанр жиҳатдан тарихий роман, маиший романга бўлиб ўрганилаётгани каби.)

Бу каби кенг адабий имкониятни бошқа тур ёки жанрлардан топиш қийин. Ёки, бошқача қилиб айтганда, буюк дostonнавис Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» дostonида роман, драма, лириканинг чексиз имкониятларини кўрсатиб берганидек, ҳозирги кунда поэма ана шу юксак бадий мавқе томон бормоқда. Бу эса уни «энг бетартиб жанр», «қайноқ жанр», «мангу жанр» деб сифатлашга, соф насрий йўлда ёзилган қисса, повесть, романларни «поэма» деб аташга олиб келмоқда.

Кейинги давр поэмаларида кенг эпик романга хос сюжет мустаҳкамланмоқда, ҳаётнинг кескин драматик нуқталарини тасвирлаш учун дostonнавислар драма имкониятларидан фойдаланмоқдалар, ҳатто баллада, ҳикоя ҳажмидаги тор сюжетли манзума-поэмалар пайдо бўлаётир.

Ўзбек совет адабиётида шеърий қисса («Лолакўл», «Бахмал»), шеърий роман («Зиёд ва Адиба», «Шукухли карвон», «Боқий дунё»)ларнинг яратилиши ҳам дoston имкониятларининг уфқи кенг ва чексизлигини кўрсатувчи адабий ҳодисалардир.

Ўзбек совет поэмасининг асос тоши бўлган «Зайнаб ва Омон», «Кўкан», «Бруно»; кейинги йиллар поэмалари «Даврим жароҳати», «Уста Ғиёс», «Қуёшли қалам»да кўринган жанр имкониятлари Р. Бобожон, Ж. Жабборов, Х. Шарипов, М. Али, Ж. Камол, А. Орипов, О. Матжон каби шоирларнинг лиро-эпик асарларида янги қирраларини намоён этди.

70-йилларда ўзбек совет дostonчилари сафига Усмон Азимов, Хуршид Даврон, Амиркул Пўлканов, Шукур Қурбон, Азим Суён, Асқар Қосимов каби шоирлар кириб келишди. Уларнинг поэмаларида ҳаёт ҳодисаларини шартли-фантастик, фантастик-сатирик, фантастик-драматик, сатирик-аллегорик, шеърий-драматик моментларда ифода-лаш кучаймоқда.

Ешлар дostonчилигида тематика масаласи хилма-хил ва мураккабдир: бир қатор поэмаларда тарихий шахслар фаолияти орқали Ватанга муҳаббат, эл-юрт ишига фидоийлик кўрсатилса (Ш. Қурбоннинг «Темур Малик», «Беҳзод» дostonлари), бир қатор ёш дostonнавислар шу куннинг ёшлари коммунистик қурилишининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган тенгқурлари, уларнинг улғу идеаллар йўлидаги курашлари, ўй-кечинмаларини қаламга олганлар (К. Қодировнинг «Тонг», Ш. Дадашнинг «Тенгқурларим» дostonлари).

Учинчи тур дostonлар тематикасини инсондаги ҳиссий кечинмалар, унинг ватан олдидаги гражданлик бурчи, баъзи салбий хусусиятларини фойш этиш, она Замин ва унинг тиниб-тинчимас фарзанди ҳақидаги ўйлар ташкил этади.

У. Азимовнинг «Оқ шарпа», «Қуёшли олам», Х. Давроннинг «Учишни истаيمان», «Уйғоқ тошлар» драматик дostonлари, А. Суённинг «Замин тақдири» кечинма-поэмаси, А. Қосимовнинг «Само сирлари» фантастик-драматик поэмаларида ана шундай мавзуларда шеърий баҳс юритилади.

Мазкур асарларда муаллифлар даврнинг кескин, долзарб масалаларини қамраб оладилар, воқеа ва характерларга умумбашарий ғояларни юклайдилар. Шукур Қурбон энгилмас лашкарбоши Темур Маликнинг ачиқ кечмиши ҳақидаги дostonида ўткир ғоявий-проблематик коллизия яратади: инсон ўз юртида ўзгага қул бўлар экан, бу — инсоннинг ўлими; бошқа бир ёш шоир таъбири билан айтганда, отадан, онадан айрилгандан кўра Ватандан айрилиш ўлимдир:

Қасоскор хабарлар билмас ҳад,
Ватандан ажрадинг, дедилар.
Ва унинг кўзида сўнги дард —
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
Қатра ёш... Бир қалқди...
Жон эди ўша ёш!

Тарихий шахслар ҳақида яратилган кўпчилик дostonлар шу шахс фаолиятини, тарихий хизматини кўрсатиш билангина чекланиш каби схематизмдан ҳалигача қутула

олгани йўқ. Аммо Шукр Қурбон шавкатли саркарда ҳақида ҳикоя қилар экан, ана шундай қолипдан қолади; қахрамон ўйлари, кечмиши, ҳалокати — ҳаммаси она Ватан озодлиги мавзусига бўйсундирилган. Темур Малик ҳақидаги эпик ҳикоя асарда оз ўрин эгаллайди. Бу мисралар шоирнинг Ватан ҳақидаги, табаррук замин озодлиги, фидойилик ва ватанпарварлик ҳақидаги ўй-фикр ва қарашларига асос бўлиб хизмат қилади. Барча деталлар — бир қисим тупроқ, йўл, асо, қалъа, осмон, шамол, манзил ҳам бош қахрамон характери очишда, ҳам сюжет йўли аниқлигида, ҳам шоир фалсафасида ўринли ҳаракатга келади.

Поэма мураккаб сюжет-композицион қурилишга эга. Достонда «Қисим тупроқ манзаралари» мисраси кенгайтирилган метафора тарзида, воқеалар тасвирининг кескин пружинаси янглиғ қўлланади. Темур Маликнинг фоже кечмиши ҳақида сўйлаган шоир Ватан, она тупроқ, инсон эрки ҳақидаги мушоҳадаларини гоҳ халқ қўшиги йўлидан фойдаланиб, гоҳ марсия тарзида, гоҳ монологик нутқ орқали ифода этади. Шоир мушоҳадаларида, воқеаларнинг лирик тасвирларида композицион узилиш содир бўлган жойларда кичик-кичик эпик этюд-лавҳалар ёрдамга келади. Асар ниҳоясидаги «Манзил» бўлимида воқеалар энг юксак нуқтага кўтарилади — Темур Малик мўғул қаторгоҳига ўз оёғи билан кириб келади, ганим қилчига бўйин тутади. Нима бу, мағлубликми? Йўқ, аксинча, улуг ва мағлуб саркарда сотқин Маҳмуд Ялавач юзига бир қисим тупроқни сочди: бунда халқ қаҳри, нафрати, она тупроқ ва эл-юрти эрки йўлида курашиб, мақсади етолмаган фидойий фарзанднинг армони, аламлари жам. Шоир достоннинг охириги эллик-олтмиш сатрида кучли драматик момент, ёрқин характер ярата олган.

Шоирнинг «Беҳзод» достонидида бу каби ўзига хосликни, жанр имкониятлари кашфини, афсуски, кўрмаймиз. Аввало, Камолдин Беҳзод изтироблари ички ва ташқи драматик тўқнашувларда очиб берилмаган: расом тутқунликда ўзига-ўзи ҳасрат қилиб ўтираверади. Заҳирдин Бобур билан бўлган мулоқотда бош қахрамон динамикасида жонланишни кўрамиз, ички туғён зарбини кутамиз. Аммо кутилмаганда шоир «беўхшов» лирик чекиниш қилади-да, Беҳзоднинг бир умрлик фоже муҳаббат линиясини достонга олиб қиради. Эҳтимол, севги саргузашти шу ўринда бош қахрамон характери очиш учун киритилгандир. Лекин бу киритма улуг расомнинг эл-юрт учун қайғуриб, парчалаиб бораётган мамлакат тақдирини қаттиқ ташвишга тушиб, мустабид шох Исмоилга қарши қилқалам билан курашиш ниятларини кесиб қўяди. Худди шу ерда драматизм йўқолади, севги воқеаси достонга зўрма-зўраки киритилгани сезилади. Ҳатто қисқа саҳнадаги персонаж — Рангдемона бош қахрамонга нисбатан фаол ҳаракатда бўлганини кўрамиз.

Бу муваффақиятсизлик сабаби — шоир «мен»нинг бош қахрамон ўйи, курашлари билан қўшилмагани, асарда замонавий руҳнинг етишмаслиги, кучли драматик ҳолатлар яратилмаганидир.

Поэманинг бош қахрамони — санъаткор. Шарққа донги кетган мусавир. Санъаткор қалбидида зиддият асосан ички туйғулар курашида очилади. Зулмкорларга қарши ҳеч кимса чурқ етолмаган пайтда халқ гамида ёнган санъаткорлар сони, овози, мўйқалами билан қарши чиққанлар. Худди ана шу жиҳатларни ҳисобга олмаслик санъаткор образи тасвир этилган баъзи бир поэмаларимизда қусур сифатида кўзга ташланади.

Усмон Азимов шеърлари 70-йиллар ёш ўзбек совет шоирлари хори ичида маяковскийча шиддатли, мағрур оҳанги билан ажралиб туради. Кучли гражданик ва эҳтирос, самимий, ростгўй мисраларнинг бетўхтов ортиб борувчи зарби, эпик ва лирик мисраларнинг ранго-ранг тизими — булар шоирнинг ўзига хос овозини китобхонга танитди.

Шоирнинг кейинги йилларда ёзган «Оқ шарпа», «Қуёшли олам» достонларида драматизм, шартли-фантастик, символик усул кучли; фикрнинг бадий ифодасини, қўйилган ғойивий проблемаларни сюжет йўлида рамзий образлар «ташйиди», очиб беради. Шунинг учун ҳар икки асар драматик достон сифатида яратилган. Улардаги қаҳра-

монлар аниқ исм ёки адресга эга эмас, ҳатто объектлар, предметлар ҳам метафорик қиёфада. Аммо рамзийлик шоирни замонавий воқеликдан чекинишга олиб келмайди, балки ҳар бир рамзий образ ва деталга замонавий руҳ сингдирилган.

Ёш достоннависнинг ҳар икки поэмаси драматик йўлда ёзилгани ҳақида шунини таъкидлаш лозимки, юқорида айтиб ўтганимиздек, шоир лирикасида конфликт юқори пардада; мисраларда инсон қалби, ўйидаги қарама-қарши қутблар тез тўқнашувга киришади, бир-бирини аёвсиз фож қилади. Шоир шеърларидаги гражданик пафосининг кучи кўпроқ ана шу ҳолатларга боғлиқ, ва аини пайтда, достон учун энг керакли, ҳозирги кунда «бор овоз билан» (В. Маяковский) айтиш керак бўлган долзарб маънавий муаммолар шоирдан драматик тасвирни талаб қилган. Бу тасвир, гоҳ шоирнинг ҳозирги кунимиз ҳақидаги қарашлари, фалсафий-гражданик ўйлари, ҳукмидир. Агар бу поэмалар лирик ёки лиро-эпик фонда берилганда эди, бунда айтилмоқчи бўлган фикрларнинг таъсир кучи суст бўларди.

«Оқ шарпа»да инсоннинг ҳаётдаги ўрни, нима учун яшаши, ягона эътиқоди ва жамиятдаги маънавий бурчи каби масалалар қаламга олинган. Биз тўкин-сочин кунларда яшаймиз, аммо маънавийтимиз, ҳаётдаги гражданик ўрнимиз, масъуллигимиз, инсон сифатдаги эътиқодимиз ҳам такомилга етганмикин? Фан-техника асрида ҳам бу фазилатлар бизга содиқ ҳамроҳмикин? Ана шу бадий муаммони таҳлил қилган шоир рамзий образлар — Оқ шарпа, Аёл ва Эрак диалогларида кучли драматизм яратишга эриша олган.

«Қуёшли олам» достонидида шоирнинг ғойивий мақсади — жамият ривожига халақит берувчи иллатларнинг ёвуз башарасини фож қилиш. Достондаги қахрамонлар ҳам объектив шахслар эмас, уларнинг салбий ҳаракатлари бевосита моддий зарар етказмайди, балки асрлар давомида тузатиб бўлмас маънавий зарар келтиради; инсон қалбини огулайди, ҳаётининг ойдни кўзгуларини синдиради, гўзалликни, олий туйғуларни зар ва зўр билан ўлчайди, адолат туйғуларини сустлаштиради. Бундай кишиларнинг хатти-ҳаракатига юридик қонун ҳам топиб бўлмайди, улар оқил одамлар қиёфасида, аммо юраклари кир, эътиқодсиз, улар «гўзалликни кўрмас нақ кўр сингари» (Асқад Мухтор).

«Қуёшли олам» достонидидаги ижобий кучлар минглаб оддий одамлардан фарқ қилмайди. Аммо шундай фидойилар бўлмас экан, ёруғ олам зулматга айланади. Шу маънода достондаги образларни ШАХС сифатида қабул қилгандан кўра ҲИС образи сифатида тушунилса, шоирнинг олға сурган фикрини яна ҳам теранроқ аниқлаш мумкин бўлади.

Асарда шоир «мен»и, гражданик туйғулари ижобий-романтик можозий образларга қўшилиб кетган, автор образи романтик қахрамон синоними сифатида келади.

Азим Суюннинг «Замин тақдир» асари кечинма асосига қурилган, уни жўнгина ҳикоя қилиб бериш қийин: ядро хавфи остида чайқалиб турган сайёрамизнинг ягона мақсади, орзуси — тинчлик ҳақидаги жўшқин лирик-драматик ҳиссиётдан туғилган бу қўшиқда майин, эркаловчи оҳанг:

Она Замин, айланайин,
Айланайин, она Ер.
Юрагинга бойланайин,
Бойланайин, она Ер.

Эзгу туйғулар топталишидан алам:

Башар юраги, ёху!
Тошга айланиб борар.
Соҳир ҳислар, соф туйғу
Ўзин тупроққа қорар...

мисралари планета тақдирини ўйлаб яшаётган, курашаётган соф ниятли кишиларнинг ўтли нидолари билан алмашинади:

Биз — миллион. Биз — миллиард.
Биз ўлимдан кўркмаймиз.
Тинчлик — Аёл, Тинчлик — Фарзанд,
Юракдек кўрқаймиз.
Қалб амри билан бугун,

Имзо чекамиз, мана.
Насл, зурриёт учун
Ҳаёт қилсин тантана!

Хуршид Давроннинг «Учишни истайман», «Уйғоқ тошлар» дostonлари ҳам драматик усулда яратилган. Дostonлардаги фикр ва тасвир объекти «Қуёшли олам», «Оқ шарпа»нинг мантйкий давомидай туюлади.

«Учишни истайман»да шоир эзгу мақсад сари талинган — кўкка парвоз қилган Темирчи образига босқинчилик, ўзгалар мол-мулкни талашни касб қилиб олган Тархонбек образини қарама-қарши қўяди. Автор гоёси ҳар икки образ ўртасидаги конфликтда ўз ифодасини топган: инсон фақат эзгу, умумбашарий ниятлар билан яшасагина тилагига етади, аксинча, олий мақсадларга ўз манфаатинингига кўзлаб қўл урса, ҳалок бўлади.

Темирчи инсон қудратини бир бор намоиш қилди — кўкка учди («Инсон қуллик аро азоб чекаркан, Занжирни узишди ягона ўйи. Ягона орузи: кошки қуш бўлиб, Учиб кетсам дейди юксак-юксакка»), аммо Тархонбек томонидан «муртад, осий, оллонинг тинчини бузган, ўлимни кўмеаган шаккок» сифатида (аслида, осмонни ҳам ўз мулки ҳисоблаб, уни забт этолмагани аламинга) қатл қилади. Тархонбек ҳам осмонга парвоз қилади, аммо жардан қулаб, парча-парча бўлиб кетади. Чунки унинг «мақсади йўқ, дилида кир кўп; бу кир тошдек оғир, кўтаролмайди».

Янги шитобкор замонга, заминга яраша фарзандлар, олий туйғулар керак, дейди шоир асар хотимасида:

Ахир, аср учмоқда,
Юксак
Туйғулар-ла учайлик ҳар дам.
Руҳи учқур фарзандлар керак
Учаётган она Ерга ҳам!

Хуршид Давроннинг иккинчи дostonида санъат гўзаллигини, эътиқодни, инсоний муҳаббатни моддий нарса дебгина тушунадиган қалби тош одамлар фoш қилинади.

Икки тош ҳайкал — Аёл ва Эркакнинг инсоний севги қисматини драматик моментларда кўрсатиб берган шоир гўзаллигини, инсон қалбини тушунмаган киши жонсиз тошдир, инсоний туйғуни чуқур ҳис қилганлар эса ҳаётда абадийдир, деган гоёни «Сизнинг ўрнингизга (Аёл ва Эркак ҳайкали ўрнига — М. М.) эса тош қалбли одамлар ҳайкалин ўрнатажакмиз» каби мисраларда таъкидлайди.

Шукур Қурбон, Азим Суюн дostonларида халқ оғзаки поэтик ижоди намуналари, усуллари оҳангидан фойдаланиш кучли. Бу оҳанг ва усуллар шоир мисралари билан кўшилиб, тасвирланаётган воқеа, гоё ечимида майин лиризмни таъминлайди, характер қиёфасини очишда поэтик «калит» вазифасини бажаради.

70-йиллар ёш дostonнавислари ўзбек поэмасини ри-

вожланган социалистик жамият адабиётининг янги арена-сига олиб чиқишда астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Элли-гинчи-олтмишинчи йилларда яратилган кўпгина дostonлар-да тарихий шахслар ҳақида хронологик-эпик баён берилиб, шахснинг ҳаётдаги маълум мураккаб ҳолатлари шеърлий мисраларда кўрсатилган бўлса, ҳозирги ёшлар дostonчили-гида тарихий шахсларнинг бир умрлик зиддиятли ҳаётлари, қарашлари кульминацияси планетамизнинг шу кунги зиддиятли воқеалари билан параллель тасвирланмоқда.

Жанр сюжет-композицион қурилишидаги янгиликлар, услуб ранг-баранглиги, янги шакл изланишлари ёшлар дostonларида ўзига хос хусусиятлар кўрсатаётгани қувонарлидир. Лекин бу қувончимизни Иттифоқ китобхонларига тақдим этишда таржимонларимиз, авторларнинг ўзлари етарлича қайғурмаяптилар. Бу ҳол эса поэмामизнинг катта адабиёт майдонига чиқишида жиддий тўсиқдир.

Ёшлар поэмачилигининг аҳволи фақат ютуқлардангина иборат эмас, албатта. Ҳар бир жанрнинг қайта формал янгилинишида, сифат ўзгаришларига учраши жараёнида камчиликлар бўлиши табиийдир. Аммо иждокор истеъдодининг такомили, изланишлар табиати билан боғлиқ камчи-ликлар ҳам борки, булардан мазкур дostonлар ҳам холи эмас.

Хуршид Давроннинг «Уйғоқ тошлар» дostonида кон-фликт, китобхон кутганидек, шиддатли эмас. Воқеалар ривожини ва ечимини жўнлик бор. Салбий образ (парк директори) схематик равишда қора бўёққа бўйланган. Асар-нинг тасвир услубида драмага хос ташқи формагина мавжудлиги уни тўла маънода драматик дoston дейишга асос бермайди. Бунинг учун поэма қаҳрамонларининг ички қарама-қарши кутбларида кучли коллизия бўлиши даркор.

Бир қатор дostonларда ҳаракат динамикаси — конфликт-нинг бўшлиги, оддий ҳаёт ҳодисасини дабдабали мисралар билан «бўйаш» ҳоллари кўзга ташланади. Бундай ҳо-латларни Келди Қодировнинг «Тонг», Шукур Дадашнинг «Тенгқурларим» дostonларида учратамиз. Поэмашунос олимларимизнинг дostonда конфликт масаласига алоҳида эътибор беришлари бежиз эмас.

Усмон Азимовнинг ҳар икки дostonида баъзи воситалар тақрор қўлланганини кўрамиз: «Оқ шарпа»да Оқ шарпа Аёлга сингишиб кетади, «Қуёшли олам»да Шоир шамолга қоришиб кетади. Бу эса дoston ҳақидаги таассуротга, бир оз бўлса-да, раҳна солади.

Дostonчилигимиз 70—80-йилларга келиб ўзига хос сифат ўзгаришларини бошидан кечирмоқда, лиро-эпик турлар ичида мавқеини мустаҳкамламоқда. Бу жараён ёшлар дostonчилигида янгича ифода топаётгани айниқса қувончлидир. Дoston янги манзил сари йўлга чиққан экспресс янглиг йўл босмоқда. Унга янги-янги бекатлардан қадам босилмаган манзиллар ишқида ёнаётган ёш иждокорлар чиқмоқда. Бу бекатларда йўловчилар кўнаверсин!

АДИБЛАР. АСАРЛАР. ТИМСОЛЛАР.

«Мен ҳеч қачон ҳеч нимани тўқиб ёзмаганман, бундай хусусият менда умуман бўлмаган. Ҳаётдан, ўзимга маълум нарсалардан олиб ёзган асарларимгина яхши чиққан. Мен одамни, унинг ташқи кўринишини жуда майда икир-чикирларигача тасаввур қилганимдагина унинг кимлигини пайқаб оламан».

Н. В. ГОГОЛЬ

Абдулла ҚОДИРИЙ ёзувчи учун қузатувчанликнинг зўр аҳамиятини ўзининг тажриба-сидан келиб чиқиб, бундай таърифлайди:

«Мен бир асар ёзишдан аввал ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материални пухта ўрганиб чиқаман. Бирор жой тўғрисида ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни аввал неча мартаба кўрган бўлсам-да, яна бориб, текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман.

Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга [деталларга] ҳам аҳамият бераман. Масалан, ўша ерда қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски, қанчаси янгили-ги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай қушлар қайси ҳолда қўниб тургани ва шун-га ўхшаш жуда майда нарсаларгача. Бир қарашда бу нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмай-диргандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолиши мумкин».



Форс адабиётининг машҳур намоёндаларидан бири Бобо Тоҳир Урёнди. «Урён», яъни «яланғоч» тахаллуси билан танилган шоир бутун умрини дарбадарлик ва фақирликда кечирган бўлса ажаб эмас.

Бобо Тоҳирнинг ҳаёти ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. У тахминан 1055 йилда вафот этган. Унинг ижодидан араб тилида «Қисқа калималар» номли ҳикматлар тўплами, форс тилида уч юздан ортиқ тўртликлар ва тўрт ғазал бизгача етиб келган. Ҳамадонликлар шеvasида ёзилган тўртликлар вазни жиҳатидан классик рубойлардан кўра, халқ тароналарига яқин. Бу тўртликлар халқ кўшиқларига хос оҳангдорлиги, ҳаётни мусаффо ва ёрқин ифодалаш билан ажралиб туради. Умар Хайёмдан 60—70 йиллар илгари яшаб, ижод этган Бобо Тоҳир рубойчиликда Хайём салафларидан ҳисобланса арзийди.

Бобо Тоҳир тўртликларидан намуналарни таниқли таржимон ва олим, Халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати Шоислом Шомухамедов таржимасида эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Бобо Тоҳир

Тўртликлар

Ҳазор минг мулки дунё бўлса менда,
Ҳазор минг мулки уқбо бўлса менда,
Барисидин кечардим юзларингсиз,
Ҳазор бойлик муҳайё бўлса менда.

* * *

Кел-эй, биз ҳам бўлайлик Лайли-Мажнун,
Этайлик дийдамиз ёшини Жайхун.
Эсиз кетмиш Фаридуно, ажабмас,
Адолат бирла бўлсак биз Фаридуно.

* * *

Илоҳо, душманамни хаста кўрсат,
Юракка ханжар ур то даста, кўрсат.
Кечин келсам сўрай деб ҳолини мен,
Кўзимга қабрини сарбаста кўрсат.

* * *

Узумнинг сувидан мастмиз, ахир биз,
Нечун дилдор фироқида фақирмиз.
Чидармиз оташу ўт тобиға, лек,
Нечун биз дуди заҳматдан сўқирмиз.

* * *

Дилим шундай, нечун шундай, у нечун,
Ҳамон хуну ҳамон хуну ҳамон хун.
Ушал гул юзли Лайлонинг қўлида
Ҳамон Мажнун, ҳамон Мажнуну Мажнун.

* * *

Сенингсиз талвасам бордир, келиб кўр,
Заҳар лим-лим косам бордир, келиб кўр.
Учовмиз: хун кўзу мутрибу соқий,
Дилимда васвасам бордир, келиб кўр.

* * *

Дилим сендан ҳамон нолону нолон,
Дилим қондир, дилим қондир дилим қон.
Ҳазор — минг марта менга ваъда бердинг,
Бари ёлғон, бари ёлғону ёлғон.

* * *

Кўлимга тушса эрди чархи гардун,
Деярдим: «Ишларингда борми мазмун?»
Ато этдинг бировга нозу неғмат,
Бировга арпа нон бердинг, жигар хун?»

* * *

Пушаймонмиз, пушаймонмиз, пушаймон,
Каён кетди, кўринмас кўзга карвон.
Бу дунё бевафо, ҳеч кимга қолмас,
Жафосин тортамин чандону чандон.

* * *

Гул эдим тоғ тағи, сайланма жойга,
Сугордим, кўз ёшим айланди сойга.
Етишган чоғида ҳидламак пайти
Шамол олди бўйин, иш қолди войга.

* * *

Сирим бордирки, осмони кўринмас,
Ғамим бордирки, поёни кўринмас,
Магарким бовар этмассен, бери кел,
Кўрурсен дард-у, дармони кўринмас.

* * *

Нечук қомат, нечук қомат, не ғавго,
Жунунлик пеша, бошга тушди савдо.
Ҳаёлимда чизибмен суратингни,
Ўзим пинҳона қилдим хўп тамошо.



* * *
Гаминг менга зулми қилди пеша,
Килурмен нолаю афғон ҳамиша.
Азизлар, бир-бирингиз айланг эъзоз,
Ажал тош бўлса, одам мисли шиша.

* * *
Бало бўлди дилимга бу бало дил,
Кўзим қилмиш гуноҳу мубтало дил.
Илоҳо, бермасанг менга кўрар кўз
Гўзалларга бўлурми маҳлиё дил.

* * *
Дилим нозик, мисоли шишадирман,
Фиғон этсам-да серандишадирман.
Кўзим ёши агар қондир, ажабмас,
Фироқида дилимни тешадирман.

* * *
Муҳаббатсиз кўнгиш йлмоғи маъқул,
Кими бедард, ҳазон бўлмоғи маъқул.
Муҳаббат йўлида собит эмас тан,
Куйиб ўтда, гули сўлмоғи маъқул.

* * *
Қаро бахтим ечилмас бир тугундир,
Қаро кундир, куним гўёки тундир.
Муҳаббат куйининг заҳматкашиман,
Дилимнинг дастидан дил ғарқи хундир.

* * *
Фақат бирдир, фақат бир орзуйим бор.
Бўлурми ҳамдамим ул лоларухсор.
Агар дарди дилим тоғларга айтсам,
У ерда лола, гул ўсмайди зинҳор.

* * *
Нечун, эй дил, бунингдек беқарорсан,
Баҳор елида унган бир ғуборсан?
Нечун тинмай югурдинг тоғу саҳро,
Менинг измимдамас, беихтиёрсан?

* * *
Фалак бедодидин, дўстлар, омон йўқ.
Омонлик истасак, охир замон йўқ.
Зулмдан гар ёқам чок айласам, чок,
Бу гумбаз остида мендан ёмон йўқ.

* * *
Қачон мардлик қилибдур асли номард,
Фиғону нола билмас, дилки бедард.



Совуқ тандирда бўлмас шуълаю нур,
Деган эрди Фаридун ўғли жўмард.

* * *
Кўзим дуррини домон кўрса маъқул.
Дилим қонин нигорон кўрса маъқул.
Жабр торгдинему, ҳеч кимга дема роз,
Жабр сўзини пинҳон кўрса маъқул.

* * *
Дилим дилбар сочиға мубталодир,
Фироқи бир бало, васли балодир.
Дили хун кимки келмиш бу хароба,
Дил эрмасдир у дашти карбалодир.

* * *
Замони лолазор бир ҳафталикдир,
Бу фасли навбахор бир ҳафталикдир.
Ганимат бил нигор васлинки, зеро,
Висоли нозли ёр бир ҳафталикдир.

* * *
Мени девоная шайдо билурсан,
Мени саргаштаю расво билурсан.
Билолмасман дилим қайдан жой олмиш,
Билурманки, уни бежо билурсан.

* * *
Агар заррин кулоҳсан, оқибат ҳеч,
Агар оламга шоҳсан, оқибат ҳеч.
Агар мулки Сулаймон бармоғингда,
Ниҳоят хоки роҳсан, оқибат ҳеч.

* * *
Нечоғ кўп бўлса кимда молу давлат,
Дили бойлик гамидан сержароҳат.
Агар бошида бўлса тожи Ҳусрав,
Ширин жонига охир бўлгай офат.

* * *
Синиқ дилдан хабарсиздир дили шод,
Хароба ҳолини билмайди обод.
Сенинг айбинг эмас, удми азал шу —
Гирифтордан хабар олмайди озод.

* * *
Ғами ишқинг эрур ҳамдам умрбод,
Уни ўргатди на мактаб, на устод.
Мени мамнун этарки, ушбу ғамдан,
Хароба дил бўлибдир энди обод.





Аҳмаджон Мелибоев

БОҚИЙ ОЛАМ УМИДИ



Америка Қўшма Штатларининг «қайта қуролланиш» программаси туфайли юз берган мураккаблик ва унинг келажакдаги оқибатларини бутун инсоният ҳис этиб турибди. Мазкур программа қитъалараро янги баллистик ракеталар, «Трайден» ракеталари билан жиҳозланадиган атом сув ости кемалари, олисга учадиган бомбардимончи самолётлар, ҳарбий мақсадларга ҳам хизмат қиладиган «Шаттл» космик системаси ва бошқаларни ўз ичига олади.

Кейинги тўрт йил ичида Қўшма Штатлар ҳарбий мақсадлар учун 900 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфладилар. 1985—1989 йилларда эса, бундай ҳаражат икки триллион долларни ўз домига тортади. Мана шу фактларнинг ўзиёқ «кенг стратегик программа» — аслида ҳарбий устунликка эришиш программаси эканлигини кўрсатиб турибди. Бу программани тўла-тўқис амалга ошириш учун АҚШ ҳамма чораларни кўрмоқда. Вашингтон маъмурияти ўзининг гегемонистик манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро ҳуқуқ нормаларини, зиммасига олган юридик ва сиёсий мажбуриятларни қўпол равишда бузмоқда. Унинг бундай позицияси туфайли ядровий қуролсизланишга доир олиб борилаётган музокаралар барбод бўлди. Бундан аввал АҚШ ядро қуроллари синовларини батамом ва ялпи тақиқлаш тўғрисидаги, Ҳинд океани хусусидаги, Ер йўлдошларига қарши системалар ва бошқа йўналишдаги музокараларни бир ёқлама тартибда тўхтатиб қўйди. Оқибатда турли давлатларнинг биргаликда ва узоқ йиллар давомидаги куч-ғайратлари эвазига аста-секин эришилаётган қурол-яроғларни чеклаш жараёни издан чиқди.

Бугунги кунда ядро қуролини кўпайтирмаслик, уни тарқатмаслик, шу қуролга доир барча синовларни ёлпасига тўхтатишдан кўра муҳимроқ вазифа бўлмаса керак. Совет Иттифоқининг фикрича, ядро қуролига эга бўлган давлатлар:

— ядро урушининг олдини олишни ўз ташқи сиёсатининг асосий мақсади деб билишлари, ядро можаросини келтириб

чиқариши мумкин бўлган вазиятларга йўл қўймасликлари, шундай хавф-хатар вужудга келган тақдирда эса, шошилинч маслаҳатлашувлар ўтказишлари;

— жаҳон миқёсидаги ёки чекланган ядро урушини пропаганда қилишдан воз кечишлари;

— ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида Совет Иттифоқи каби зиммаларига мажбурият олишлари;

— ядро қуролининг тарқатилишига йўл қўймасликлари, бу қуролни ёки унинг устидан назоратни ҳеч кимга топширмасликлари; шундай қуроли бўлмаган мамлакатларнинг территорияларида уни жойлаштирмасликлари; ядровий қуролланиш пойгасини космосга ёймасликлари лозим.

Бу талаблар ер юзид а истиқомат қилаётган барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос келади.

Шу ўринда бизга эътироз билдириб: «АҚШ 1946 йилиёқ, яъни Совет Иттифоқи ҳали атом қуролига эга бўлмаган бир пайтда ядро энергиясини ва шу қуролни яратиш учун зарур бўлган барча ресурсларни назорат остига олувчи халқаро орган тузиш, ядро тадқиқотларига доир билимларни ўртоқлашиш таклифи билан чиққан эди-ку! Ушанда Совет Иттифоқи бу таклифга рози бўлмаган эди-ку!» дейишлари мумкин. Президент Рейган ўтган йили Ирландия телевидениесига берган интервьюсида Қўшма Штатларнинг бу таклифини яна бир бор писанда қилиб ўтди.

Гап «Манхэттен лойиҳаси», «Барух плани» устида бормоқда. Масалага ойдинлик киритиш учун хаёлан иккинчи жаҳон уруши йилларига қайтайлик. Қўшма Штатлар атом қуролини яратиш йўлида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини, яъни «Манхэттен лойиҳаси»ни гитлерчиларга қарши коалициянинг учинчи аъзоси — Совет Иттифоқидан узоқ вақт яшириб келди. Бундан кўзланган мақсад — урушдан кейин бу қурол ёрдамида СССР ва бошқа мамлакатларга тазийқ ўтказиш эди.

Америкаликлар атом энергияси ва ресурсларини назорат қилувчи халқаро орган тузиш таклифи билан чиққанлари рост. Аммо, бу таклифда атом парчаланиши сирларини ошкор эмас, атом қуролига тааллуқли хомашё запасларига доир барча ахборотларни қўлга киритиш, бунинг учун эса, исталган мамлакат территориясидан ҳеч бир қаршиликсиз фойдаланиш, қисқаси, атом қуролининг ягона ҳўжайини бўлиш иштиёқи олға сурилган эди. «Барух плани»га кўра:

— атом саноати (илмий-тадқиқот лабораториялари, синов полигонлари) ва шу қуролга тааллуқли хомашё омборлари асосан АҚШ территориясида, америкаликлар таъсиринда бўлган бошқа баъзи мамлакатларда жойлаштирилиши;

— Совет Иттифоқини ҳамда АҚШ учун «номақбул» бўлган бошқа мамлакатларни атом энергиясидан нафақатгина мудофаа мақсадларида, ҳатто экономика эҳтиёжлари учун ҳам фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;

— АҚШ ҳарбий атом саноати устидан умуман назорат ўрнатилишига йўл қўймаслик, айни пайтда, атом қуролини ишлаб чиқариш ва уни сақлашни тақиқловчи барча талабларни йўққа чиқариш;

— ер юзидаги барча атом хомашёси запасларини эгаллаб олиш учун Қўшма Штатларнинг халқаро ҳуқуқ асосларини (!) вужудга келтириш лозим эди.

Кўришиб турибдики, Қўшма Штатлар ўша йиллариёқ атом қуроли ёрдамида дунёни ларзага солишни, дунёнинг исталган районини назорат остига олишни хаёл қилганлар. Ядро қуролини яратиш бўйича тадқиқот ишларининг бошлиғи генерал Лесли Гровс 1947 йилнинг октябрида «Руслар атом қуролини яратгунларича орадан 15—20 йил ўтади», дея мамнун бўлиб кўкрагига урган эди.

Бундай бўлгани йўқ. Совет фан-техникасининг ажойиб муваффақияти туфайли, орадан икки йил ўтар-ўтмас, бундай хомашёларга нуқта қўйилди.

«Барух плани» бундан ташқари Совет Иттифоқидан атом энергиясига оид илмий-тадқиқот ишларини тўхтатишни, уран, торий запасларини ошкор этишни ҳам талаб этар эди. Шу босдан ҳам бу план инобатга олинмади.

1983 йил охирларида Вашингтон маъмурияти қуролланиш пойгасининг яна бир хавфи даврасини бошлади. Янги ядро ракеталари океанинг у қирғоғидан бу қирғоғига ташиб ўтилиб, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси ва Италия территорияларида жойлаштирила бошланди. Қўшма Штатлар (бу билан ўз иттифоқчиларини гўё ҳимоя остига олаётганликларини исботламоқчи бўлдилар.

Вазиятнинг мана шундай қалтислигига қарамай, Совет Иттифоқи вазилиги, дошизмандлик билан узоқни ўйлаб иш қилди. Тинчлик либосига ўралиб Европага мажбуран тикширтилаётган «Першинг—2» ва қанотли ракеталар икки ўртадаги ҳарбий тенгликни НАТО фойдасига кескин ўзгартириб юборган экан, уни қайта тиклаш учун нима қилиш зарур ва лозим бўлса, жавоб чоралари сифатида фақат шуни қилди холос. Бу билан биз энг аввало ўзимизга нисбатан бошқа бировларнинг устунликка эришувига асло йўл қўймайлигимизни, устунликка эришиш нияти Совет Иттифоқи учун мутлақо ёт эканлигини, моддий бойликларимиз бизни тиз чўктирмоқчи бўлган жанобларнинг хомхаёлларини ўз вақтида чиппака чиқара олишини кўрсатдик.

Имкониятларимиз жуда катта. Яшаш ширимиз, кураш йўлимиз, ҳаёт тарзимиз ва эътиқодимиз, ҳар биримиз учун бениҳоя азиз бўлган Тинчлик туйғуси, бу туйғунинг ҳар қандай шароитларда ҳам кўз қорачиғидек асрашга шайлигимиз шундай дейишимизга, деганда ҳам баралла овоз билан айтишимизга асос бўла олади.

Инсоният тарихининг сўнгги икки қирғинбаротини ўз елкасида кўтарган Европа халқи, уруш жафоларини бошидан кечирган, жароҳатлари азобида ҳамон изтироб чекаётган қитъадошларимиз бунинг яхши тушунадилар. Улар қуролларни кўпайиши тинчликка олиб бормаслигини, қурол омборлари кўпая борган сари ёнғин чиқиши, тамомила кўйиб қўлиб эҳтимоли кучайишини яхши англаган ҳолда Қўшма Штатларнинг «бўлажак ядро урушида қарши зарбадан четда қолиш, аниқроғи, бу зарбани европаликлар устига юклаш» ниятларини фош этмоқдалар.

Америка халқи президент Рейган маъмуриятининг «Совет хавфи» тўғрисидаги айюҳанносларини хўп тинглади. Рост шекилли, дея иккиланганлар, рост ҳам гапми, аниқ, дея ваҳимага тушганлар, ҳатто эҳтиёт чораларини кўриб қўйганлар ҳам бўлди. Ҳозир ҳам бор. АҚШнинг сўнгги икки маъмурияти ташқи сиёсатимизни, ниятларимизни бузиб кўрсатишга ўзига хос рекорд ўрнатишди. Совет Иттифоқини «дунёдаги барча ёмон ишларнинг ташаббускори, ёвузликлар империяси» деб аташгача бориб етишди. Қўшма Штатлар тинчликсевару биз босқинчи эмишимиз. Оқ уйнинг саховати билан жуда кўп халқлар бахт-саодатга эришаётган эмишлару Москванинг қўли билан турли хил ёвузликлар, тўнтаришлар, қон тўкишлар содир бўлаётганмиш.

Буржуа матбуоти ҳам узоқ йиллар давомида қўлоқларни қоматга келтирди: «Бўлажак уруш — муқаррар. Совет Иттифоқи бу урушга шай бўлиб турибди. Биз ҳам шайлишимиз керак». Яна: «Айтинг-чи, русларнинг қўлида қўл бўлиб яшашни афзал кўрасизми ёки ҳалок бўлишними!» Маккорона савол. Гап асли нима устида бораётганлигидан унча воқиф бўлмаган баъзи кишилар ваҳимага тушиб, «Қўл бўлгандан кўра ядро урушида кўйиб қўл бўлган яхши», деб жавоб қайтардилар.

Расмий доиралар дарҳол «фатво» беришди, аниқроғи, аввалдан тайёрлаб қўйилган ҳулоса эълон қилинди: «Кўр-яписизки, кўпчилик ядро уруши тарафдори, демак, биз бу йўлдаги амалий ҳаракатларимизни асло тўхтатмаслигимиз керак».

Қуролланиш пойгаси шу даражага етдики, энди унга бу зил-замбил юкдан ҳансираб қолган она-замин ҳам торлик қилиб қолди. Жаҳон империализмининг қурол омборига айланган Европа — тор, Диего-гарсия ороли — тор, Гуам, Гуантанамо — тор, денгиз сувлари, беҳудуд океанларнинг усти ва ости — тор. Нима қилиш керак! Ўзлари савол бериб ўзлари

жавоб қайтаришди: «Қуролларни космик фазода ҳам жойлаштириш керак. Самовий урушлар — тинчликка эришишнинг энг самарали йўли».

Худди шу ерга келганда оқил одамлар ўйланиб қолдилар. Жамоатчилик оёққа турди. Йўқ, бу ёнғин чидаб бўлмайди. Бу қалтис ҳаракатларнинг ҳалокатли оқибатлари — бутун ер юзини ядро оловида қоврилган култепа ва харобалар маконига айлантириш хавфи шундоққина кўриниб турган экан, ортиқ чидаб бўлмайди. Бордию ёнғин чиқадиган бўлса, бу — урушларнинггина эмас, балки ёнғинларнинг ҳам сўнгини бўлиши аниқ. Ядро қуроллари проблемалари билан шўғулланувчи халқаро жамоатчилик трибунасининг эътирофича, бордию ҳозир ҳукм сураётган қуролланиш пойгаси давом этаверадиган бўлса, ҳарбий стратегия ўзгармаса, келажакнинг қайсидир бир босқичида ядровий можаро муқаррар бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай можаро инсониятни тўла ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Вазиятнинг мана шундай таҳликали ҳолати бундан буён бамайлихотир туриш мумкин эмаслигини, ўзини тинчликсевар деб биладиган ҳар бир киши қайси система, қайси миллатга мансублиги, сиёсий ёки диний эътиқодидан қатъий назар, майдонга чиқиши, қуролланиш пойгасининг йўлини тўсиши, мусаффо осмонимизни бундай пойга оқибатларидан асраши лозимлигини тақозо этмоқда. Ядровий воситалардан тортиб то энг оддий қурол-яроғларгача, сўнгги милтик, сўнгги ўқ доналаригача, токи улар инсон ҳаётига зомин бўлишлари мумкин экан — ҳамма-ҳаммаси қатъий назорат остига олинмиши, жиловланиши, омборларда чируттилиши, чеклаш, қамайтиришлар ҳисобига бора-бора тамомила йўқ қилиб ташланиши лозим.

Совет Иттифоқининг мақсади — мана шу! Олимлар, мутахассислар, врачлар, жамоат арбобларининг фикри-хулосаси шу! Оналарнинг талаби, болаларнинг орзуси ҳам шу! Бугун бутун инсоният шу талаб билан яшамоқда.

1984 йил охирида бу талаб янада кескин тус олди. Ядро фалокати хавфи инсоният тақдирини ҳали ҳеч қачон бу қадар даҳшатли исқанжага олмаган эди. Утаётган ҳар бир кун, бой берилётган ҳар бир дақиқа ғанимат. Ҳозирча вақт, имкон бор экан, ёпирилиб келаётган ажал кўланкасини бартараф этиш зарур. У нечоғли ваҳимали, тажовузкор бўлмасин, тинчлик кучлари, тинчлик истаги олдида таълим бўлиши шубҳасиздир.

Жаҳон халқлари янги йил оstonасига шу сўзлар билан қадам қўйишди. Йил бошида Женевада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. Громиконинг АҚШ Давлат секретари Ж. Шульц билан учрашувлари бўлиб ўтди. Жаҳон матбуоти, таниқли давлат ва жамоат арбоблари Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги мулоқотларнинг тикланишини мамнуният билан кутиб олдилар.

Вужудга келган ҳозирги вазият қурол-яроғларни қисқартириш, қуролсизланишдан бошқа йўл йўқлигини, сиёсий ҳушёрлик зарурлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳушёрликнинг йўқлиги Европа учун ғоят қимматга тушганлиги сир эмас. Агар Европа халқлари ва ҳукуматлари Совет Иттифоқи қилганидек, Гитлернинг босқинчилик даъволарига коллектив бўлиб қарши чиққанларида бу урушнинг олдини олиш мумкин эди.

Қурол тоғлари билан ёнма-ён яшаш инсониятнинг жонига теғди. Ядро омборлари, улкан аслаҳоналар мавжуд экан, тинч, беҳавотир турмушни орзу қилиб бўлмайди. Омборхоналар, синов майдонлари ўрнида гуллар очилишини, бошоқлар дон олишини истаймиз. Қурол борки, ҳамма-ҳаммаси йўқ қилиниши керак! Ҳамма жойда ва баб-бараварига! Замин неъматлари, тафаккур мевалари ёқиш-ёндиришга эмас, фароғат ва адолатга хизмат қилмоғи лозим. Уруш, наинки ҳаракат, ҳатто сўз сифатида ҳам тасаввуримизни тарк этсин! Токи, келажак авлод, шоир таъкидлаганидек, тарих китобида жанг суратини кўриб, ҳайратдан қотиб қолсин.



АГАР ЗАРУР

ШАРОИТ

ЯРАТИЛСА...

Журналимизнинг 1-сониди (1985 йил) «Йўл бўлсин,

йигит?» номли мақола ўқувчилар ҳукмига ҳавола

қилинган эди.

Редакциямиз мақола юзасидан кўплаб

хат олди. Журналхонларимиз ҳунар-техника

билим юртларига муносиб ёшларни жалб этиш ва етук

ишчи ворислари тайёрлаш масаласи бўйича баҳс

юритадилар. Куйида шу

хатларнинг иккитаси билан танишасиз.



ш ишчилар саноат корхоналаригагина эмас, қишлоқ хўжалигига ҳам ниҳоятда зарур. Чунки ҳамма ишни кадрлар ҳал қилиши барчага маълум. Н. Боқиевнинг «Йўл бўлсин, йигит!» мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мақолада долзарб масалалар қаламга олинган.

Районимизда учта ҳунар-техника билим юрти мавжуд. Уларда ўқиётган болалар ўн бешдан зиёд турдаги касбларни ўрганишмоқда. Ҳар йили юзларча йигит-қиз ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларига юборилади. Сиртдан қараганда ишлар жуда ҳам яхшига ўхшайди. Айниқса, миқдорга эътибор берсак шундай туюлади. Аммо сифат-чи! Битирувчиларнинг маънавий-ахлоқий томонлари-чи! Танлаган касбларига бўлган қизиқишлари-чи!

Дарҳақиқат, мақола муаллифи айтганидек, ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиларининг «Бизга дордан қочганлар келади», дея ўзларини оқлашлари ҳамма жойда бор касаллик. Бу шунчаки лоқайдликнинг бир кўриниши, албатта. Шу ўринда мен мақолага кирмай қолган айрим масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман. Билим юртларида ўргатилаётган ихтисослар тўғрисида икки оғиз сўз: ўқув даргоҳининг қаерда жойлашганига — шаҳар ёки қишлоқдалигига, ишлаб чиқаришнинг қайси соҳаси кўпроқ ривожланганлигига қараб касб ўргатилса айни муддао бўлар эди.

Масалан, Комсомолобод райони Марказий Фарғона чўлларида ташкил этилганига ўн йил бўлди. Аҳолиси ҳам унчалик кўп эмас: йигирма олти минг. Чўлда йилига 16 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажариляпти. Шунинг учун ҳам ёшт терувчилар, бўёқчилар, сувоқчилар, бетончилар, дурадгорлар, сув хўжалиги ва сут-товар фермалари учун малакали мутахассислар етишмайди. Уларни бошқа жойлардан олиб келиш, олиб бориб қўйиш учун ўнлаб автобус ва бошқа транспорт воситалари овора. Беҳуда сарфланган маблағлар-чи! Шундай бўлишига қарамай, райондаги ҳунар-техника билим юртларида бичувчи, тикувчи, радио-телевизорларни ремонт қилувчи усталару сотувчи, ошпаз ва қандолатчилар тайёрланади. Бу касбдаги кадрлар учун районимизда талаб кам. Ҳатто, иккита билим юртининг «профили» деярли бир хил. Савияси эса...

— Урганаётган касбинг ўзингга ёқадими! — деб сўраймиз билим юрти талабаси Рустамжондан.

— Йўқ! Экскаваторчи бўлмоқчи эдим, дадам унамади. Савдода ишлаш яхши эмиш. Шунинг учун сотувчиликка ўқияпман...

— Сизларга ҳар йили билим юртини битирганлардан неча киши ишга келади! — деб сўрадик район «Зангори экран» ательеси бошлиғи Р. Нишоновдан.

— Аввало бизнинг тармоқ унчалик катта эмас. Жами ўнга яқин ходим ишлайди. 1982 йили билим юртини битириб, икки киши келган эди. Ишни эплай олмай кетиб қолишди.

— Нера!

— Чунки энг содда радиоприёмникни ҳам тузатишни билишмади. Бу ҳақда 15-ҳунар-техника билим юрти дирекциясига айтганмиз.

— Бизларга келган бичувчию тикувчилардан икки киши ишлаб қолди, холос, — дея суҳбатга қўшилди аҳолига маиший хизмат кўрсатиш район бирлашмасининг бош бухгалтери И. Орипов.

Кетиб қолганларнинг барчаси «эплай олмаган». Айб кимда! Билим юртидами, ўқувчидами ёки ташкилотдами! Аввало, билим юртларидаги таълим-тарбия жараёнларида камчиликлар бор. Уқув жараёнлари талаб даражасида эмас. Бугунги талаба эртага малакали ишчи бўлиши керак-ку!

— Машғулотларга нега қатнашмаяпсизлар! — деб сўраймиз кўчада писта қақиб турган талабалардан.

— Зерикарли...

Билим юртларига қабул вақтлари рангли плакатлар чиқарилади. Афишада турли спорт тўгараклари, бадий ҳаваскорлик

ансамбллари борлиги, хар хил маданий-маиший тадбирлар ўтказилаётган жараёнлар фотолавларда «кўз-кўз» қилинади. Хўш, кейин-чи!.. Кечагина мактаб партасида ўтирган ўқувчи «Зўр билим юрти экан», деб ҳужжат топширади. Кейин... алданганлигини тушунади. Уқув даргоҳида плакатдаги нарсаларнинг лоақал изини ҳам кўрмайди. Ҳафсаласи пир бўлиб, ўқишдан, касб ўрганишдан кўнгли совийди.

«Йўл бўлсин, йигит!» мақоласида шундай деб ёзилади: «Республикамиз ишчи кучи ресурсларига ниҳоятда бой. Фақат уларни йўналтира билишимиз зарур. Бизнингча, бу улкан ишнинг дастлабки босқичи сифатида ўқувчиларнинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда махсус гуруҳларга ажратиб ўқишти тажрибасини синая кўриш лозим, шекилли». Ҳамда буни ўрта мактабларда амалга ошириш зарурлиги таъкидланади.

Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки мактаб программаларини ўзгартиргунча, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ҳамда базавий корхоналар ишини такомиллаштириш осонроқ. Агар билим юртлари улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатса, янада яхши бўлади. Қолаверса, билим юрти инженер-педагоглари мактабларда тез-тез бўлиб туришса, машҳур ишчилар тўғрисида сўзлаб беришса ўқувчиларнинг бирор касбга бўлган қизиқиши янада ортарди, албатта.

Маълумки, талабалар амалий машғулот ўтказиш учун корхона, ташкилот ва хўжаликларга юборилади.

— Практикада нима иш қилдинг! — деб сўрайман 24-хунар-

техника билим юртининг ошпазлик бўлими ўқувчиси Н. Қодировдан.

— Ҳар хил ишларни. Асосан, картошка, пиёз тозаладик. Қозон бошига эса яқинлаштиришмади.

Менимча, ишлаб чиқариш таълими мутасаддилари ўз шогирдларидан хабар олиб туришса, аҳвол бошқача бўлар эди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Хунар-техника таълими системасини янада ривожлантириш ва малакали ишчи кадрлар тайёрлашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида кўрсатилганидек, «Инженер-педагог коллективларнинг, хунар-техника таълими барча ходимларнинг куч-ғайратлари ўқувчилар чуқур ва мустаҳкам илмларни эгаллаб олишларига, уларда ҳозирги замон иқтисодий тафаккурни, юксак профессионал маҳоратни, меҳнатга ижодий муносабатни ҳосил қилишга қаратилиши керак».

Ҳаммага аёнки, мутлақо қобилиятсиз болалар бўлмайди. Бу композитор Д. Кабалаевский ва машҳур расом Б. Неменскийлар олиб борган тажрибалардан маълум. Усмирларни касбларга ўргатиш мураккаб муаммо эмас. Агар зарур шарт-шароит яратиб берилса, йигит-қизлар касбларни муваффақиятли эгаллаб олишлари мумкин.

Ғуломжон ҚУЗИБОВ,
«Комсомолобод тонги» газетасининг
ҳодими

Мувозанат



озирги пайтда кўнгилга ёқадиган касб танлашнинг қанчалик муҳимлиги ҳаммага аён. Бу — биринчи галда ёшларга тааллуқли. Негаки, инсон келажаги, унинг ҳаётдаги ўрни кишидаги потенциал имкониятларнинг нечоғлик рўёбга чиқиши билан бевосита боғлиқ. Одам ёши бир жойга боргач, Василий Шукшиннинг оварс қаҳрамонидай: «Сиз гўё шу ҳаётнинг хўжалиғига ўхшайсиз. Мен бундай яшолмадим», дея атанг қилмаслиги учун ёш авлоддаги яширин қобилиятни юзага чиқариш ва уни асосий ўзанга буриб юбориш керак. Шу маънода «Йўл бўлсин, йигит!» мақоласининг муаллифи ҳақ, албатта. Лекин «Қандай қилиб!», деган ўринли савол тўғрисида... Биз баҳоли қудрат ана шу масала устида тўхталмоқчимиз.

Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўзини чирт юмиб, таваккалига касб танлаган ишчилар ҳар уч-беш йилда ўз соҳасини «янгилаб» турар экан. Қизиги шундаки, «янгилик тарафдорларининг кўпчилигини ёшлар ташкил этаркан. Ҳа, кейинги вақтларда «кадрлар кўнимсизлиги — ёшлар проблемаси» деб тез-тез тасвирланаётгани бежиз эмас. Айни замонда ёш ишчи кадрларни тарбиялаш ва уларни жой-жойига қўйиш масаласи газета-журналлару илмий конференцияларда қизгин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Қисқаси, кенг жамоатчилик ёшларнинг тақдири ҳақида жиддий қайғуряпти. Айниқса, Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат комитети қошида ташкил этилган Касб консультацияси ва касб танлашга оид тегишли йўл-йўриқлар берадиган бўлим [гоҳо кабинет ҳам дейишди] ишлари диққатга сазовор. Кабинетнинг иш усули қуйидагича: айтилик, еттинчи-саккизинчи синф ўқувчилари ёки ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги ўсмирлар хонага кириб келишади. Икки-уч соат давомида ҳар бир ўсмир билан фақат уни қизиқтирадиган соҳа ҳақида сўхбат олиб борилади. Масалан, тошкентлик Анвар исмили йигитчага қуйидаги савол билан мурожаат қилинди:

— Қани, айтинг-чи, келажакда ким бўлмоқчисиз!
— Журналист! — деди у ўйлаб-нетиб ўтирмай.
— Нима учун журналист бўлмоқчисиз!
— Чунки журналист Ҳиндистонга бориши мумкин... Эйфель минорасини кўриши мумкин...
— ...Жарроҳ бўлишни истайман! — дейди Муҳаббат исмили ушоқина қизча.

Бошқа бир қизчанинг жавоби ҳаммасидан ўтиб тушди.
— Нилуфар, сиз ким бўлмоқчисиз!
— Машинистка, — деди у уялибгина.
— Машинистка!!
— Ҳа.
— Нима учун!
— Чунки... — у «қулт» этиб ютинади. — Эмиль Золя ўзининг машинисткасини севиб қолган эди.

— Достоевский ҳам машинистка қизга уйланган...
— Ана, кўрдингизми: ёзувчилар фақат машинисткаларни яхши кўришади!..

Кўриниб турибдики, одатда ўсмир ёшлар у ёки бу касб ҳақида жуда ҳам юзаки тасаввурга эга бўладилар, холос. Улар кўпинча китобу кинолардаги қаҳрамонларга, қулоқларига «чиройли» эшитилган сўзларга («Эмиль Золя!») сирдан маҳлиё бўлиб қурдилар.

Таниқли педагог А. С. Макаренко: «...бизнинг давримизда касб танлаш инқилобдан аввалги замонга нисбатан анча мушкул. Чунки, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг асосий «камчилиги» — жабҳаларнинг хилма-хиллиғию имкониятларнинг тўқислиғидир», деган эди. Дарҳақиқат, биз «космик эра»да яшаёпмиз. Одамнинг ақлини шоширадиган қашфиёتلар шунчалар кўпки, ҳатто касб танлашга ҳам вақт етмай қолиши ҳеч гап эмас! Бизга, республикамиздаги кўпгина мактабларда ишлаб чиқариш ўқув комбинатлари мавжуд-ку, ўқувчилар мактаб партасидан ажралмаёқ бирон-бир хунарни ўрганиши мумкин, дея эътироз қилишар балки!

Хўш, у ерларга ўқувчилар қандай жалб қилинади!
Кўпинча мана бундай: «IX «а» — шофёрликка, IX «б» — слесарликка, IX «в» — боғбонликка боради. Гап тамом!
— Директор бова, IX «г» қаерга борсин! — деб сўрайди мазкур синфнинг раҳбари қатордан қолганига ўқсиниб.
— IX «г» қолдим!.. Стадионга ҳайданг! Бизга «Пахтакор»ни олий лигага олиб чиқадиган зўр-зўр футболчилар ҳам керак-ку!»

Ўз-ўзидан равшанки, бундай «метод» билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Қанчадан-қанча давлат маблағи кўпка соврилади, ўқувчиларнинг вақти беҳуда исроф бўлади, холос. Устига-устак, ўқувчилар қалбда кўзбўямачиликка майл уйғонади. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб юриб яшаса ҳам бўлар экан-да, деган тушунчалар мурғак юракларни осонликча ром этиши мумкин. Қуш уясида кўрганини қилади.

Хуллас, ҳар қандай шахсий манфаатни онгли равишда ижтимоий манфаатга бўйсундириш, юксак идеаллар йўлида маҳдуд майлу истаклардан кечиб пайти келди. Зотан, йигирма миллион инсон Ватанимиз учун, порлоқ келажакимиз учун ўзларининг орзу-армонларини ширин жонларини фидо қилган эканлар, биз ҳам муқаддас юртимизнинг муносиб фарзанди бўлайлик. Машҳур шоиримиз Ғафур Ғулом каломи билан айтганда:

«Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,
Билиб қўйки, сени Ватан кутади!»

Людмила ЕРШОВА

АВТОРЛАРИМИЗ

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ. Наманган областида туғилган. А. Островский номидаги Театр ва рассомлик санъати институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ҳажвий ҳикоялари республика матбуотида кўплаб эълон қилинган.

Еқутхон АКРАМОВА. ТошДУнинг журналистика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. Ҳикоялари вақтли матбуотда эълон қилинган. Ўзбекистон радиосининг «Ёшлик» студиясида редактор.

Мирза КЕНЖАБОВЕВ. 1956 йили Сурхондарё областининг Сариосиё

районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини тамомлаган. «Мактубларим», «Қуёшга қараган уй» шеърый китобларининг муаллифи. Гафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлайди. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

Саъдулла СИЕЕВ. Чимкент область, Туркистон районидаги Қарноқ қишлоғида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Унга яқин қисса ва ҳикоялар тўпламининг муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

АВТОРЛАРИМИЗ

«Ёшлик» («Молодость») —
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом Ҳ. СОЛИҲОВ
Техник редактор: В. УРУСОВА
Корректор: М. НАБИЕВА
Журнал макетини М. ОВСЯННИКОВ тузган

Адресимиз: 700000, Тошкент—П,
Телефонлар:
Бош редактор — 32-26-01
Бош редактор ўринбосари — 32-26-06
Масъул секретарь — 32-56-27
Поэзия бўлими — 32-56-41

Редакция ҳажми 12 босма листдан
ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд
қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.
Бир босма листгача бўлган асарлар
авторларига қайтарилмайди. Редакция
ўз тавсиясига кўра амалга оширилган
таржима асарлар қўлёзмаларининг
қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш-
лик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 27.02.85 й. да туширилди.
Босишга 2.04.85 й. да рухсат берилди.
Р—13675. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма
листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6.
Тиражи 201083 нусха. Буюртма № 272. Ба-
ҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-
тети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси.
Тошкент, 700029, «Правда Востока» кўчаси,
26



Лайлак келди...

Э. БОТИРОВ фотоэтюди

© «ЁШЛИК», № 4, 1985.
«Ёш гвардия» нашриёти.